

**МИРАЗИЗ МИРТОЖИЕВ
САОДАТ МУҲАМЕДОВА**

ЎЗБЕК ТИЛИДА СЎЗ ВАЛЕНТЛИКЛАРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**МИРАЗИЗ МИРТОЖИЕВ
САОДАТ МУҲАМЕДОВА**

ЎЗБЕК ТИЛИДА СЎЗ ВАЛЕНТЛИКЛАРИ

ТОШКЕНТ –2014

Маълумки, дунё тилшунослиги, хусусан, ўзбек тилшунослигида асосан феъл валентлиги чуқур ишланган ва бу борада кўплаб изчил тадқиқотлар яратилган. Аммо феълдан бошқа сўз туркумларининг валентлигини текшириш кун тартибидаги энг долзарб масаладир. Шунга кўра муаллифлар ушбу тадқиқотда ўзбек тилидаги сўз валентликларини ўрганишни мақсад қилганлар. Монография гарчи ўзбек тилидаги сўз валентликларини тадқиқ қилишга бағишланган бўлса-да, унда дунё тилшунослигида валентлик назариясининг тараққиёти масалалари ҳам кўриб чиқилган, зеро бу маълумотлар валентлик бўйича изланиш олиб борувчилар учун жуда зарур.

Монографияда от, сифат, сон, олмош, равиш, ёрдамчи сўзлар валентлиги ҳақидаги дастлабки маълумотлар илмий жамоатчиликка биринчи бор тақдим этилмоқда.

Монография тилшунослик илмига қизиқувчилар ва изланувчиларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Филология фанлари доктори, профессор
Равшанхўжа Расулов

Такризчилар:

Филол. фан. доктори, проф.Х.Дадабоев
Филол. фан. доктори, проф.И.Йўлдошев

**ТДПУ Илмий кенгашининг 2010 йил 29 декабрдаги 6-сонли қарорига
кўра нашрга тавсия этилган**

СЎЗБОШИ

Валентлик назариясининг бугунги тилшуносликда оммалашувининг ўзига хос сабаблари бор. Биринчидан, ушбу назариянинг тараққиётига тилнинг барча ҳодисаларига нисбатан систем ёндашув таъсир қилди. Тил бирликларининг ўзаро боғланиши, уларнинг бирикув имкониятлари тасодифий, носистем бўлиши мумкин эмас. Иккинчидан, синтагматикага, элементларнинг ёнма-ён жойлашувига бўлган эътибор ушбу имкониятлар қонуниятларини ўрганиш учун туртки бўлди. Шунингдек, коммуникация жараёнидаги элементларнинг ҳар қандай бирикуви тил қатламларининг ўзаро таъсирини талаб қилади. Яъни валентликни ўрганиш бу тил қатламларининг ўзаро мураккаб «тўқнашувини», уларнинг қайси нуқтада бирлашуви ва кесишувини излаш билан мутаносибдир. Шу тариқа, валентлик назарияси ҳозирги тилшуносликнинг етакчи назарияларидан бирига айланди. Валентлик назарияси тилларни ўқитиш методикасида ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Шу сабабли, валентлик назарияси умумий лингвистик назария сифатида ҳам, чет тилларни ўқитиш ва ўрганиш методикаси сифатида ҳам мутахассисларнинг диққат марказида бўлиб келган. Шунга кўра валентлик назариясига оид тадқиқотлар ҳамон ўз долзарблигини сақлаб келмоқда.

Мазкур монографияда ўзбек тилида сўзнинг семантик валентликлари ёритилди. Маълумки, дунё тилшунослиги, хусусан, ўзбек тилшунослигида асосан феъл валентлиги чуқур ишланган ва бу борада кўплаб изчил тадқиқотлар яратилган. Аммо феълдан бошқа сўз туркумларининг валентлигини текшириш кун тартибидаги энг долзарб масаладир. Шунга кўра муаллифлар ушбу тадқиқотда ўзбек тилидаги барча туркумларга хос сўз валентликларини ўрганишни мақсад қилганлар. Монография гарчи ўзбек тилидаги сўз валентликларини тадқиқ қилишга бағишланган бўлса-да, унда дунё тилшунослигида валентлик назариясининг тараққиёти масалалари ҳам ёритилди, чунки бу маълумотлар валентлик бўйича изланиш олиб борувчилар учун жуда зарур.

Монография бу соҳадаги дастлабки иш бўлганлиги сабабли муаллифлар у юзасидан билдирилган барча фикрларни мамнуният билан қабул қиладилар.

Кириш

Валентлик назариясининг ўрганилиши

Валентлик термини лотинча *valentia* сўзидан олинган бўлиб, «кувват», «куч» деган маънони беради.¹ Валентлик кўп олимлар томонидан тил бирликларининг ўзаро бирикиш имконияти сифатида тан олиншига қарамай, айти тушунча тилшуносликда турлича талқин қилинади. Хусусан, И.Г.Ольшанский валентликни тил ҳодисаларининг имконияти деб ҳисоблаган ҳолда бирикув валентликнинг синтагматик ифодаланиши эканлигини таъкидлайди.² С.Д.Кацнельсон валентлик ва бирикувни синонимлар сифатида талқин қилади.³ В.Г. Адмони рус тилидаги «бирикув» терминини ишлатган ҳолда «сўз даража ва шакллариининг зарурий бирикуви» ёйиқ синтактик бирликларнинг ташкил бўлишида муҳим роль ўйнашини таъкидлайди.⁴ Б.А.Абрамов «валентлик» терминини ҳар қандай қатнашувчилар сонининг характеристикаси сифатида тан олиб, уларнинг семантик хусусиятларини «семантик танлаш имконияти» деб номлайди.⁵ И.Эрбен «Wertigkeit» (имконият) терминини «Valenz» (валентлик) терминига тенглаштиради.⁶ Г.Хельбиг ўзининг дастлабки ишларида «валентлик» термини остида феъл актантиларининг сонини тушунади, феълнинг морфологик ва семантик қуршовини «дистрибуция» термини билан белгилайди, бошқа сўз туркумларининг бирикув имкониятини эса «қўшилув имконияти» деб аташни таклиф қилади (Fügungs - potenz).⁷

И.Кўчқортоев «Сўз валентлиги ҳақида» номли мақоласида: «...сўз валентлиги сўз маъносининг нутқда реаллашуви натижаси экан, валентликка сўз маъносининг ўзига хос хусусиятларни кўрсатувчи объектив далил сифатида қараш лозим. Сўз маъноси-идеал ҳодиса. Уни бевосита кузатиш мумкин эмас. Валентлик эса материал ҳодиса. Сўз валентлигини бевосита кузатиш, яъни ўрганилаётган сўзга бирикиб келган сўзларни қоғозга ёзиб, ўзаро таққослаш, группалаш мумкин. Бу чиқариладиган хулосанинг объективлигини таъминлайди»,-деб ёзади.⁸

Кўринадики, И.Кўчқортоев сўз валентлиги тушунчасига кузатиш мумкин бўлган материал ҳодиса сифатида ёндашади. Шунингдек, сўз

¹ Қаранг: Нурмонов А., Йўлдошев Б. Тилшунослик ва табиий фанлар. –Тошкент: Шарк, 2001.

² Ольшанский И.Г. Парные сочетания слов современного немецкого языка. Автореф. дис... канд. филол. наук. -М., 1966, с.17.

³ Кацнельсон С.Д. Историко-грамматическое исследование. –М.-Л., 1949. –С.63-64.

⁴ Адмони В.Г. Основы теории грамматики. –М.-Л., 1964, с.25.

⁵ Абрамов Б.А. Синтаксические потенции глагола (в сопоставлении с потенциями других частей речи) // Филологические науки. 1966. №3. –С.35-41.

⁶ Erben J. Abriß der deutschen Grammatik. –Berlin. 1965. –S.231-236.

⁷ Helbig G., Schenkel W. Wörterbuch zur Valenz und Distribution deutschen Verben. –Leipzig. 1969.

⁸ Кўчқортоев И. Сўз валентлиги ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 1973. 3-сон, 38-б.

валентлигини ўрганиш унинг маъносини тўлиқ ёритишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлайди.

Р.Расулов монографиясида валентликка ўзига хос таъриф беради: “Валентлик-ички имконият, потенция бўлса, синтактик алоқа унинг воқе бўлишидир. Валентлик-тил ҳодисаси бўлса, синтактик алоқа нутқ ҳодисасидир. Валентлик - моҳият бўлса, синтактик алоқа ҳодисадир. Валентлик-умумийлик бўлса, синтактик алоқа хусусийликдир. Валентлик - сабаб бўлса, синтактик алоқа натижадир”.¹ Демак, валентлик лисоний, синтактик алоқа эса нутқий ҳодиса сифатида қаралади. Бизнингча, валентликка берилган таъриф жуда изчил бўлиб, у сўзга – сўз валентлигига субстанциал ёндашув асосида ишлаб чиқилган.

Кўринадики, тилшуносликда валентлик борасида жуда кўп мунозаралар бўлган. Хусусан, маъновий ва синтактик валентликлар устида жиддий баҳслар анча узоқ муддат давом этди. Жумладан, валентликнинг маъновийми, синтактикми деб тилшуносликда мунозараларга сабаб бўлган жиддий масала ечимини ўзбек олими Р.Расулов берди. Олим масалани зотийлик, имкониятли воқелик, лисон-нутқ аспектида қўйиб, сўзнинг маъновий қурилишида яширин имконият сифатида мужассамланган бошқа сўз ва шакллар билан бирикиш қобилияти (лисоний валентлик) сўзнинг сифатларидан бири сифатида, бу имкониятнинг нутқда муайян воқеланиши эса (яъни нутқий валентлик) унинг тажаллиси, моддий шаклда воқеланиши сифатида очиб берди.² Демак, сўз валентлиги субстанциал ҳодиса сифатида бевосита сўзнинг хусусияти, унинг семантик қобилияти экан, бундан мантикий равишда келиб чиқадиган сўзнинг семантик валентлиги сўзга тегишли потенциал семантик имконият бўлиб, унинг лексик маъносидан келиб чиқади.³ Валентлик сўзнинг бошқа тил бирликларидан фарқланишини, алоҳидалигини, аниқлигини кўрсатувчи асосий мезон бўлиб, танлаш имконига эга, у сўзлар орасидаги синтактик алоқани таъминлайди. Яъни сўз валентлиги субстанциал ҳодиса сифатида сўзнинг доимий ички хусусияти бўлиб, бу хусусият нутқ фаолиятида, сўзларнинг ўзаро боғланишида юзага келмайди. У нутққача, яъни тилда — тил «бирлиги» сифатида сўз семантик структурасида мавжуд бўлади, яшайди, юзага чиқишга тайёр имконият тарзида сақланади. Нутқда эса ушбу имконият ҳаракатга келади, намоён бўлади, турли нутқ бирликларида ўзининг аниқ ифодасини топади.⁴ Бинобарин, синтактик алоқадан валентлик келиб чиқмайди, балки валентликдан синтактик алоқа келиб чиқади.

¹ Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. 23-б.

² Нёматов Х., Сайфуллаева Р., Қурбонова М. Ўзбек тилининг структурал синтаксиси асослари. - Тошкент: Университет, 1999, 15-б.

³ Расулов Р. Ҳолат феълларининг ... 54-б.

⁴ Расулов Р., Нарзиева М. Лексикологияни ўрганиш. 18-б.

Бизнингча, валентлик назариясининг тараққиётида икки босқич мавжудлигини таъкидлаб кўрсатиш мумкин:

1. Имплицит босқич (жуда қадимдан то XIX асрнинг охиригача бўлган давр).

2. Эксплицит босқич (XIX аср охиридан шу кунгача бўлган давр).¹

Валентлик назариясининг тараққиёти бу кўринишда бирорта ҳам асарда тадқиқ этилмаганлиги сабабли уларга алоҳида, батафсил тўхталамиз.

Сўзларнинг маъносига кўра муайян грамматик шаклдаги бошқа сўз билан бирикиши қадимги ҳинд, юнон ва араб тилшуносларига ҳам маълум эди. Жуда қадим даврларда шаклланган «бошқарув», «келишик» тушунчалари негизида ҳам, феълларни ўтимли ва ўтимсизларга ажратиш замирида ҳам сўзнинг шу хусусияти ётар эди.²

Айниқса, буни Европа тилшунослигида ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, А.Добиаш «Синтаксис Апполония Дискола» асарида валентлик назариясига оид муҳим нуқтаи назарни илгари суради.³ У қадимги грек олими Апполоний Дисколнинг тилшуносликда қилган ишларини таҳлил қилишда унинг кўп фикрларига ўзининг тамоман хайрихоҳлигини таъкидлайди. У А.Дисколнинг синтаксис семасиология билан ҳамоҳанг бўлиши зарурлиги ҳақидаги фикрига қўшилади. Чунки, А.Дискол сўзларнинг нутқда бирлашиш усули ва, умуман, сўзларнинг ҳар қандай бирикиш қонуниятини очиш ҳамда тушунтиришни синтаксиснинг асосий вазифаси деб билади.⁴ А.Добиаш ўз навбатида, А.Дисколнинг бу фикрига суянган ҳолда шундай хулосага келади: «Сўзни сўз туркумига ажратишда унинг маъноси, ўзига бошқа сўзларни бириктира олиш имконияти энг муҳим мезон бўлиб ҳисобланиши керак».⁵ А.Добиаш валентлик моҳиятини ифода этувчи қуйидаги фикрни илгари суради: «Сўзлар нутқда бир-бири билан ўз маъносига кўра боғланади. А сўзи ўз маъноси билан тўлиқ бўлмаган мазмунни ифодалайди: у ўзида, риёзат тили билан айтганда, а маълумдан ташқари х номаълумни ҳам мужассамлаштиради. Мана шу х В сўзи билан аниқлаштирилиши зарур. Шу тариқа, сўз маъносини аниқлаштиришда унинг бошқа сўзларни ўзига бириктириш имконияти ҳақида унутмаслик зарур».⁶ Кўринадики, А.Добиаш бу фикри билан сўзнинг бирикуви, яъни валентлиги унинг маъноси тўлиқ ёритилишида муҳим роль ўйнашини асослаб берган.

Немис тилшуноси К.Зейдель мақоласида XII-XIII асрларда яшаган грамматист Петр Гелийскийнинг жуда чиройли, образли фикрини келтиради: «...князь қўшинни бошқарганидек, феъл ҳам бош келишикни бошқаради. Феъл гапнинг князидир».⁷

¹ Мухамедова С. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари. Филол.фан.док-ри...дис. –Тошкент, 2007, 164-б.

² Ньёматов Х., Сайфуллаева Р., Қурбонова М. Кўрсатилган асар, 32-б.

³ Виноградов В.В. Синтаксические взгляды профессора А.В.Добиаша // Избранные труды. Исследования по русской грамматике.-М.: Наука, 1975. -С.328.

⁴ Виноградов В.В. Синтаксические взгляды профессора А.В.Добиаша. -С.330.

⁵ Виноградов В.В. Кўрсатилган асар. 338-б.

⁶ Виноградов В.В. Кўрсатилган асар.332-б.

⁷ Seidel K. Aspekte der Verbvalenz in Grammatiken des 12. Bis 17. Jahrhunderts // Valenztheorie und historische Sprachwissenschaft. –Berlin, 1975. –S. 271-289.

XV-XVI асрда яшаб ўтган олим Маттеус Гербен асарида ҳам феълга гапни ташкил қилувчи, ўз валентлигига кўра гап маъносини аниқлаштирувчи сўз туркуми сифатида ёндошилганлиги ҳам мазкур мақолада ёритиб берилган.¹ Шунингдек, К.Зейдель XVI асрдаги айрим немис грамматистлари вербоцентрик ғояни рад этганликлари, аммо кейинчалик, барибир, уни тан олганликлари ҳақида маълумот келтиради.² Бу мақола валентлик ҳодисаси XII-XVI асрда ҳам тилшунослар эътиборида бўлганлигини исботлайди.

С.М.Кибардина мақоласида немис тилшунослари И.В.Мейнер, И.Х.Аделунг, В.Гумбольдт, Г.Бауэр, Ф.Керн, Г.А.Шётензак, Г.Паул, О.Бегагель, Г.Вундерлих асарларида гапнинг вербоцентрик назарияси ғоялари ёритилгани ва валентлик асослари XIX асрда ҳам мавжуд эканлигини кўрсатади.³

В.С.Храковскийнинг мақоласида XIX аср рус тилшунослари Н.И.Греч, В.И.Классовский, М.П.Перевлесский, А.Х.Востоков, А.А.Потебня, Д.И.Овсянко-Куликовский, А.Дмитриевский асарларида вербоцентрик ғоя, унинг натижаси бўлмиш валентлик назарияси куртаклари рўйи-рост мавжуд бўлганлиги таъкидланади.⁴ Хусусан, XIX асрдаги рус тилшунослари вербоцентризм ғояларини бевосита синтаксис билан, яъни феъл билан ифодаланган гап бўлаги - кесим билан боғлайдилар ва асарларида кесимни ягона бош бўлак сифатида талқин қиладилар. XIX аср рус олими П.М.Перевлесскийнинг «эга тобе бўлакдир, кесим эса ҳоким бўлак; чунки кесим гап мазмуни - моҳиятини ташкил қилади ва фикрлаш жараёнининг асосий мақсади ҳамда вазифасини адо этади, яъни хусусийликни умумийлик орқали ифодалаб беради. Шу сабабли, бутун бир гап биргина кесимдан иборат бўлиши мумкин, чунки кўп ҳолатда эга тушириб қолдирилади» каби⁵ фикрларини ўша даврдаги вербоцентрик ғоя тарафдори бўлган И.И.Давидов ва В.И.Классовскийлар фикрига ҳамоҳангдир, деб айтиш мумкин.⁶ Жумладан, вербоцентризм А.Потебня синтактик концепциясининг асосини, мазмун-моҳиятини ташкил қилади. У ёзади: «Энг мустақил гап бўлаги - бу кесим, у бошқа гап бўлақларисиз ҳам гапда қатнашиши мумкин».⁷ А.Потебнянинг вербоцентрик ғоялари унинг шогирди Д.И.Овсянко-Куликовский томонидан давом эттирилган. Унинг «феъл предикативликни ташувчиси, энг ёрқин ифодаловчисидир»,⁸ - деган фикри бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотмаган.

¹ Зейдель К. Кўрсатилган мақола. 273-б.

² Зейдель К. Кўрсатилган мақола, 276-б.

Кибардина С.М. К истокам теории валентности в немецком языкознании XIX века // Грамматические концепции в языкознании XIX века. –Л.: Наука, 1985. –С.181-210.

Храковский В.С. Истоки вербоцентрической концепции предложения в русском языкознании // Вопросы языкознания, 1983. № 3. –С.110-119.

Храковский В.С. Истоки вербоцентрической концепции предложения в рус.языкознании . –С.114.

Храковский В.С. Истоки вербоцентрической концепции предложения в рус.языкознании . –С.115.

⁷ **Потебня А.А.** Из записок по русской грамматике. –М.,1958.

Храковский В.С. Шу асар . –С.115.

А.А.Дмитриевский XIX асрдаёқ кесимни ягона бош бўлак сифатида тан олган.¹ У бир мақоласида шундай ёзади: «Гапда иккита эмас, битта бош бўлак бор. Кесим гапдаги ягона ҳоким, у гап **подшоҳидир**, агар гапда бошқа бўлақлар бўлса, у кесимга тобе ва ўз маъно мазмунини ундан олади».² А.А.Дмитриевский ўз фикрини кўпчилик қўллаб-қувватламаслигини, аммо орадан йиллар ўтгандан кейин ўзининг ҳақ бўлиб чиқишини ҳам айтиб ўтади: «Менинг ишончим комилки, кўплаб педагоглар хали жуда узоқ вақт мобайнида эгани бош бўлак деб билади, майли, уларнинг худо хайрини берсин!» Шунингдек, А.А.Дмитриевский гапни драмага, тўлдирувчини сахна иштирокчисига, ҳолни сахнанинг ўзига ўхшатади. Орадан 100 йил ўтганидан сўнг мазкур ўхшатишдан Л.Теньер ҳам фойдаланади. Бу Л.Теньернинг А.А.Дмитриевский ижоди билан яқиндан танишлигини ва ўз таълимотида унинг фикрларига суянганлигини исботлайди.

Юқорида келтирилган фикрлардан хулоса шуки, тилшуносликда вербоцентризм ғояси ва ундан келиб чиққан валентлик назарияси XX аср ўртасида пайдо бўлмаган, балки унинг илдизи жуда қадим замонларга бориб тақалади.

XIX асрнинг охиридан бошлаб валентлик назариясининг таракқиётидаги эксплицит босқичга асос солинди. Бу босқич учга бўлинади:

1-босқич (XIX асрнинг охири - XX асрнинг 20 йилларигача бўлган давр);

2-босқич (XX асрнинг 30-50 йиллари);

3-босқич (XX асрнинг 50-йилларидан бугунги - XXI асрнинг бошларигача бўлган давр).

1-босқичда немис тилшунослари И.Хейзе ва О.Бехагель асарларида феъллар «абсолют» ва «нисбий» (яъни объектли ва объектсиз) феълларга ажратилганини валентлик тушунчасига мутаносиб «маъно»нинг пайдо бўлиши деб изоҳлаш мумкин.³ 2-босқичда эса валентлик тушунчаси пайдо бўлди. Немис тилшуноси К.Бюлер асарларида бир туркум сўзларининг бошқа туркумдаги сўзларга «очик ўринларни» яратиш имконияти ҳақида ёзади.⁴ Шунингдек, рус тилшуноси А.М.Пешковский асарларида ҳам феъл бошқаруви тўғрисида изчил фикрлар айтилган. Айниқса, бу фикрлар олимнинг «Русский синтаксис в научном освещении» яққол кўзга ташланади.⁵

XX асрнинг 30-йилларида ўзбек олими А.Фитрат ҳам лингвистик тадқиқотларида кесимга алоҳида мавқени ажратади ва гапда нечта тўлдирувчи қатнашиши айнан унга боғлиқлигини таъкидлайди.⁶

¹ Храковский В.С. Шу асар . –С.116.

² Шу мақола. 118-б.

³ Бу ҳақда қаранг: **Deutsche sprache. Kleine Enzyklopädie.**-Leipzig. 1983. VEB Bibliographisches institut. –S.35.

⁴ Бу ҳақда қаранг: **Deutsche sprache. Kleine Enzyklopädie.** –S.35.

⁵ **Пешковский А.М.** Русский синтаксис в научном освещении. 1-ое изд. –М.: Учпедгиз, 1938, 452 с.

⁶ **Қурбонова М.** Фитрат – тилшунос. –Тошкент: Университет, 1996, 12-б.

Валентлик назарияси ривождаги 3-босқич, шубҳасиз, биринчи навбатда француз тилшуноси Л.Теньер билан боғланади. Л.Теньер «валентлик» терминини тилшуносликка олиб кирди, яъни у XX асрнинг 50-йилларида тобелик грамматикаси доирасида валентлик назариясини ишлаб чиқди. Л.Теньер феъл ўз атрофида актантларни қабул қилиш ва ушлаб туриш имкониятини химия фанидаги атомнинг хусусиятига ўхшатади, унга қиёсан бу ходисани **валентлик** деб атайти. Л.Теньер «Структур синтаксис асослари» асарида фикрни ифодалашда валентликка асосланувчи синтактик алоқа жуда муҳим эканлигини таъкидлайди: «Айнан синтактик алоқа гапни тирик организмга айлантиради, унга ҳаётбахш куч беради. Шунинг учун синтактик алоқа тушунчаси структур синтаксиснинг асоси ҳисобланади».¹ Олим ҳар бир гапни кичик бир драмага ўхшатади. Бу драмадаги асосий ҳаракатни феъл, актёрни актант, воқеа содир бўлаётган вазият - ҳолатни сирконстант ифодалайди, деб ҳисоблайди.² Бу ролларни сўз туркумлари ўртасида ўзига хос «таксимлаб» чиқади: актант - от, сирконстант - равиш. Кўринадики, Л.Теньер от билан ифодаланган синтактик эгани гапдаги ўзига хос жойлашишини иккинчи ўринга қўяди ва уни феълга боғлиқ бўлган актантлар қаторига киритади. У мазкур йирик асарнинг биринчи бўлимини, яъни «Г китоби» бўлимини «Валентлик» деб атаган ва француз, немис тилидаги гаплар асосида 1,2,3 валентли феълларни тадқиқ қилган.³ Шу тариқа тилшуносликдаги кўплаб манбаларда валентлик термини Л.Теньер номи боғлаб талқин қилинади. Л.Теньер валентлик тушунчасининг назарий асосини ишлаб чиқиб, уни ҳар томонлама асослаб, ёритиб берди. Аммо валентлик кўп асрлар мобайнида умумий маънода (яъни ҳали аниқлаштирилмаган тушунча ва термин сифатида) грамматикада мавжуд бўлганлиги монографиянинг олдинги саҳифаларида қайд этилди.

Инглиз, француз, немис, рус ва ўзбек тилшуносликларида валентлик ходисасига оид кўплаб монографиялар, мақолалар ёзилган ва ёзилмоқда. Аммо сон жиҳатидан ҳеч қайси тилшуносликда немис тилшунослигидагидек қатор йирик асарлар, бақувват илмий мақолалар ёзилган эмас. Немис тилшунослигида валентлик ходисаси, хусусан, феъл валентлиги жуда чуқур ва ҳар томонлама тадқиқ қилинган. «Немис тили» маркази кутубхонасида валентлик бўйича биз танишган ишларнинг номи эллиқдан ошади. Шунга кўра ишимизда айнан немис тилшуносларининг феъл валентлигига бағишланган асарларига эътибор қаратмоқчимиз. Негаки, уларнинг кўпчилиги ўзбек тилшунослари учун деярли номаълумдир.

Л.Теньер таълимоти немис тилшунослари Г.Бринкман, И.Эрбен, П. Греббе, И.Вейсгербер, В.Шмидт, Г.Хельбиг, шунингдек, рус тилшунослари В.Г.Адмони, М.Д.Степанова, Б.А.Абрамов, Н.И.Филичева, И.С.Раҳмонқуловалар томонидан давом эттирилди.

¹ Теньер Л. Основы структурного синтаксиса. –М.: Прогресс, 1988, с.60.

² Теньер Л. Кўрсатилган асар, 117-б.

³ Теньер Л. Кўрсатилган асар, 250-б.

Тилшуносликда валентлик тушунчасининг пайдо бўлиши немис тилидаги феълларни гуруҳлаштиришнинг янги тамойилларини яратишга сабаб бўлди. Хусусан, немис тилшунослигида феъллар уч типга бўлиб тасниф қилинган. Г.Бринкман феълларни *функционал-семантик*, И.Эрбен *структур*, Б.А.Абрамов ва И.И.Филичевалар *синтактик* тасниф қилишган.

Г.Бринкман валентликка худди Л.Теньердек таъриф беради, у ёзади: «Валентлик феълнинг гапдаги бўш ўринларни тўлдира олиш қобилиятидир».¹ У феъл валентлигини аниқлаштиришга ҳаракат қилар экан, валентлик назарияси учун «феъл кесим билан бирикаётган нутқий элементлар сони эмас, балки характери» муҳим аҳамият касб этишини таъкидлайди. Шунинг учун ҳам Г.Бринкман томонидан қилинган феълларнинг валентлигига кўра таснифида асосий урғу феълнинг функционал-семантик хусусияти ва унинг қуршовига берилган. Ушбу таснифнинг бошқаларидан асосий фарқи ҳам айнан шунда, яъни унда «қатнашувчилар» («Mitspieler») ва «очик ўринлар» («offene Stellen») алоҳида талқин қилинади. «Очик ўрин» тушунчаси «қатнашувчи» тушунчасидан кенгдир. Г.Бринкман «очик ўрин» деб мазкур феъл қуршовидаги от, сифат, равиш билан тўлдирилиши мумкин бўлган ҳар қандай зарурий ўринни тушунади. «Қатнашувчилар» кейинги алоқалар учун очик ўринлардир ва улар гапнинг ички мазмунига таъсир кўрсатади. Биринчи «қатнашувчи» сифатида эга талқин қилинади. Иккинчи «қатнашувчи» ўтимли феъллардаги тушум келишикли тўлдирувчидир. «Wir schreiben einen Brief» гапида агенс ва объект орасида икки томонлама алоқа вужудга келади. Бу алоқанинг икки томонлама характерини Г.Бринкман шаклан исботлайди: бунда актив пассивга ўтади, иккинчи ўрин биринчи «қатнашувчи» га ўтади. 3-қатнашувчи сифатида Г.Бринкман жўналиш келишигига эга бўлган адресатни кўрсатади. Шу тариқа, Г.Бринкман немис тилидаги феълларни 7 гуруҳга бўлиб чиқади: 1) 0 валентли; 2) чегараланган бир валентли; 3) чегараланмаган бир валентли; 4) жўналиш келишикли тўлдирувчи билан кенгайтирилган бир валентли; 5) қаратқич келишикли аниқловчи билан кенгайтирилган бир валентли; 6) асл икки валентли; 7) уч валентли феъллар.² Г.Бринкманнинг ушбу таснифи феълларни беш семантик гуруҳга бўлиш имконини берди; *verba meteorological* феълларининг асосини 0 валентли; воқеа-ҳодиса феъллари, жараён ва ҳолат феълларини 1 валентли; ҳаракат феълларини 2 ва 3 валентли феъллар ташкил қилади, деган хулосага келди.³ Г.Бринкман асарларида «қатнашувчилар» очик ўринлардан чегараланган бўлса, И.Эрбен, Г.Хельбиг, В.Г.Адмони, Б.А.Абрамов, Н.И.Филичеваларда эса зарурий «қатнашувчилар» сони ўринлар сони билан мутаносибликда талқин қилинади. Яъни феълнинг зарурий актантилари сифатида агенс, воситали ва воситасиз тўлдирувчидан ташқари ҳол ва предикативлар ҳам қайд этилади. Бу ҳақда Н.И.Филичева кейинчалик шундай деб ёзади: «Агар дастлабки пайтда синтактик валентлик феълнинг эга ва тўлдирувчи билан алоқага киришуви деб шарҳланган бўлса, кейинчалик маъносига кўра феълга

¹ Brinkmann H. Die deutsche Sprache. Gestalt und Leistung. –Düsseldorf, 1962, s.223.

² Brinkmann H. Кўрсатилган асар. 224-229-б.

³ Brinkmann H. Шу асар. 226-б.

боғланиши зарурий бўлган, айниқса, ҳол турлари ҳисобга олиниб, «қатнашувчилар» доираси сезиларли даражада ортди».¹

И.Эрбен таснифи феълнинг сон валентлигини аниқлаштиришга бағишланган, яъни бунда асосий эътибор феъл томонидан очиладиган бўш ўринларни нечта бўлишини аниқлашга қаратилади. У шундай ёзади: «Феълнинг қандай шаклда турганлиги ва валентлигидан гапда қандай, қанча тўлдирувчи келиши маълум бўлади».² И.Эрбен гапларни кесим томонидан талаб қилинган «қатнашувчилар» сонига кўра 4 типга бўлиб чиқади, натижада, 1,2,3,4 «қатнашувчи»ли гап қолиплари ажратилади. И.Эрбен таснифи қуйидаги характерли хусусиятларга эга:

1. Гапнинг ҳар қандай элементи «қатнашувчи» сифатида қаралади.

2. Г.Бринкман таснифида «қатнашувчилар» иерархияси аниқ кўрсатилган бўлса (эга биринчи, воситасиз тўлдирувчи иккинчи, воситали тўлдирувчи учинчи «қатнашувчи»), И.Эрбен таснифида барча «қатнашувчилар» синтактик вазифаси ва гапда жойлашиш ўрни нуқтаи назаридан тенгдир. И.Эрбен таснифи умумий маънода шаклий-сон характерга эга. Унда синтактик ва семантик жиҳатдан ҳар хил қолиплар бир гуруҳга мансуб бўлиб қолади.

3. И.Эрбен таснифида 4 валентли феъллар ҳам ажратиб кўрсатилади, аммо келтирилган мисоллар унчалик ишонарли эмас.

4. И.Эрбен ҳам В.Шмидт, Б.Абрамов, Н.Филичева асарларидаги шахссиз феълларни бир валентли феъллар сирасига киритади. Л.Теньер, Г.Бринкманн, Г.Хельбиглар эса шахссиз феълларни 0 валентли феъллар гуруҳига киритганлар. И.Эрбеннинг шахссиз феълларни бир валентли феъллар сирасига киритиши бизга ҳам маъкул. Чунки шахссиз феълларда доимо имплицит равишида агенс валентлиги мавжуд бўлади.

Б.А.Абрамов асарларида эса валентлик аспектлари, хусусан, феъллар синтактик валентлиги нуқтаи назаридан тасниф қилинади. Б.А.Абрамов синтактик валентлик тушунчасини кўп қиррали эканлигини ҳисобга олган ҳолда, ундаги икки аспекти ажратиб кўрсатади: реляцион ва конфигурацион. Б.А.Абрамов семантик, реляцион ва конфигурацион валентликлар асосида немис тилидаги 300 га яқин феълни тадқиқ қилади ва уларни гуруҳлаштиради.³ Феъллар валентлик аспектларига мутаносиб равишда 4 гуруҳга ажратилган: 1) барча феъллар ўзаро муносабатлари сонига кўра бир ўринли, икки ўринли, уч ўринли феълларга бўлинади; 2) ҳар бир синф реляцион валентликка кўра кичик синфчаларга ажратилади; 3) ушбу синфчалар конфигурацион валентликка кўра гуруҳларга бўлинади; 4) конфигурацион гуруҳлар ичида феъллар ўзига хос семантик белгиларга кўра гуруҳланади.⁴ Б.А.Абрамовнинг таснифи И.Эрбен таснифи билан баъзи ўхшашликка эга: ҳар икки таснифда ҳам феъллар валентликлар сони

¹ **Филичева Н.И.** Понятие синтаксической валентности в работах зарубежных языковедов // Вопросы языкознания. 1967. №2, с.125.

² **Erben J.** Abriß der deutschen Grammatik. –Berlin, 1962, s.175.

³ **Абрамов Б.А.** Синтаксические потенции глагола (опыт синтаксического описания глаголов современного немецкого языка как системы). Автореф.дис...канд.филол.наук. –М., 1968, с.13.

⁴ **Абрамов Б.А.** Кўрсатилган автореф. 14-б.

жихатидан синфларга бўлинади. Аммо, бизнингча, бунда тўлиқ мослик кузатилмайди. Б.А.Абрамов таснифининг асосини феълларни синф ва гуруҳларга синтактик тамойил асосида бўлиш ташкил қилади (жуда кам асосда семантик жихатдан). Шунинг учун ушбу таснифни немис тилидаги феъллар тизимининг синтактик таснифи деб ҳисоблаш мумкин.

Немис тилидаги феълларнинг синтактик таснифи И.Филичева томонидан ҳам амалга оширилган.¹ Унинг таснифи қуйидаги характерли хусусиятларга эга:

1. Н.И.Филичева ўз таснифини бир вақтнинг ўзида икки асосда амалга оширади: у феълларни сон валентлиги ҳамда реляцион валентлик нуқтаи назаридан икки синтактик типга бўлади.

2. Н.И.Филичева ҳам худди И.Эрбен каби 4 валентли феълларни ажратади.

3. Н.И.Филичеванинг таснифи сон-реляциондир; унда конфигурацион ва семантик валентлик ҳисобга олинмайди. У немис тилидаги сўз бирикмаларига бағишланган монографиясида феълларнинг зарурий ва факультатив валентликлари билан боғлиқ бўлган барча белги-хусусиятларга тўхталади.²

Феъл валентлиги назариясининг тараққиёти лексикографик фаолиятга фаол таъсир кўрсатди. Бу йўналишдаги дастлабки муваффақиятли тажриба Г.Хельбиг бошчилигидаги илмий гуруҳ томонидан амалга оширилган. Гуруҳ аъзолари немис тилидаги энг кўп ишлатиладиган, айтилган «кийин» 331 та феълни ажратиб олиб, улар асосида немис тилидаги феъллар валентлиги ва дистрибуцияси луғатини яратдилар.³ Муаллифлар луғатда немис тилини чет тили сифатида ўқитиш талабларидан келиб чиққан ҳолда феъллар қўлланилишини тўлиқ ёритиб бердилар. Луғатда феълларни тавсифлаш уч босқични ўз ичига олади:

1-босқичда феъл зарурий ва факультатив «қатнашувчилар» сонига кўра характерланади. 2-босқичда феълларнинг синтактик қуршови сўз туркумланининг шакллари асосида белгилаб чиқилади. 3-босқичда феълларнинг семантик қуршови тавсифланади: «қатнашувчилар» аниқ бир семантик парадигмага оидлигига кўра характерланади.

Г.Хельбиг ва В.Шенкелларнинг луғати икки қисмдан иборат бўлиб, 1-қисми «Einführung in die Valenztheorie» («Валентлик назариясига кириш») деб номланади (9-68-б.).⁴ Бунда валентлик назарияси тараққиётига қисқача шарҳ берилиб, немис ва рус тилшунослигида валентлик назарияси хусусидаги фарқли ҳамда умумий нуқтаи назарлар ҳақида маълумот берилади. Муаллифлар валентлик назарияси ҳақидаги ўз нуқтаи назарлари ва луғат тузилишининг тамойиллари тўғрисида ҳам айтиб ўтадилар. Хусусан, унда қуйидаги масалаларга муносабат билдирилган: сўз маъноси очилишида

¹ **Филичева Н.И.** Проблема синтаксической классификации глаголов современного немецкого языка // Вестник МГУ. Филология, 1968. №1-6. –С.56-68.

² **Филичева Н.И.** О словосочетаниях в современном немецком языке. – М.: Высшая школа, 1969.

³ **Helbig G., Schenkel W.** Wörterbuch zur Valenz und Distribution deutschen Verben. VEB Bibliographisches Institut. –Leipzig, 1969.

⁴ **Helbig G., Schenkel W.** Кўрсатилган асар.

матннинг роли ва валентлик тавсифи; семантика ва структуранинг мутаносиблиги; бирикувни қолиплаштириш; синонимия ва антонимия муаммолари; чет тилларни ўқитишда луғатнинг аҳамияти.

Г.Хельбиг ва В.Шенкель луғатида валентлик фақат феълларнинг бошқа катнашувчилар билан бирикув имконияти сифатида талқин қилинган. Яъни валентлик фақат феълга хос хусусият дейилган (кейинчалик Г.Хельбиг ўзининг бошқа асарларида валентликни бошқа сўз туркумларига ҳам хослиги ҳақида ёзди).¹ Луғатнинг 2-қисмида немис тилидаги 331та феълнинг валентлиги таҳлил қилинган (75-311-б.).

Г.Хельбиг валентлик назариясига оид баҳслар тобора жиддий тус олгани сабабли валентлик назариясига бағишланган махсус илмий ишлар тўпламини² нашр қилдиришга киришди. Бу тўпландан ГДР, Чехословакия ва Россия олимларининг мақолалари ҳам ўрин олди.³ Мазкур тўпламнинг сўзбоши қисмида Г.Хельбиг турли мамлакат олимларининг валентлик назариясига бўлган қизиқишининг кучайиб бораётганлигини қайд қилди. Унинг фикрича, ушбу қизиқишнинг сабаби валентлик назариясининг «грамматика ва лексикология, синтаксис ва семантиканинг кесишувида туришидир».⁴ Г.Хельбиг шу каби тўпламларнинг нашр қилиниши валентлик назарияси тараққиётига янги импульс беришига умид билдиради. А.Теньернинг валентлик назарияси тараққиётидаги катта хизматларини тан олган ҳолда Г.Хельбиг унинг камчиликларини ҳам айтиб ўтади. Хусусан, Г.Хельбиг Л.Теньер назариясида валентлик шаклий ёки маъновий даражага мансублигининг ноаниқлиги; актантларнинг зарурийлик ёки эркинлик нуқтаи назаридан ажратилишидаги «муаммолар» кабилар учун уни танқид қилади. Шунинг учун бўлса керак, Г.Хельбиг асарларида зарурий ва факультатив валентликларни чегаралашга алоҳида аҳамият берилади.⁵ Г.Хельбигнинг фикрича, зарурий валентликни минимал характердаги катнашувчиларнинг сони белгилайди, бунда гап грамматик ва семантик жиҳатдан тўғри шаклланган бўлиши зарур. Бу валентликни аниқлашда Г.Хельбиг, З.Хэррис, Г.Глинц, Д.Хомский, Ч.Лизлар каби ядроли гапни ташкил қилиш учун «тушириб қолдириш» усулини қўллайди.

Феъл томонидан бошқариладиган, аммо гап асосини ташкил қилмайдиган валентликлар факультатив ҳисобланади. Бу талқиннинг ўзига хос ижобий ва салбий томонлари бор:

1. Ядроли гаплардан ташкил топган матнларда ҳар доим ҳам феълнинг асосий хусусиятлари намоён бўлавермайди. Масалан, бунда айрим ўтимли феълларнинг структур-синтактик ва семантик хусусиятлари очилмай қолади (яъни объект, восита валентлиги аниқ реаллашмайди).

¹ Степанова М.Д. Хельбиг Г. Части речи и проблема валентности в современном немецком языке. –М.: Высшая школа. 1978.-С.223-250.

² Beiträge zur Valenztheorie herausgegeben von G.Helbig.- Helle (Saale) 1971.

³ Irtenjewa N.F. Valenz und Satzstruktur. –S.17-29. Abramow B. Zur Paradigmatik und Syntagmatik der syntaktischen Potenzen. –S. 51-66. Stepanova M.D. Die innere Valenz des Wortes und das Problem der Linguistischen Wahrscheinlichkeit –S. 133-142.

⁴ Beiträge zur Valenztheorie herausgegeben von G.Helbig. Helle (Saale) 1971.-S.7.

⁵ Helbig G. Untersuchungen zur Valenz und Distribution deutschen Verben // DaF. 1966. №3, s.15.

2. Маълум бир гап қолипнинг феъл билан минимумни ташкил қилишда мазкур феъл учун унинг зарурий эканлиги ёки эмаслиги хиралашади.

3. Ядроли гапларда кўп маъноли феълларнинг алоҳида маънолари ўртасидаги фарқлар очилмай қолиши мумкин.

Шу тариқа валентлик назарияси тараққиётида немис тилшунослари асосий роль ўйнадилар. 1980-1990-2000 йилларда ҳам валентлик назарияси Германия тилшунослари томонидан кенг ва самарали ишланиб келмоқда.¹ Айниқса, бугунги кунда унинг янгича ривожланиш босқичи кечмоқда. Бу янги оқим семантик тадқиқотлар билан боғлиқдир. Лингвистик адабиётларда кўрсатилганидек, Германия тилшунослигида валентлик назариясининг ишлаб чиқилишида икки йўналишни кузатиш мумкин: шаклий (баъзан у синтактик деб ҳам аталади) йўналиш унда асосан Г.Хельбиг² ишлари яратилган ва В.Бондцио³ асарлари билан боғлиқ бўлган семантик йўналиш.

Г.Хельбиг, аввал кўрсатилганидек, биринчилардан бўлиб валентликнинг синтактик моделини ишлаб чиқди. У немис тилидаги феъллар асосида валентлик тавсифининг назарияси ва методикасини яратди.⁴ Г.Хельбигнинг методикаси кўп бора ҳаққоний равишда танқид қилинди. Г.Хельбиг сўз валентлигини аниқлашда семантиканинг ролини эътиборсиз қолдиргани ва кўриб чиқиладиган феълларнинг семантик хусусиятларига аҳамият бермаганлиги учун кескин танқидга учради. Аммо, умуман олганда, Германия ва бошқа мамлакатларда валентлик назариясининг ривожиди Г.Хельбигнинг хизматлари катта. У ишлаб чиққан валентликни тавсифлаш методикаси бу соҳадаги изланишлар учун асос бўлди.

Кейинги йилларда Г.Хельбиг концепцияси ҳам валентликнинг семантик табиатини эътироф этиш томон юз тутди. Хусусан, Г.Хельбиг кейинчалик ўзи таклиф қилган синтактик валентлик моделини объектив борлиқ воқеа-ҳодисалари, тафаккур ва тил тузилиши ўртасидаги диалектик муносабатларни ҳисобга олувчи кўп даражали моделга бирлаштириш мумкин эканлиги ҳақидаги хулосага келди.⁵

Аммо у деярли барча асарларида валентлик даражаларининг ҳар бирини (яъни, логик-семантик ва синтактик валентликларни) ва сўз семантик тузилишининг автономлигини, уларни алоҳида-алоҳида тавсифлаш зарурлигини таъкидлайди.⁶

Г.Хельбиг фикрига қарама-қарши равишда семантик йўналиш тарафдорлари мазкур даражаларнинг ўзаро боғлиқлигини таъкидлайди. Уларнинг фикрича, валентлик мантиқий-семантик ҳодиса сифатида валентлик ташувчисининг лексик маъносини компонент таҳлил қилиш

¹ Яна бу ҳақда қаранг: **Perl M.** Bibliographik zur modernen Valenzforschung // DaF. 4 / 1984, 5 / 1985.

² **Helbig G.** Кўрсатилган асарлар.

³ **Bondzio W.** Abriß der semantischen Valenztheorie als Grundlage der Syntax. -ZPSK, Bd.29, 4/1976.

⁴ **Helbig G., Schenkel W.** Кўрсатилган луғат.

⁵ **Степанова М.Д., Хельбиг Г.** Кўрсатилган асар, 152 - б.

⁶ **Шу асар.** 163 - 164 - б.

ёрдамида тавсифланиши зарур.¹ Кейинроқ В.Бондцио томонидан валентликни валентлик таҳлилида қўлланилган предикат-аргумент терминлари асосида тавсифлаш методикаси ишлаб чиқилди. Бу эса В.Бондциога нисбатан танқидий мулоҳазалар айтилишига сабаб бўлди: унинг моделида аргументларнинг синтактик шакли ҳисобга олинмаганлиги учун уни синтактик валентликка эътиборсизликда айблашди.²

Семантик йўналишда яратилган асарлар ичида Г.Вотьяк тадқиқотларини ҳам таъкидлаб кўрсатиш мумкин. У ўз қарашларида валентлик ва семантикани диалектик бирликда олиш зарурлиги ҳақидаги фикрда қатъий туради. Г.Вотьяк шаклий-мантиқий ёндашув асосида валентлик ташувчисининг маъносини семантик белгиларнинг микроструктураси сифатида тақдим этишни таклиф қилади.³ Унинг фикрича, валентликни тавсифлаш ўз ичига Хельбиг-Шенкель томонидан ишлаб чиқилган синтактик дистрибуцияни олишдан ташқари семантик келишиклар терминларидаги аргументларнинг семантик-функционал характеристикасини ҳам қамраб олиши зарур.⁴ Бу билан биз уни ҳақ деб ҳисоблаймиз.

Кейинги йилларда (1985-2004) Германиядаги валентлик назариясига оид тадқиқотларда комплекс ёндашувдан фойдаланиб келинмоқда. Валентликни тадқиқ қилишдаги бундай йўналишда асосий восита сифатида компонентли таҳлил усули қўл келмоқда.⁵

Бугунги кунда немис тилшунослигида ҳал қилинаётган илмий-назарий муаммоларга қуйидагиларни киритиш мумкин: валентлик даражаларининг ўзаро муносабати; зарурий ва факультатив валентликларни чегаралаш; валентлик назариясида қўлланилувчи категорияларнинг гап бўлаклари ва сўз туркумлари билан ўзаро муносабати; валентлик таҳлилининг адекват моделларини излаш.⁶

Бу ва бошқа муаммолар немис ва бошқа тиллардаги феъл, сифат, от каби сўз туркумлари материаллари асосида ҳал қилинмоқда. Бунда, асосан, конфронтатив тадқиқотлар кенг тарқалгандир (айниқса, немис ва рус тилларини қиёслаш асосида).⁷

Шунингдек, Германия тилшунослигида валентлик назарияси асосида гап конфигурацияси тушунчаси ишлаб чиқилган.⁸ Бу тушунча остида гап мазмунига эга бўлган минимал тузилмалар англашилади: мазмун планида гап

¹ **Bondsio W., Godlmer B.** Wortbedeutung und syntaktische Realisierungsmodelle // Materialien zur semantischen Valenztheorie. -Wz HU, GSR XXV/ 1996), №6.

² **Pasch R.** Zum Status der Valenz. - hS 42. 1987, s.38.

³ **Wotjak G.** Valenzmodelle und semantische Merkmanalyse. HA 11. -Leipzig, 1985.

⁴ **Wotjak G.** Semantische Merkmanalyse und Valenzmodelle. - Voxromanica, 34, Bern, 1986. -S.1-267

⁵ Бу ҳақда 1995 йилда Лейпциг университетида бўлиб ўтган илмий конференция материалларига қаранг: «Valenz und Aquivalenz» h A I I , L eipzig, 2004. Шунингдек , **Perl M.** Semantische Merkmale // DaF. 4 / 2005.

⁶ **Sommerfeldt K.E.** Bedeutung ind Valenztheorie in Dienste der Konfrontation // ZPSK, Bd. 30. 3 / 1987. **Kade O.** Möglichkeiten und Grenzen der Anwendung von Valenzmodellen bei der Erforschung und Beschreibung zwischen- sprachlicher Aquivalenzbeziehungen. -hA 11 - Leipzig , 1985.

⁷ **Skizze.** Konfrontation deutscher und russischer Verben und Adjektive unter Einbeziehung ihrer Valenz // hA 12, Leipzig, 1989, s. 2-18.

⁸ Бу ҳақда батафсил маълумот учун қаранг: **Probleme der semantische Analyse** // Von einen Autorenkollektiv unter leitung von D.Viehweger. Akademie - Verlag Berlin. 1987. (Studia grammatikal XV).

конфигурацияси валентлик ташувчиси ва унинг аргументидан (улар факультатив ҳам, зарурий ҳам бўлиши мумкин), ифода планида синтактик валентлик модели предикат ва актантлардан иборат бўлиши мумкин.

Шунингдек, Германия тилшунослигидаги кўплаб ишларда феъл, сифат ва отларнинг турли семантик гуруҳларининг валентлиги ишланяпти. Уларда асосан бир ўзакли феъл, сифат ва отларнинг валентлигини таҳлил қилиш орқали бир хил категориал семантикага эга бўлган турли сўз туркумларига мансуб сўзлар валентлигидаги умумий қонуниятларни очишга ҳаракат қилинган.¹

Хуллас, валентлик назарияси ҳозирда Германия тилшунослигида, асосан, семантик йўналишга асосланилган ҳолда кенг қамровли тил материаллари базасида ўрганилмоқда.

Валентлик назариясининг рус тилшунослигидаги ривожини С.Д.Кацнельсон фаолияти билан боғланади. У ёзади: «Валентлик бу сўзнинг гапда маълум бир образда намоён бўлиши ва бошқа сўзлар билан алоқаларга киришувидир».² Умуман, рус тилшунослари асарларида валентлик тушунчаси кенг талқин қилинади. Яъни немис тилшуносларининг кўпчилиги уни фақат феълга хос хусусият деб ҳисоблаган бўлса, рус тилшунослари валентлик барча сўз туркумларига хослигини таъкидлаганлар. Хусусан, С.Д.Кацнельсон «К понятию типов валентности»³ мақоласида: «...валентликка фақат феъллар эмас, балки отлар, боғловчилар ва предлоглар (под, над, в, из, на) ҳам эгадир», - деб кўрсатади.

В.Г.Адмони 1958 йилда ёзган мақоласида зарурий бирикувчанликни умумий грамматик шакл сифатида бошқа лексик зарурий бирикувчанликларнинг кўп сонли ҳодисаларидан фарқлаш кераклигини уқтиради.⁴

Валентлик тушунчасига О.И.Москальскаянинг китобида ҳам алоҳида эътибор берилган.⁵ О.И.Москальская ҳам худди В.Г.Адмони каби валентликни турли сўз туркумлари билан муносабатини текширади, «ўнг» ва «чап» (яъни, фаол ва нофаол) валентликларни ажратади ҳамда уларни ёйик гапнинг трансформацияси билан боғлайди. О.И.Москальскаянинг фикрича, феъл валентлиги тушунчаси О.Бехагель томонидан киритилган фикрни, яъни феълларни объектсиз ва объектли феълларга бўлиш ҳақидаги таклифни «беркитади». От «универсал валентлик»ка эга, чунки у феъл томонидан очиладиган барча бўш ўринларни тўлдиради, шунга кўра у ҳам ўз фаол валентлигига эга бўлиши мумкин. О.И.Москальская сифат аслий ва нисбий бўлганида ҳам валентликка эга бўлади, деб кўрсатади.⁶ Кўринадики,

¹ Sandau H. Semantik und Valenz zweiwertiger prädikativer Adjektive in der deutschen Sprache der Gegenwart/Wz PHG, №2.Guston, 1996. Audchm H. Syntaktische Verknüpfungen innerhalb russischer Satzkonfigurationen // WZ PH G, 1995, №2. -S.213-222. Klug A. Untersuchungen zu Satzkonfiguration weiterer Gruppen von Verben der Bewegung im Deutschen //Ebenda. -S.277-286.

² Кацнельсон С.Д. О грамматической категории // Вестник ЛГУ. Серия истории, языка и литературы, №2, 1948, с-132.

³ Кацнельсон С.Д. К понятию типов валентности // ВЯ, 1987, № 3. -С.21-37.

⁴ Адмони В.Г. Завершенность конструкции как явление синтаксической формы // ВЯ, 1958, № 1.

⁵ Moskalskaya O. Grammatik der deutschen Gegenwartsprache. –Москва , 1971.

⁶ Москальская О.И. Кўрсатилган асар, 39-71- б.

О.И.Москальская, В.Г.Адмони каби валентликни фақат вербоцентрик назария нуктаи назаридан эмас, балки феълдан бошқа сўз туркумларининг гапда намоён бўлиш имкониятлари сифатида талқин қилади.

Б.А.Абрамовнинг валентликни талқин қилиши немис тилшунослари фикрига ўхшашдир. У гарчи бошқа сўз туркумларининг валентликка эга эканлигини тан олса ҳам, ушбу назарияни фақат феълга нисбатан қўллайди. Бунда у вербоцентрик назарияга таянган ҳолда феълни гапнинг маркази сифатида талқин қилади ва эгани ҳам феъл билан ифодаланган кесимга тобе деб ҳисоблайди.¹ Б.А.Абрамов синтактик қарашларида гап бўлақларининг марказга томон интилиш имконияти ҳақидаги фикрлар асосий ўринни эгаллайди. Унинг фикрича, гапнинг бошқа бўлақлари кесимга томон интилади, яъни валентликни ҳоким ва тобе бўлақлар ўртасидаги семантик алоқаларнинг хусусияти, «семантик танлаш» имконияти сифатида талқин қилиш лозим.² Кўринадики, Б.А. Абрамов валентликнинг моҳияти ҳақида эмас, унинг термин сифатида ажратилишида ҳам ўз фикрига эга. 20 асрнинг 60-70-йилларида рус тилшунослари томонидан инглиз, немис, француз тилларидаги феълдан бошқа сўз туркумларининг валентлиги ҳам монографик тарзда тадқиқ қилинди.³ Шу тариқа валентлик назарияси муаммолари рус тилшунослигида, немис тилшунослигидан фарқли равишда, ўзига хос тарзда ривожланиб борди.

Рус тилшунослигида валентлик назарияси тараққиётида проф.М.Д.Степанованинг алоҳида ўрни бор. У валентлик назариясига бағишланган кўплаб асарлар яратди.⁴ Немис тили мутахассиси бўлган М.Д.Степанова валентликнинг турли муаммолари хусусида ўз қарашларини баён қилишда бошқа олимларга нисбатан ўзига хос фикрлар билдирди. У «ички» ва «ташқи» валентликларни сўз ясаши билан боғлади,⁵ ўзининг докторлик диссертациясида сўзлар «ички» валентлигига кўра у ёки бу сўз ясовчи аффиксларни қабул қилишини кўрсатиб берди.⁶ Бу билан у валентлик назарияси ривожиди янгича босқич, янгича қарашни бошлаб берган эди. Ички валентлик хусусидаги фикрларни биз ўзбек тилшунослари Ё.Тожиев ва М.Жўрабоеваларнинг сўз ясаши ҳақидаги мақолаларида ҳам

¹ **Абрамов Б.А.** Синтаксические потенции глагола в сопоставлении с потенциями других частей речи // Филологические науки. 1966. № 3. -С. 35-41.

² **Абрамов Б.А.** Кўрсатилган мақола, 37-б.

³ **Морева З.Н.** Валентные разряды прилагательных и их структурно-семантическая характеристика в современном немецком языке. Автореф. дис...канд.филол.наук. -М., 1967; **Хайдаров Ш.К.** Проблемы классификации трехтактных (трехвалентных) глаголов в современном французском языке. Автореф. дис...канд.филол.наук. -М., 1971; **Лебедев В.А.** Обязательная синтаксическая валентность английского существительного. Автореф.дис...канд.филол.наук. -М., 1969; **Суша Т.Н.** Семантико-синтаксические свойства имен действия в современном английском языке. Автореф.дис...канд.филол.наук. - Минск, 1972.

⁴ **Степанова М.Д.** Методы синхронного анализа лексики. -М., 1968. **Шу муаллиф.** Проблемы теории валентности в современной лингвистике // ИЯШ. 1973, №6. **Шу муаллиф.** Теория валентности и валентный анализ (на материале современного немецкого языка). -М.: Высшая школа, 1973; **Степанова М.Д., Хельбиг Г.** Кўрсатилган асар.

⁵ **Степанова М.Д.** О внешней и внутренней валентности слова // ИЯШ. 1967, №3. **Степанова М.Д.** Словообразование и вопросы стилистики // Сборник научных трудов. Вып.73. МГПИИЯ им.М.Тореза. - М., 1973. **Степанова М.Д.** Теория валентности и валентный анализ. -С.31-81.

⁶ **Степанова М.Д.** Словосочетание в современном немецком языке. Автореф.дис...д-ра .филол.наук. -М., 1958.

кузатамиз.¹ Шунингдек, рус тилшунослигида фонемалар, морфемаларнинг бирикув имконияти махсус текширилган мақолалар ҳам яратилди.² Кўшма гаплардаги валентлик тадқиқига бағишланган махсус асарлар ҳам айнан рус тилшунослигида ёзилган.³

Рус тилшунослигида валентлик қиёсий аспектда ҳам кўриб чиқилган.⁴

Ю.Д.Апресяннинг «Лексическая семантика. Синонимические средства языка» китобида, айниқса, семантик валентлик масалаларига кенг ўрин берилган.⁵ Унда семантик валентликнинг 25 тури изоҳланган. Г.М.Гайсина тадқиқотларида муносабат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари таҳлил қилинган.⁶

Ўтган асрнинг 70-80 йилларида рус тилшунослигида феъл валентлиги масалаларига бағишланган қатор илмий мақолалар, монографик тадқиқотлар кўп яратилди.⁷ Е.С.Скобликова «Очерки по теории словосочетания и предложения» асарида лексик ва синтактик валентликларнинг асоси семантик валентликка боғлиқ эканлигини таъкидлайди.⁸ Олима ҳар қандай сўзнинг валентлик хусусиятларини шакллантирувчи грамматик ва лексик-семантик факторлар семантик-экстралингвистик асосга эга эканлигини эътироф қилади.⁹

Тўқсонинчи йилларда ҳам феъл валентлиги масаласига катта эътибор берилди. Ф.С.Бацевичнинг «Референтная отнесенность имен субъектов и специфика проявления глагольного действия» мақоласида рус тилидаги айрим ҳаракат феълларининг ўзига хос семантикаси, унинг валентликка ва

¹ **Тожиев Ё.** Ўзбек тилида аффиксал синонимия. –Тошкент,1991; **Жўрабоева М.А.** Кўшма сўзларнинг ясалиши ҳақида // ТошДУ илмий ишлар тўплами. 1983, 3-сон, 60-б.

² **Засорина Л.Н., Берков В.П.** Понятие валентности в языке // Вестник ЛГУ, 1961, №8, вып.2.; **Лейкина Б.М.** Некоторые аспекты характеристики по обработке информации и автоматическому чтению текста. Вып.5/2 АН СССР. –М., 1961.

³ **Страхова В.С.** Валентность в структуре сложноподчиненного предложения (по материалам сложноподчиненных предложений с придаточными дополнительными, определительными и причинными в русском, немецком и испанском языке). –М., 1972.

⁴ **Илькив Н.В.** Аспектуальная иррелевантность глагольных действий в современном немецком языке (на материале глаголов чувствования) // Сравнительная типология родного и германских языков.- Калинин, 1980. –С.45-54. **Канеко Ю., Петрухина Е.В.** Аспектуальная семантика в глагольных системах русского и японского языков (сопоставительный анализ фрагментов языковой картины мира) // Вопросы языкознания. 2004, №4.-С.19-34. **Гуревич В.В.** Модальность и семантика глагольного вида // Вопросы языкознания. 2000, №2.-С.71-78. **Падучева Е.В.** «Накопитель эффекта» и русская аспектология // Вопросы языкознания. 2004, №5.-С.46-57. **Падучева Е.В.** Аспектуальная специфика глаголов с актантом // www.seelrc.org/glossos/issues.

⁵ **Апресян Ю.Д.** Лексическая семантика. Синонимические средства языка. –М.: Наука, 1975. 367 с.

⁶ **Гайсина Р.М.** Семная структура значений и типология глаголов отношения // ИС. -Уфа: БГУ,1979. –С. 30-39; **Гайсина Р.М.** Лексико-семантическое поле глаголов отношения в современном русском языке. – Саратов: СГУ, 1981; **Гайсина Р.М.** Валентностные и сочетаемостные характеристики устойчивых глагольно-именных сочетаний (со значением отношения).-Уфа: БГУ, 1983.

⁷ **Сильницкий Г.Г.** Глагольная валентность и залог. -Л., 1974; **Воронина М.Д.** Типы агенса и значения определенности, неопределенности и обобщенности // Филологические науки. -1975, №4. -С.74-88; **Золотова Г.А.** Очерк функционального синтаксиса русского языка. -М.: Наука, 1973. **Кибардина С.М.** Категория субъекта и объекта и теория валентности // Категория субъекта и объекта в языках различных типов. -Л.: Наука.-1982.

⁸ **Скобликова Е.С.** Очерки по теории словосочетания и предложения. –Куйбишев: СаГУ, 1990. –С.8-16.

⁹ **Скобликова Е.С.** Очерки по теории словосочетания и предложения. -С. 15.

гап қолипига бўлган таъсири ҳақида сўз боради.¹ О.П.Воробьёва ҳам шу журналнинг 1992 йил 1-сонида «Реализация фактора адресата в художественном тексте в аспекте лингвокультурной традиции» мақоласида феъл адресат валентлигининг намоён бўлишини рус тилига ўтирилган инглизча ҳикоя асосида тадқиқ этади. Журналнинг айнан шу, яъни 1992 йил 1-сонида босилган В.В.Гуревичнинг «Существует ли факультативная валентность?» мақоласида ҳам ўзига хос фикрлар билдирилган. Муаллиф ўз текширишлари натижасида шундай хулосага келади: «Шундай қилиб, семантик планда валентлик алоқаси фақат зарурий бўлади, чунки у бир сўзнинг иккинчи сўзни «талаб қилиш» хусусиятидан келиб чиқади. Демак, семантик алоқанинг йўналиши бош ва тобе сўзнинг грамматик муносабатлари билан мос тушавермайди. Факультативлик ҳақида аниқ матндаги зарурий алоқанинг воқе бўлиши маъносида гапириш мумкин. «Бола ўтирибди ва китоб ўқимоқда» гапидаги «қаерда ўтирибди» ва «нимани ўқимоқда» нинг шаклий йўқ бўлиши, ушбу гапда унинг семантик йўқлигини билдирмайди, яъни гарчи улар матнда аниқ иштирок этмаган бўлса ҳам маъно жиҳатидан доимо англашилади»². В.В.Гуревичнинг мазкур фикрлари мунозарали. Бу фикри билан у Г.Хельбигга танқидий ёндашган, аммо ҳар бир сўзнинг нутқий талаб билан юзага чиқишини ҳисобга олмаган.

Рус тилшунослигида XX асрда бўлганидек, XXI аср бошларида ҳам валентлик назариясини тадқиқ қилишга бўлган қизиқиш асло сусайгани йўқ.³ Л.Н.Чумак «Реализация культурного компонента значения на синтаксическом уровне» мақоласида бугунги кунда рус тилида грамматик-синтактик, семантик - лексик бирикувлардан ташқари ижтимоий-маданий (социокультурная сочетаемость) бирикувчанлик мавжудлиги ҳақида фикр юритади. Бу билан уни ҳақ деб ҳисоблаймиз, чунки ижтимоий-маданий бирикувчанлик ҳам ўз ўрни, мавқеига эгадир.⁴

В.П.Берков ҳам «О словарях XXI века (из лексикографической футурологии)» мақоласида бугунги кундаги луғатлардаги етишмовчиликлар ҳақида тўхталади: «Ҳозирги луғатларнинг кўпчилиги сўзлар бирикувчанлигини кўрсатиб бера олмайди. Жуда ҳам умид қиламанки, XXI аср луғатларида бу камчилик албатта тузатилади».⁵ 2001 йил 15-18 июнь кунлари Москвадаги В.Виноградов номидаги Рус тилшунослиги институтида ўтказилган «Языкознание sub specie русистики: итоги и перспективы» мавзусидаги халқаро конференцияда ҳам сўз маъноси ва унинг валентлигига

¹ **Бацевич Ф.С.** Референтная отнесенность имен субъектов и специфика проявления глагольного действия // Филологические науки. -1990. №5. -С.30-35.

² **Гуревич В.В.** Существует ли факультативная валентность? // Филологические науки. -1992, №1. -С.35-40.

³ **Лавошникова Э.К.** О «подводных камнях» в компьютерных системах проверки правописания // Вестник Московского университета. Серия 9. Филология. -2002, №6 . -С.151-163. **Левин В.И.** От синтаксиса к смыслу и далее («Котлован А.Платонова – пример ненормативного использования валентностей слова) // [http:// valentnost. ru](http://valentnost.ru).

⁴ **Чумак Л.Н.** Реализация культурного компонента значения на синтаксическом уровне // Мир русского слова, 2000, №2. -С.67-82.

⁵ **Берков В.П.** О словарях XXI века (из лексикографической футурологии) // Мир русского слова. -Москва, 2000, №3. -С.65-69.

бағишланган кўплаб маърузалар қилинган. Ю.Д.Апресяннинг «Взаимодействие лексики и грамматики: лексикографический аспект», И.А.Мельчукнинг «Актанты в семантике и синтаксисе», Е.В.Падучеванинг «О структуре семантического поля: глаголы восприятия», Р.Лясковскийнинг «Семантика русского глагола *идти*» мақолаларида валентлик назарияси масалалари ХХІ асрда ҳам ўз долзарблигини, назарий ва амалий тилшунослик учун аҳамиятини йўқотмаганлиги исбот қилинган.¹

Маълумки, валентлик назарияси туркологияда немис ва рус тилшуносликларидек чуқур, изчил тадқиқ қилинмаган. Турколог олима А.А.Цалкаламанидзенинг докторлик диссертацияси мана шу етишмовчиликни тўлдиришга бағишланган.² Унинг «Валентность глаголов в свете их семантико-синтаксических свойств (на материале турецкого и узбекского языков)» мавзусидаги йирик тадқиқотида турк ва ўзбек тилидаги феъллар семантик гуруҳларга бўлиниб (56 та гуруҳ), шунга мос равишда қандай валентликларга эга бўлиши кўрсатиб берилган. Олиманинг таъкидлашича, тадқиқ қилинаётган феъллар семантик валентлигининг 3 типини ажратиш мумкин: мажбурий, зарурий ва факультатив. Бу, ўз навбатида, феъл қатнашган қурилмаларнинг 3 кўринишини ажратиш кўрсатиш учун асос бўлади: минимал, максимал ва тўлдирилган.

А.А.Цалкаламанидзенинг «Семантико-синтаксические группы глаголов в узбекском языке» монографияси сўз семантикаси ва у билан бирикувчи шакллар орасидаги ўзаро боғлиқликлар асосида ўзбек тили феъл лексикасининг систем тавсифи ҳамда унинг синтагматик алоқаларини ўрганишга бағишланган. Муаллиф тадқиқотлари натижасида тилшуносликка «семантик-синтактик гуруҳ» терминини киритган.³ Бу термин остида умумий семантик белгига ва бир хил бошқарувга эга бўлган феъл лексемалари гуруҳи тушунилади.⁴ Олима ўзбек тилидаги феълларни айнан шу тамойилга кўра, яъни уларнинг семантик ва синтактик белгиларига кўра тасниф қилади. Монографияда феълларнинг синтагматик хусусиятлари, валентлиги ва гап қилинини ташкил қилишдаги аҳамияти аниқ чизма-формулалар орқали кўрсатиб берилган. Аммо, бизнингча, олиманинг баъзи фикрлари мунозарали. Масалан: *яшамоқ, ётмоқ, тутамоқ, ўтирмоқ, ёнбошламоқ* каби ҳолат феъллари⁵ ҳаракат феъллари сифатида талқин қилинган. Айрим ўтимсиз феъллар ўтимли феъллар гуруҳига жойлаштирилган.

Туркологияда феълларнинг семантик майдони монографик тадқиқ қилинган яна бир иш Дж.Шабановнинг «Турк ва ўзбек тилларида фаол ҳаракат феълларининг семантикаси» мавзусидаги номзодлик диссертациясидир. Тадқиқотда турк ва ўзбек тилларидаги *кетмоқ, келмоқ, чиқмоқ, кирмоқ, юрмоқ, бормоқ* феъллари семантикасидаги умумий ва

¹ Сообщения // Мир русского слова. 2001, №4. -С.5-9.

² Цалкаламанидзе А.А. Кўрсатилган автореферат. 21-б.

³ Нигматов Х.Г., Цалкаламанидзе А.А. Семантико-синтаксические группы глаголов и значение залоговых аффиксов в узбекском языке // Советская тюркология. –Баку, 1979, №3, с.48; Цалкаламанидзе А.А. Семантико-синтаксические группы глаголов в узбекском языке. –Тбилиси: Мецниереба, 1987.

⁴ Цалкаламанидзе А.А. Шу асар, 8-б.

⁵ Расулов Р. Кўрсатилган асар, 22-б.

хусусий жиҳатларнинг воқеланишини кўрсатишга, ушбу феълларга хос фарқли семаларнинг маъно муносабатлари ва буларнинг таржимада берилиши, маънодошлик кўламини белгилашга ҳаракат қилинган.¹

Ишда айрим мунозарали ўринлар ҳам мавжуд:

1. Диссертацияда феълларнинг ҳаракат бошланиш ва тугаш нуқтаси валентлигининг актантилари ўрин валентлигининг актантилари билан чалкаштириб юборилган.

2. Феъл маъно тузилишини тадқиқ қилишда изчиллик йўқ.

Туркологияда феъл валентлиги масаласи яна бир қатор ишларда кўриб чиқилган.²

Ўзбек тилшунослигида асосан феъл валентлиги тадқиқ этилган ва бу соҳада изланишлар давом этмоқда. Ўзбек тилшунослигида феъл валентлигини тадқиқ этишга И.Қўчқортоев томонидан асос солинган.³ Унинг нутқ феъллари валентлиги ҳақидаги монографияси катта илмий аҳамиятга эга бўлди.⁴ Ушбу асарда нутқ феъллари ўз маъноларининг оралик семаларига кўра тасниф қилинади ва кейинги бобда уларнинг валентликлари (агенс, контрагенс, объект, мазмун, мақсад, адресат) тадқиқ қилинган.

Шубҳасиз, ўзбек тилшунослигида валентлик тадқиқининг сардори проф.Р.Расулов ҳисобланади. Р.Расуловнинг ҳолат феъллари валентлигига бағишланган докторлик диссертацияси катта илмий-назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлди. Р.Расуловнинг докторлик диссертацияси ва қатор монографияларида ҳолат феълларининг маъноси асосий сема бўйича тасниф қилиниб, сўнг оралик семалар бўйича текширилиб, ниҳоят, фарқланувчи семалар нимадан иборат бўлиши кўрсатилган.⁵ Р.Расулов ҳолат феълларини

¹ Шабанов Дж.К. Турк ва ўзбек тилларида фаол ҳаракат феълларининг семантикаси: Филол.фан.номз...дис.автореф.-Тошкент, 2003.-25 б.

² Бу ҳақда қаранг: **Насилов В.М.** К вопросу о грамматической категории вида в тюркских языках // Труды Московского Института Востоковедения. Т.4.-М., 1947. -С.35-52. **Кошдемур Э.** Турецкий глагол и славянский глагольный вид // Вопросы глагольного вида. Отв.ред. Ю.С.Маслов. -М., 1962. - С.382-394. **Пшегусова Г.С.** Валентность и сочетаемость глаголов движения и производных от них абстрактных существительных в современном турецком языке. Автореф.дисс...канд.филол.наук. - Пятигорск, 1985. -17 с. **Ганиев Ф.А.** Видовая характеристика глаголов татарского языка // Проблема глагольного вида в татарском языке. -Казань, 1963. -С.377-382. **Гаджихмедов Н.Э.** Ещё раз о видах тюркского глагола // Сов.тюркология. № 5.-Баку, 1986.-С.44-49. **Лизунова Р.Д.** Семантика аналитических конструкций с глаголами движения (на материале татарского и других тюркских языков). Автореф.дисс...канд.филол.наук.- Л., 1986. **Гузев В.Г.** О категории аспектуальности. Структура и история языка // Сов. тюркология. № 1.-Баку, 1988.-С. 3-11. 16 с. **Насилов Д.М.** Проблемы тюркской аспектологии: Акциональность. -Л., 1989. - 208 с. **Псянчин Ю.В.** Лексико-семантическое поле глаголов движения башкирского языка. Автореф.дисс...канд.филол.наук.- Баку, 1990. -21 с. **Майсак Т.А.** Грамматикализация глаголов движения: опыт типологии // Вопросы языкознания. 2000, №1.-С.10-32. **Насилов Д.М.** Акциональность в Алтайских языках: типология и «детерминанта» // Вопросы тюркской филологии (Материалы Дмитревских чтений).-Москва, 2006. Вып.6.-С.80-90. **Балыгина Е.** Особенности семантики глагольных лексем (на материале турецких глаголов движения) // Вопросы тюркской филологии (Материалы Дмитревских чтений).-Москва, 2007. Вып.7.-С.23-40.

³ **Қўчқортоев И.** Сўз валентлиги ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти.-1973, 35-б.; **Қўчқортоев И.** Тилнинг луғат системасини ўрганишнинг бир йўли тўғрисида // Ўзбек тили ва адабиёти. -1972, 3-сон.

⁴ **Кучкартаев И.К.** Валентный анализ глаголов речи в узбекском языке. -Ташкент: Фан, 1977.

⁵ **Расулов Р.** Глаголы состояния в узбекском языке и их валентность. Дис...д-ра филол.наук. -Ташкент, 1989. -363 с. **Расулов Р.** Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. -Тошкент: Фан, 1989. Яна қаранг: **Расулов Р.**Лексико-семантические группы глаголов состояния и их валентность.-Ташкент: Фан, 1991.

семантик валентлик асосида текшириб, сўз маъноси семантик структураси шу сўз семантик валентлигини белгилаши ҳақида фикр юритган. Р.Расулов бу фикрлари билан Г.Хельбигнинг семантик валентлик ҳақидаги фикрига яна ҳам аниқлик ва тўлиқлик киритган. Шу тариқа Р.Расуловнинг докторлик тадқиқоти ўзбек назарий тилшунослиги ривожига салмоқли ҳисса бўлиб кўшилди. Шунингдек, мазкур иш ўзбек тилшунослигида систем лексикология ва систем синтаксиснинг шаклланиши, кенг қулоқ ёзиши учун мустаҳкам замин яратди. Шунга кўра қозонлик турколог академик М.З.Закиев, Санкт-Петербурглик турколог проф.С.Н.Иванов, академиклар Ғ.Абдурахмонов, А.Ҳожиев, проф.Ҳ.Неъматовлар мазкур монографик тадқиқотга юқори баҳо беришди. Фикримизнинг исботи сифатида ушбу олимларнинг куйидаги фикрларини келтирамиз. Хусусан, М.З.Закиевнинг Р.Расулов докторлик диссертацияси юзасидан ёзган расмий тақризида таъкидлашича: «Работа имеет большое теоретическое значение для дальнейшего развития семантического направления во всех тюркских языках». Шунингдек, Ғ.Абдурахмонов ҳам мазкур тадқиқотга юксак баҳо бериб, куйидагиларни қайд қилади: «Таким образом данная работа первый (и весьма удачный) шаг в теоритическом осмыслении собранного большого и разнообразного материала в узбексом языкознании. Автор будет имеет целый ряд последователей, работающих в этой новой для узбекского языкознания (да не только узбекского, но и в тюркском в целом) направлении». Ҳақиқатан ҳам, Ғ.Абдурахмонов башорат қилганларидек, Р.Расулов илмий тадқиқотига эргашган ва суянган ҳолда феъл валентлиги бўйича ўзбек тилшунослигида битта докторлик ва бир нечта номзодлик диссертациялари юзага келди. Жумладан, ушбу докторлик иши асосида Т.Мусаев¹, Ў.Шарипова² ва С.Муҳамедовалар³ ўз номзодлик диссертацияларини яратишган.

Р.Расуловнинг фикрича, ўзбек тилшунослигида феъл валентлиги муаммоси ўзининг тўлиқ ечимини топди, навбат бошқа сўз туркумлари валентлигини тадқиқ қилишга келди.⁴

Н.Аслонова, Ҳ.Неъматовларнинг мақоласида умумлаштирувчи сўзни уюшиш ва ажратилган изоҳловчилар сўз валентлиги нуқтаи назаридан таҳлил этилиб, бир-бири билан сира боғланмаган икки ҳодиса – уюшиш ва ажратилиш орасида чуқур муносабатлар борлиги аниқланган.⁵

Ш.Раҳматуллаев ўз монографиясида ўзбек тилида феъл фраземаларининг боғлашувини тадқиқ қилади. Олимнинг фикрича, «мантик валентлиги дейишидан кўра тил бирлигининг боғлашуви дейиш ўринли».⁶

¹ Мусаев Т. Ўзбек тилидаги сезги феъллари. Филол.фан.номз...дис. - Тошкент, 1992,122 б.

² Шарипова Ў. Ўзбек тилидаги юмуш феълларининг маъно валентликлари. Филол.фан.номз...дис. автореф. – Тошкент, 1996, 24 б.

³ Муҳамедова С. Ўзбек тилида йўналма ҳаракат феълларининг предикативлиги ва валентлиги. Филол.фан.номз...дис. автореф. – Тошкент, 1999, 25 б.

⁴ Илм-зиёдир (проф.Равшанхўжа Расуловнинг 60 йиллигига бағишланган илмий мақолалар тўплами). -Тошкент, 2006, 7-б.

⁵ Аслонова Н., Неъматов Ҳ. Сўз валентлиги, ажратилиш ва умумлаштирувчи бўлакли уюшиш // Ўзбек тилини синхроник ўрганиш масалалари. –Тошкент, 1967. -Б. 68-73.

⁶ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилида феъл фраземаларнинг боғлашуви. -Тошкент: Университет, 1992, 4 - б.

Шу сабабли Ш.Раҳматуллаев партнёрларни - боғлашувли, авалентли лексемаларни - боғлашувсиз, моновалентлиларни бир боғлашувли, дивалентлиларни - икки боғлашувли лексемалар деб номлайди.¹ Олимнинг таъкидлашича: «Ўзбек тилида сўз семантик валентлигини тадқиқ қилган олимлар И.Қўчқортоев ва Р.Расуловлар тил ҳодисаларини баён қилишда логикага асосланиб, биринчи ўринга грамматик категорияларни эмас, мантиқ категорияларини чиқарганлар, грамматик семантикани логикага бўйсундирганлар».² Ш.Раҳматуллаев эса ўз ишида тил ҳодисаларини тил категориялари билан изоҳлаш йўлини тутиб, валентлик терминидан эмас, боғлашув (сочетаемость) терминидан фойдаланади. Боғлашувнинг турлари ва кўринишларини баён қилишда анъанавий синтактик терминларга (эга, қаратувчи, тўлдирувчи, ҳол терминларига) мурожаат қилади. Монография 5 қисмдан иборат бўлиб, 1-қисмда бир боғлашувли, 2-қисмда икки боғлашувли, 3-қисмда уч боғлашувли фраземалар ва 4-қисмда боғлашувсиз фраземалар тадқиқ қилинган. Бизнингча, ишнинг бу қисмлари, гарчи бошқача номланса-да, моҳиятан 1 актантли, 2 актантли феъл фраземалар тадқиқини ташкил қилади.

Т.Мусаев номзодлик ишида сезги феълларининг агенс, объект, контрагенс, ўрин, адресат валентлигини тадқиқ этади. Ў.Шарипова 1997 йилда юмуш феълларининг агенс, контрагенс, объект, пациенс, восита, ўрин валентликлари тадқиқ этилган номзодлик диссертациясини ёқлади. Бирикмалар ҳақида фикр юритган В.Каримжонова номзодлик ишида йўл-йўлакай валентлик масаласига ҳам тўхтаб ўтган. У мазкур ишда феъллар ўз валентлиги асосида бириккан актанти билан ҳамма вақт классемани юзага келтириши ва классема билан валентлик мутаносиблиги ҳақидаги қарашларни ҳам илгари сурган.³

Қ.Ҳақимов гапга тенг фразеологизмлар валентлиги ҳақида ўз тадқиқини қилган бўлиб, ишда ўзбек тилшунослигидаги «фразеологизм гапнинг бир бўлаги» деган қараш нотўғри эканлигини очиқ берган. Бу билан Қ.Ҳақимов фразеологизм семантик бутунликни таркиб топтиргани учун семантик валентликка эга бўлишини исботлаган. Қ.Ҳақимов валентлик морфемалар, сўзларгагина хос бўлмай, фразеологизмларга ҳам хослигини кўрсатган.⁴

Б.Менглиевнинг номзодлик диссертациясида грамматик шаклларнинг маъноси ва синтактик қобилиятлари кўрсатиб берилган.⁵ Тадқиқотда келтирилган жадвалда келишиқ, эгалиқ, сон, даража, нисбат, феълнинг функционал шакллари, майл-замон, шахс-сон қўшимчаларининг маъноси изоҳланиб, уларнинг синтактик имкониятлари очиқ берилган. Б.Менглиев бу

¹ Шу асар. 4-б.

² Шу асар. 5-б.

³ Каримжонова В. Ўзбек тилида ўрин келишиқли бирикмалар семантикаси. Филол.фан.номз...дис. автореф. -Тошкент, 1994.

⁴ Ҳақимов Қ. Содда гап қолипли фразеологизмларда семантик валентликлар. Филол.фан.номз.-дис.автореф.-Тошкент, 1994.

⁵ Менглиев Б. Морфологик воситаларнинг маъновий хусусиятлари ва синтактик имкониятлари. Филол.фан.номз. дис.. -Тошкент, 1996, 134 б.

тадқиқоти билан ўзбек тилшунослигида морфемалар валентлигини ўрганишга муайян ҳисса қўшди. У диссертациясида ҳар бир морфемада мужассамлашган маъновий, информатив томонларни «морфеманинг лисоний маъновий валентлиги» деган ном остида ўрганди ва бундан кейин бу соҳада яратилажак тадқиқотлар учун кенг йўл очди. Олим докторлик диссертациясида бу борадаги қарашларини кенг доирада давом эттирди.¹

Ҳ.Неъматов, Р.Сайфуллаева, М.Қурбоноваларнинг «Ўзбек тили структурал синтаксиси асослари» (филолог талабалар учун қўлланма) асарида ҳам валентлик назариясига оид фикрлар билдирилган. Унда, хусусан, нафақат сўз, балки грамматик, жумладан, морфологик шакл валентлиги (морфологик шаклнинг синтактик имкониятлари) масаласи ҳам кўтарилган. М.Қурбонованинг «Ўзбек тилида формал-функционал йўналиш ва содда гап қурилишининг талқини» мавзусидаги докторлик диссертациясида² таъкидланишича, гап лисоний синтактик қолипидан 2 та омил: а) луғавий (маъновий) валентлик; б) морфологик (грамматик) шакл валентлиги асосида кенгайтирилади. Шунга кўра гап кесимини шакллантирувчи восита кесимлик категорияси бўлганлиги сабабли, ўзбек нутқидаги гапнинг таркибий қисмларини шу гап таркибига кирувчи сўзларнинг ва кесимлик категорияси шаклланишининг валентлиги белгилайди.

С.Муҳамедованинг номзодлик ишида ўзбек тилидаги йўналма ҳаракат феълларининг валентлиги уларнинг предикативлигига боғлаб тадқиқ қилинган.³ Номзодлик диссертациясида «ҳаракат» муштарак семали феълларнинг «йўналма ҳаракат феъллари» (ЙҲФ) бирлаштирувчи семаси гуруҳига кирувчи феъллар таҳлил қилинган.⁴ Мазкур ишда йўналма ҳаракат феълларининг валентлиги уларнинг предикативлигига боғлаб тадқиқ қилинган бўлиб, феълнинг қандай синтактик вазифада келиши унинг валентлиги актантларининг синтактик вазифаси билан боғлиқлиги исботланган. Яъни феъл кесим бўлиб келганида валентлиги актантлари меъёрий ҳолатдаги синтактик вазифаларга эга бўлиши, акс ҳолда эса уларнинг ҳам синтактик вазифаси ўзгариши таъкидланган. Изланишда йўналма ҳаракат феъллари гуруҳига қайси феъллар кириши кўрсатиб берилгани ҳолда уларнинг маъноси тўлиқ изоҳланган. Шунингдек, ЙҲФнинг фарқловчи семалари ҳам аниқ кўрсатилган.

С. Муҳамедованинг “Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари” мавзусидаги докторлик диссертациясида ҳаракат феълларининг семантик майдони белгиланиб, феъл-лексемаларнинг семантик таснифи амалга оширилган, лексик-семантик гуруҳ таркибидаги ҳар бир семеманинг семалари изоҳланиб, ҳаракат феъллари ўртасидаги семантик градуномия кўрсатилган. Шунингдек, ишда валентлик

¹ Менглиев Б. Лисоний тизим яхлитлиги ва унда сатҳлараро муносабат. Филол.фан.д-ри дис. –Тошкент, 2001.-248 б.

² Қурбонова М. Ўзбек тилида формал-функционал йўналиш ва содда гап қурилишининг талқини. Филол.фан. д-ри... дис. - Тошкент, 2001, 255 б.

³ Муҳамедова С. Ўзбек тилидаги йўналма ҳаракат феълларининг предикативлиги ва валентлиги. Филол. фан. номз. дис. .автореф. –Тошкент, 1999, 22 б.

⁴ Муҳамедова С. Кўрсатилган автореферат.

назариясининг тараққийёт босқичлари аниқланиб, ўзбек тилида валентликнинг кўринишлари масаласига ҳам аниқлик киритилган.¹

2007 йилда проф.М.Миртожиевнинг «Ўзбек тилида феъл валентликлари» номли асари босмадан чиқди. Унда феълнинг лексик-семантик, воситали семантик, шакл семантикаси, нутқий семантик валентлиги каби кўринишлари батафсил текширилган.²

Ҳ.Шокированинг “Ўзбек тилида кесимлик категорияси: шахс актанти ва унинг нутқий воқеланиши” мавзусидаги номзодлик диссертациясида ҳам валентликка доир фикрлар билдирилган. Хусусан, граматик шакл валентлиги масаласига аниқлик киритилиб, гап қурилишида кесимлик категорияси шаклларнинг ўрни ва мавқеи билан боғлиқ хусусиятлари белгиланган, гап қурилишида эғали ва эғасиз гапларда кесимлик категорияси шахс актантининг ифодаланиш масалалари ёритилган, кесимлик категориясидаги шахс актантининг эға ва эғасиз гапларда иштироқи ва унинг воқеланиш имкониятлари аниқланган.³

Кўринадики, ўзбек тилшунослигида валентлик назарияси феъл валентлиги асосида ишлаб чиқилган. Навбатдаги муҳим масала – феълдан бошқа сўз туркумларининг валентлигини тадқиқ қилишдан иборат.

Ўзбек тилида валентликнинг кўринишлари

Маълумки, валентлик сўзнинг лексик маъносига таянган ҳолда мавжуддир.⁴ Аниқроғи, сўз лексик маъноси қандай ёки қанақа мантиқий семага эға бўлса, шу семасига мутаносиб ҳолда валентликка эға бўлади. Агар гап кесими феъл бўлар экан, унинг, яъни гап предикатининг валентлиги гап қолипни белгилайди.⁵ Шунинг учун ҳам М.Д.Степанова «...феъл - гап асоси, унинг бошқа барча бўлаклари ва ҳатто субъекти ҳам унга боғлидир»,⁶ - деб ёзади. Г.Хельбиг ҳам валентлик сўз семантикасига ва гап қолипи валентликка асосланишини ўзининг махсус мақоласида таҳлил этиб берган эди. Кўринадики, ҳар қандай синтактик алоқа реаллашган валентлик деб қаралиши керак бўлади. Яъни синтактик алоқаларнинг юзага келишини валентлик белгилайди, кўпроқ предикат вазифасидаги феъл келтириб чиқаради.

¹ **Мухамедова С.** Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари. Филол. фан. д-ри...дис. –Тошкент, 2007, 325 б.

² **Миртожиев М.** Ўзбек тилида феъл валентликлари. –Тошкент: Университет, 2007.

³ **Шокирова Ҳ.** Ўзбек тилида кесимлик категорияси: шахс актанти ва унинг нутқий воқеланиши. Филол. фан. номз...дис. автореф. -Тошкент, 2009.

⁴ **Beiträge zur Valenztheorie** // Helbig, -Halle (Saale), 1971. **Кўчқортоев И.** Сўз валентлиги ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. -1973, 3-сон, 39-б.; **Расулов Р.** Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари.

⁵ **Bondzio W.** Valenz, Bedeutung und Satzmodelle // Beitrage zur Valenztheorie. - Halle (Saale). - 1971., s.200; **Кацнельсон С.Д.** Типология языка и речевое мышление. -М.: Наука, 1972. -С.88; **Степанова М.Д.** Проблемы теории валентности в современной лингвистике // ИЯШ. - 1973., №6. -С. 14; **Moskalskaya O.** Grammatik der deutschen Gegenwartssprache. -М.: Hochschule, 1975. -S.241; **Долнина И.Б.** Маркировка субъектно-объектных отношений у валентных категорий английского глагола // Категории субъекта и объекта в языках различных типов. -Л.: Наука, 1982, с.68.

⁶ **Степанова М.Д.** Проблемы теории валентности в современной лингвистике. -С. 14.

Нутқда алоҳида сўз, кўпроқ феълнинг семантикаси бутун жумланинг семантик таркиби билан ўзаро муносабатга киришади. Бу нутқ табиатидир.

Феъл кесим ўз валентлиги асосида, нутқ йўл қўйган вазиятга қараб, ўз актантиларини қабул қилади, яъни шу орқали феъл семантикасидаги семалар намоён бўлади. Актантлар эса гапнинг маълум бўлаги вазифасини ўтайди. Муайян валентликнинг актанти гапнинг муайян бўлаги ҳам ҳисобланади. Шунинг учун ҳам валентликка икки нуктаи назардан ёндашилиб, икки типга бўлиб ўрганилади: 1) семантик валентлик; 2) синтактик валентлик.

Семантик валентлик сўз семантикасининг мантиқий семаларига асосланади. Шу сема бошқа бир сўз маъносининг мантиқий семаси билан мос бўлади. Шунинг учун мазкур сўзда семалари мос бўлган сўз билан бирикиш имкони юзага чиқади. Бу унинг семантик валентлиги ҳисобланади. Шу нуктаи назардан ҳам Г.Хельбиг «Семантик валентлик маънонинг алоҳида семалари чатишувига асосланади», - дейди ¹. Феълларнинг имкониятини шу ўринда алоҳида тилга олишга тўғри келади. Феъл нафақат ҳаракатни номлаш, балки шу ҳаракатнинг барча ижрочи ва қатнашчиларини, кечимини ва барча вазиятни олдиндан кўрсатиш имконига эга. Феълнинг мана шу имконияти унинг семантик валентлиги сифатида изоҳланади.² Юқорида айтилганидек, В.А.Каримжоновна эса ўрин келишликли феъл бошқарувидаги бирикмалар семантикаси ҳақида фикр юритар экан, бирикма бўлаклари маъноси маълум семалари мослиги билан классемани таркиб топтириши феъллар семантик валентлигининг намоён бўлиши деб кўрсатади.³ Яъни мантиқан семантик валентликларда муайян семантик белгиларга эга муайян контекстуал партнерлар қабул қилинади ва бошқа семантик белгиларга эга контекстуал партнерлар «тан олинмайди».⁴ Мазмуний, яъни семантик валентлик таркиби - бу шаклий мантиқ терминларида қайд этилган предикат ва унинг аргументлари каби фикрлашнинг таркибидир.⁵ Унутмаслик лозимки, сўз маъносининг мантиқий семалари ҳақида гапирилар экан, унинг фақат денотатив семалари назарда тутилади. Уларгина семантик валентликни юзага келтиради.

Юқорида қайд этилганидек, ҳар қандай синтактик алоқа реаллашган валентликдир. Шундай экан, валентликни синтактик жиҳатдан ҳам ёндашиб таҳлил этиш мумкин. Л.Теньер валентликнинг дастлабки тадқиқотчиси сифатида уни синтактик валентлик ҳолатида ўрганди. У, юқорида таъкидланганидек, гап марказида феъл кесим ётади, деб ҳисоблади ва бош бўлак сифатида, бу қараш бўйича, эга ўз ўрнини топмади.⁶

С.Д.Кацнельсон ҳам шу нуктаи назарда туриб, ўтимли феъл тушум келишликли сўз қабул қила олишини шаклий (синтактик) валентлик деб

¹ Helbig G. Valenz, Semantik und satzmodelle. - S. 99.

² Кацнельсон С.Д. Типология языка и речевое мышление. - С. 47; Долинина И.Б. Маркировка субъектно-объектных отношений у валентных категорий английского языка. -С.68.

³ Каримжоновна В.А.Кўрсатилган автореферат. 7-б.

⁴ Расулов Р.Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. 15-б.

⁵ Кибардина С.Б. Категории ... -С.25.

⁶ Tesniere I. Esquisse d une syntaxe struchrale. -Paris, 1953, s.250.

билади.¹ Г.Хельбиг эса, синтактик валентлик турлича бўлган тилларда очик мавқедаги муайян сон ва турнинг зарурий ёки факультатив тўлдирилиши деб қаралишини тушунади.² Яъни у очик қолган мавқенинг тўлдирилишини зикр этади, албатта, унинг тўлдирилганлигини эмас. Тўлдирилиш эса муайян бўлакни қабул қилиш имкони бўлади. Феъл кесимнинг валентлигини синтактик валентлик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш маълум ютуғига эга эканлигига қарамай, гап бўлақларидаги синтактик ва семантик номувофикликнинг бўлиши маълум қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун ҳам Г.Бринкманн ҳар эҳтимолга қарши, ўтиш кечимида эга ва тўлдирувчи ўртасида яширин алоқа ўрнатилади, деган фикрни илгари сурган эди. Чунки у воситасиз тўлдирувчи, феъл кесим пассив (мажҳул) нисбатга кўчгач, эга вазифасига кўчишини ҳам кўрсатиб ўтган.³ Лекин гап бўлақларининг нутқ талабига кўра бундай кўчишлари жуда кўплаб кузатилади. У туркий тиллар, айниқса, ўзбек тилида ниҳоятда фаолдир.

Бунга қараганда феъл кесим семантикасига асосланган валентликни юзага чиқарувчи актантиларни тадқиқ этиш ва уларни гапнинг синтактик бўлақларига татбиқ этиш қулайроқ. Шунинг учун В.Бонцио синтактик валентликни тан олмайди ва семантик валентлик бор, деган фикрни ўртага ташлайди.⁴

Г.Хельбиг яна мантикий валентлик ҳам бор эканлигини қайд этган. «Мантикий валентлик», - деб кўрсатади у «тилга оид бўлмаган тушунчалар ўртасидаги муносабатдир».⁵ Бунда сўз, шу жумладан феъл ҳам, бирикув имконини семемасининг маълум семаси асосида юзага чиқарган бўлмайди. Унинг валентлиги шу сўз маъноси ифодалаган тушунчага мантикий ёндашув орқали англанади ва шунга кўра унинг актанти танланиб, сўз боғланишини таркиб топтиради. Масалан, немис тилидаги *Ich gehe* боғланишидаги *gehen*, рус тилидаги *Я пришёл* боғланишидаги *пришёл* феълларида I шахс бирликни талаб қилувчи валентлик йўқ. Бу ҳаракатларни шахс бажариши мантиқан маълум, шунга кўра улар I шахс бирликни билдирувчи олмошлар билан синтактик алоқага киришган. Кўрсатилгандай, мантикий валентлик мазкур тиллар учун мантиқан ҳам мавжуд. Аммо ўзбек тили, умуман, туркий тиллар фактлари асосида мантикий валентлик мавжудлигини таҳлил этиб, исботлаб бўлмайди. Чунки ўзбек тилида *келдим* деган энг кичик қолипга гап тузилган бўлса, у шахси аниқ содда гап ҳисобланади. Ундаги I шахс бирликда берилган феъл кесимнинг морфологик шаклидан эгаси англашиларлидир. У мен олмоши воситасида намоён этилади. Мазкур кесим шакли орқали яна пайт валентлиги борлиги англашилади. Шунга кўра ўтган замон ифодасини

¹ Кацнельсон С.Д. Типология языка и речевое мышление. -С.57.

² Степанова М.Д., Хельбиг Г. Части речи и проблема валентности в современном немецком языке.-М.: Высш. шк. 1978, с.157.

³ Brinkmann H. Die deutsche Sprache. Gestalt und Leistung. -Düsseldorf, 1962. -S.223.

⁴ Bondzio W. Valenz, Bedeutung und Satzmodelle. - S. 200.

⁵ Helbig G. Beitrage zur Valenztheorie. Einleitung; шу муаллиф. Valenz, Semantik und Satzmodelle. -S.100- 102; шу муаллиф. Части речи и проблема валентности в современном немецком языке.-С. 157.

берувчи актант намоён этилса бўлади.¹ Бу валентликни феъл нисбатларига ҳам татбиқ этиш мумкин. Чунки феъл нисбатлари шакли семантикаси мазкур феълда ўз валентлигини жорий этади. Кўринадики, Г.Хельбиг томонидан илгари сурилиб, айрим тилшунослар томонидан такрорланган мантикий валентлик асосан Ҳинд-Европа тиллари учун хос, аммо уни туркий тиллар, шу жумладан, ўзбек тилига татбиқ этиб бўлмайди. Унинг ўрнига туркий тилларда грамматик шакл валентлиги бор деб кўрсатиш шу тиллар хусусиятига мувофиқдир. Уни ҳамит тиллари оиласига ҳам татбиқ этса бўлади. Ушбу валентлик ҳақида М.Қурбонова қўлланмасида махсус тўхталади: «Грамматик шакл валентлиги деганда аффиксал морфемаларнинг бирикиш қобилияти тушунилади. У моҳиятан лексик (семантик) валентликка ўхшашдир, лекин умумийлик даражасига кўра семантик валентликдан анча юқори бўлиб, категориал умумлашмалар даражасидадир. Жумладан, қаратқич келишигининг морфемаси ўзидан кейин келган эгалик қўшимчаси билан бирика олиш валентлигига эга ва сўз бирикмаси таркибида қаратқич ҳамда эгалик қўшимчаларининг валентлиги мувофиқлашади; сўзлараро маъновий муносабатлар меъёрий-номеъёрийлигидан қатъий назар, грамматик шакл валентлиги воқеланиши мумкин».²

Шуни таъкидлаш зарурки, А.П.Ҳожиёв бу масалада тамоман бошқача фикрга эга. Унинг таъкидлашича: "...сема семантик таркибга эга бўлган тил бирликларида мавжуд бўлади. Бундай моҳият "ёрдамчи" деб юритилаётган тил бирликларида йўқ".³ Яъни А.Ҳожиёвнинг фикрича, луғавий бирликни кўрсатувчи лексеманинг таркибида семема бўлиб, шу семеманинггина семаси бўлади. Бу билан у нутқ бирлиги ҳисобланган сўз таркибида семема ҳақида гап кетар экан, у фақат грамматик шаклсиз сўздагина семема бўлади деган хулосани илгари суради. Сўз шаклини унинг семемасидан ташқарида деб тушунади. Воҳолангки, тилшуносликда нутқ бирлиги ҳисобланган сўз билан унинг грамматик шакллариининг мазмун томони бир бутун ҳолда семема деб ҳисобланади. Сўзлар нутқда ўзаро муносабатга киришар экан, фақат грамматик жиҳатдангина боғланиб қолмай, семантикаси жиҳатидан ҳам ўзаро боғланиши шарт. Айрим вақтларда бу семантик боғланиш ҳоким сўзнинг шакл семантикаси ва тобе сўзнинг лексик-семантикаси воситасида ҳам бўлади. Бу умумий тилшуносликда кўп бора қайд қилинган.⁴ Ҳар ҳолда сўзларнинг нутқий муносабатини таҳлил этишда семантик муносабатни эсдан чиқариш тўғри бўлмайди.

¹ Худди шу фикрни В.Каримжонова ҳам ўзининг номзодлик диссертациясида илгари сурган эди. У феълларнинг замон кўрсаткичи уларнинг пайт валентлигини белгилайди, деб кўрсатган. Қаранг: **Каримжонова В.А.** Ўзбек тилида ўрин келишикли бирикмалар семантикаси. 7-б.

² **Қурбонова М.** Ҳозирги замон ўзбек тили (соғда гап синтаксиси учун материаллар). -Тошкент: Университет, 2002, 25-б.

³ **Ҳожиёв А.** Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари. -Тошкент: Фан, 2010, 85-б.

⁴ Бу ҳақда қаранг : **Greimas A.J.** Semantique structurale.-Paris, 1966. -P.53. **Pattier B.** La definition semantique dans les sictionnaires. **Гак В.Г.** К проблеме семантической синтагматике. -С.376. **Кисилева Л.Л.** Коммуникативные языковые функции и семантическое строение словесного значения // Проблемы семантики.-М.: Наука, 1974.-С.70. **Юнусов Р.** Полисемия и синонимия имен существительных места в современном узбекском литературном языке. -С.25. **Каримжонова В. А.** Ўзбек тилида ўрин келишикли бирикмалар семантикаси. Б.7.

Юқорида семантик валентлик термини остида лексик birlikлар семантикасига асосланган, грамматик шакл семантикаси валентлиги термини остида эса коммуникациядаги сўз шакли семантикасига асосланган валентликлар бўлиши кўрилди. Феълларнинг яна бир валентлигига кўра актанти билан муносабатга киришуви борки, бу валентлик асоси анча муаммо. Масалан, *ўқиш учун мактабга бордим ёки харид учун бозорга бордим* курилмаларида *ўқиш учун бордим ёки харид учун бордим* феъл бошқарувлари грамматик жиҳатдан ҳам, мантиқ жиҳатидан ҳам тўғри, аммо феълнинг қандай валентлиги ҳисобига мазкур тобе бўлақлар актант сифатида у билан бириккан? Бу номаълум. *Бормоқ* сўзи маъносининг «нутқ қаратилган», «жой» «етмоқ» семаларининг бирортаси билан *ўқиш ва харид* сўзлари маъноси семаси мос келмайди, классемани таркиб топтирмайди. *Ўқиш* сўзи маъноси семалари «таълим олиб», «ўзлаштирмоқ»лардан, *харид* сўзи маъноси «ҳақ тўлаб» «ниманидир» «олиш»лардан иборат. *Бормоқ* феъли яна юқоридаги курилмаларда *бозор ва мактаб* сўзларини ҳам бошқариб келган. *Бозор* сўзи маъноси «ниманидир» «сотиладиган ва олинадиган» «жой», *мактаб* сўзи маъноси эса «таълим» «бериладиган» «жой» семаларидан таркиб топган. Кўринадики, *бормоқ* сўзи *бозор* ва *мактаб* сўзлари билан «жой» классемасини таркиб топтирган. Яъни мазкур феъл ўрин валентлигига кўра бозор ва мактаб актантлари билан синтактик муносабатга киришган. *Бозор* сўзи *харид* сўзи билан «ниманидир» «олиш» семалари; *мактаб* сўзи *ўқиш* сўзи билан «таълим» семалари асосида классемани таркиб топтирган ва ўзаро синтактик алоқада бўлган. Демак, шундай фикрга келиш мумкинки, *бормоқ* феъли *ўқиш* сўзини бевосита бошқарса ҳам, у билан *мактаб* сўзи воситасида; *харид* сўзини бевосита бошқарса ҳам, у билан *бозор* сўзи воситасида семантик алоқададир. Яъни *бормоқ* феълнинг бу валентлиги ўрин валентлиги актанти воситасида намоён бўлган. У мақсад билдирувчи аргументига фақат ўрин актанти воситаси билангина бирика олади. Шунинг учун ҳам юқоридаги курилмани *харид учун мактабга бордим ёки ўқиш учун бозорга бордим* деб тузиб бўлмайди. Шу вазиятдан келиб чиқиладиган бўлса, феълнинг бу валентлигини **воситали валентлик** деб аташ жоиз. Чунки феълнинг шу валентлиги ўрин актанти семантикасига таянади, унинг семантикаси воситасида мақсад билдирувчи аргумент учун имкониятга эришади.

Феълларнинг сабаб валентлиги ҳам деярли ҳолда воситали бўлади. У ҳам ўрин валентлиги актанти семантикасига таянади.

Воситали валентлик фақат туркий тиллар эмас, Ҳинд-Европа ва Хамит-Семит тармоғидаги феълларга ҳам мансуб. Яъни умумтилшуносликда воситали валентликни валентликнинг бир кўриниши сифатида қўллаш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигида **эмотив валентлик** ҳақида фикрлар билдирила бошланди. Хусусан, С.Муҳамедованинг докторлик диссертациясида “Ҳаракат феълларининг эмотив валентлиги” номли махсус бўлимда ўзбек тилшунослигида биринчи марта эмотив валентлик ҳақида

фикрлар билдирилган. ¹ М.Миртожиев ҳам “Ўзбек тили семасиологияси” дарслигида эмотив валентликка изоҳ берган. ² Унда таъкидланишича, сўзлардаги мавжуд ҳар бир сема улар валентлиги учун асос бўлади. Сўзлар маъносидаги эмосема ҳам эмоционал валентликни юзага келтиради. Шу эмоционал валентлик бўйича сўз муайян сўз билан алоқага киришади ва семантик мослашади. Масалан: *зир титрайди* бирикмасидаги маънода салбий эмоция билдирган эмосема бор. Улар эмосема бўйича мослашган. Агар улар эмосемаси бир хил бўлмаса эди, феъл валентлигининг актанти сифатида *зир* сўзи танланмасди. Масалан, *гўзал башара* бирикмаси нотўғри тузилган. Чунки *башара* сўзи салбий эмосемали маънога эга, *гўзал* сўзида эса ижобий эмосема бор. Бу уларнинг маъноси алоқаси учун имкон бермайди. Эмосемалар классемани таркиб топтирмайди. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, сўзлар эмосемаси мос келгани билан ҳамма вақт ҳам улар семантик алоқага киришавермайди. Бирор сўз ўз денотатив семасига кўра валентликка эга бўлиб, шу валентликка мос семали маънога эга сўзни актант сифатида танлайди. Эмосема сўзнинг мана шу денотатив семасига йўлдош ҳолда иккинчи сўз билан бирикувида аҳамият касб этади. У сўзнинг бирор денотатив семага асосланган валентлигига мингашган ҳолда, унинг воқелантирган актантига шерик бўлади ва биргаликда классемалар таркиб топтиради. Масалан: *чиройли чеҳра* бирикмасида *чеҳра* оти “ёқимли”, “бичимга эга”, “юз” семаларидан иборат семемадир. Унинг белги валентлигига кўра воқеланган актанти *чиройли* сифатидир. Бу сўзлар аввало “ёқимли” ва “бичимга эга” денотатив семалари бўйича классема таркиб топтирган ва унга мингашган ҳолда ижобийлик семаси ҳам классемани юзага келтирган. Яъни эмотив классема денотатив классемасиз, унга устқурма бўлмаган ҳолда таркиб топмайди. Шу билан бирга денотатив сема ҳам эмотив классема имкониятини четлаб ўтиши мумкин эмас.

Эмотив сема асосан сўзларнинг нутқий маъноларида кузатилади. Нутқий маъно, у қайси туркумга мансуб бўлмасин, ўша сўзнинг ҳосила маъноси эканлиги билан характерланади. Бу ҳосила маънони бирор сўз нутқ жараёнида ҳосил қилади. Гап учун танланган сўз нутқий маъно билан қўлланса, тамоман бошқача ҳолат кузатилади. Сўз гап учун танланганда нутқий маъно билан қўлланар экан, шу нутқий ҳосила маъно валентликларини намоён этувчи актантлар ҳам бирга танланади ва гап таркибида берилади. Чунки бусиз нутқий маъно мавжуд эмас. Нутқий маъно шу жараёндан ташқарида яшамайди.

Хуллас, эмотив валентлик сўзнинг муайян лексик-семантик валентлиги устқурмаси ҳолида намоён бўлади. У кўпроқ нутқий ҳосила маъноларда кузатилади. Нутқий маънолар нутқ жараёни ўз валентлиги актантлари қуршовида воқеланади, бусиз ҳаёт эмас.

Демак, юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда қуйидагича хулоса қилиш мумкин. Валентлик сўз маъносига асосланар экан, у сўзнинг қандай

¹ Мухамедова С. Қўрсатилган докторлик диссертацияси. –Б.225-239.

² Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. –Тошкент: Мумтоз сўз, 2010, 282-б.

маъносига асосланишига кўра кўринишларга бўлиниши юқорида таҳлил этилди. У лексик бирликнинг семантикасига асосланган бўлса, семантик валентлик деб аталиши айtilди. Аммо моҳиятни тўла ифодалаш учун уни **лексик-семантик валентлик** деб аташни маъқул ҳисоблаймиз. Мантиқий валентлик, айтилганидек, Ҳинд-Европа оиласидаги тилларда бор. Уни ўз ўрнида қўллаш керак. Аммо туркий тилларда феъл кесимларнинг агенс, контрагенс, пациенс, пайт валентлиги сўз грамматик шакли семантикасига асосланганлигини эътиборга олиб, уни **шакл семантикаси валентлиги** деб аталди. Феълнинг ўрин актанти семантикаси воситасида мавжуд бўлган валентликни воситали валентлик, тўлароқ қилиб айtilса, **воситали семантик валентлик** деб қаралди. Демак, ўзбек тилида валентликлар: 1) лексик-семантик валентлик; 2) шакл семантикаси валентлиги; 4) воситали семантик валентлик каби кўринишларга бўлинади, деб ҳисоблаш мумкин. Эмотив валентликни ҳам назардан соқит қилмаслик зарур. Аммо бир фикрни қатъий таъкидлаш зарур: **валентлик семантик, шакл семантикаси ёки воситали валентлик бўлган тақдирда ҳам маълум лексик маъноси билан нутқда намоён бўлган сўз семантикасига боғли имконият ҳисобланади.**¹

Айрим ўринларда ижтимоий-худудий валентлик ҳам мавжуд бўлади.² Валентликнинг бу кўринишини ўзбек тили шеваларида кузатиш мумкин. Яъни муайян бир худудда бирикиши мумкин бўлган бирликлар иккинчи худудда бирика олмайди. Бу, айниқса, келишиқлар бирикувида фаол кузатилади. Қиёсланг: *қизим шу ерда* (Тошкент, Фарғона шевасида) → *қизим шу ерга* (Бухоро, Самарқанд шевасида). Бизнинг монографиямиз, асосан, адабий тил ва жонли сўзлашув материалларига асосланганлиги сабабли унда ижтимоий - худудий валентликка махсус эътибор қаратилмади.

¹ Миртожиев М. Ҳозирги ўзбек адабий тили.-Тошкент, 2004, 182-б.

² Бу ҳақда қаранг: Чумак Л.Н. Реализация культурного компонента значения на синтаксическом уровне // Мир русского слова. 2000. №2.-С.67-82.; Грузберг Л.А. К социолингвистическому описанию семантики слова // Семантика слова и синтаксической конструкции. -Воронеж: ВГУ, 1987.-С.114-160; Антонова С.М. О роли обстоятельственной сочетаемости в актуализации семантики глаголов говорения // Шу тўплам, 127-135-б.

ФЕЪЛНИНГ СЕМАНТИК ВАЛЕНТЛИКЛАРИ

1. Феъл - валентликнинг энг фаол ташувчиси

Юқорида таъкидланганидек, валентлик сўзнинг лексик маъносига таянган ҳолда мавжуддир.¹ Тўғрироғи, сўз лексик маъноси қандай ёки қанақа мантикий узвга эга бўлса, шу узвга мутаносиб ҳолда валентликка эга бўлади. Немисларнинг таниқли тилшуноси Г. Хельбиг ҳам валентлик сўз семантикасига ва гап қап қолипи валентликка асосланишини ўзининг махсус мақоласида таҳлил этиб берган.² Яна кейинроқ шу фикрини таъкидлагандек: «Ҳар қандай ҳолатда ҳам валентлик асосида энг аввало гапнинг синтактик қолипи ётади», - деган.³ Валентлик барча мустақил маъноли сўзларда бор ва, ҳатто, ёрдамчи маъноли сўзлар; модал, ундов сўзлар, шунингдек морфологик шаклларда ҳам бўлади.⁴ Лекин бу валентликка эга бўлган бирликлар предикатлигидагина гап қолипини белгилаши мумкин. Бу ҳақда рус тилшуноси Л. М. Васильев : «предикатлар мавҳум синтактик синтагманинг ўзаги ҳисобланиб, аргумент(актант)лари уларнинг синтагматик семаси (семантик валентлиги)нинг намоён этувчиларидир,» - деб ёзади.⁵ В.З. Панфилов таъбирича эса «Предикативлик борлиқ ҳақидаги тугал фикрни билдирувчи гап мазмунига мансублиги билан характерланади».⁶ Умуман у ҳар қандай гапнинг грамматик маъноси каби талқин қилинади.⁷

Предикативлик ҳақида мулоҳаза юритилар экан, унинг аргументлари гап бўлақларини ташкил қилишини ҳеч маҳал инкор қилиб бўлмайди. Шунинг билан бирга у ҳамма вақт ҳам гапни уюштирувчи бўлақ бўла олмаслигини ҳисобдан чиқармаслик керак. Нутқ талабига кўра у гап таркибида турли бўлақлар вазифасини ўташи мумкин. У гапда эга, тўлдирувчи, ҳол вазифаларини бажариши ва ҳатто содда гап бўлиб келиши кузатилади.⁸ Буларнинг бирортаси ўз вазифасини ўтар экан, гапда

¹ **Beiträge zur Valenztheorie** / Hrg. von G. Helbig. – Halle (Saale), 1971, Einleitung; **Große R.** Zum Verhältnis von Form und Inhalt bei der Valenz deutschen Verben // Beiträge zur Valenztheorie / Hrg. von G. Helbig. – Halle (Saale), 1971, S.80; **Кўчқортоев И.** Сўз валентлиги ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1973, 3-сон, 39-б.; **Расулов Р.** Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. – Тошкент: Фан, 1989, 16-б.

² **Helbig G.** Valenz, Semantik und Satzmodelle // Deutsch als Fremdsprache. – 1976, N 6, S.

³ **Stepanova M. D., Helbig G.** Wortarten und das Problem der Valenz in der deutschen Gegenwartssprache. – Leipzig: VebBG, 1978, S.193.

⁴ Г.Хельбиг ўзининг М. Д. Степанова билан ҳамкорликда нашр эттирган монографиясининг III бобини немис тилидаги сўз валентликларига бағишлайди ва бу бобни “Синтагматикада сўз туркумлари” деб номлайди. У феъл, сифат, сифатдош, от, равиш, предлог, олмош, модал сўз ва ундов сўзларнинг валентликларига алоҳида тўхтаб, характерлаб беради. Улар ичида феълларга катта ўрин ажратган ва эътибор қаратган. Қаранг: **Stepanova M. D., Helbig G.** Wortarten und das Problem der Valenz in der deutschen Gegenwartssprache. – S. 231.

⁵ **Васильев Л. М.** Семантика русского глагола. – М.: ВШ, 1981, с.28.

⁶ **Панфилов В. З.** Грамматика и логика. М.-Л.:Изд.АН СССР, 1963, с.45.

⁷ **Золотова Г.А.** Коммуникативные аспекты русского синтаксиса. – М.: Нука, 1982, с.93.

⁸ **Миртожиев М.** Мантикий предикат билан кесимнинг номутаносиб келиши // 5-Республика илмий – амалий коференциясининг тезислари. – Тошкент: Университет, 1984, 7-8-б.; Мантикий предикатнинг гапда эга вазифасида келиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1995, 2-сон; Мантикий предикатнинг иккинчи даражали

уюштирувчилик вазифасини ўтай олмайди. Предикат, тўғрироғи, мантикий предикат гапда уюштирувчи бўлак бўлиши учун грамматик кесим билан мутаносиб бўлиши зарур. Кесим энг кичик ҳажмли гапни ҳам таркиб топтиради ва шунингдек гапни уюштирувчи марказий бўлаги ҳам бўлади. У ўзича етарли фикр ифодалайди ва бутун бир гапни тузади. Шунинг учун ҳам А. А. Дмитриевский: «Кесим ҳокими мутлоқ, гап шоҳидир», -деган эди»¹ Бу, албатта, унинг валентлиги ва валентлигининг реаллашуви натижасида намоён бўлади.

Предикативликнинг ҳам, кесимнинг ҳам уюштирувчанлик хусусияти асосан феъл билан ифодаланганда фаол ҳолатда кузатилади. Чунки у предикативликни ифодаловчи воситалардан бири бўлиши билан ажралиб туради.² Шунингдек у кесим учун жуда ҳам мосланган сўз туркумидир.³

С. Д. Кацнельсон ҳам: «Феъл предикатнинг,- деб қайд этади,-мазмуний ифодаси оддий лексик маънодан ташқари ҳеч нарса эмас. Лекин у муайян маънони ифода этиш билан бирга ўзида тузилажак гапнинг қолипни ҳам сақлайди».⁴ Шунда ҳам феъл предикат синтактик жиҳатдан гапнинг кесими бўлади. Феъл кесим асосий аҳамиятга эга. Бу ўринда феъл валентликларига алоҳида аҳамиятни қаратишга тўғри келади. Феъл гап аниқловчисидан ташқари барча бўлақларни бошқариб кела олади. Бунинг устига аниқловчини бошқариб келган бўлак ҳам феъл томонидан бошқарилган бўлади. Бунга эътироз йўқ.⁵ Агар гап кесими феъл бўлса, унинг, яъни айни феъл кесимнинг валентлиги гап қолипни белгилайди.⁶ Шунинг учун ҳам М. Д. Степанова: «... феъл- гап асоси, унинг бошқа барча бўлақлари ва ҳатто субъекти ҳам унга боғлиқдир», -деб ёзади.⁷ Шу масалада рус тилшуноси С. М. Кибардина ҳам: «Феъл валентлигининг хусусияти шундаки, -деган эди, -гапнинг қурилишини белгилайди».⁸ Бу ўринда С. М. Кибардина ҳам феълнинг кесимлик вазифасида келишини назарда тутган.

бўлақлардан бирида акс этиши // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1995, 4-сон; Гап тузилиши ва маъносининг марказий бўлаги масаласи //Ўзбек тили ва адабиёти. – 1998, 4-сон; Мантикий предикатнинг ўзига хос хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти.- 2005, 3- сон, 28-31-б.; Мантикий предикатнинг содда гапда ифодаланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2006, 4-сон, 44-47-б.

¹ **Дмитриевский А. А.** Практические заметки о русском синтаксисе. Два ли главных члена в предложении // Филологические записки, 1877, вып. IV, С. 23.

² **Ғуломов А. Ғ.** Содда гап. – Тошкент: Фан, 1955, 49-б.

³ **Ғуломов А.Ғ.** Ўша асар, ўша бет.

⁴ **Кацнельсон С. Д.** Типология языка и речевое мышление. – Л.: Наука, 1972, С. 88.

⁵ **Золотова Г. А.** Коммуникативные аспекты русского синтаксиса. – М.: Наука, 1982, с. 158.

⁶ **Bondzio W.** Valenz, Bedeutung und Satzmodelle // Beitrage zur Valenztheorie. – Halle(Saale), 1971, S.200; **Кацнельсон С. Д.** Типология языка и речевое мышление. – С. 88; **Степанова М. Д.** Проблемы теории валентности в современном лингвистике // ИЯШ, 1973, N 14; **Moskalskaja O.** Grammatik der deutschen Gegenwartssprache. – М.: Hochschule, 1975, S. 241; **Долинина И. Б.** Маркировка субъектно – объектных отношений у валентных категорий английского глагола // Категория субъекта и объекта в языках различных типов. – Л.: Наука, 1982, С. 68.

⁷ **Степанова М. Д.** Проблемы теории валентности в современной лингвистике. – С. 14.

⁸ **Кибардина С. М.** Категории субъекта и объекта и теории валентности // Категория субъекта и объекта в языках различных типов. – Л. Наука, 1972, С. 24. Бу фикр яна бир қатор тилшуносларда ҳам қайд этилган. **Расулов Р.** Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. – Тошкент: Фан, 1989, 16-б.; **Karl-Ernst Sommerfeldt, Gunter Starke.** Einführung in der Grammatik der deutschen Gegenwartssprache. 2 neu be arbeite Auflage.,- Tübingen: MNV, 1992, S. 53; **Rosemarta K.** Kommunikative Grammatik // Deutsch als Fremdsprache. – München,1991, S.158.

Феъл баъзан иккиламчи предикация таркибида иккиламчи предикат бўлиб келиши ҳам мумкин. Бунда у иккиламчи предикацияни таркиб топтирган қурилма қолипни ўзида сақлайди. Бошқача қилиб айтганда, «ўйланган фикр гапларда ифодаланади, яъни у феъл ҳажмига киради».¹ Феъл ўз аргумент(актант)лари билан ҳар қандай синтактик қурилмаларни тўлдириб боради ва синтаксисда марказий аҳамиятга эга бўлади.² Шунинг учун ҳам кесим вазифасидаги феъл валентликларига алоҳида аҳамият беришга тўғри келади. Шунга кўра монографияда, аввало, феъл валентликлари хусусида фикр билдирамыз.

2. Феълнинг лексик-семантик валентликлари

Маълумки, сўзнинг лексик-семантик валентлиги унинг бевосита лексик маъноси, яъни лексеманинг семемасидан бошланади.³ Ҳақиқатда ҳам валентлик учун сўзнинг муҳим томони лексик маъноси ҳисобланади.⁴ Унинг шакли семантикаси аҳамиятга эга эмас. Шунинг учун ҳам сўзнинг лексик-семантик валентлиги ўрганилганда, унинг лексик-семантик хусусиятларини қараб, кўриб чиқишга ҳаракат қилинади.⁵ У сўзнинг бошқа сўзлар билан боғланишлари учун ниҳоятда муҳим имкониятларни беради.⁶ Яна ҳам аниқроғи, сўз лексик маъноси-семемаси семаси асосида шу сўзнинг ҳар бир лексик-семантик валентлиги барпо бўлади. Яъни сўз валентлиги билан семалар таҳлили ўртасида зич боғланиш мавжуд.⁷ Лексик-семантик валентдикларнинг намоён бўлиши муайян семантик компонент(сема)ларнинг бирикувиға таянади.⁸ У шундайки, матнда сўз муайян семантик белги(сема) билан иккинчи бир шундай семантик белги(сема)ли эшни талаб қилади ва улар шу умумий семантик белгиға эга бўлиб қолади.⁹ Шу умумий семантик белги классема деб аталади.¹⁰ Шу классема асосида сўзнинг бир валентлиги намоён бўлган деб ҳисобланади.

¹ Rosemarta K. Kommunikative Grammatik.- S. 158.

² Золотова Г. А. Коммуникативные аспекты русского синтаксиса. – С.158; Васильев Л. М. Семантика русского языка. – С. 35.

³ Schippan Th. Einführung in die Semasiologie. – Leipzig, 1975, S.30 ff, 91 ff.

⁴ Кацнельсон С.Д. Типология языка и речевое мышление. –Л.: Наука, 1972, С.18.

⁵ Кучкартаев И.К. Валентный анализ глаголов речи в узбекском языке. –Ташкент: Ўқитувчи, 1977, С.13.

⁶ Stepanova M.D., Helbig G. Wortarten und das Problem der Valenz in der deutschen Gegenwartssprache. –Leipzig:VebBI, 1978. S.139.

⁷ Stepanova M.D., Helbig G. Wortarten und das Problem der Valenz in der deutschen Gegenwartssprache. –S.140.

⁸ Г.Хельбиг бу ўринда турли лингвистик йўналишларда уни сема, классема, ноэма, семантик белги ва ҳ. деб аталиши ҳеч қандай муаммоли масалани туғдирмаслигини айтади. Stepanova M.D., Helbig G. Wortarten und das Problem der Valenz in der deutschen Gegenwartssprache.-S.152.

⁹ Stepanova M.D., Helbig G. Ўша асар. 155-б.; Leise E. Der Wortinhalt. Seine Struktur in Deutschen und in Englischen. – Heidelberg, 1961, S.68 f.

¹⁰ Pottier B. La definition Semantique dans des dictionnaires // Travaux de linguistique et de litterature. III,1. Strasborg, 1965; Каримжоновна В.А. Ўзбек тилида ўрин келишкли бирикмалар семантикаси. Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. –Тошкент, 1994, 7-б. Айрим асарларда классема термини ўрнида синтагмема термини қўлланган. Қаранг: Гак В.Г. К проблеме семантической синтагматики // Проблемы структурной лингвистики – 1971. –М.: Наука, 1972, С.376; Раҳматуллаев Ш., Юнусов Р. Семемаларнинг семалар состави ва семантик боғланиш масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1974, 1-сон.

Сўз семемасининг муайян семасига асосланиб унинг валентлиги бўлар ва эш сўз семемаси семаси билан классема таркиб топар экан, классема номи билан валентлик номи айтири бир атамага эга деб бўлмайди. Чунки классема сўз семемасининг бирор семаси, яъни семема референтининг белгиси билан ўлчанади.¹ Валентликни эса эш сўз, яъни аргумент референти белгилайди. Масалан, *трамвайда келди* бирикмасининг ҳам, *пичоқда кесди* бирикмасининг ҳам классемаси бир хил восита ифодасига эга. Аммо *келди* феъли восита, *кесди* феъли нарса-курол валентлиги билан намоён бўлган. Улар номдош келиб қолиши ҳам мумкин. Бунда классема эш сўзларнинг архисемаси ҳисобига таркиб топган бўлади. Ҳар қандай ҳолда ҳам сўзнинг семантик валентлиги миқдори унинг намоён бўлган семемасининг семалари миқдорига пропорционал келади.² Лекин унинг намоён этилиши эса нутқ талабига боғлиқдир.

Бир синтактик бирикма таркибига кирган сўзлар умумий сема (классема)га эга бўлади. Синтактик боғланган сўзлар маъноси айтири бир семанинг такрорланиши нутқда полисемантикликни бартараф қилиш қонуниятига асосланади.³ Бу лексик-семантик валентликка хос хусусиятдир. Мана шу ўринда уларнинг энг муҳими сифатида айрим тилшунослар агенсни кўрсатадилар. Рус тилшуносларидан Ю.Д. Апресян ва С.М. Кибардиналар шу нуқтаи назарда бўлишган.⁴

Агенс (agens) валентлиги

Феъллар деярли агентив ва баъзан ноагентив ҳам бўлади. Ноагентив феъллар ҳақида алоҳида бир мақола эълон қилинган эди.⁵ Бу ўринда агентив феъллар ҳақида тўхташга тўғри келади.

Агентив феълларнинг ўзи ҳам носемантик агентив феъллар, семантик агентив феъллардан иборат. Носемантик агентив феълларнинг валентлиги лексик-семантик валентлик эмас. Г. Хельбигнинг қайд этишича, лексик-семантик валентлик семантик узв (белги, сема)лар мос келиши ва бирикишига асосланиб намоён бўлади.⁶ Бошқача қилиб айтганда, феъл семантикасининг бирор семаси агенсининг семемаси семаси билан бир хил бўлиши, яъни классемани таркиб топтириши керак.⁷ Шунда агенс валентлиги семантик валентлик ва феъл ҳам семантик агентив ҳисобланади. Маълумки, на немис тилидаги *Ich gehe*, на рус тилидаги *Я иду*, на ўзбек тилидаги *Мен кетяман*, на араб тилидаги *رئيساً* (ана асиру), на корейс тилидаги

¹ Marthe Philipp. Semantik des Deutschen. 1-Auflage– Weidler:Bucherlag Berlin, 1998.- S.21.

² Stepanova M.D., Helbig G. Ўша асар.157-б.; Расулов Р. Лексико-семантические группы глаголов состояния и их валентности. –Ташкент: Фан, 1991, с.24.

³ Булыгина Т.В. Грамматические и семантические категории и их связи // Аспекты семантических исследований. – М.: Наука, 1982, с.349.

⁴ Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. - М.: Наука, 1974, С.126; Кибардина С.М. Категории субъекта и объекта и теория валентности ...- С.27.

⁵ Миртожиев М. Ноагентив феъллар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти . 2004, 4-сон, 30-32-б.

⁶ Stepanova M.D., Helbig G. Wortarten und das Problem der Valenz in der deutschen Gegenwartssprache. – Leipzig: VebBV., 1978.- S.157.

⁷ Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. – М.: Наука, 1974. -С.79-94.

(ненин каё), на хитой тилидаги (во чшуй) предикацияларидаги агенс ва феъл ўзаги ўртасида бундай умумий сема (классема) бор. Яъни *кетмоқ* феъли семемаси 'мўлжалланган' 'жойга' 'йўналмоқ' семаларига эга бўлиб, унинг таркибида 'бажарувчи' 'шахс' семалари ўрин олмаган. Шунга қарамай, ҳар қандай ҳаракат ёки ҳолатнинг бажарувчиси албатта бор.¹ У мантиқан англашилади. Шундан келиб чиқиб бу валентликни немис тилшуноси Г. Хельбиг ва Б. Банциолар мантиқий валентлик деб кўрсатадилар.² Ҳатто Г. Хельбиг: «Мантиқий-семантик валентлик қолипи ҳам синтактик валентлик каби феъл семантикасини очиб бера олмайди»,³ -деган фикрни ҳам айтган. Агенс феъл семантикаси таркибига асосланмагандан кейин, турган гапки, уни очиб бера олмайди. Шунинг учун С. Д. Кацнельсон: «Субъект категориясини айримлар «намоён бўлиши» ёки «мантиқийлиги» билан монанд ҳолда нолингвистик асос, субъект (агенс) деб қарашади,»⁴-деган фикрни айтган. Яъни агенс нолингвистик валентлик-мантиқий валентлик деб қаралиши керак.

Ўзбек тилшунослигида валентликни тадқиқ эта бошлаган олимлар лексик-семантик валентлик феъл ва унинг актанти классемага эга бўлиши шартлигини эътиборга олмадилар. И. Қ. Қўчқортоев икки монографияси ва докторлик диссертацияси авторефератида у ҳақда маълумот бермаган ва агенс валентлигини семантик валентлик деб деярли ҳолда қайд этиб ўтган.⁵ Ундан кейин номзодлик диссертациясини ёзган Ў. Шарипова ва Т. Мусаевлар ҳам И. Қ. Қўчқортоевга эргашганлар.⁶ С. Ҳ. Муҳамедова унинг семантик ёки бошқа валентлик кўринишига мансублиги ҳақида ҳеч нарса демаган.⁷

Ўзбек тилшунослигида лексик-семантик валентлик феъл семемасининг семасига асосланиши ҳақидаги фикрни дастлаб Р. Расулов илгари сурган.⁸ Лекин у агенсни семантик актанти деб қайд этган.⁹ Буни асослаш учун эса Г. А. Золотова ва Ю. А. Лопашевларга ҳавола берган. Бироқ улар бу фикрни маъқулловчи бирор жумла келтирмаган.¹⁰ Фақат 2003 йилга келиб бир

¹ **Ахманова О.С.** Словарь лингвистических терминов. – М.: СЭ, 1966, с.31; **Золотова Г.А.** Коммуникативные аспекты русского синтаксиса. – М.: Наука, 1982, с.144.

² **Helbig G.** Valenz, Semantik und Satzmodelle // Deutsch als Fremdsprache, - 1976, N2, S/100-102; **Bondzio W.** Valenz, Bedeutung und Satzmodelle // Beitrage zur Valenztheorie. – Halle(Saale), 1971, S.200.

³ **Stepanova M.D., Helbig G.** Wortarten und das Problem der Valenz in der deutschen Gegenwartssprache. – S.164.

⁴ **Кацнельсон С.Д.** Типология языка и речевое мышление. – Л.: Наука, 1972, с.88.

⁵ **Кучкартаев И.К.** Валентный анализ глаголов речи в узбекском языке. – Ташкент: Ўқитувчи, 1977, С.3-108; **Қўчқортоев И.** Сўз маъноси ва унинг валентлиги.- Тошкент: Фан, 1977, 3-152-б.; **Кучкартаев И.** Семантика глаголов речи в узбекском языке. Автореф. дисс. ...док. филол. наук.- Ташкент, 1978. -С.3-42.

⁶ **Шарипова Ў.** Ўзбек тилидаги юмуш феълларининг маъно валентликлари. Филол. фан.номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 1996, 5-6; **Мусаев Т.Т.** Глаголы ощущения в узбекском языке. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1992, С.8.

⁷ **Муҳамедова С. Х** Ўзбек тилида йўналма ҳаракат феълларнинг предикативлиги ва валентлиги. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1999.

⁸ **Расулов Р.** Глаголы состояния в узбекском языке. Автореф. дисс. ...докт. филол. наук. – Ташкент, 1989.

⁹ **Расулов Р.** Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари.- Тошкент: Фан, 1989, 31-б.

¹⁰ Куйида Р. Расулов қайд этган икки иловани келтирамиз. **Золотова Г. А.** Коммуникативные

мақолада агенс валентлиги сўз шакли семантикаси валентлигига киритилди.¹ Бунда у феъл кесимнинг шахс-сон кўрсаткичи агенс актанти билан боғлиқлигини назарда тутди. Ҳақиқатда ҳам *Мен кетяпман*. гапидаги феъл кесим I шахс бирликда. Шунга кўра у I шахс бирликни билдирувчи агенсни талаб қилган. *Мен* актанти худди ўша агенснинг ўзидир. Яъни агенс лексик-семантик валентлик эмас, шакл семантикаси валентлигидир. Бундай феълларни носемантик агентив феъллар деб қаралади. Чунки улар агенсга эга, бироқ у лексик-семантик эмас. Деярли феълларнинг мазмуний моҳияти шу характердадир. Ноагентив феъллар, турган гапки, бу «деярли»дан холидир. Яна бир кичик гуруҳ феъллар борки, улар ҳам «деярли» феъллар каторида саналмайди. Улар семантик агентив феъллар деб айтилади.

Семантик агентив феъллар ҳозирча тилшуносликда тилга олинган эмас. Феълларнинг агенсини семантик деб атаганлар фикри ҳақида эса юқорида баҳс бериб ўтилди. Семантик агентив феълларнинг нутқ учун танланувчи семемаси таркибида ҳамма вақт агенс семемаси семаси билан мос келувчи сема бўлади. Яъни семантик агентив феъл ўз агенси билан семантик мослашиш орқали бирикувга киришади.² Бундай феъллар ўзбек тилида *сува-*, *аррала-*, *чегала-*, *дамла-*, *қўриқла-*, *ёз-*, *куйла-*, *чал-*, *сот-*, *сузор-*, *ҳайда-*, *суз-*, *ўйла-*, *давола-*, *эмла-*, *сайла-*, *ўқи-*, *чўқи-*, *уч-*, *акилла-*, *миёвла-* ва ҳоказолардан иборат. Булардан *сува-*феъли *Сувоқчи сувади* бирикувида агенс актанти билан намоён бўлган бўлиб, агенс валенти лексик-семантик ҳисобланади. Чунки агенс актанти билан намоён бўлган *сува-* феъли нутқ учун 'юза' 'нима биландир' 'силлиқла-' семаларига эга семемаси билан танланган. Унинг агенси бўлган *сувоқчи* оти семемаси таркибида 'юза' 'силлиқловчи' 'шахс' семалари бор. Яъни феълнинг 1-семасига отнинг 1-семаси, 3-семасига отнинг 2-семаси мос, улар ҳисобида классема таркиб топган. Классемали бирикув феъл лексеманинг лексик-семантик валентлиги асосида намоён бўлиши деб қаралади.

Юқоридагига ўхшаш яна *куйла-* феъли 'куй' классемаси асосида *ҳофиз*, *чал-* феъли 'муסיқа' классемаси асосида *машишоқ*, *аррала-* феъли 'арра' классемаси асосида *арракаиш* агенс актантларини намоён этади.

Феъл лексеманинг лексик-семантик валентлиги намоён бўлар экан, феъл агенс актанти фақат семантик мослашиб қолмайди. Шунингдек, улар синтактик жиҳатдан ҳам мослашади. Масалан, *Сувоқчи сувади* ва *Ўқувчи ўқиди* гапларига эътибор берайлик. Улардаги феъл ва унинг агенси ўртасида бирикув учун классема асос бўлгани аниқ. Бу юқорида кўриб ўтилди. Улар, яъни феъл ва унинг агенси, ўртасида синтактик мослашув ҳам бўлган. Яъни ҳар икки мисолда ҳам феъл III шахс бирликда ва уларнинг агенс актанти

аспекты русского синтаксиса. – С. 44; Лопашев Ю. А. О грамматических средствах выражения субъекта и объекта в албанском языке // Категория субъекта и объекта в языках различных типов. – Л.: Наука, 1982, С.101, 118.

¹ Миртожиев М. Сўз шакли семантикаси валентлиги // Ўзбек тилшунослиги муаммолари. – Тошкент: ТДПУ, 2003.

² Leise E. Der Wortinhalt // Seine Struktur im Deutschen und im Englischen. – Heidelberg, 1961. – S.68f.; П. Греббе бундай боғланишни «маъно боғланиши» деб атаган. Grebe P. Der semantisch – syntaktische Hof unserer Wörter // Wirkendes Wort. – Berlin, 1966. – S.391 f.

ҳисобланган эгалар ҳам III шахс бирликда қайд этилган, шахс-сонда мослашган. Одатда «валенткласслар етакчи феълнинг лексик маъноси элементларига таянади, шунингдек синтактик белгиларни ҳам эътиборга олади».¹

Семантик агентив феъл лексемаларнинг лексик-семантик валентлигига кўра агент актантини намоён этиши ва бу агент актантининг шакли семантикаси валентлиги актантининг ҳам бўлиши – табиий. Лекин бундай феълларнинг шакли, яъни шахс-сон қўшимчаси ўз семантикасига кўра, семантик валентлигидан холи ҳолатда, агент сайлаши ҳам мумкин. Бунда феълнинг намоён бўлган агент актантининг билан умумий сема-классемага эга эканлиги кузатилмайдиган. Масалан, *Сувоқчи сувади* гапидаги *сувади* феъли агент валенти бўйича *сувоқчи* актантининг намоён этмай, *у акам ёки Аҳмад* актантининг воқелантирғанда эди, лексик-семантик валентлик юзага чиқмас эди. *Сувади* феъли шахс-сон шакли семантикасига кўра агент актантининг олган бўларди. Бундай феъл билан унинг агент актантининг ўртасида классема қайд этилмайдиган. Семантик агентив феълларнинг деярлисига хос хусусият уларнинг шакли семантикаси билан агент валентлигининг мустақил коммуникацияга киритаверишидир. Лекин бундан холи семантик агентив феъллар бўлиши ҳам мумкин.

Семантик агентив феълларни ноагентив феълларга тенглаштирмаслик керак. Улар ўртасидаги тафовут жуда катта. Масалан, *Ел елди*. гапидаги *елди* феъли ҳаво оқимининг билдиради. Гапдаги эга вазифасида келган *ел* оти унинг агентининг билдирмайди. Чунки агент феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолатни юзага келтирувчи ёки ўзида акс эттирувчи бўлади.² *Ел* сўзи *ел-феъли* ифода этган ҳаво оқимининг ўзининг ифода этади. Агар *ўқи* феълининг олсак, унинг бажарувчиси бор. Бу бажарувчи *ўқувчи* отида ифода топган. *Ўқувчи* оти эса ўша ҳаракатни бажариши шарт. Бу семантик агентив феълга хос семантикадир.

Семантик агентив феълларни фақат ўзбек тили, умуман туркий тиллар, миллий феъл бойлигига хос деб тушунмаслик керак. У бошқа оилага мансуб тилларда ҳам кузатилади. Масалан, немис тилидаги *aufblühen* феъли ҳам шундай семантикага эга. У ‘гулламоқ’ маъносини бериб, шу тилда унинг агентининг *die Blume* ‘гул’ оти бўлади ва *Die Blumen blühen auf.* гапи тузилади. Шунга ўхшаш рус тилидаги *расцветать* феъли учун *цветок* оти агент актантининг бўлиб, *Цветы расцвели.* гапи; араб тилидаги *رهنز* (заҳара) феъли учун *راهنزلاً* (азҳарун) оти агент актантининг бўлиб, *راهنزلاً ارهدزت* гапи; хитой тилидаги (кай) феъли учун (хуа) агент актантининг бўлиб, корейс тилидаги (кида) феъли учун (кочи) оти агент актантининг бўлиб ҳисобланади. Яъни семантик агентив феълнинг мавжудлигининг тиллараро универсал деб бемалол айтиш мумкин. Бу гапларда феъл семемаси ‘нозик’ ‘барглари’ ‘ёймоқ’ семалари билан, от семемаси ‘ўсимлик жинси’ ‘нозик’ ‘баргли’ семалари

¹ Karl-Ernst Sommerfeldt, Gunter Starke. Einführung in die Grammatik der deutschen Gegenwartssprache. 2 neu bearbeitete Auflage. – Tübingen: Max Niemeyer. Verlag, 1992.- S.53.

² Золотова Г.А. Коммуникативные аспекты русского синтаксиса. – М.:Наука, 1982.- С.44.

билан намоён бўлган. Бирикув классемаси эса ‘нозик’ ‘барглар’ семаларида таркиб топган.

Демак, агентив фелларнинг деярили носемантик, яъни ўз агент актанти билан классемасиз боғланган ва жуда бир кичик гуруҳи лексик-семантик бўлиб, ўз агент актанти билан классема воситасида уйғунлашган. У ‘шахс’ ёки ‘нарса’ семаси воситасида классемани таркиб топтирган. Агент деярили бош келишиқда шаклланиб, эга вазифасида келади. Феъл кесим мажхул нисбатида бўлса, у воситали тўлдирувчи вазифасига кўчади ва нутқ вазиятига кўра синтактик вазифаси бошқа бўлақларда намоён бўлади. Бу феъллар семантик агентив феъллар ҳисобланади.

Объект (objectus) валентлиги

Объект валентлиги феълнинг лексик-семантик валентликларидан бири ва асосийсидир. У деярили феъл предикат семантикаси асосида ётади. Шунинг учун ҳам Ю.А.Лопашев : «...объект деб ҳаракат йўналтирилган шахс ёки нарса тушунилади », -деб айтган эди.¹

Ҳ.Ғозиевнинг таърифича: «...объект ҳаракатни ўз устига олган, олаётган ёки шу ҳаракат жараёнида пайдо бўлган ёки бўлаётган предметдир».² Объект ҳаракат натижаси бўлиши ҳам мумкинлигини А.Ғуломов қайд этган.³ Г.А.Наримова ўз номзодлик диссертациясида мазкур фикрларни «...уни феълдан англашилган субъект ҳаракати ёки ҳолати ўтган объект деб тушуниш керак» жумласи билан тўлдиради.⁴ Ҳақиқатда ҳам феъл объект валентлигига эга бўлар экан, у албатта субъект валентлигига эга эканлиги кузатилади.⁵ Бу табиий қонуниятдир. Бундай икки валентли феъллар ўтимли феъллар бўлади.⁶ Тил бойлигидаги феълларнинг ярмидан кўпи ўтимли ҳисобланади. Шунинг учун ҳам немис тилшуноси Ҳ.Вайнрих ўз тилида S-Об-V қолипида гап жуда кўп учрашини қайд этган.⁷ Бу фақат немис тилида эмас, Европа тилларининг ҳар бири, шу жумладан, рус ва ҳатто ўзбек тилида ҳам кузатилади.

Ўтимлилик асосан юмуш, кечим феълларига мансуб, ҳолат феъллари деярили ўтимсиз бўлади, деб кўрсатилади. Аммо Р.Расуловнинг қайд этишича, ўзбек тилида ҳаракат натижаси, ижро, малака, образли, физиологик ва психологик интеграл семали ҳолат феъллари ҳам ўтимлидир.⁸ Улар ҳамма вақт ўзида объект валентлигини юзага чиқаради.

¹ Лопашев Ю.А. О грамматических средствах выражения субъекта и объектов в албанском языке. –С.101.

² Ғозиев Ҳ. Иккинчи даражали бўлақлар // Ҳозирги ўзбек адабий тили / А.Абдурахмонов таҳр. ост. – Тошкент: Фан, 1966, 66-б.

³ Ғуломов А.Ғ. Содда гап. – Тошкент: Фан, 1955, 69-б.

⁴ Наримова Г.А. Ўзбек тилида феълларнинг объект аргументи. Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. –Тошкент, 2005, 20-б.

⁵ Кучкартаев И. К. Валентный анализ глаголов речи в узбекском языке. – С.33.

⁶ Расулов Р. Глаголы состояния в узбекском языке и их валентность. Автореф. дисс. ...докт. филол. наук. –Ташкент, 1989, с.33.

⁷ Weinrich Harald. Textgrammatik der deutschen Sprache. – Leipzig: Dudenferl, 1993.- S.125.

⁸ Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. – Тошкент: Фан, 1989, 98-б.

Ўтимли феъллар объект валентлигига эга бўлиши унинг объект ифодаловчи семага эга бўлишини, яъни шу феъл, А.Ҳожиёв таъбири билан айтганда, объектли феъл эканлигини кўрсатади.¹ Бундай феъл ўз семемасидаги объект билдирувчи семасига кўра у билан классемани таркиб топтира олувчи семемаси бўлган актантни талаб қилади. Шунга кўра унинг лексик-семантик ҳисобланган объект валентлиги намоён бўлади.

Ўтимсиз феъллар ҳам объект валентлигига эга бўлади. Ҳолат феълларида ўз тадқиқотларини ўтказган Р.Расулов: «...ўтимсиз ҳолат феълларида объект агенсинг ўзи эканлиги, агенсда яширинганлиги, ундан ажралмаслиги, алоҳида лексемада қайд этилмаслиги билан характерланади», дейди.² Бу хусусият ўзбек тилидаги бир қатор туб феълларга хосдир.³ Лекин ҳамма ўтимсиз туб феъллар ҳам шу характерда эмас. Масалан, *ён-, қон-, тол-, ин-, тин-* каби ўтимсиз туб феъллар ўз объектига, у субъект билан эгада намоён бўлади. Лекин *туш-, кир-, чиқ-, кел-* каби ўтимсиз туб феълларнинг объект валентлиги йўқ. Улардан англашилган маънога кўра субъект ўз ҳаракатини бажариш билан чекланади.

Ўтимли феъллар ҳамма вақт объект валентлигига эга бўлиши баробарида, намоён бўлган актантни тушум келишиги билан шаклланади.⁴ Айрим ҳолларда тушум келишиги имплицит берилиши ҳам мумкин. Аммо буни, феъл тушум келишикли сўзни бошқариб келганлиги учун, объект валентлигини намоён этди, деб тушунмаслик керак. Чунончи *ўт-, кез-* каби йўналма ҳаракат феъллари ҳам борки, уларнинг ўрин валентлиги намоён бўлар экан, актантни тушум келишиги билан қўлланган бўлади.⁵

О.С.Ахманованинг луғатида «объект» термини «тўлдирувчи» термини ўрнидаги иккинчи атама дегандек изоҳланган.⁶ Буни тўғри тушуниш керак. Тўлдирувчи объектнинг синтактик адекватлиги эмас. Мазкур луғат тузилган даврда «объект» термини «тўлирувчи» маъносида қўлланган эди. Объект мантиқий тушунча бўлиб, тўлдирувчи ва унинг турларидан бирига адекват бўла олмайди. Р. Расуловнинг «...агенс ҳолатини ифодалаб намоён бўлувчи объект белгиларининг ўзаро мослигига кўра воситасиз тўлдирувчи билан адекватдир»,⁷ -деган фикри ҳам нисбий ҳисобланади. Чунки бу изоҳдан ўтимсиз туб феълларнинг субъект билан бирга эгада ифодаланувчи объекти четда қолади.

Демак, объект валенти лексик-семантик ҳисобланиб, доимо агенс ҳаракати ёки ҳолати ўтган, шунингдек ҳаракати ёки ҳолати натижаси бўлган предметда намоён бўлади. У ўз актантни билан семемаларининг нарса ва баъзан шахс ифодаловчи семаси бўйича классемани таркиб топтиради. У

¹ Ҳожиёв А.П. Феъл. – Тошкент: Фан, 1973, 83-б.

² Расулов Р. Ўзбек тилида ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. – 33-б.

³ Миртожиёв М.М. Нисбат категорияси семантикаси ва улар формантларининг генезиси. Ўтимсизлик ва ўзлик нисбати // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1983, 2-сон, 34-б.

⁴ Ҳожиёв А.П. Феъл. – 48-б.; Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. – 97-б.

⁵ Муҳамедова С.Х. Ўзбек тилида йўналма ҳаракат феълларининг предикативлиги ва валентлиги. Филол.фан. номз. ...дисс. автореф. –Тошкент, 1999.-Б. 16-17.

⁶ Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – С.279.

⁷ Расулов Р. Глаголы состояния в узбекском языке и их валентности. – С.34.

воситасиз тўлдирувчи вазифасида ҳам, агенс билан бирга эга вазифасида ҳам келади. Феъл нисбати ёки нутқ вазиятига кўра унинг синтактик вазифаси ўзгариши мумкин.

Мазмун (contentio) валентлиги

Мазмун валентлиги феълнинг лексик-семантик валентликларидан бири ва муҳимидир.¹ Унинг актанти ҳам маълум семаси воситасида ҳоким бўлак бўлган феъл семемасининг маълум семаси билан муштарак бўлади, классемани таркиб топтиради. Кўпинча унинг маъноси феъл семемаси семасига тенг келади. Ю.Д.Апресяннинг таъбири билан айтганда, мазмун валентлиги актанти маъноси ҳамма вақт предикатив вазифадаги сўзнинг маъно узви бўлади.² С.М.Кибардина бу қарашни яна ҳам чуқурлаштириб: «Мазмун валентлиги масаланинг қўйилишидаги чуқур семантик режада бўлган воқеликни ва типологик нуқтаи назардан универсалликни акс эттиради», дейди.³ Феълнинг мазмун валентлиги ҳамма тиллар қатори ўзбек тилидаги феълларда ҳам кузатилади.

И.Қ.Кўчқортоевнинг қайд этишича, ўзбек тилидаги фуълларнинг мазмун валентлиги актантлари синтактик жиҳатдан асосан тўлдирувчи ва кўчирма гап вазифасини ўтайдилар.⁴ Муҳими, феълнинг мазмун валентлиги актанти тўлдирувчи вазифасини, бунинг устига асосан воситасиз тўлдирувчи вазифасини ўтаб келишидир. Тилшуносликда воситасиз тўлирувчи вазифасини асосан объект ўтайди, деб қаралади.⁵ Маълум бўлдики, воситасиз тўлдирувчи вазифасини феълнинг мазмун валентлиги актанти ҳам ўтайди ва у тушум келишиги билан шаклланганлиги аксарият кузатилади. Турган гапки, улар ўртасида кескин фарқ бор. Объект феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолат ўтган предмет бўлади. Феълнинг мазмун валентлиги актанти ундай эмас. У, яъни мазмун валентлигини кўрсатган актант нутқнинг фикрлаш ёки мушоҳада қилиш фаолияти актанти ҳақидаги хабарни ўзида қайд этади.⁶ Яъни объект феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолат ўтган предмет бўлгани

¹ Кучкартаев И.К. Валентный анализ глаголов речи в узбекском языке. – С.15.

² Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. – С.120.

³ Кибардина С.М. Категории субъекта и объекта и теория валентности // Категория субъекта и объекта в языках различных типов. – С.25. С.Д. Кацнельсон ҳам шу қарашда бўлган. Кацнельсон С.Д. Типология языка и речевое мышление. – Л.: Наука, 1972, С.47.

⁴ Кучкартаев И.К. Валентный анализ глаголов речи в узбекском языке. – С.47.

⁵ Гвоздев А.Н. Современный русский литературный язык. Ч.П. –М.: Просвещение, 1968, С.23; Die deutsche Sprache. Kleine Enzyklopädie. Zweiter Band. – Leipzig: Veb BI, 1970, S.860; Ўзбек тили грамматикаси. II т. Синтаксис (Мас.мух. А. Абдурахмонов, Ш.Ш. Шоабдурахмонов, А.П. Ҳожиёв). – Тошкент: Фан, 1976, 63-б.; Валгина Н.С. Синтаксис современного русского языка. Изд.2ое. – М.: ВШ., 1978. –С.132; Абдурахмонов Ғ., Сулаймонов А., Холиёров Х., Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. – Тошкент:Ўқитувчи, 1979, 63-б.; Скобликова Е.С. Современный русский язык. Синтаксис простого предложения. – М.: Просвещение, 1979, С.164; Бородин М.А., Скредина Л.М. Категории субъекта и объекта в романских языках // Категория субъекта и объекта в языках различных типов. – Л.: Наука, 1982, С.16; Кибардина С.М. Категории субъекта и объекта и теория валентности.- С.23; Лопашев Ю.А. О грамматических средствах выражения субъекта и объектов в албанском языке. - С.110; Расулов Р. Глаголы состояния в узбекском языке и их валентности.- С.34; Шарипова Ў. Ўзбек тилидаги юмуш феълларининг маъно валентликлари. –9-б.; Наримова Г.А. Ўзбек тилида феълларнинг объект аргументи. -16-б.

⁶ Кучкартаев И.К. Валентный анализ глаголов речи в узбекском языке. –С.47.

ҳолда, мазмун валентининг актанти фикрлаш ёки мушоҳада қилиш ҳақидаги хабардир. Албатта предмет билан хабар ўзаро тамоман фарқ қилувчи бошқа-бошқа тушунчалар ҳисобланади. Шунга ҳарамай, хабарга ҳам ўз ўрни билан ҳаракат ёки ҳолат кўчиши ва у морфологик жиҳатдан тушум келишиги билан шаклланиши кузатилади. Бу унинг синтактик жиҳатдан воситасиз тўлдирувчи вазифасини бажаришига олиб келади. Масалан, *кўнглига келганини айтди* бирикувидаги *айтди* феълидан англашилган нутқ *кўнглига келганини* иборасида ифода топган мушоҳада объекти ҳақидаги хабарни баён қилган, яъни *айтди* феълининг мазмуни *кўнглига келганини* иборасида ўз аксини топган.

Воситасиз тўлдирувчи ҳақида фикр юритган А.Ғ.Ғуломов айрим феъллар гап таркибида ички тўлдирувчиларни имплицит ифода этиши ҳақида гапиради. Масалан, *гапирди* феълидан ‘гап гапирди’ маъноси, *ўйлади* феълидан ‘ўй ўйлади’ маъноси англашилади. Воситасиз тўлдирувчи маъноси феъл ўзагидан англашилиб туради.¹ Воситасиз тўлдирувчининг бундай ифода топиши ўзбек тилида бор ҳодисадир. Худди шуларни Г.А. Наримова эксплицит ифодаланмай феълда имплицит ифодаланган объект актанти деб изоҳлайди.² Яъни унинг фикрича, феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолат объекти ўша феълнинг ўзида имплицит ифода топган. Аммо А.Ғ. Ғуломов ўша ернинг ўзида: «Баъзан тўлдирувчининг маъноси бошқарувчи феълнинг ўзак- негизидан англашилиб туради,»-дейди.³ Бошқача қилиб айтганда, феъл маъноси унинг намоён бўлган воситасиз тўлдирувчисида ифодаланади. Бу ўз-ўзидан феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолат ҳақидаги мушоҳада ёки фикрлаш юзасидан берилган хабардир. У мазмун валентлиги актанти ҳисобланади. Буни И.Қ.Кўчқортоев *гапир-*, *сўзла-*, *айт-* феъллари мазмун валентлиги юзасидан қилган таҳлиллари ҳам қувватлайди.⁴ Г.А.Наримова *тупук тупурди*, *чизик чизди*, *бошини бошлади*, *сочқи сочди* бирикмаларида *тупурди*, *чизди*, *бошлади*, *сочди* феъллари объект валентлигини намоён этди, деб қайд этгани билан ҳақдир.⁵ Чунки улардаги воситасиз тўлдирувчи феълдан англашилган объектни билдиради.

Мазмун валентлиги асосан мушоҳада, нутқ, муомала феъллари семантикасига хосдир. Бошқа архисемали феълларда мазмун валентлиги учраса ҳам, унча характерли эмас.

Демак, феълларнинг мазмун валентлиги феъллардан англашилган ҳаракат ёки ҳолат, мушоҳада ёки фикрлаш объекти юзасидан хабарни билдирган сўзда намоён бўлади ва у лексик-семантик валентлик ҳисобланади. Мазмун валентлиги актанти феъл билан ‘хабар’ семасига кўра классемани таркиб топтиради. У тушум келишиги билан шаклланади ва воситасиз тўлдирувчи вазифасида келади.

¹ Ғуломов А.Ғ. Содда гап. – 69-б.

² Наримова Г.А. Ўзбек тилида феълларнинг объект аргументи. – 13-б.

³ Ғуломов А.Ғ. Сода гап. – 69-б.

⁴ Кучкартаев И.К. Валентный анализ глаголов речи в узбекском языке. – С.48-51.

⁵ Наримова Г.А. Ўша автореф. - 13-б.

Адресат (adrastea) валентлиги

Адресат валентлиги феълнинг лексик-семантик валентликларидан биридир.¹ Адресат валентлиги актанти деярли субъектни ифодалаб келади, яъни шахсни билдиради.² Бу жиҳатдан у агенс актантига ўхшаб кетади. Лекин у берган маъносига ва феъл билан грамматик боғланишига кўра фарк қилади. Р. Расулов таъбири билан айтганда, бу турдаги субъект агенс бўлиб келган субъектдан мавжуд ҳолатнинг ижрочиси бўлганлиги учунгина эмас, фақат қабул қилувчи субъект бўлганлиги учун ҳам тафовут қилади.³ Масалан, *Мен дадамга узатдим.* гапидаги *мен* сўзи ҳам, *дадамга* сўзи ҳам субъект билдириб келган. *Мен* сўзи *узатдим* феълдан англашилган агенсни ифода этган. *Дадамга* сўзи эса ўша ҳаракатни қабул қилувчи субъект, яъни адресатни кўрсатган. Бошқача қилиб айтганда, адресат хабар жароёнида ким томонидандир каузаланган субъект бўлади.⁴ Феълдан англашилган ҳаракатни бажарувчи агенс каузалловчи субъект бўлса, унинг таъсирида ҳаракатни қабул қилувчи субъект адресат ҳисобланади. Грамматик жиҳатдан агенс феъл билан шахс ва сонда мослашиб, эга ва кесим қўшилмасини таркиб топтиргани ҳолда, адресат феъл томонидан бошқарилади ва объектли бирикмани таркиб топтиради. Агенс феълнинг деярли шахс-сон шакли семантикаси валентлигига кўра орттирган актанти бўлади. Юқоридаги мисолда шу ҳолат кузатилган. Адресат феъл лексеманинг семантик валентлигига кўра орттирган актантидир. Адресат актанти семемаси ‘шахс’ семасига асосланиб, феъл лексема семемасининг ‘шахс’ семаси билан классемани таркиб топтирган. Бу лексик-семантик валентликнинг намоён бўлишидир.

Адресат актанти шахс, яъни субъект билдирган отда ифодаланган бўлмаслиги ҳам мумкин. Бунда кишилиқ ё ўзлик олмоши ёки шахс билдирувчи, бошқа бирор субстантивацияга учраган туркумдаги, фигурал маъноли сўз эканлиги ҳолда кузатилади.⁵

Ўзбек тилидаги намоён бўлган адресат валентликлари актантиларининг типик морфологик шакли жўналиш келишиги шакли бўлади. Бу бошқа тил тилшуносликларида кўпчилиқ томонидан қайд этилган.⁶ Ў.Шарипова

¹ **Апресян Ю.Д.** Лексическая семантика. – С.126; **Кучкартаев И.К.** Валентный анализ глаголов речи в узбекском языке. – С.91; **Расулов Р.** Глаголы состояния в узбекском языке и их валентность. –С.21; **Weinrich Harald.** *Texgrammatik der deutschen Sprache.* –Leipzig: Dudenwerl, 1993, S,122; **Шарипова Ў.** Ўзбек тилидаги юмуш феълларининг маъно валентлиги. - 11-б.

² **Кучкартаев И.К.** Валентный анализ глаголов речи в узбекском языке. – С.91; **Расулов Р.** Глаголы состояния в узбекском языке и их валентность. – С.42; **Золотова Г.А.** Коммуникативные аспекты русского синтаксиса. –С.44; **Шарипова Ў.** Ўзбек тилидаги юмуш феълларининг маъно валентлиги. ...-11-б.

³ **Расулов Р.** Глаголы состояния в узбекском языке...-С.41. Бошқа бир қатор тилшунослар ҳам худди шу фикрда бўлишган. **Пешковский А.М.** Русский синтаксис в научном освещении. – Л.,1956, С.301; **Кучкартаев И.К.** Валентный анализ глаголов речи...-С.91; **Weinrich Harald.** *Texgrammatik der deutschen Sprache...*S.129.

⁴ **Апресян Ю.Д.** Лексическая семантика. – С.127.

⁵ **Кучкартаев И.К.** Валентный анализ...- С.91; **Шарипова Ў.** Ўзбек тилидаги юмуш феъллари...- 11-б.

⁶ Бу фикрни кўпчилиқ ўз тадқиқоти доирасида қайд этган. Қаранг: **Кучкартаев И.К.** Ўша асар, 91-б.; **Расулов Р.** Ўша асар. 42-б.; **Weinrich Harald.** Ўша асар. 123-б.; **Шарипова Ў.** Ўша асар. 18-б.

адресат актанти феъл томонидан бошқарилганда *атаб*, *қараб*, *қарши* ва ҳ. кўмакчилар билан келиши мумкинлигини айтган.¹ Масалан, *Сизга атаб олдим*, бирикмасидаги каби. Р. Расулов жўналиш келишиги хусусиятини ҳатто юқори баҳолаб, «датив объектнинг адресат актантига ўзгариши, ўтишини тўла таъминлайди» - дейишгача борган.² Тўғри, адресат актантининг шаклланишида датив (жўналиш келишиги) –асосий восита. Бироқ ҳамма вақт маъно бирламчидир. Тил материали адресат актантининг маъносини олгани учун у дативда турланган бўлади.

Адресатнинг шахс билдириши ва жўналиш келишигида келиб, феъл кесим томонидан бошқарилиши эса унинг синтактик вазифаси воситали тўлдирувчи бўлишини таъминлайди. Буни ўзбек тилида ҳам,³ рус тилида ҳам,⁴ немис⁵ ва бошқа тилларда ҳам кузатиш мумкин. Яъни феълнинг адресат валентлиги актанти семантик жиҳатдан агенс партнери,⁶ морфологик жиҳатдан жўналиш келишигидаги шахс билдирувчи от ёки отлашган сўз, синтактик жиҳатдан воситали тўлдирувчидир. Адресат актанти мантиқан агенс актантининг партнери экан, мантиққа кўра яна иккинчи кутбдан туриб ҳам нуқтаи назарни айтишга тўғри келади. Бунда адресат актантининг адресанти агенс актанти бўлиб қолади.⁷

Феълнинг агенс актанти феълдан англашилган ҳаракатни бажариб, уни адресат актанти қабул қилувчи бўлар экан, бу ҳаракатда қандайир топширилувчи ва қабул қилинувчи объект албатта бўлади. Бу объект феълнинг ё объект, ё мазмун валентлиги актантида ифода топади. Яъни адресат валентли феъллар албатта ё объект, ё мазмун валентига ҳам эга бўлади.⁸ Тилшунос И. Кўчқортоев шу фикрнинг иккинчи кутбидан туриб бошқа бир хулосани айтади. Унинг айтишича, айрим нутқ феъллари адресат валентлигига эга бўлмайди. Бу нутқ феълларининг асосан абъект ёки мазмун валентлигига эга эмаслигида кузатилади.⁹ Яъни адресат валентлиги билан объект ва мазмун валентлигининг феълда ёндош учраши диалектик қонуниятдир. Лекин объект ё мазмун ваенти бўлган феълда адресат валенти бўлиши шарт эмас.

Ў. Шарипованинг қайд этишича, юмуш феъллари деярли адресат валентлигига эга бўлади.¹⁰ Бизга маълумки, юмуш феъллари ҳамма вақт ўтимли бўлгани ҳолда, объект валентига эгалиги кузатилади. Бу унинг

¹ Шарипова Ў. Ўша асар. 12-б.

² Расулов Р. Ўша автореф. 42-б.

³ Расулов Р. Ўша автореф. 41-б.

⁴ Скобликова Е.С. Современный русский язык. Синтаксис простого предложения. –С.152;

Золотова Г.А. Коммуникативные аспекты русского языка. – С.152.

⁵ Arsenjewa M.G., Gassilewitsch C.W. Sambrshizkaja A.A., Tereschenkowa R.A., Zyganowa I.A. Grammatik der deutschen Sprache. –М.:WSch.,1963, S.49; Jung W. Grammatik der deutschen Sprache. - Leipzig: VebBI, S.280; Weinrich Harald. Ўша асар. 122-б.

⁶ Немис тилида а д р е с а т термини ўрнида п а р т н ё р термини қўлланади. Weinrich Harald. Ўша асар. –122-135.

⁷ Расулов Р. Ўша автореф. 42-б.; Weinrich Harald. Ўша асар. 122-б.

⁸ Кучкартаев И.К. Ўша асар. 91-б-.; Weinrich Harald. Ўша асар. 123-б.

⁹ Кучкартаев И.К. Ўша асар. Ўша бет.

¹⁰ Шарипова Ў. Ўша асар. 12-б.

адресат валентига эга бўлишини ҳам таъминлайди. Умуман олганда, ўтимли феъллар деярли, факультатив бўлса ҳам, адресат валентли бўлади.

Демак, ўтимли феълларда факультатив ҳолда деярли адресат валентлиги бўлиб, у ҳамма вақт лексик-семантикдир. У ўз актанти билан ‘шахс’ семасига кўра классемани таркиб топтиради. Феълларда адресат валентлиги бўлар экан, унда ё объект, ё мазмун валентлиги бўлади. Унинг морфологик кўрсаткичи доимо жўналиш келишиги бўлиб, синтактик жиҳатдан воситали тўлдирувчи вазифасини ўтайди.

Ўрин (*localis*) валентлиги

Ўрин валентлиги феълнинг лексик-семантик валентликларидан биридир.¹ Ўрин феъл валентлиги бўлганидан кейин, унинг актанти феъл томонидан бошқарилади. Шундай бўлгач, ҳоким бўлак бўлган феъл билан ўрин валентлиги актанти семантик жиҳатдан мослиги ва классема таркиб топтирганлиги кузатилади. Масалан, *мактабга бордим* бирикувида *мактаб* оти ‘билим’ ‘олиш’ ‘жой’ семаларидан иборат семемаси билан ‘йўналма ҳаракат’ ‘жой’ ‘ет’ семаларига эга семемали *бор* феълига бириккан. Бирикма таркибидаги ҳар икки сўз семемаси таркибида ‘жой’ семаси бўлиб, у классемани таркиб топтирган. Яъни *бор* феъли ўз лексик-семантик валентлигига кўра актантини нутқда воқелантирган. Бу унинг ўрин валентлигидир.

Юқорида *мактабга бордим* бирикмаси, айтилганидай, ўрин валенти актанти билан намоён бўлган *бордим* феълдир. У объектли бирикма бўлиб, тобе бўлаги-жўналиш келишигидаги от. У худди адресат актанти билан намоён бўлган феълга ҳам ўхшайди. Лекин улар семантик жиҳати билан ўзаро фарқ қилади. Феълнинг адресат актанти бўлган от фақат шахс билдиргани ҳолда, ўрин актанти қандайдир ўринни билдиради. Бу ерда уларни фарқловчи белги қандай бирикма таркибида бўлиши ҳам, актантларнинг морфологик шакли ҳам эмас, сўз негизининг семантикаси бўлади.² Бунинг устига улар синтактик томондан ҳам фарқ қилади: адресат актанти воситали тўлдирувчи вазифасини ўтагани ҳолда, ўрин актанти ўрин холи вазифасини ўтайди. Бунинг устига ўрин актанти ўрин ва чиқиш келишик шакллари билан ҳам турланган бўлиши мумкин.³ Лекин адресат актанти бу келишиклар билан қўлланмайди. Ўрин актантининг ўзи бу келишикларнинг ҳар бири билан қўлланганда ўзига хос семантика билан намоён бўлади. С.Мухамедова: «Йўналма ҳаракат феъли ўрин

¹ Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. –С127; Расулов Р. Глаголы состояния в узбекском языке и их валентность. –С.21; Шорасулова Ш.М. Содда гап таркибидаги сифатдошли курилмаларнинг семантик-синтактик тадқиқи. Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. –Тошкент.2005, 18-б.

² С.Х.Мухамедова ўрин валентлигини икки типга бўлиб, биринчисини бошланғич нукта (Аб), иккинчисини охириги нукта (Ад) деб номлайди ва адресат валентлиги Ад га ўхшашлигини айтади, сўнг уларни фарқлаб кўрсатади. Мухамедова С.Х. Ўзбек тилида йўналма ҳаракат феълларининг предикативлиги ва валентлиги. Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 1999, 18-б.

³ Мухамедова С.Х. Ўзбек тилида йўналма ҳаракат феълларининг предикативлиги ва валентлиги. 16-б.

валентлигининг реализатори –да ўрин келишигига эга бўлганда бевосита тўғридан-тўғри йўналма ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини англатади», - дейди.¹ Жўналиш ва чиқиш келишиклари ўрин актантининг ҳаракат бошланиши ёки тугаш нуқталарини кўрсатиш учун аҳамият касб этади. Албатта уларнинг адресат актанти билан алоқаси йўқ.

С.Муҳамедованинг қайд этишича, йўналма ҳаракат феъллари тушум келишикли отни бошқариб келса, у объект актанти эмас, ўрин актантини ифодалаган бўлади. Бу ҳам от семантикаси билан боғлиқдир.² Масалан, *боғларни кезди* бирикувида *кезди* йўналма ҳаракат феъли бўлиб, у бошқариб келган *боғларни* оти ундан англашилган ҳаракат объектини эмас, шу ҳаракат амалга оширилган ўринни ифода этган. Йўналма ҳаракат умуман объект валентлигига эга бўлмайди. У тушум келишикли отни бошқарганда ҳам, фақат ўрин валентини намоён этади.

Ўрин валентлиги актанти на фақат синтетик, балки аналитик шаклдаги нутқ бирликларида ҳам ўз ифодасини топади.³ Бундай ҳолатларда кўмакчи элементлар ўз маъноси билан от ва феъл семемаларини боғлаш ва семантик синтагмани тузишга киришади.⁴ Бунда *қараб, томон, қарши, асосан* каби кўмакчилар фаол қўлланади. Бу кўмакчилар олдидаги ўрин актанти деярли жўналиш келишиги билан шаклланган бўлади. Яна *олдида, орқасида, бўйида, ўртасида, ёнида* каби кўмакчи вазифасида қўлланувчи отлар борки, улар феъллар ўрин актанти билан намоён бўлганда ўрин актанти билан бевосита грамматик вазифа бажаради. Феъл кўмакчи воситасида ўрин валентлигини намоён этиб, объектли бирикма ҳолида тузилган бўлса, ўрин актанти анча аниқ ифода берган бўлади.

Ўрин валентлиги актанти агенсининг ҳаракати сатҳи билан бевосита боғли бўлади.⁵ Агенс маълум ҳолатда бўлса, ўрин актанти ҳам маълум нуқтани; у маълум ҳаракатда бўлса, ўрин актанти шунга яраша худудни ифода этади. Агенс эса феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолатда бўлади.

Феълда ўрин валентлиги бўлса, уларда объект ёки мазмун валентлиги бўлмайди. Бу ўрин валентлигига эга феълларнинг деярли ўтимсиз бўлиши билан боғлиқдир.

Ўрин валентлиги бошланғич нуқта (Аб) ва охириги нуқта (Ад) деган икки типга бўлиб кўрсатилади.⁶ Бу асосан йўналма ҳаракат феъллари семантикаси билан боғлиқ. У типик ҳолат эмас.

Ўрин валентлиги асосан ҳолат ва қўзғалма (йўналма, тиклама, ўрнида) ҳаракат феълларида кузатилади. Улар кўпинча ўтимсиз бўлади.

¹ Муҳамедова С.Х. Ўша автореф, 15-б. Р. Расулов ҳам шу фикрда. Расулов Р. Ўша автореф. 29-б.

² Муҳамедова С.Х. Ўша автореф. 16-б. Г.А. Наримова ҳам С.Х. Муҳамедованинг фикрини қувватлайди ва ҳолат феълларида ҳам бунинг кузатилишини айтади. Наримова Г.А. Ўзбек тилида феълларнинг объект аргументи. –16-б.

³ Муҳамедова С.Х. Ўша автореф. 16-б.

⁴ Расулов Р. Ўша автореф, 29-б.

⁵ Муҳамедова С.Х. Ўша автореф. 15-б.

⁶ Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. –С.127; Муҳамедова С.Х. Ўша автореф. 18-б.

Демак, асосан ҳолат ва қўзғалма ҳаракат феълларида ўрин валентлиги бўлиб, у ҳамма вақт лексик-семантикдир. Феъл ўз ўрин актанти билан ‘жой’ семасига кўра классемани таркиб топтиради. Унинг морфологик кўрсаткичи макон келишиклари ва баъзан тушум келишиги ҳамдир. Баъзан кўмакчилар ҳам уларни шакллантиради. Улар актанти объектли бирикма таркибида ўрин ҳоли вазифасида келади.

Қурол (*instrumentum*) валентлиги

Қурол валентлиги феълнинг лексик-семантик валентликларидан биридир.¹ Қурол валентлиги ҳам феъл валентлиги бўлганидан кейин унинг актанти ҳам феъл томонидан бошқарилади. Шундай бўлгандан кейин, ҳоким бўлак бўлган феъл қурол актанти билан семантик жиҳатдан мос ва классемага эга бўлади. Масалан, *пичоқ билан кесмоқ* бирикмаси *кесмоқ* феълнинг қурол валентлиги нутқда намоён бўлган ҳолатидир. Унда феъл ‘тиғ билан’ ‘қирқиб’ ‘бўлакламоқ’ семаларига эга семемаси *пичоқ* отининг ‘тиғ билан’ ‘кесувчи’ ‘асбоб’ семаларига эга семемаси билан коммуникацияга киришган. *Кесмоқ* феъли қурол валентлигини намоён этиб, ‘тиғ билан’ ва ‘қирқмоқ’ семалари асосидаги классемаси билан семантик синтагмани таркиб топтирган.

Юқоридаги *пичоқ билан кесмоқ* бирикмаси билан *қўли билан бурдаламоқ* бирикмаси грамматик жиҳатдан бир-биридан фарқ қилмайди. Лекин иккаласи ҳам айна бир хил феълнинг бир хил валентликка кўра намоён бўлиши эмас. Биринчи бирикмада, айтилганидай, феъл қурол валентлиги билан намоён бўлган. Иккинчи бирикмада ундай эмас. Унинг актанти бўлган *қўл* оти қуролни билдирмайди, балки Ю. Д.Апресян таъбири билан айтганда, киши аъзоси, яъни субъектнинг фаол ишчи мучасини билдиради. Муча-субъект билан боғли, қурол субъект билан алоқаси бўлмаган алоҳида буюм.²

Юқоридаги бирикманинг таркиб топишида грамматик вазифани *билан* кўмакчиси ўтаган. Яъни *билан* кўмакчиси феълга унинг намоён бўлган қурол актантини боғлаб келувчи грамматик кўрсаткичдир. Бу кўмакчи ўрнида ўрин келишиги кўрсаткичи –*да* қўшимчасини қўллаш ҳам мумкин. Бу билан қурол валентлиги намоён бўлган феъл бошқарувидаги бирикмада семантик ўзгариш кузатилмайди, балки услубий фарқ бўлади.

Гап таркибида феълнинг қурол валентлиги актантининг гап субъекти билан бевосита мантиқан алоқаси бор. Субъект феълдан англашилган ҳаракатни бажарар экан, қурол актанти восита бўлади. Субъект у орқали ҳаракатни бажаради. У субъект ҳаракат бажаришида бевосита восита бўлмайди. Чунки қурол валентли феъллар ҳамма вақт ўтимли эканлиги билан характерланади. Ўтимли феъллар коммуникацияда объект актанти билан намоён бўлади. Қурол актанти субъект ҳаракатининг аввало объект актантига

¹ Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. –С.128.

² Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. –С.128.

ўтиши учун восита бўлиб, субъект объектда иш бажариши учун орада туради. Масалан, *У пичоқ билан нонни кесди* гапида у олмошида ифодаланган субъект феълдан англашилган ҳаракатни *нон* сўзида ифодаланган объектга ўтказди. Буни қурол актантдан англашилган пичоқ воситасида бажарди. Шунинг учун ҳам қурол актантини билдирган *пичоқ* сўзининг гапдаги синтактик вазифаси воситали тўлдирувчи.

Қурол валентлиги актанти асосан от туркумидаги сўзларда ифода топади. Баъзан кўрсатиш олмоши ёки отлашган сўзларда ифода топиши ҳам мумкин. Ҳар қандай ҳолда ҳам *у билан* кўмакчиси ёки *–да* ўрин келишиги билан шаклланган бўлади.

Қурол валенти асосан ўтимли феълларда, аксарият юмуш феълларида кузатилади. Чунки бу валентлик юмуш ҳаракати билан диалектик боғлиқ бўлади.

Демак, асосан ўтимли феъллар, улардан ҳам юмуш феълларида қурол валентлиги кўпроқ кузатилиб, у ҳамма вақт семантик, яна ҳам тўғрироғи, лексик-семантикдир. Феъл ўз қурол валентлиги актанти билан восита семасига кўра классемани таркиб топтиради. Унинг морфологик кўрсаткичи *билан* кўмакчиси ва *–да* ўрин келишигидир. Улар актанти объектли бирикмалар таркибида воситали тўлдирувчи вазифасида келади.

Сабаб (causalis) валентлиги

Сабаб валентлиги феълнинг лексик-семантик валентликларидан биридир.¹ Феълнинг сабаб валентлиги актанти феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолатнинг нима учун амалга оширилишини билдиради. Лекин тилшунос Р. Расулов: «Ҳолат феълнинг сабаб валентлиги реализатори(актанти) феъл агеңси амалга оширган ҳолат сабабини билдиради,»-деб таъриф беради.² Муаллифнинг тадқиқот объекти ҳолат феъллари бўлгани учун, берилган таърифни фақат ҳолат феълларига қаратган. Умуман бу таърифни барча феълларнинг сабаб валентлиги актантига нисбатан тадбиқ қилиш ҳам мумкин. Таъриф, албатта, тўғри. Лекин таъриф феъл субъектини биринчи ўринга қўйиб берилган.³ Уни сабаб валентлигининг актантини биринчи ўринга қўйиб тузиш зарур эди.

Р.Расулов сабаб валентлиги актанти намоён бўлган феълли бирикмаларни каузал маъноси билан қўлланган феълнинг каузал муносабатига қориштирмаслик кераклигини айтади.⁴ Чунончи феълларнинг сабаб валентлигига кўра актантининг намоён бўлиши семантик ҳодиса бўлиб,

¹ Расулов Р. Глаголы состояния в узбекском языке и их валентность. – С.21.

² Расулов Р. Лексико-семантические группы глаголов состояния и их валентность. – Ташкент: Фан, 1991, с.146.

³ Р.Расулов, баъзи бир манбаларда сўз фақат логик субъект амалга оширган сабабдир, деб қайд этилади, деган фикрни айтиб, икки манбага ҳавола қилади. Ҳавола: Ғуломов А.Ғ., Асқарова М.А. Ҳозирги замон ўзбек тили. –Тошкент:Ўқитувчи, 1962, 144-б.; Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1966, 184-б. манбаларига берилган. Бу тўғри. Қизиғи, бу манбаларда ҳам феъл субъекти назарда тутилган.

⁴ Расулов Р. Глаголы состояния в узбекском языке и их валентность. –С.48.

каузатив феълнинг каузалланма феъл билан нутқда берилиши синтактик ходисадир. Р. Расуловнинг қайд этишича, гап таркибида каузалловчи феъл бўлса, ўша гапда каузалланма феъл бўлиши шарт ва синтактик қонуният ҳисобланади.¹ Сабаб валентлиги семантик ходиса бўлиб, фақат нутқ талаби билан унинг актанти намоён бўлади. Каузатив феълларнинг каузалловчиси агенс, каузалланмаси ҳаммаси ҳамма вақт поциенс эканлиги кузатилади. Сабаб валентли феълларнинг эса агенси ва агенс ҳаракатини юзага келтириш учун сабабчи ҳисобланган актанти бўлади. Яна каузатив феълларнинг ҳам агенси, сабаб валентли феълларнинг ҳам агенси шахс ифода этгани ҳолда; каузатив феълларнинг каузалланмалари шахс, сабаб валенти актантлари қандайдир кечим ифода этади. Каузатив феълларда феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолатни поциенс амалга оширади. Унинг амалга ошириши учун сабабчи ҳисобланган агенс ҳаракат ёки ҳолатни юзага келтирувчи сабабни имкон бериш, ундаш, мажбурлаш билан адо этади. Яъни ҳаракат ёки ҳолатни бажариш поциенсда, сабаб агенсда бўлади. Сабаб валентли феълларда феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолатни ҳамма вақт агенс амалга оширгани ҳолда, унинг сабабини сабаб актанти ифодалайди. Бунинг устига каузатив феъллардаги сабаб мантиқан сабаб бўлиб, сабаб феъллардаги актант билдирган сабаб соф семантикдир. Қуйидаги мисолларни қиёсланг: *У болани ўқитди.* ва *У жанжалкашлигидан жанжаллашди.* Бу гапларнинг биринчисидаги феъл кесим каузатив бўлиб, иккинчисидаги феъл кесим сабаб валентлидир. Уларнинг ҳар иккисида ҳам у олмоши агенси ифодалаб келган. Каузатив феълнинг поциенс актанти *болани* сўзида, сабаб валентли феълнинг сабаб актанти *жанжалкашлигидан* сўзида қайд этилган.

Юқоридаги мисоллар яна шуни кўрсатадики, уларнинг биринчисида икки ҳаракат кечими бўлиб, ‘ўқишга ундаш’ ва ‘ўқишни амалга ошириш’ кечимларидан, иккинчиси фақат бир кечимдан иборат. Бу ҳам каузатив муносабат билан агенс ва сабаб актанти ўртасидаги муносабат кескин фарқ қилишини кўрсатади.

Айтилганидай, *У жанжалкашлигидан жанжаллашди.* гапида *жанжаллашди* феъли сабаб актанти бўлган *жанжалкашлигидан* сўзи билан намоён этилди. Бунда феъл ўз сабаб актанти билан ‘жанжал’ семаси орқали семантик алоқага киришган ва классемани таркиб топтирган. Шунинг учун бу сабаб валентлиги лексик- семантик валентлик деб қаралади.

Феълларнинг сабаб валентлиги актанти от, сифат, олмош, феъл, равиш туркумидаги сўзларда ифода топади. От туркумида ифода топган сабаб актанти асосан макон келишиклари билан, айниқса, чиқиш келишиги билан, шаклланган бўлади. Масалан, *очликдан ҳолсизланди.* Шунингдек *у сабабли, туфайли, учун, биноан, билан, таъсирида, орқасида, олдидан* кўмакчилари воситасида қўлланиши ҳам кузатилади. Масалан, *уқувсизлиги орқасида оқсади.* Сифат ва равиш тукумига оид сўзлар –лик аффикси воситасида отлашиб, эгалик ва макон келишигини олиб сабаб актанти сифатида қўлланади. Олмош, отлашган сифатдош ва ҳаракат номи кабилар ҳам макон

¹ Расулов Р. Ўша автореф. Ўша бет.

келишиги ё кўмакчилар воситасида сабаб актанти бўлиб келади. Сабаб актанти бўлиб равишдошлар тўғридан-тўғри намоён бўлаверади.

Сабаб валентлигига барча семантик майдонга оид феъллар эга бўлиши мумкин.

Феълнинг сабаб валентлиги актанти гапда сабаб ҳоли вазифасини ўтайди.

Демак, барча семантик майдонга оид феъллар сабаб валентлигига эга бўлиши мумкинлиги ҳолда, у лексик-семантик валентликдир. Феъл сабаб валентлиги актанти билан бирор сабабни билдирувчи сема билан классемани таркиб топтиради. Унинг актанти бўлиб от ёки отлашган сўзлар келаверади ва морфологик шакли макон келишикларидан бири ёки *сабабли, туфайли, учун, биноан, таъсирида, орқасида, олдида* кўмакчиларидан бири бўлади.

Восита (*medius*) валентлиги

Восита валентлиги феълнинг лексик-семантик валентликларидан биридир.¹ Бу валентликнинг ҳам намоён бўлган актанти, турган гапки, феъл томонидан бошқарилади. Шундай бўлгач, ҳоким бўлак бўлган феъл восита валенти актанти билан семантик жиҳатдан мослашади ва классемани таркиб топтиради. Масалан, *мих билан қоқмоқ* бирикмаси *қоқмоқ* феълнинг восита валентлиги нутқда намоён бўлган ҳолатидир. Унда *қоқмоқ* феъли ‘зарб’ ‘уриш’ ‘киргизмоқ’ семаларидан иборат семемасига *мих* оти ‘учи найза’ ‘киргизиладиган’ ‘деталл’ семаларига эга семемаси билан коммуникацияга киришган. *Қоқмоқ* феъли восита лексик-семантик валентлигига кўра ‘киргизиладиган’ семаси асосидаги классемаси билан синтагмани таркиб топтирган.

Юқоридаги *мих билан қоқмоқ* бирикмаси билан *болға билан қоқмоқ* бирикмаси синтактик қурилиши ва бир хил феъл бошқарганлиги жиҳатидан бир-бирдан фарқ қилмайди. Лекин иккаласи айна бир феълнинг бир хил валентликка кўра намоён бўлиши эмас. Улардан биринчисида, айтилганидай, феъл восита валентлиги билан намоён бўлган; иккинчи бирикмада ундай бўлмаган. Унинг актанти бўлган болға восита эмас, қурол билдиради. Ю.Д. Апресян таъкидлаганидай, у восита валентининг *мих* отида ифодаланган актантидай, *қоқмоқ* феълдан англашилган ҳаракат объект таркибида қолиб кетмайди, балки алоҳида қўлланадиган буюм, асбобдир.² Восита актанти феълдан англашилган ҳаракат билан унинг объекти оралиғидаги восита, объект билан бирга қолувчи буюм.

Юқоридаги бирикманинг таркиб топишида грамматик вазифани *билан* кўмакчиси ўтаган. Яъни *билан* кўмакчиси феълга унинг намоён бўлган восита актантини боғлаб келувчи грамматик кўрсаткичдир. Бу кўмакчи ўрнида –*да* келишик қўшимчасини ҳам қўллаш мумкин. Бу билан восита валентлиги намоён бўлган бошқарувидаги бирикмада семантик ўзгариш кузатилмайди,

¹ Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. – С.125.

² Апресян Ю.Д. Ўша асар. 128-б.

балки услубий фарқ бўлади. Мазкур бирикмадаги *билан* кўмакчисининг ўрнига тушум келишигининг *–ни* кўшимчасини қўйиш ҳам мумкин, лекин бунда восита валентлиги намоён бўлган феъл бошқарувидаги бирикмада семантик ўзгариш қайд этилади. Унда восита актанти бўлган *мих* отида объект ифода топар эди. Эътибор қилинг: *михни қоқмоқ*. Яъни *қоқмоқ* феълидан англашилган ҳаракат михга ўтади.

Гап таркибида гапнинг агеенси билан феълнинг восита валентлиги актанти бевосита мантиқан алоқада эканлиги англашилади. Агеенс феълдан англашилган ҳаракатни бажарар экан, восита актанти шубҳасиз восита бўлади. Агеенс у орқали ҳаракатни объектга ўтказди. Қурол валентлиги актанти агеенс ва объект оралигида восита бўлади. Лекин у агеенс ҳаракатини юзага келтириш орқали бу вазифани бажаради. Масалан, *У болгада мих билан тахтани қоқди*. гапида *қоқди* феълидан англашилган ҳаракат у олмошида ифодаланган агеенс томонидан бажарилганлик хабари қайд этилган. Бу ҳаракат *тахта* объектига ўтказилган. Унга мих восита бўлган. Агеенс ҳаракатни болға қуроли орқали амалга оширган. Яъни гапда феълнинг восита валентлиги бўлар экан, унинг агеенс валентлиги албатта бўлади. Улар бир-бирини мантиқан тақоза этади. Қурол ва объект валентлиги бўлиши шарт эмас; бўлса, қолган валентлик уни инкор қилмайди, балки диалектик боғлиликда бўлади.

Феълнинг восита валентлиги актанти асосан от туркумига оид сўзларда ифода топади. Баъзан кўрсатиш олмоши ва отлашган сўзларда кузатилиши ҳам мумкин. Ҳар қандай ҳолда ҳам бу актантининг *билан* кўмакчиси ёки *–да* ўрин келишиги билан шаклланганлиги кузатилади.

Восита валентлиги ўтимли феълларда ҳам, ўтимсиз феълларда ҳам кузатилади. Ўтимсиз феълларда восита валентлиги бўлар экан, феъллардан англашилган ҳаракатни ёки ҳолатни агеенс ҳеч қандай объектга кўчмай тўғридан-тўғри бажаради, бироқ восита актанти ифода этган нарса унга восита бўлади.

Демак, восита валентлиги ўтимли феълларда ҳам, ўтимсиз феълларда ҳам кузатилиб, у ҳамма вақт семантик, тўғрироғи, лексик-семантикдир. Феъл восита валентлиги актанти билан ‘восита’ семасига кўра классемани таркиб топтиради. Унинг морфологик кўрсаткичи *билан* кўмакчиси ёки ўрин келишиги бўлади. Улар актанти объектли бирикмалар таркибида воситали тўлдирувчи вазифасида келади.

Ҳолат (*modus*) валентлиги

Ҳолат валентлигини феълнинг лексик-семантик валентликлари қаторида санаб Р.Расулов тўғри хулосага келган деб ўйлаймиз.¹ Ваҳоланки, Ю. Д. Апресян уни феълнинг семантик валентликлари қаторида тилга олмаган эди.² Феълнинг ҳолат валентлиги нутқда намоён бўлар экан, унинг

¹ Расулов Р. Ўша автореф. 43-б.

² Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. – С.125-126.

актанти феъл билан ҳамма вақт бир хил семали семемага, яъни классемага эга бўлади. Масалан, *чона-чона келди* бирикмасида *келди* феъли ‘субъект олди’ ‘йўналма ҳаракат’ ‘етмоқ’ семаларига эга семема, *чона-чона* равиши ‘давомли’ ‘тез’ ‘йўналма ҳаракатланмоқ’ семаларига эга семема билан қатнашган. Бирикма классемаси ‘йўналма ҳаракат’ семасидан иборатдир. Бу феъл лексикасининг ўз актантини лексик-семантик валентлигига кўра воқелантирганлигини кўрсатади.

Феълнинг ҳолат валентлиги актанти ифодаси агенснинг феълда қайд этилган ҳаракат ёки ҳолат билан боғли ҳолатда намоён бўлади, Яъни у агенс ҳаракат ёки ҳолатини турли томондан аниқлаштириш вазифасини ўтайди.¹ Агенс феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолатни бажарар экан, шу ҳаракат ёки ҳолат қандай бажарилганлигини ҳолат валентлигининг актанти ифода этади. Бунинг учун юқоридаги *чона-чона келди* бирикмасини эшлашга тўғри келади. Бунда феълдан англашилган ҳаракатни ундан англашилган агенс бажарганлиги тушунилади. Бу ҳаракат қандай бўлганлиги *чона-чона* равиши, яъни феълнинг ҳолат актанти орқали берилган.

Феъл валентлигининг шундай актантилари ҳам ўрни билан намоён бўладики, у гарчи ҳолат актанти бўлса-да, лексик-семантик валентликка оид деб бўлмайди. Масалан, *шартта гапириб ташладим* бирикмасидаги *шартта* равиши *гапирмоқ* феълнинг ҳолат валентлиги актанти бўлса ҳам, улар семантик боғланмайди, яъни классемага эга эмас. *Шартта* равиши бирикмадаги феълнинг *ташламоқ* кўмакчи феъли билан классемани таркиб топтиради. Яъни ҳолат валентлиги таркибан феълнинг кўмакчи феълига мансубдир. Таркибли феълларда кўмакчи феъл етакчи феълнинг шакли ҳисобланади. Бу ўринда фақат шакл семантикаси валентлиги бор, деб қарашимиз тўғри бўлади.

Феълнинг ҳолат валентлиги актанти асосан равиш туркумига оид сўзларда, яна у феълнинг равишдош хосланган шаклида, шунингдек сифат ва отларда ҳам ифода топаверади. Равиш туркумидаги сўзлар ҳолат валентлиги актанти учун энг мос ифодаловчи бўлиб, феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолат қандай бажарилишини аниқ, равон, ёрқин кўрсата олади.² Равишдош эса феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолат билан бир вақтда бирга содир бўлган, илгарироқ ўтган ҳаракат, кечим, ҳолат кабиларни ифода этади.³ Туркий сифатлар, тарз ҳоли сифатида қўлланиб, худди рус тилидаги равишларга ўхшаб кетади.⁴ Аммо сифатларнинг ҳаммаси ҳам адвербиализацияга учрайвермайди. Бундайлари албатта ҳолат валентлигини намоён этишдан четда қолади. От туркумига оид сўзлар ҳолат валентлигининг актантини ифода этар экан, образли тасвирлар яратилади. Умуман ҳолат валентлигининг актанти ифода этилиши қайси туркумга ҳослигига қараб ранг-баранг бўлади.

¹ Расулов Р. Ўша автореф. 43-б.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда.

⁴ Дмитриев Н.К. Грамматика башкирского языка. – М.-Л., 1948, С.81.

Ҳар қандай ҳаракат ва ҳолатнинг бажарилиш тарзи бўлиши диалектик қонуниятдир. Шунинг учун ҳаракат ва ҳолат феълларнинг ҳаммасида ҳолат валентлиги бўлиши - табиий. Феълларнинг ўтимли ёки ўтимсиз бўлиши бунга чегара бўла олмайди.

Демак, ҳолат валентлиги ҳаракат ва ҳолат билдирувчи ҳамма феълларда: ўтимли феълларда ҳам, ўтимсиз феълларда ҳам кузатилиб, у деярли ҳолатда семантик, яна ҳам тўғрироғи, лексик- семантикдир. Феъллар ўз ҳолат валентлиги актанти билан 'ҳолат' семасига кўра классемани таркиб топтиради. Унинг морфологик кўрсаткичи йўқ. Чунки у равишлар, равишдошлар, сифатлар ва ҳатто отларда ҳам намоён бўлади. Унинг актанти релятив бирикмалар таркибида тарз ҳоли вазифасида келади.

Хуллас, феъл лексемаси семемасининг айрим семаси билан ўзи бошқариб келган сўз семемасининг айрим семасига мос келиши, яъни классемани таркиб топтириши шу феълнинг лексик-семантик валентлиги билан намоён бўлишидир. Феъл шундай валентликка эгаллиги ҳолда, унда агенс, объект, мазмун, адресат, ўрин, қурол, восита, ҳолат валентликларини намоён этади. Агенс актанти 'шахс' ёки 'нарсас', объект валентлиги актанти 'нарсас', мазмун валентлиги актанти 'хабар', адресат валентлиги актанти 'шахс', ўрин валентлиги актанти 'жой', қурол ва восита валентлиги актанти 'восита', ҳолат валентлиги актанти 'ҳолат' семасига кўра ҳоким сўз бўлган феъл билан классемани таркиб топтиради. Морфологик кўрсаткич агенс актантида бош келишик, объект актантида тушум келишик ва мазмун актантида ҳам шундай, адресат актантида жўналиш келишик, ўрин актантида макон келишиклари ва баъзан тушум келишиги, қурол ва восита актантида ўрин келишигидир. Мазмун, адресат, ўрин, қурол, восита валентликлари актантилари кўмакчилар билан шаклланганлиги ҳам кузатилади. Ҳолат актанти морфологик кўрсаткичга эга эмас. Синтактик жиҳатдан меъёрий гап тузилишларида агенс валентлиги актанти кўпинча эга, объект ва мазмун валентлиги актанти воситасиз тўлдирувчи, ўрин валентлиги актанти ўрин ҳоли, қурол, восита ва адресат валентликлари актанти воситали тўлдирувчи, ҳолат валентлиги актанти тарз ҳоли вазифаларида келади.

3. Феълнинг воситали семантик валентликлари

Умуман барча тилларда, шу жумладан ўзбек тилида, феъл валентлиги семемасидаги семалари асосидагина эмас, оралиқ бирор сўз семантикаси воситасида ҳам бўлади.¹ Бундай валентликни воситали семантик валентлик деб атаган эдик.² Бу айниқса феъл кесим вазифасида қўлланганда кузатилади. Бунда кесим вазифасидаги феъл гаптадаги бирор бўлакни синтактик жиҳатдан бевосита бошқариб келгани ҳолда, у билан семантик жиҳатдан бевосита боғланмайди, яъни классемага эга бўлмайди, балки у бошқа валентлиги

¹ Бу ҳақда юқорида тўхталган эдик.

² **Миртожиев М., Мухамедова С.** Ўзбек тилида валентлик кўринишлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2001, 3-сон, 42-б.

актанти орқали семантик боғланиб келади. Яъни бу валентлик актанти феълнинг бошқа валентлиги актанти билан ўзаро классемага эга бўлиб, у актант феъл билан классемани таркиб топтиради. Феълнинг мақсад, сабаб ва миқдор валентликлари шундай валентликлардир.

Мақсад (*destinatio*) валентлиги

Мақсад валентлиги феълнинг воситали семантик валентликларидан биридир. Бироқ уни лексик-семантик валентликлар қаторида қараб келинади.¹ Бу қараш, албатта, нотўғри. Чунки *ўқигани мактабга бордим* қурилмасига эътибор берилса, *ўқигани бордим* бирикмасидаги *бордим* феъли мақсад валентининг актанти *ўқигани* сўзи билан классемага эга эмас. Феъл ўзининг ўрин валентлиги актанти *мактабга* сўзи билан ‘жой’ билдирувчи классемани, ўрин валентлиги актанти *мактабга* сўзи мақсад валентлиги актанти *ўқигани* сўзи билан ‘таълим’ семасига кўра классемани таркиб топтирган. Бу ўринда *бормоқ* феъли ўзининг мақсад валентлигини ўрин валентлиги актанти семантикаси воситасида орттирган. Шунинг учун уни лексик-семантик валентлик деб эмас, воситали семантик валентлик деб қараймиз.

Мақсад валентлигининг аниқ бир чегараси, тўғрироғи, у ҳақдаги тушунча тилшуносликда етук тасаввур уйғотган эмас. Бу ҳақда рус тилшуноси А. К.Жалковский ҳам таъкидлаган эди.² Унинг фикрини икки йил кейин инглиз тилшуноси Ж. Лаков ҳам такрорлаган.³ Рус тилшунослигининг вакили Ю.Д.Апресян эса «...мақсад-мураккаб, мазмун валентлигига қориштириладиган тушунча,»-деган фикрни айтади.⁴ Ўзбек тилшуноси И.Қ. Қўчқортоев ўз фразаси билан Ю.Д. Апресяннинг нуқтаи назарини айнан такрорлаб: «Нутқ феълларининг мақсад валентлиги мазмун валентлигига жуда яқин,»-дейди.⁵ Бу фикрни Ю.Д.Апресян фақат қайд этиш билан чегараланган, у ҳақда таҳлиллар келтирмаган. Шу билан бирга мақсад валентлиги ҳақида қатъий фикр ҳам билдирмаган. И.Қ.Қўчқортоев ўз фикрини айтиш билан бу ҳодисага турли томондан муносабат билдиришга ҳаракат қилган. Шу ҳаракати жараёнида мақсад валентлигини бир неча таҳлилларида мазмун валентлиги билан, шунингдек объект ва ўрин валентлиги билан ҳам чалқаштириб юборганлигини кузатиш мумкин.

И.Қ.Қўчқортоев мақсад валентлиги билан мазмун валентлигининг ўзаро яқинлиги ва уларнинг фарқланишини кўрсатиш учун икки мисол келтириб, таҳлил этиб беради. *У Мен унга артистлар келганини айтдим* ва *Мен унга концертга боришни таклиф қилдим* гапларини келтириб, биринчи гапда

¹ **Апресян Ю.Д.** Лексическая семантика. – С.125-126; **Кучкартаев И.К.** Валентный анализ глаголов речи в узбекском языке. – С.85-90.

² **Жалковский А.К.** О правилах семантического анализа // *бюл.* Машинный перевод и прикладная лингвистика. Вып.8. – 1964, С.69.

³ **Lakoff G.** Stative adjectives and verbs in english // *Mathematical linguistics and automatic translation / Report N. NSF – 17 to the National Science Foundation.* – Cambridge (Mass), 1966.

⁴ **Апресян Ю.Д.** Лексическая семантика. – С.129.

⁵ **Кучкартаев И.К.** Валентный анализ глаголов речи в узбекском языке. – С.85.

айтмоқ феъли ўз актанти *артистлар келганини* бирикмасидан англашилган хабарни таъкидлаш, иккинчи гапдаги *таклиф қилмоқ* феъли ўз актанти *концертга боришни* бирикмасидан англашилган ҳаракатга чақириш, кўзғаш маъносини билдиради, дейди.¹ Кўринадики, изоҳ аини муддаога қаратилган эмас. Бу ўринда феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолатнинг қандай мақсадга қаратилганлигини унинг актанти таъкидлаш маъноси билан изоҳлаши керак эди. Бу изоҳ берилмаган. Агар шу нуқтаи назардан ёндашилса, ҳар икки мисолда ҳам феълдан англашилган нутқнинг мазмуни ўша кўрсатилган бирикмалар маъносида ойдинлашган. Шунга кўра мазкур бирикмалар феълнинг мазмун валентини воқелантирган, дейиш тўғри бўлади. Яъни И.Қ.Кўчқортоев ҳар икки мисолни ҳам мазмун валентлигига келтирган.

И.Қ.Кўчқортоев намоён бўлган мақсад валентлиги учун бир ўринда *Ўртоқ Бақоев бир пиёла чой сўради* мисолини бериб, *чой сўзи сўради* феълнинг мақсад валентлиги актанти деб кўрсатади.² Ахир у нутқ ҳаракати кўчган объект. Яна ҳам кейинроқ *У...нариги уйга таклиф қилди* мисолини келтириб, *нариги уйга* бирикмасини *таклиф қилди* феълнинг мақсад валентлиги актанти, деб кўрсатмоқчи бўлади.³ У жой билдирган. Шунинг учун уни ўрин валентлиги актанти дейиш тўғри бўлади. Айтиш мумкинки, тилшунос ишининг шу қисмида анча чалкашликларга йўл қўйган.

Мақсад валентлиги актанти феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолатдан нима мўлжалланганлигини билдирадиган актантдир. У деярли кечим ифодаси билан намоён бўлади. Масалан, *ўқигани келди* бошқарув боғланиши *келди* феълнинг мақсад валенти намоён бўлган ҳолатидир. Мақсад валентлиги актанти бўлган *ўқигани* сўзи кечим билдиради. У равиш туркумига мансуб. Мақсад валентлигининг актанти от туркумига мансуб бўлиши ҳам мумкин. Яъни *меҳмонга борди* бошқарув боғланиши *борди* феълнинг мақсад валенти билан намоён бўлган ҳолатидир. Мақсад валенти актанти бўлган *меҳмон* сўзи бу бошқарув бирикувида отни эмас, балки ‘меҳмон бўлиш’ маъноли кечимни билдириб келган. Бу феълдан англашилган ҳаракатдан мўлжалланган кечим ҳисобланади.

Феълнинг мақсад валентлиги актанти намоён бўлар экан, деярли у билан ўрин валентлиги актанти ҳам намоён бўлади ёки мақсад валентлиги актантида ўрин валентлиги актанти имплицит ифодаланиб туради. Масалан, *ўқигани мактабга келди* ёки *меҳмонга уйга борди* ва ҳ. Бу мисолларнинг юқоридаги вариантида ўрин актанти мақсад актантида имплицит ифода топган. Маълумки, феъл мақсад валентлигининг актанти билан ўрин актанти семантикаси воситасида семантик алоқага киришади.

Феълнинг мақсад валентлиги актанти ё от, ё равиш туркумидаги сўзда ифодаланади. От туркумида ифодаланган мақсад валентлиги актантининг грамматик кўрсаткичи –*га* жўналиш келишиги бўлиб, унинг ўрнини *учун* кўмакчиси ҳам босади. Равиш туркумидаги мақсад валентлиги актанти –*гани*

¹ Кучкартаев И.К. Ўша асар. – 85-б.

² Кучкартаев И.К. Ўша асар. – 87-б.

³ Кучкартаев И.К. Ўша асар. – 90-б.

аффикси билан феъл туркумига оид сўзлардан ясалган бўлади. Бу грамматик шакллар нутқда бемалол алмашилиб келиши мумкин.

Феълнинг мақсад валентлиги актанти тушум келишигидаги ҳаракат номининг *кўзлаб*, *мўлжаллаб*, *қараб* равишдошларини орттирган ҳолда шаклланган бўлиши ҳам кузатилади. Масалан, *кетишни кўзлаб турдим*. Баъзан ҳаракат номи жўналиш келишигида келиб, мазкур равишдошлардан бирини орттириб ҳам шаклланади. Масалан, *кийишга мўлжаллаб тиктирдим*. Шунини ҳам айтиш керакки, тушум келишигидаги ҳаракат номи мазкур равишларни орттирмай мақсад валенти актанти бўла олади. Бунинг учун И.Қ.Қўчқортоев келтирган мисоллар нотўғри.¹ У бу ўринда мазмун валентлиги билан қориштирган.

Мақсад валентлиги барча семантик майдонга мансуб феълларда бўлади. Фақат у намоён бўлганида ҳаракат феъллари билан ҳолат феълларининг восита бўлувчи ўрин валентлари актантларининг грамматик кўрсаткичи ўзаро фарқ қилади. Ҳолат феълларининг мақсад валентлиги нутқда намоён бўлар экан, у билан йўлдош намоён бўлган ўрин актанти ўрин келишигида; ҳаракат феъллари нутқда намоён бўлар экан, у билан йўлдош намоён бўлган ўрин актанти жўналиш ёки чиқиш келишигида шаклланади.

Феълнинг мақсад валентлиги актанти синтактик жиҳатдан доимо мақсад ҳоли вазифасини бажариб келади.

Демак, феълнинг мақсад валентлиги воситали семантик валентликлардан бири ҳисобланиб, унинг актанти феълан англашилган ҳаракат ёки ҳолат нимага мўлжалланганлигини билдиради. Феълнинг мақсад валентлиги актанти ўрин валентлиги актанти билан 'мақсад' семаси, ўрин актанти феълнинг ўзи билан 'жой' семасига кўра классемани таркиб топтирган. Унинг грамматик шакли жўналиш келишигидаги ёки *учун* кўмакчили от, - *гани* аффикси билан ясалган равиш, *кўзлаб*, *мўлжаллаб*, *қараб* кўмакчисини орттирган тушум ёки жўналиш келишигидаги ҳаракат номи кабилардан иборат. У синтактик жиҳатдан гапда мақсад ҳоли вазифасини бажаради.

Сабаб (востали) (causalis) валентлиги

Сабаб валентлиги ҳақида ўзбек тилшунослигида фикр юритган фақат Р. Расулов бўлиб, уни феълнинг лексик-семантик валентлиги қаторига киритади. Унинг айримлари воситали семантик валентлик бўлиши мумкин.² Чунки у феълларда воситали семантик валентлик бўлишини ҳисобда тутмаган эди.

Сабаб валентлиги феълларнинг воситали семантик валентликларидан бири ҳисобланиб, айрим кўринишидагина кузатилади. Яъни у ҳамма вақт ҳам воситали семантик валентлик эмас, аксинча кўпроқ лексик-семантик валентлик ҳолида қайд этилиб, айрим кўриниш, баъзи шаклланишларидагина кузатилади. Бунда сабаб валентлиги актанти бўлиб ё отлашган сифат, ё

¹ Кучкартаев И.К. Ўша асар. 85, 87, 89, 90-бб.

² Расулов Р. Лексико-семантические группы глаголов состояния и их валентность. – С.146-175.

сифатдошлар, ё белги билдирувчи отлар намоён этилади. Уни бошқариб келган феъл деяри ўрин валенти актантини бошқарган бўлади. Бу ўрин валентлиги актанти семантикасида яна қандайдир кечим борлигини англаш мумкин. Сабаб актантини гарчи синтактик жиҳатдан феъл бошқарган бўлса ҳам, улар ўзаро семантик боғланмайди, классемани таркиб топтирмайди. Сабаб актанти ўзини бошқариб келган феълнинг ўрин валентлиги актанти билан семантик жиҳатдан мослашади ва у билан классемага эга бўлади. Масалан: *ўқолмаганидан институтга бормади*. Бу семантик қурилмадаги *ўқолмаганидан бормади* феъл бошқарувидаги компонентлар ўзаро синтактик боғланса ҳам, семантик мослашмаган. *Ўқолмаганидан сўзи институт сўзи* билан ‘ўқиш’ семаси асосида, *институтга бормади* бирикмаси ‘жой’ семаси асосида классемани таркиб топтирган. *Ўқолмаганидан сўзи* сифатдош бўлиб, отлашган ва эгалик ҳам чиқиш келишигида келган. *Институтга сўзи бормади* феълнинг ўрин валентлиги актантини ифодалаган ва ундан қандайдир ўқиш кечими борлиги ҳам англашилган. Феълнинг сабаб валентлиги актанти воситали семантик валентлик актанти сифатида намоён бўлар экан, у морфологик жиҳатдан от ёки отлашган белги билдирувчи сўз бўлгани ҳолда эгалик ва чиқиш келишигида шаклланади ёки эгалик билан келиб, *сабаб, сабабли, туфайли, учун* каби кўмакчилар билан қўлланади. Феълнинг сабаб валентлиги билан ёндош бўлган ўрин валентлиги актанти от, ўрин равиши ёки ҳаракат номи билан ифодаланади ва тушум, чиқиш, жўналиш, ўрин келишикларининг бири билан шаклланади. Улар асосан ўрин ифодалагани ҳолда, тубдан қандайдир кечим англашиб ҳам туради. Ҳар икки валентлик актантларининг шаклланиши улар оид бўлган феълнинг семантикасига мос ҳолатда бўлади.

Феълнинг сабаб валентлиги актанти ҳамма вақт синтактик жиҳатдан гапда сабаб ҳоли вазифасини ўтайди.

Демак, феълнинг айрим семантик валентликлари воситали семантик валентлик ҳолида намоён бўлади. Восита семантикасини ўрин валентлиги актанти семантикаси беради. Сабаб валентлиги актанти от, ўрин равиши, ҳаракат номида ифодаланиб, эгалик ва чиқиш келишигини ёки эгалик ва *сабаб, сабабли, туфайли, учун* кўмакчиларидан бирини олиб келади; синтактик жиҳатдан гапда сабаб ҳоли вазифасини ўтайди.

Микдор (quantus) валентлиги

Микдор валентлиги феълнинг воситали семантик валентликларидан биридир. Бироқ уни Ю.Д. Апресян лексик-семантик валентликлардан бири сифатида тилга олади.¹ Бу қараш албатта тўғри эмас. Чунки *бир ниёла сув ичдим* синтагмасига эътибор берилса, *бир ниёла ичдим* бирикмасидаги микдор валентлигининг актанти *бир ниёла сўзи* феъл билан классемани таркиб топтирмайди. Феъл ўзининг объект валентлиги актанти *сув сўзи* билан ‘суюқлик’ билдирувчи классемани, объект актанти *сув сўзи* микдор

¹ Апресян Ю.Д. Лексическая семантика, - С.126.

актанти *бир пиёла* сўзи билан ‘миқдор’ семасига кўра классемани таркиб топтирган. Бу ўринда *ичдим* феъли ўзининг миқдор валентлигини объект валентлиги актанти семантикаси орқали орттирган. Шунинг учун уни лексик-семантик валентлик деб эмас, воситали семантик валентлик, деб аташ тўғри бўлади.

Шуни ҳам айтиш керакки, юқоридаги мисолда келтирилган *пиёла* сўзи ҳажм эмас, буюмни билдиради. Аммо у нутқда кўпинча ‘ҳажм’ маъноси билан қўлланади. Одатда идиш сифатида қўлланувчи буюмлар ‘ҳажм’ маъносидаги метонимик ҳосила маънони юзага келтиради. Бу ўзбек тилида кўп учрайдиган нутқ ҳодисасидир.¹ Бунинг учун идиш сифатидаги буюмни билдирувчи отлар миқдор билдирувчи сонларни албатта ўз аниқловчиси вазифасида орттириб, атрибутив бирикма ҳолида келиши керак. Мана шу ҳосила маъноси *сув* сўзи билан классемани таркиб топтирган ва *ичдим* феъли томонидан бошқарилган. У *ичдим* феълнинг миқдор валентлиги актанти сифатида намоён бўлган.

Феълларнинг миқдор валентлиги узунлик, масофа, ҳажм, оғирликка нисбатан ҳам бўлиши мумкин.² Юқорида ҳажмга нисбатан миқдор валентлигининг намоён бўлишини таҳлил этдик. Унинг масофага нисбатан содир бўлиши ҳам шунга ўхшашдир. Масалан, *уч бекат йўл юрдик* синтагмасига эътибор бериш мумкин. Бу қурилмадаги *бекат* оти масофа билдирган ва шу метонимик маъноси асосида *юрдик* феъли томонидан бошқарилган. *Бекат* сўзи миқдор билдирувчи *уч* сони билан боғли, атрибутив бирикма ҳолида келганлиги сабабли, унда нутқий метонимия кечган. Бу метонимик маъноси билан *йўл* сўзига семантик боғланган ва бирикма ‘масофа’ семасига кўра классемани таркиб топтирган. *Йўл* сўзи ‘қатнов’ семаси асосида *юрдик* феъли билан ўз классемасига эга. Шуни ҳам айтиш керакки, бу ўринда *юрдик* феълнинг воситали валентлигига мансуб бўлган миқдор валентлиги намоён бўлишида ва актанти билан боғланишида семантик восита бўлган *йўл* сўзи феълнинг объект эмас, ўрин валентлигининг актанти ҳисобланади.

Феълнинг миқдор валентлиги актанти узунлик ёки оғирлик ўлчовини ҳам кўрсатади. Масалан, *беш метр газлама олдим, ярим кило узум едим* қурилмаларида *беш метр* узунлик миқдорини, *ярим кило* оғирлик миқдорини билдирган. Уларнинг маъноси номинатив бўлиб, метонимик эмас. Лекин уларда ҳам от миқдор билдирувчи сон билан атрибутив бирикмани таркиб топтирганлиги кўзга ташланади. Улар ҳам феъл томонидан бошқарилганлигига қарамай, у билан семантик алоқага киришмаган. Феълларнинг бу валентлиги актанти намоён бўлишида қурилмаларнинг биринчисида *газлама*, иккинчисида *узум* бошқарув семантикасига воситачилик семантикасини берувчи сўз вазифасини ўтаган, яъни *метр* сўзи *олдим* феъли билан *газлама* сўзи, *кило* сўзи *едим* феъли билан *узум* сўзи

¹ Сувонова Р.А. Ўзбек тилида метонимия. – Тошкент: Халқ мероси, 2003, 42-б.

² Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. – С.126.

орқали семантик боғланади. *Газлама* ва *узум* сўзлари феълларнинг намоён бўлган объект валентликлари актантларидир.

Феълнинг миқдор валентлиги актанти ҳамма вақт миқдор сон-нумератив от бирикувида ифода топади. Бу табиийдир. Чунки миқдор сон феълнинг миқдор валентлиги маъносига аниқлик беради. Шу аниқ миқдор орқали феълнинг объект ёки ўрин валентлиги актанти билан семантик алоқада бўлади. Объектни ифодаловчи сўз феъл томонидан бошқарилиши ва семантик алоқада бўлиши-табиий. Чунки ўтимли феълларгина объект валентлигига эга бўлади. А. П. Ҳожиев таъбири билан айтганда, ўтимли феъллар семантик жиҳатдан қаралиши керак бўлиб, улар объектли феъллардир. Объектли феъллар объект валентли бўлмаслиги мантиқан мумкин эмас. Миқдор валентлиги актанти феълнинг ўрин валентлиги актантга бирикади. Феълнинг ўрин валентлиги актанти бўлиши-табиий. Чунки феълда ифодаланган ҳар қандай ҳаракат ёки ҳолат маълум маконда мавжуд бўлади.

Айрим ҳолларда миқдор валентлиги актанти феъл билан бевосита боғланиши ҳам мумкин. Бунда миқдор валентлиги актанти феълга семантик боғланиши учун восита бўлувчи объект ёки ўрин актанти эллипсисга учраган ва семантикасини ўз аниқловчисига меросга қолдирган бўлади. Бу усулда нутқда сақланиб қолган аниқловчида нутқий метонимия амалга ошади.¹ Нутқий метонимияга кўра ўзида объект ёки ўринга хос семасини орттирган миқдор актанти феъл билан бевосита семантик боғланаверади. Бунда миқдор валентлиги метонимияга кўра орттирган объект ёки ўрин семаси билан феълга бириқиб, классемани таркиб топтиради. Шу билан бирга миқдор валентлиги актанти миқдор билан объект ёки ўрин семаларини биргаликда намоён этади. Масалан *бир стакан сув ичдим* қурилмаси ўрнида *бир стакан ичдим* қуримасини бериш мумкин. Бунда *бир стакан сув* атрибутив бирикмасининг *сув* аниқланмиши эллипсисга учраган ва *бир стакан* аниқловчиси унинг маъносини ўз устига олган. Натижада объект семасига эга миқдор актанти бўлган *бир стакан* сўзи феъл билан семантик алоқага киришган ва классемани таркиб топтирган. Шу билан у ‘миқдор’ семасини ҳам воқелантирган. Бу ўринда энди воситали валентлик намоён бўлмади. Балки метонимияга учраган, семемасида ‘объект’ ва ‘миқдор’ билдирувчи семаси бўлган от феълнинг лексик-семантик валентлиги актанти сифатида қўлланди.

Шу таҳлилга ўхшаш яна *уч бекат юрдик, беш метр олдим, ярим кило едим* бирикмаларини ҳам таҳлил этиш мумкин. Булардаги *уч бекат, беш метр, ярим кило* бўлақларининг аниқланмишлари эллипсисга учраган бўлиб, улар нутқнинг олд қисмидан англашилади. Шунинг учун улар метонимик маъносига кўра феъл билан семантик алоқададир. Бу ўринда феълнинг миқдор валентлиги лексик-семантик валентлик деб қаралади.

¹ Шукуров И.К. Перенос значения слов в узбекском языке. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1979, С.16; Миргаджиев М.М. Переносные значения и их манифестация в узбекском языке. Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Ташкент, 1989, С.27; Сувонова Р.А. Ўзбек тилида метонимия. – 42-б.

Демак, феълнинг миқдор валентлиги асосан воситали семантик валентлик ҳолида намоён бўлади. Миқдор валентлиги актанти семантикаси ҳажм, масофа, оғирлик ва узунликка нисбатан бўлиши кузатилади. Восита семантикасини асосан объект ва баъзан ўрин валентлиги актанти семантикаси беради. Миқдор валентликлари актанти миқдор сон + нумератив от кўринишидаги бирикмада ифода топади ва синтактик жиҳатдан миқдор ҳоли вазифасини ўтайди. Миқдор валентлигининг актанти феълга семантик боғланиб келиши учун восита бўлган ўрин ёки объект актанти синтактик жиҳатдан унинг аниқланмиши вазифасини ўтайди. У эллипсисга учраб, маъносини аниқловчи бўлмиш миқдор актантга қолдирар экан, бу актант феълга бевосита семантик боғланади ва лексик-семантик валентлик актанти ҳисобланади.

Кўринадики, феълнинг воситали семантик валентликлари мақсад, қисман сабаб ва миқдор валентликларидир. Бу валентликлар актанти феъл билан феълнинг ё объект, ё ўрин валентлиги актанти семантикаси орқали боғланади. Ишнинг «Кириш» қисмида феъл семантикаси унинг валентлигини белгилаши айтилган эди. Шундай бўлгач, бу уч валентликнинг феъл семантикаси билан алоқаси йўқлигига қараб, улар ё ўрин, ё объект валентлиги актанти талаби билан намоён бўладими, деган савол келиб чиқиши-табiiй. Аслини олганда, шундай ҳам. Бироқ феъл кесим гапни уюштирганда, мақсад, сабаб, миқдор валентликларига асосланиб, ё объект, ё ўрин валентлиги актантлари билан бир бутун актант сифатида сайлаб, у билан семантик муносабатга киришади. Шу туфайли феъл мақсад, сабаб, миқдор валентликлари актанти семантикаси билан ё ўрин, ё объект валентлиги актанти семантикаси орқали семантик алоқани ушлайди. Айрим ҳолларда эса у ё мақсад, ё сабаб, ё миқдор валентлиги актантини, эллипсисга учраган ё ўрин, ё объект валентлиги актанти семантикасини ўзига сингдирган ҳолда, қабул қилади. Бунда феъл мазкур валентликлари актанти билан бевосита семантик алоқада бўлади.

Хуллас, феълларнинг воситали семантик валентлиги ўзбек тилида мақсад ва миқдор валентлигини тўла, сабаб валентлигини қисман ўз ичига камрайди. Мақсад ва сабаб валентлигида феъл билан мақсад ва сабаб валентликлари актанти ўртасида семантик алоқа учун ўрин валентлиги актанти семантикаси восита бўлади. Улар от, равиш ва ҳаракат номида ифодаланади. Уларни ифодалаб келган от ва ҳаракат номи эгалик аффиксини орттирган ҳолда мақсад актантида тушум ёки жўналиш келишиги билан; сабаб актантида чиқиш келишиги билан шаклланади ва мақсад актанти *кўзлаб, мўлжаллаб, қараб*; сабаб актанти *сабаб, сабабли, туфайли, учун* кўмакчиларини орттириб келади. Гапда мақсад актанти мақсад ҳоли, сабаб актанти сабаб ҳоли синтактик вазифасини бажаради. Миқдор валентлигида унинг валентлиги актанти билан феъл ўртасида ё ўрин, ё объект валентлиги актанти семантикаси алоқани таъминлайди. Феълнинг миқдор валентлиги актанти ҳамма вақт миқдор сон+нумератив отдан иборат бирикмада ифода топади. У синтактик жиҳатдан миқдор ҳоли вазифасини ўтайди. Феъл кесим гапни уюштирар экан, мақсад, сабаб, миқдор валентликларига асосланиб, ё

объект, ё ўрин валентлиги актантлари билан бир бутун ҳолда актант сифатида сайлаб, у билан синтактик муносабатга киришади.

4. Феълнинг шакл семантикаси валентликлари

Туркий тилларда, шу жумладан ўзбек тилида ҳам, феъл валентлиги семемасидаги семалари асосидагина эмас, шакли семантикаси асосида ҳам бўлади.¹ Бундай валентликни ш а к л с е м а н т и к а с и в а л е н т л и г и деб атаган эдик.² Бу айниқса феълнинг кесим вазифасида қўлланганида кузатилади. Феъл кесимларда бу имконият анча кенг бўлиб, уни шахс-сон, замон, нисбат, бўлишсизлик категорияларида, кўмакчи феълли аналитик шаклини олганда ҳам кўриш мумкин.

Агенс валентлиги

Кесим вазифасидаги феъл шахс-сон билан тусланса, шу гапда унинг шахс-сонда мос актантлари намоён этилади. Масалан, ўзбек тилидаги *куйладинг* кесими II шахс бирлик шаклида қўлланган. Шунинг учун унинг агенси II шахс бирликдаги кишилик олмоши билан ифодаланади ва гапда эга вазифасида келади. Кесим вазифасидаги феъл бирликдаги ё I, ё II, ё III шахс шаклида берилса, шунга мос кишилик олмошларидан бири агенс актантларидан бири сифатида сайланади. Улар кўпликдаги I ёки II шахс шаклини олса, *биз* ёки *сиз* кишилик олмошидан бирини талаб қилади. Кесим вазифасидаги феъл III шахс бирликда бўлса, у III шахс бирликдаги олмошни ҳам, III шахс кўпликдаги олмошни ҳам актант ўрнида танлаши мумкин. Бу ўринда гап мантиқига қаралади.

Кесим вазифасидаги феълнинг агенс валентлигини воқелантирган актантлари гапда эга вазифасини ўтагани ҳолда, деярли кишилик олмошларида ёки улар ўрнидаги ўзлик олмошида ифода топади. Агар кесим вазифасидаги феъл II шахс бирлик ёки кўпликда олинса, агенс актантлари ундалма вазифасида намоён бўлиши ҳам мумкин. У III шахс бирлик ёки кўпликда берилса, агенс от, олмош ёки агентив семантикасига эга ҳар қандай сўздан танланаверади.

Айтилганидай, кесим вазифасидаги феълларнинг шахс-сон кўрсаткичига эга бўлиши ва шунга кўра агенс валентлиги намоён этилиши туркий, шу жумлаан ўзбек, тилларига хос фаол ҳодисадир. Ҳинд-Европа тилларида деярли бундай эмас. Уларда кесим вазифасидаги феъллар деярли шахс-сон кўрсаткичи билан қўлланмайди. Шунга қарамай, шу тилларда тузилган гапларда кесим вазифасидаги феълнинг агенс валентлиги намоён бўлаверади. Бу кесим вазифасидаги феъл мантиқидан келиб чиққан ҳолда намоён бўлади. Шунинг учун бу валентлик Европа тилшунослигида мантиқий валентлик

¹ Бу фикр дастлаб В.А. Каримжонова томониан илгари сурилди. **Каримжонова В.А.** Ўзбек тилида ўрин келишкли бирикмалар семантикаси. Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 1994, 7-б.

² **Миртожиев М., Мухамедова С.** Ўзбек тилида валентлик кўринишлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2001, 3-сон, 42-б.

кўринишига киритилган.¹ Ўзбек тилида ҳам унинг изи ўз аксини топган. Яъни кесим феъл бўлгани ҳолда ҳеч қандай кўрсаткичсиз III шахс бирликни, гоҳо кўпликни билдирувчи агенсни намоён этади. Бу, албатта, кесим вазифасидаги феъл мантикидан келиб чиқиб амалга оширилади. Бироқ шахс-сон кўрсаткичлари тизимида III шахс бирдик ноль кўрсаткичга эга бўлади,² деб қайд этилиши туркий тилларда агенс валентлигининг III шахс бирликда намоён бўлишини шакл семантикаси валентлиги сирасида кўрсатиш имконини беради.

Демак, кесим вазифасидаги феълга кўшилиб келадиган шахс-сон кўрсаткичи ўз семантик валентлигига эгаллиги ҳолда, у кишилиқ ё ўзлик олмоши, баъзан агентив семантикага эга бўлган от ёки отлашган сўзларда ифодаланган актантда намоён бўлади.

Пайт (*temporalis*) валентлиги

Кесим ҳамма вақт маълум замонни кўрсатиб келади. Феъл кесимлар барча замон шаклини қабул қила олади. Шунга кўра кесим вазифасидаги феъллар пайт валентлигига эга бўлади.³ Улар ўз замон кўрсаткичига монанд пайт ҳоли вазифасидаги актантни қабул қилади. Масалан, *куйлайди* феъли келаси замонни билдиргани учун *У саҳнада эртага куйлайди* гапида бугундан кейинги кунни билдирувчи актант билан намоён бўлган. Пайт валентлиги намоён бўлган актант деярли пайт равишларида ёки вақт билдирувчи отларда ифода топади. *Бу йил келади* бирикувида эса *келади* феъл кесимининг пайт валентлиги *бу йил* от бирикувида намоён бўлган. Ҳар икки мисолдаги пайт актант ҳам синтактик жиҳатдан пайт ҳоли вазифасини ўтаган.

Ўзбек тилида *тур-*, *ўтир-*, *юр-*, *ёт-* кўмакчи феъллари борки, улар *турибди*, *ўтирибди*, *юрибди*, *ётибди* шаклида қўлланиб, етакчи феълга ҳозирги замон маъносини илова қилади.⁴ Улар ҳозирги замонни бир хил ифода этмайди: давомийлик жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Яъни *турибди* кўмакчи феъли етакчи феълга ҳозирги оний вақтни илова қилса, *ўтирибди* кўмакчи феъли анча кенгрок, *юрибди* кўмакчи феъли жуда кенг вақтни илова қилади. *Ётибди* кўмакчи феъли илова қиладиган вақтнинг чегараси йўқ, деярли доимий ҳолатда бўлади. Улар ўз етакчи феъли билан кесим вазифасида қўлланганда намоён бўлган пайт валентликлари актант ҳам шунга яраша пайт билдирувчи сўз эканлиги кузатилади. Масалан,

¹ Helbig G. Einleitung // Beitrage zur Valenztheorie.- Halle(Saale), 1971; Ўша муал. Valenz, Semantik und Satzmodelle // Deutsch als Fremdsprache. – 1976, S/100-102; Степанова М.Д., Хельбиг Г. Части речи и проблема валентности в современном немецком языке. – М.: ВШ., 1978, С.157; Bonzio W. Valenz, Bedeutung und Satzmodelle // Beitrage zur Valenztheorie. – Halle(Saale),1971, S.200.

² Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1966, 73-б.; Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1966, 146-б.; Ҳожиев А. Феъл. – Тошкент: Фан, 1973, 162-б.; Асқарова М., Қосимова К., Жамолхонов Ҳ. Ўзбек тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1976, 108-б.

³ Каримжонов В.А. Ўша автореф. Ўша бет.

⁴ Ҳожиев А.П. Ҳозирги замон феъллари // Феъл замонлари. – Тошкент: Фан, 1962, 68-б.; Ҳожиев А. Феъл. – 156-б.

ҳозирча гапириб турибман ёки *доимо мўлжаллаб ётибман* каби. Биринчи бирикмада *турибман* кўмакчи феъли қўлланиб, пайт валентлиги учун *ҳозирча* актанти, иккинчи бирикмада *ётибман* кўмакчи феъли қўлланиб, пайт валентлиги учун *доимо* актанти танланган. Бу ўриндаги феъл кесим шакли вазифасида келган кўмакчи феълларнинг семантикасига монанд ҳолда олинган пайт валенти актанти *ҳозирча* ва *доимо* сўзлари ўрнини ўзаро алмаштириб бўлмайди. Акс ҳолда уларнинг шакли семантикаси билан мослиги йўқолади.

Шакли кўмакчи феъл бўлган феълларнинг пайт валентлиги актанти ҳам равиш ёки пайт билдирувчи отлардан танланади ва уларнинг синтактик вазифаси ҳамма вақт пайт ҳоли бўлади.

Демак, замон кўрсаткичи кесим вазифасидаги феълларга пайт валентлигини илова қилади ва у пайт равиши, шунингдек пайт билдирувчи отларда ифодаланган актантиларда намоён бўлади. *Турибди, ўтирибди, юрибди, ётибди* каби кўмакчи феъллар ҳам феълларнинг ҳозирги замон шаклини билдиради.

Агенс, контрагент, адресат валентликлари

Феълнинг нисбат кўшимчалари семантикаси ҳам ўзига хос валентликни юзага келтириб чиқаради.¹ Бу кўпроқ субъект ифодали валентликлардан иборат. Бу ўринда орттирма нисбат шаклини эътиборга олишга тўғри келади. У феълларга кўшилар экан, бир субъект ифодаловчи валентлик ортади. Бу агенс валентлиги бўлади. Аммо шуни айтиш керакки, ҳар бир феълнинг ўз агенс валентлиги бўлади. Шундай бўлгач, орттирма нисбат шаклини олган феъл агенс валентлигини орттирди, дейиш мантиққа сиғишмайди. Шунинг учун А. Ғуломов «феъл орттирма даражага ўтиши билан аввалги фикр материали кенгайиб, орага бирор предмет ёки шахс кўшилади,» дейди.² Масалан, *Бола ухлади.–Бола укасини ухлатди*. Бу гапларнинг кейингисида феъл орттирма нисбатда ва гапда *укасини* бўлаги кўшилган, деб кўрсатилган. Яъни поциенс орттирилганлиги фикри келиб чиқади. А.Ҳожиев фикрни яна ҳам аниқроқ тушунтиради: «Орттирма даража формаси орттирилиши билан ҳаракат бажарувчиси, яъни грамматик субъект эмас, балки ҳаракат объекти ортади».³ А. Ғуломов ҳам, А. Ҳожиев ҳам юқоридаги фикрни билдиришар экан, гапнинг синтактик қолипни назарда тутишган. Бу жиҳатдан улар ҳақ. Лекин бу ўринда нисбат шаклига кирган феъл кесимлигидаги гап бўлақларида ўтган семантик қайта тақсимланишга диққатни қаратиш, яъни семантик моҳият ва семантик таркибга қараш лозим. Феъл орттирма нисбатда каузативга айланади.⁴ Яъни у каузалловчи субъект орттиради. Унинг мавжуд субъекти каузаланма мавқеини олади.

¹ Миртожиев М., Мухамедова С. Ўзбек тилида валентликлар кўриниши. – 45-б.

² Ғуломов А.Ғ. Феъл. – Тошкент: Фан, 1954, 63-б.

³ Ҳожиев А.П. Феъл // Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм, - Тошкент: Ўқитувчи, 1980, 193-б.

⁴ Маҳмудов М. Ўзбек тилидаги содда гапларда синтактик – семантик асимметрия. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984, 27-б.; Расулов Р. Ўзбек тилида ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. – Тошкент:Фан, 1989, 121-б.

Каузалловчи субъект, валентлик нуқтаи назаридан, агенс валентлигининг актанти бўлиб, каузалланма субъект поциенс валентлигининг актанти ҳисобланади.¹ Яъни орттирма нисбат валентлигининг агенс валентлиги унинг шакли семантикасига асосланган валентликдир.² Шу нуқтаи назардан ёндашиладиган бўлса, А.Ғуломов келтирган *Бола ухлади* гапининг феъл кесимидан англашиладиган ҳолатни бажарувчи субъектни *бола* сўзи ифода этган. *Бола укасини ухлатди* гапида феъл семантикасига кўра субъект *бола* сўзи семантикасида эмас, балки *укасини* сўзи семантикасида ифодаланган. Яъни аввалги гапнинг феъл кесими орттирма нисбат шаклига кириши билан тузиладиган гапга кейинги гап семантик таркибига кўра мос эмас. Бунинг учун *Она боласини ухлатди* деб гап тузиш тўғри бўларди. Шунда *ухлатди* феъли семантикаси субъекти сақланганлиги ва орттирма нисбат учун янги каузалловчи субъект орттирилганлиги кузатилади. Шу каузалловчи субъект орттирма нисбат феъли агенси ҳисобланади.

Биз юқорида ўтимли феълнинг орттирма нисбати ва унинг шакли семантикаси валентлиги ҳақида тўхтадик. Орттирма нисбат ўтимсиз феълдан ҳам ясаши мумкин. У ҳаракат феълидан ясалган бўлса, юқоридаги каби ҳам агенс, ҳам поциенс валентлигига эгалиги ҳолда, агенс шакл семантикаси валентлигига эга бўлаверади. Масалан, *Вали итини келтирди* гапида *келтирди* феълидан англашилган ҳаракатни бажарувчи поциенс *ит* сўзида, орттирма нисбат шакли юзага келтирган каузалловчи субъект, яъни агенс *Вали* сўзида ифодаланган. Агар ўтимсиз феълдан англашилган ҳолат субъекти маълум ҳолатдаги нарса бўлса, у орттирма нисбат шаклини олганда фақат ўтимли феълга айланади. Яъни каузалловчи субъект бўлувчи нарса поциенс актантга эмас, объект актантга ўтади. Каузалловчи субъект орттирма нисбат шакли семантикаси талаби билан юзага келар экан, шунда ҳам агенс моҳиятига кўра эга бўлиб, шакл семантикаси валентлиги ҳисобланади. Масалан, *У деворни қулатди* гапида *қулатди* орттирма нисбат феълнинг агенс актанти III шахс бирликдаги кишилик олмоши бўлиб, у феълнинг орттирма нисбат шакли семантикасига асосланган валентликнинг намоён этилганидир. Феъл бош нисбатда кесим вазифасида келса, *девор қулади* бўлади ва *девор* агенсни билдиради. Орттирма нисбатида у олмошида ифодаланган янги агенс орттирилади ва феълнинг ўз субъекти объект актанти мавқеини олади. Яъни феълларнинг орттирма нисбат шакли семантикаси унга ҳамма вақт агенс мавқеидаги валентликни илова қилади.

Феълнинг биргалик нисбати кўшимчаси семантикаси ўзига хос бўлган валентликни юзага келтиради. Яъни, биргалик нисбати феълларга кўшилиб, контрагент валентлигини илова қилиши кузатилади. Масалан, *Тузилган кунимда дадам бувим билан менга ном қидиришибди* (Ғ.Расул) гапида *қидиришибди* биргалик нисбатидаги феълнинг агенси *дадам* сўзида ифодаланган бўлиб, феълнинг биргалик нисбати шакли семантикасига кўра

¹ Золотова Г.А. Очерк функционального синтаксиса русского языка. – М.: Наука, 1973, С.287; Аъламова М. Ўзбек тилидаги феълларда нисбат категорияси. – Тошкент: Фан, 1992, 62-б.

² Махмудов Н. М. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия.-27-б.; Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. –97-б.

контрагент валентлиги юзага келган ва у *бувим* сўзида намоён бўлган. Контрагент актанти гапда деярли *билан* кўмакчиси билан қўлланади. У биргалашувчи шахсни ифода этади.

Биргалик нисбати феълларга қўшилиб, унга адресат валентлигини илова қилади.¹ Масалан, *Зайнаб ҳам кулимсираган ҳолда Кумушга яқинлашиб келди* (А.Қодирий). Бу гапда биргалик нисбатидаги *яқинлашиб келди* феълнинг агенси *Зайнаб* сўзида ифодаланган бўлиб, феълнинг биргалик нисбати шакли семантикасига кўра адресат валентлиги юзага келган ва у *Кумуш* сўзида намоён бўлган. Адресат актанти гапда деярли жўналиш келишиги билан қўлланади. У баъзан *билан* кўмакчиси воситасида ҳам қайд этилади. Масалан, *Розиқ отаси билан учрашди* гапида биргалик нисбатидаги *учрашди* феълнинг агенси *Розиқ* сўзида ифодаланган бўлиб, феълнинг биргалик нисбати шакли семантикасига кўра, адресат валентлиги юзага келган ва у *отаси* сўзида намоён бўлган.

Феъл биргалик нисбати шаклида адресат валентлигини юзага келтириши у фақат ўтимли бўлганида кузатилади. Ўтимли феъллар биргалик нисбати шаклида қўлланса ҳам, адресат валентлигини орттириши мумкин. Бунда воситали тўлдирувчи вазифасида адресат валентлиги намоён бўлиб, эга вазифасида агенс намоён этилади ва ўз ўрнида воситали тўлдирувчи эга бўлгани ҳолда, эга адресат ҳолида келади.² Масалан, *Рўзимат у билан тоза уришибди* (А. Қаҳҳор) гапида *Рўзимат* агенс бўлиб, у олмошида ифодаланган III шахс адресат ва ўз навбатида ифодаланган III шахс агенслиги ҳолда, *Рўзимат* сўзи адресатликни ўтаган.

Феъллардан англашилган ҳаракат бир томонга қаратилган бўлса, улар биргалик нисбати шаклини олганда валентлик миқдори ортмайди. Бунда фақат агенс миқдори кўп эканлиги ва кўпликдан фарқли ҳолда, ҳаракатни айти пайтда баробар бажарганлиги англашилади. Масалан: *Баҳром, Ҳикмат ва Салимлар томоша кўришди*.

Феъллар мажхул ёки ўзлик нисбати шаклини олганда янги валентлик орттирмайди, балки айрим валентлиги бўйича намоён бўлган актантининг синтактик вазифасини ўзгартиради. Чунончи, мажхул нисбати шаклини олган ортторма нисбат шаклидаги феъллар кесим вазифасида қўлланганда, агенс эга вазифасидан воситали тўлдирувчи вазифасига кўчади. Масалан: *Нури гижим рўмолини тузатди*. Бу гапда *тузатди* феъли ортторма нисбатда бўлиб, унинг агенсини билдирган *Нури* сўзи эга вазифасида қўлланган. Феъл мажхул нисбат қўшимчасини олиб, кесим вазифасида келса, шу гап *Нури томонидан гижим рўмоли тузатилди*, деб тузилар эди. Бу гапда ҳам *Нури* сўзи агенс бўлиб, у воситали тўлдирувчи вазифасини ўтаган. Умуман мажхул нисбати ўтимсиз феълларнинг агенс валентлиги актантини воситали тўлдирувчи вазифасида намоён эттиради. Яъни: *Бола папирос чекди*. < *Бола томонидан папирос чекилди*. Шу билан бирга у объект актантини эга вазифасида намоён этади. Яъни: *Папирос чекилди*.

¹ Аъламова М. Ўзбек тилидаги феълларда нисбат категорияси. – 57-б.

² Аъламова М. Ўша асар. – 56-б.

Феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолат агенсини ифодалаган эга ўзлик нисбатида объект актантини ҳам ўзида намоён этади. Масалан: *У докторга кўринди*. Бу гапда ўзлик нисбатидаги *кўринди* феълнинг агенс актанти ҳам, объект актанти ҳам у олмошида намоён бўлган. *Доктор* сўзида адресат актанти ифодаланган бўлиб, у воситали тўлирувчи вазифасини бажарган.

Демак, феъллар орттирма нисбат шаклини олса, агенс валентлигини; биргалик нисбат шаклини олса, ё контрагент, ё адресат валентлигини орттиради. Ўзлик ва мажхул нисбат шакли семантикаси феълнинг янги валентлик орттиришига олиб келмайди, балки айрим валентлиги актантининг синтактик вазифасини ўзгартиради.

Ҳолат валентлиги

Ҳолат валентлиги феълларнинг шакллари семантикасига ҳам асосланиб юзага келади. Маълумки, феълларнинг синтетик шакллари ва аналитик шакллари бор.¹

Феълнинг синтетик шакли унинг бўлишсизлик, замон, шахс-сон, майл категорияларига мансуб шакллардир. Улардан бўлишсизлик, майл категориялари шакли семантикаси асосида феълларнинг ҳолат валентликлари мавжуд. Маълумки, феъллар бўлишсизлик категориясига кўра *–ма* шаклини олади.² Феъл *–ма* бўлишсизлик шакли семантикаси асосида фақат ҳолат валентлигига эга. Бу валентликнинг актанти гапда ҳол вазифасини бажаради ва у феъл томонидан бошқарилади. Масалан: *Чинор мутлақо мева бермайди*. Бу гапда *бермайди* феъли кесим вазифасини бажарган ва бўлишсизлик шаклида келган. Шу шакли семантикасига кўра у ҳолат валентлигига эга. Бу валентлиги актанти *мутлақо* равишида ифодаланган. Унинг актанти тарз ҳоли вазифасини бажарган. У синтактик жиҳатдан ҳамма вақт тарз ҳоли вазифасида бўлади.

Феъллар майл шакли семантикасига кўра ҳам ҳолат валентлигига эга бўлиши ҳақида айтилган эди. Бу ўринда феълнинг шарт майли семантикасига ва у орқали ҳолат валентлигини орттирганлигига эътиборни қаратиш лозим бўлади. Масалан, *қани бахтимизга вақтида келса*. Бу гапнинг кесими *келса* феълида ифодаланиб, шарт майли билан шаклланган. Шу шакли семантикасига кўра у ҳолат валентлигини орттирган. Унинг валентлиги *бахтимизга* сўзида ифодаланган актантда намоён бўлган. Феъллар шарт майли семантикасига кўра орттирган валентлиги кўпроқ модал сўзларда намоён бўлади. Яъни: *кошки ўтирса* каби.

Феълларда мақсад майли семантикасига кўра ҳам ҳолат валентлиги юзага келади. Уларнинг мақсад майли *–моқчи* морфологик шаклига эга.³ Феъллар мақсад майлининг *–моқчи* шаклини орттирар экан, у юзага келтирган

¹ Ҳожиев А. Лингвистик терминлар изоҳли луғати. – Тошкент: ЎМЭ, 2002, 14, 90-б.

² Ғуломов А.Ғ. Феъл. - 7-б.; Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1966, 137-б.; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1965, 68-б.

³ Ҳожиев А. Феъл. 125-б.

валентлик актанти кўпроқ равишдошларда ифода топади. Масалан, *мўлжаллаб бормоқчи* бирикувида *бормоқчи* феъли мақсад майли кўрсаткичи билан шаклланган. У мақсад майли семантикасига кўра ҳолат валентлигини орттирган ва шу валентлик актанти *мўлжаллаб* сўзида ифода топган. Бу сўз феълнинг равишдош хосланган шаклидир. У синтактик жиҳатдан тарз холи вазифасини бажарган.

Феъл шакли семантик валентликларидан ҳолат валентлиги ўзбек тилидаги аналитик шакли феълларда ҳам кузатилади. Кўмакчи феъл билан келган феъл кесимлар деярли ҳолда ҳолат валентлиги билан нутқда намоён бўлади. Бу валентлик актанти кўмакчи феъл билан семантик жиҳатдан мослашади. Масалан, *биратўла ҳисоблашиб қўйди*, бирикувида *ҳисоблашиб қўйди* кўмакчили феълнинг ҳолат валентлиги актанти *биратўла* равишида намоён бўлган. Бу валентлик *қўйди* кўмакчи феъли семантикасига асосан юзага келган.

Ўзбек тилида, А.П.Ҳожиев қайд этишича, 27та кўмакчи феъл бор.¹ Уларнинг ҳар бири бирор феъл кесим билан қўлланиб аналитик шакл ҳосил қилар экан, унда албатта ҳолат валентлиги бўлади. Бу валентлик нутқ талаби билан намоён этилиши мумкин. Намоён бўлган ҳолат актанти семантикаси табиий ҳолда феъл кесим шакли вазифасидаги кўмакчи феъл семантикаси билан мос келади. Масалан: *шарта тўкиб солди*, *чўзиб ишлаб ётди*, *дангал буриб юборди*, *охиригача ишлаб чиқди* ва ҳ.к. Бу бирикмаларнинг кўмакчи феъллари етакчи феълга илова қилган маъно билан ҳолат актанти маъносини қиёслаб кўриш мумкин.

Етакчи феълга кўмакчи феъл илова қилган семантика асосида юзага келган ҳолат валентлигини намоён этувчи актанти асосан равиш, равишдош ва баъзан от билан ифодаланади. Уларнинг синтактик вазифаси ҳамма вақт тарз холи бўлади.

Демак, феъллар бўлишсизлик ва майл шаклида, шунингдек кўмакчи феъл билан қўлланган аналитик шаклида ҳолат валентлигини орттиради ва унинг актанти равиш, равишдош ёки от билан ифодаланади, синтактик жиҳатдан тарз холи вазифасида келади.

Хуллас, феъл шакли семантикаси валентлиги агенс, контрагент, адресат, поциенс, пайт, ҳолат валентликларидан намоён бўлади. Феълнинг шахс-сон шакли семантикаси пайт валентлигини, шахс-сон ва орттирма нисбат шакллари семантикаси агенс валентлигини юзага келтиради. Орттирма нисбат олган феълларнинг ўз агенси поциент валенти бўлиб кўчади. Биргалик нисбати шакли семантикаси контрагент ва адресат валентликларини, бўлишсизлик ва майл шакли семантикаси ҳолат валентлигини феълга илова қилади. Яна феъл кўмакчи феъл билан қўлланган аналитик шакли семантикасида ҳам пайт ва ҳолат валентликларини орттиради. Мажхул ва ўзлик нисбати шакли семантикаси феълларга қўшимча валентлик илова қилмайди. Мажхул нисбати шакли семантикаси агенс валентлиги актантини воситали тўлдирувчи, объект валентлиги актантини

¹ Ҳожиев А. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар. – Тошкент: Фан, 1966, 221-б.

эга вазифасига; ўзлик нисбати шакли семантикаси объект валентлиги актантини ҳам эга вазифасига кўчиради. Биргалик шакли семантикаси ҳаракат бир томонга йўналган феълларда агенс актанти бирдан ортик эканлигини билдиради. Гап меъёрий тартибда бўлган феълларда агенс актанти эга, контрагент ва адресат актанти воситали тўлдирувчи, пайт актанти пайт ҳоли, ҳолат актанти тарз ҳоли вазифасини бажариб келади.

5. Феълнинг нутқий семантик валентлиги

Феъллар нутқий маъносига асосланиб ҳам ўз валентликларига эга бўлади. Уни биз юқорида нутқий семантик валентлик деб атаган эдик. Нутқий маъно, у қайси туркумга мансуб бўлмасин, албатта, ўша сўзнинг ҳосила маъноси бўлади. Бу ҳосила маънони бирор сўз нутқ жараёнида ҳосил қилади.¹ Кўринадики, сўздаги лексик маъно билан нутқий маъно икки ҳолатда мавжуд. Бинобарин у феълларда ҳам икки ҳолатда кузатилади. Феъллар нутқ учун маълум мавжуд бўлган лексик маъноларининг бири билан танланади. Феълларнинг нутқий маъноси нутқнинг ўзида ҳосил бўладиган ҳосила маънодир.

Лексик ва нутқий семантик валентликлар мавқеи. Феълнинг нутқ учун танланишида лексик маъно билан нутқий маъно мавқеи икки хил экан, улар асосидаги валентликларнинг намоён бўлиши кечими ҳам ҳар хил бўлиши-табiiй. Феъл маълум нутқ жараёнида гап кесими учун танланганда, унинг бирор лексик маъноси сайлаб олинади ва шу лексик маъноси асосида феъл валентликлари намоён бўлади. Бу валентликлар гап таркибини белгилайди. Гап учун танланган феъл ҳосила маъно билан қўлланса, тамоман башқача ҳолат кузатилади. Феъл гап учун танланганда уни ҳосила маъно билан қўлланар экан, шу ҳосила маънога асосланган валентликларни намоён этувчи актантлар ҳам бирга танланади ва гап таркибида берилади. Чунки бусиз нутқий маъно мавжуд эмас. Нутқий маъно шу жараёндан ташқарида яшамайди.²

Келмоқ феъллини лексик маъноси билан гап кесими вазифасида танланадиган бўлса, унинг ‘қаердандир’ ‘ҳаракат тарзида’ ‘нутқ қаратилган жойга етмоқ’ семаларига эътибор қаратилади. Шу семалар асосида *келмоқ* феъли ўз валентликларига эга. У кесимлигидаги гап шу валентликлари намоён бўлган актантлар билан таркиб топади. Масалан: *Ёрмат уйидан уриниб, суришиб мингбошининг ҳовлисига келди* (Ойбек). Бу гапда шакл семантикаси бўйича фақат *Ёрмат* бўлагида агенс валентлиги намоён бўлган. Унинг лексик-семантик валентлиги бўйича икки ўрин валентлиги актанти *уйидан* ва *мингбошининг ҳовлисига* бўлақларида, ҳолат валентлиги актанти

¹ Paul G. Prinzipien der Sprachgeschichte. – Halle, 1920, S.75; **Виноградов В.В.** Основные типы лексических значений слов // ВЯ. – 1953, С. 22; **Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш.** Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1965, 131-135-бб.; **Шукуров И.К.** Перенос значения слов в узбекском языке. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Тошкент, 1978, С.5.

² **Виноградов В.В.** Основные типы лексических значений слов. – С.22; **Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш.** Ҳозирги ўзбек адабий тили. – 123-б.; **Степанов Ю.С.** Основы языкознания. – М.: Просвещение, 1966, С.219; **Шукуров И.К.** Перенос значения слов. – С.5.

уриниб, суриниб бўлакларида ўз ифодасини топган. *Келди* феъли кесим вазифасида ҳатто энг кичик ҳажмли гап мақомига ҳам эга. Унинг лексик маъноси ва ҳатто гапнинг тўла қолипи ҳам англашилари. Нутқ талаби билан улар юқоридаги мисол ҳолатида намоён бўлган. Ўзбек тилида яна *титрамоқ* феъли борки, уни лексик маъноси билан эмас, нутқий маъно билан ҳам қўллаш мумкин. Унинг бу маъноси, албатта, нутқ жараёнида ҳосил қилинади. Бунинг учун у қўлланадиган нутқда ёнма-ён шароит юзага келтирилади. Бу шароит гапдаги шу нутқий маъно семалари асосида юзага келган валентликларни намоён этувчи актантлар бўлади. Яъни гапдаги танланган феълда нутқий маъно юзага келтирилари экан, шу нутқий маъно асосида юзага келадиган валентликлар актанти ҳам намоён этилади. Шу билан феълда нутқий маъно ҳам ҳосил қилинади ва у юзага келтирилган андозада гап ҳам тузилганлиги кузатилади. Масалан: *Мактабда ҳамма ундан зир титрайди* (Ў. Ҳошимов). Бу гапда *титрайди* феъли нутқий маънода қўлланиб, ‘қўрқув’ ‘ҳолатини’ ‘олмоқ’ семаларига эга. Феъл шу нутқий маъносига кўра семантик агентивдир. Бунда унинг агенс валентлиги актанти сифатида *ундан* сўзи, ҳолат валентлиги актанти сифатида *зир* сўзи намоён бўлган. *Ҳамма* олмоши нутқий маънодаги *титрайди* феъли объект валентлигининг актантидир. Бу феъл валентликларининг шу актантлари билан гапни таркиб топтирмаганда эди, нутқий маъноси ифодалана олмасди. Унинг ўрин валентлигига кўра намоён бўлган *мактабга* ўрин актанти бунчалик аҳамият касб этмайди. Лекин ҳар қандай ҳолда ҳам, феълнинг нутқий маъноси мантиқан аввал фикр қилиниб, кейин унинг валентликлари бўйича актантлари танланади. Бари бир иккиси ҳам бир нутқ жараёнида кечади. Лексик маъно сўзда аввалдан бўлиб, унинг валентликлари бўйича актантлари нутқ жараёнида намоён бўлади.

Феъллар нутқий маъноси билан гап кесими вазифасига танланар экан, улар ҳам лексик маъноси билан кесим вазифасини ўтаган феъл каби гап қолипни белгилайди. Яъни кесим вазифасидаги феъл ҳар қандай ҳолда ҳам гапни уюштирувчи эканлиги билан характерланади.

Демак, феъллар нутқий маъноси билан кесим вазифасида қўлланадиган экан, кесим вазифасида лексик маъноси билан қўлланган феъллар каби гапнинг уюштирувчиси бўлади. У лексик маъно билан гап кесими учун танланиб, кейин валентликларини воқелантирган феълга ўхшамайди. Бунда феъл шу нутқнинг ўзидаёқ нутқий маъно олади ва валентликлари билан намоён бўлади, валентликлари актанти ифода этган семантика орқали юзага чиқади.

Феъл валентлигининг нутқий маънони реаллаштирувчи актантлари. Феълларнинг аксарияти агентив бўлишига қарамай, кўпчилигининг носемантик эканлиги маълум. Улар асосий ҳолларда шакл семантикасига кўра агенс валенти актантини намоён этади. Гапларнинг кесими нутқий маъно билан қўлланган бўлса, бошқачароқ ҳолат кузатилади. Бундай нутқий маъно билан қўлланган феълларнинг деярли ярми семантик валентлик бўлиб чиқади. Масалан: *Гулсум опа Эртөөвнинг гапларидан тутаб кетди* (О. Ёқубов). *Айвонда хира осма чироқ алланечук кир ёғду тўкиб турар эди* (А. Қаҳҳор). Бу гапларнинг биринчисида *тутамоқ* феъли

‘ғазабланмоқ’ нутқий маъно билан қўлланган. Ғазабланиш шахсга хос. Шунга кўра унинг агенс валенти шахс билдирувчи *Гулсум* актантида намоён бўлган. Улар ‘шахс’ семаси асосида классемани таркиб топтирган. Иккинчи гапда *тўкмоқ* феъли ‘сочмоқ’ нутқий маъноси билан қўлланган. Сочиш чироқ, лампа, машъал кабиларга хос. Шунга кўра унинг агенс валенти ёритқич билдирувчи *чироқ* актантида намоён бўлган. Улар ‘нур’ семаси асосида классемани таркиб топтирган. Феълнинг нутқий маъно билан семантик агентив бўлиши у ифода этган ҳаракат ёки ҳолат ўз бажарувчисига хослиги, бажарувчи эса ҳаракат ёки ҳолатни фақат ўзи бажариши билан боғлидир. Шунинг учун ҳам агенс бундай маъноли феълларнинг деярли реализатори бўлиб қолади. Бундай нутқий маънода қўлланган феълларнинг агенс актанти гапда деярли эга вазифасида келади. Кўрсатилган икки мисолда ҳам шундай бўлган. Камдан-кам ҳолда у воситали тўлдирувчи вазифасини олади. Агенс валенти, феъл нутқий маъносининг реализатори бўлганлиги учун ҳам, гапда эллипсисга учраши, яъни имплицит ифодаланиши жуда кам учрайди.

Нутқий маънода қўлланган феъл орттирма нисбатда келса, унинг агенс валентлиги поциенс валентлигига кўчган бўлади. Масалан: *Эртөөвнинг гаплари Гулсум опани тутатиб юборди*. Бу гапда *тутатиб* феъли ‘ғазабланиб’ нутқий маъносида қўлланган ва у орттирма нисбатда. Нутқий маънодан англашилган ҳаракатни бажарувчи-бу ўринда ҳам, *Гулсум опа* отоқли отидан англашилган шахс. Шунда ҳам поциенс нутқий маъно учун агенс бажарган реализаторликни бемалол ўтайверади.

Феълларнинг объект валентлиги деярли облигатор (зарурий) лик характериға эга. Чунки у феъл маъносини реаллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Феъллар нутқий маъно билан қўлланса, бу яққол кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам, нутқий маъно билан қўлланган феъл ўтимли бўлган тақдирда, унинг объект валенти актанти, албатта, намоён этилади. Масалан: *Азизанинг оғиз-тилини боғлаб қўярди* (Ў.Ҳошимов). *Ярим буханка ноннинг ярмини паққос туширди* (Назармат). Бу гапларнинг биринчисида *боғламоқ* феъли ‘гапирмайдиган’ ‘ҳолга’ ‘келтирмоқ’ семаларига эга нутқий маъно билан қўлланган. Феъл бу нутқий маъносига кўра ўтимлидир. Ундан англашилган ҳаракат *оғиз-бурнини* сўзидан англашилган нутқ органи-объектга ўтган. Яъни объект нутқ органи бўлгач, ҳаракат ҳам у билан алоқадор, боғли ҳаракат ҳисобланади: гапирмайдиган ҳолатга келтирмоқ, деб қаралади. Феъл шу ифодани берган нутқий маъносини намоён этиш учун мазкур объект актантини ҳам воқелантирган. Мана шу актанти билан қўллансагина, феъл мазкур маъноси билан ҳаётдир. Иккинчи гапдаги *туширмоқ* феъли ‘чиқитга’ ‘чиқармай’ ‘емок’ семаларидан иборат нутқий маъноси билан қўлланган. Бу нутқий маънода ҳам феъл ўтимлидир. Унинг объект валентлиги актанти *ярим буханка ноннинг ярмини* бирикмасида ифода топган. Шу актант *туширди* феълнинг нутқий маъносини реаллаштиради. Феъл шу объект валентлиги актанти билан нутқда яшайди. Объект актанти меъёрий тартибдаги гапларда асосан воситасиз тўлдирувчи вазифасида келади ва ҳамма вақт эксплицит ифодаланади.

Феъллар нутқий маъносига кўра ўтимсиз бўлгани ҳолда ҳам объект валентлигига эга бўлиши мумкин. Бунда у гап эгаси вазифасида ифода топади.¹ Шунда ҳам у феъл нутқий маъносини реаллаштириш учун гапга киритилган бўлади. Масалан: *Унинг хаёллари дув тўзиб кетди* (Ў.Ҳошимов). Бу гаптаги *тўзимоқ* феъли ‘ҳар томон’ ‘тарқаб’ ‘йўқолмоқ’ семаларидан иборат нутқий маъно билан намоён бўлган. Бунинг учун у объект валентлиги актанти *хаёллари* сўзи билан қўлланган. Бу актанти билан бирга қўллаш *тўзимоқ* феълнинг нутқий маънода қўлланганлигини кўрсатади. Бу ҳолатда ҳам унинг объект актанти облигатор валентлик сифатида намоён бўлган.

Нутқий маъно билан нутқ учун танланган феъл мажхул нисбатида қўлланса ҳам, унинг объект валентлиги актанти гапта эга вазифасида келади.² Бу барча тилшунослар томонидан эътироф этилган факт ҳисобланади. Масалан: *Кейин бирдан ороми бузилди* (Ў.Ҳошимов). Бу гаптаги *бузилди* феъли ‘ўз’ ‘кечмишини’ ‘йўқотди’ семаларидан таркиб топган нутқий маънода қўлланган. Феъл ўтимли бўлиб, мажхул нисбатида келган. Шунинг учун унинг объект валентлиги бўйича актанти эгада ифода топган. Феълнинг нутқий маъноси денотати билан объект валентлиги актанти денотати ўртасидаги алоқадорлик нутқий маънонинг намоён бўлишида ўз аҳамиятига эга.

Феъл нутқий маънода қўлланар экан, уни реаллаштирувчи сўз объект валентлигининг актанти бўлгани ҳолда, у чиқиш келишиги билан шаклланган эканлиги ҳам кузатилади.³ Масалан: *Ўлдиришдан ҳам тоймайди* (Ў.Ҳошимов). Бу гапта нутқий маънода қўлланган феъл *тоймайди* бўлиб, у ‘ўз’ ‘амалидан’ ‘қайтмайди’ семаларига эга. Унинг объект валентлигига кўра актанти *ўлдиришдан* сўзида ифода топган. Улар ‘амал’ семаси асосида классемани таркиб топтирган. *Ўлдиришдан* сўзининг лексик маъноси *тоймайди* феълнинг нутқий маъноси намоён бўлишида ўз аҳамиятига эга.

Феъл нутқий маъно билан қўлланиб, ҳолат валенти актанти билан ҳам реаллашади. Бунда ҳолат актанти феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолатнинг қандай кечганлик белгисини ифодалаб келади. Бунинг учун юқорида қайд этилган гаплардан *паққос туширди, зир титрайди* бирикмаларини келтириб, таҳлил этиб кўриш мумкин. *Паққос* равишидан англашилган белги *туширмоқ* феълнинг нутқий маъносидан анлашилган ‘чиқитга’ ‘чиқармай’ ‘еди’ белгиларига эга ҳаракат учун хос. *Зир* равишидан англашилган белги эса *титрайди* феълнинг нутқий маъносидан англашилган кўрқиш ҳолати кечимини изоҳлайди. Ҳар икки бирикма ҳам ‘тарз’ семасига кўра классемага эга. Феълларнинг ҳолат валентлигига кўра намоён бўлган бу актантлари синтактик жиҳатдан тарз холи вазифасини ўтайди.

Феъл агенс, объект, ҳолат валентлиги актантларидан бири билан бир гап таркибида бўлиб, маъносининг юзага чиқиши улар билан таркиб топган

¹ Наримова Г.А. Ўзбек тилида феълларнинг объект аргументи. Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2003, 17-б.

² Ғуломов А.Ғ. Феъл. – 58-б.; Ҳожиев А.П. Феъл. – 101-б.

³ Наримова Г.А. Ўзбек тилида феълларнинг объект аргументи. – 15-б.

бирирмадаги классема билан боғлидир. Чунки бу классемани таркиб таптирган сема феъл маъносининг мантикий қисми бўлади.¹ Мана шу мантикий қисми воситасида феъл маъноси ойдинлашади. Феъл маъносининг юзага чиқишида ё агенс, ё объект, ё ҳолат валентлигининг актанти билан гапда унинг бирга қўлланиши-бу чегара эмас. Феъл нутқий маъноси билан гап кесими бўлиб келар экан, шу гапда агенс, объект ва ҳолат валентлари актантларидан икки ёки учтаси бўлиши ва классема учун қатнашган семалари аҳамият касб этиши мумкин. Масалан, *тўкмоқ* феъли агенс валентлиги билан *нур* сўзида ифодаланган объект валентлиги, *туширмоқ* феъли объект валентлиги билан *паққос* равишида ифодаланган ҳолат валентлиги актанти бирга бир гапда қўлланган. Бу феълнинг нутқий маъноси ойдинлашуви учун яна ҳам аҳамиятлидир.

Феъл нутқий маъно билан нутқда қўлланар экан, у яна контрагент, адресат, пайт каби валентликлари актанти билан ҳам намоён бўлади ва улар бирикувида ҳам, албатта, классема кузатилади. Бироқ улар феъл нутқий маъносини ойдинлаштиришда аҳамиятли эмас.

Демак, феъллар нутқий маъно билан гап кесими вазифасида келар экан, у билан шу гапда ё агенс, ё объект, ё ҳолат актантларидан лоақал бири бирга намоён бўлиши шарт. Уларнинг иккитаси иштирок этиши ҳам мумкин. Шунда феъл билан шу актантлар бирикувида таркиб топган классема нутқий маъно ойдинлашуви учун аҳамият касб этади. Чунки классемани таркиб топтирган сема феълнинг нутқий маъноси учун мантикий бир узв ҳисобланади.

Феълнинг эмосемага асосланган валентлиги. Сўзнинг нутқий ҳосила маъноси нутқни лўнда, ёрқин ифодалашга эришиш ва қандайдир образлилик, эмоционаллик, экспрессивлик бериш учун қўлланади.² Шундай бўлгач, нутқий ҳосила маъно узвларидан бири эмосема бўлиши табиийдир. Барча туркумдаги сўзлар қатори феъллар нутқий маъносида ҳам деярли ҳолда эмосема учрайди. У учраганда ҳам ниҳоятда фаол ҳолда кузатилади.

Феълларда мавжуд ҳар бир сема улар валентлиги учун асос бўлади. Бу ҳақда юқорида ҳам айтилган эди. Феълларда маъносидаги эмосема ҳам эмоционал валентликни юзага келтиради. Шу эмоционал валентлик бўйича феъл муайян сўз билан алоқага киришган ва семантик мослашган бўлади. Масалан, *зир титрайди* бирикмасидаги маънода салбий эмоция билдирган эмосема бор. Улар эмосема бўйича мослашган. Агар улар эмосемаси бир хил бўлмаганда эди, феъл валентлигининг актанти сифатида *зир* сўзи танланмасди. Масалан, *яхшиликдан тоймайди* бирикмасини тузиб бўлмайди. Чунки *тоймайди* феъли салбий эмосемали маънога эга, *яхшиликдан* сўзи маъносида эса ижобий эмосема бор. *Тоймайди* феъли гапда нутқий маънода реаллашуви учун *яхшиликдан* сўзини ҳолат валентлиги актанти сифатида намоён этиб бўлмайди. Чунки *яхшиликдан* сўзи маъносидаги ижобий эмосема

¹ Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: СЭ, 1966, С. 400.

² Бу ҳақда қаранг: Миртожиев М. Оказионал маъно // Ўзбек тилшунослиги масалалари. – Тошкент: Университет, 1973, 131-133-бб. Виноградов В.В. Основные типы лексических значений слов. – С.28; Шукуров И.К. Перенос значения слов в узбекском языке. – С. 5.

тоймайди феъли маъносидаги салбий эмосема реаллашувига имкон бермайди. Худди шу масалада С. Муҳамедова рус тилшуноси В.Г. Гакка суянган ҳолда: «Эмотив валентлик тушунчаси нутқ занжирида тил бирликларининг эмоционал-экспрессив ва экспрессив-услубий мослашуви қонунийлиги ҳақидаги тезиснинг узвий давомидир»¹, - деган объектив фикрни беради. Ҳақиқатда ҳам сўзлар бирикуви, жумладан нутқий маъноли феъл бошқаруви ҳам эмосемалар мослашувини эътибордан четда қолдирмайди.

Феъл нутқий маъно ҳосил бўлиш жараёнида бир эмосема орттиради. У бир феълнинг бир нутқий маъносида бирдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Бирдан ортиқ бўлишини мантиқ ҳам сиғиштирмайди. Феъл нутқий маъносидаги мана шу эмосема бўйича фақат бир валентга эга бўлади. У мана шу эмоционал валентлигига асосан бир актант билан эмоция билдирувчи классемани таркиб топтиради. Бу актант, албатта, феълнинг муайян нутқий маъносининг эмоционал валентлиги асосида намоён этилган актант бўлмайди. У феълнинг нутқий маъносидаги бирор денотатив семаси асос бўлган валентликнинг намоён этилган актанти деб тан олиш керак. Феълнинг нутқий маъноси билан ўша намоён бўлган валентлик актанти ўртасида эмоционал классема ҳам таркиб топтиради. Яъни эмоционал классема феъл нутқий маъноси билан бирор валентлиги актанти ўртасидаги классема устига қурилган устқурма классемадир. Феъл эмоционал валентлиги асосида ўзича мустақил актант намоён этмайди. У феълнинг бирор валентлигига мингашган ҳолда, унинг воқелантирган актантига шерик бўлади ва биргаликда классемалар таркиб топтиради.

Кўпинча феъллар ҳолат валентлиги актантини намоён этиб, у билан тарз ифодали классемани таркиб топтиради. Феъл шу актант билан эмоционал ифодали классемани ҳам юзага келтиради. Яъни феълнинг ҳолат валентлигига эмоционал валентлик ҳам мингашган бўлади. Бу ҳолат феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолат белгисини билдириши билан боғлиқдир. Яъни феълнинг ҳолат валентлиги актанти феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолат белгисини билдириш жараёнида ўзида субъектив ёндашувни ҳам акс эттиради.

Шуни ҳам айтиш керакки, эмосемали маънога эга феъл ҳолат валентлигини воқелантирганда эмосемали маъноси билан бирдан ортиқ ҳолат актанти намоён бўлгани ҳам кузатилади. Масалан, *хайқириб*, *жавлон уриб елди* феъл бошқарувига эътибор бериш мумкин. Унда *елди* феъли нутқий маъноси эмосемали маъносига асосланган ҳолда ҳолат валентлигини воқелантирган. Шунга кўра у *хайқириб* ва *жавлон уриб* актантларини бошқарган. Уларнинг ҳар иккиси ҳам нутқий маънодаги феъл билан маънолари 'тарз' семасига асосан классемани таркиб топтирган ва шунингдек эмосемали классемага ҳам эга. Лекин бу актантлар синтактик жиҳатдан тарз ҳоли вазифасида ўзаро уюшиб, сўнг феъл кесим томонидан

¹ **Муҳамедова С.** Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантикаси ва валентлиги. –107-б. С. Муҳамедова қуйидаги манбага суянган. **Гак В.Г.** Проблемы лексико-грамматической организации предложения. Автореф. дисс. ...докт. филол. наук. – М., 1967.

бошқарилган. Фейлларнинг муайян валентлиги синтактик бўлак сифатидаги бирдан ортик актантларда бемалол намоён бўлавереди ва ўша феъл билан муайян валентлигига кўра намоён бўлган бирдан ортик актанти бирикувида эмоционал классема ҳам қайд этилади.

Маълум нутқий маъноли феъллар ўз эмоционал валентлигини фақат ҳолат валентлигига мингаштириб муайян актантда намоён этади, деган фикрга ҳам келмаслик керак. Феъл, масалан, агенс валентлигини воқелантирганда ҳам, унинг актант билан бирикувида эмоционал классема ўз ўрнини олади. Масалан: *Ит ақиллайвереди* («Муштум»). Бу гапдаги кесим вазифасида келган *ақиллайвереди* номинатив маъноси билан семантик агентив эди. У нутқий маъноси билан ҳам семантик агентивдир. Шунга кўра у агенс валентлигини воқелантирганда эмосемасини ҳам коммуникацияга киритган. Бу феълнинг бошқа валентликлари намоён бўлганда ҳам кузатилади.

Фейллар фақат бир валентлиги билан нутқда намоён бўлганида нутқий маъносида юзага келган эмосемасини коммуникацияга киритади. Шунда ҳам валентликка кўра намоён бўлган актант феъл нутқий маъноси билан мос эмосемага эга бўлиши керак. Феъл маълум нутқий маъноси асосидаги қолган валентликларини воқелантирганда, унинг эмосемаси коммуникациядан четда қолади. Бунинг устига, унинг бошқа валентлиги бўйича намоён бўлган актантида эмосема бўлмайди.

Демак, феъллар муайян нутқ жараёнида нутқий маъно ҳосил қилади ва шу нутқий маъно ўз эмосема узвиға ҳам эга бўлади. Нутқий маъноли феълнинг эмосема асосидаги юзага келган валентлиги унинг денотатив семаси асосида юзага келган бирор валентлигига мингашган ҳолда намоён бўлади ва классема таркиб топтиради. У кўпроқ нутқий маъноли феълнинг ҳолат валентлигига мингашиб, унинг намоён бўлган актанти билан ўз классемасини юзага келтиради. Феълнинг нутқий маъносидаги классема қолган валентликлари намоён бўлганда коммуникациядан четда қолади.

Хуллас, феълнинг нутқий маъноси муайян нутқий жараёнда ҳосил бўлиб, у асосида юзага келган валентлиги ҳам шу нутқ таркибида намоён этилади. Шу намоён этилган валентлик актантлари феълнинг ўша нутқий маъносини реаллаштириш вазифасини ўтайди. Бу вазифани асосан нутқий маънода қўлланган феъл валентликларининг агенс, объект, ҳолат актантлари бажаради. Агенс актанти ситактик жиҳатдан эга, воситали тўлдирувчи; объект актанти воситасиз тўлдирувчи, эга; ҳолат актанти тарз ҳоли вазифаларида келади. Феъл билан унинг валентлиги актанти ўртасидаги классема нутқий маъно реаллашувида муҳим аҳамият касб этади. Феъл нутқий маънода қўлланганда ҳамма вақт эмосемага эга бўлади ва шу орқали эмоционал валентлик орттиради. Унинг эмоционал валентлиги бошқа агенс, объект, поциенс ёки ҳолат валентликларидан бири, айниқса, ҳолат валентлигига ёндашган ҳолда намоён бўлади. Нутқий маънода қўлланган феълнинг яна контрагент, адресат, ўрин, мазмун ва ҳ. валентликлари ҳам бўлиши мумкинлиги ҳолда, уларнинг актанти на нутқий маънони реаллаштириш, на эмоционал валентликни намоён этишда аҳамияти бор.

Хуллас, валентлик сўзнинг лексик маъносига таянган ҳолда мавжуддир. Сўзнинг лексик маъноси қанча мантиқий узвга эга бўлса, у шу узвларга мутаносиб ҳолда валентларга эга бўлади. Шу сўзнинг лексик маъносига таянган валентликлари қаторига шакли семантикасига таянган валентликлари ҳам киради. Валентлик барча мустақил маъноли ва ҳатто ёрдамчи маъноли сўзларда ҳам кузатилади. Бу, албатта, феълларга ҳам хос. Нутқий маъноли феъллар ҳам ўз валентлиги билан ҳосил бўлади. У ўзи оид бўлган нутқда ҳосил қилиниб, шу нутқнинг ўзида валентликларини воқелантирганлиги кузатилади. Улардан қайси бири мантиқий предикат ҳолатида гапда кесим вазифасини ўтаса, у гап қолипни бегилайди. Аммо сўз туркумлари ичида феъл табиатан предикативликка мос яратилган ва гапда деярли кесим вазифасида келади, гапни уюштиради. У кесим бўлмагани тақдирда ҳам, ўз предикативлигига кўра синтактик қурилмаларни таркиб топтиради. Шунинг эътиборда тутиб феъл кесимларга алоҳида эътибор қаратилди. У турли кўринишга эга.

1. Феъл валентлари намоён бўлган актантлари билан қандай семантик алоқада эканлигига қараб тўрт кўринишга бўнади: 1) лексик-семантик валентлик, 2) воситали семантик валентлик, 3) шакл семантикаси валентлиги, 4) нутқий семантик валентлик. Лексик-семантик валентлик феълнинг маълум лексик маъноси узвига кўра намоён бўладиган валентликдир. Воситали семантик валентлик феълнинг ўзи бевосита бошқарган сўз билан ўрин ёки объект валентлиги актантлари орқали семантик боғланадиган валентликдир. Шакл семантикаси валентлиги феълнинг бирор морфологик шакли семантикасига кўра намоён бўладиган валентликдир. Нутқий семантик валентлик муайян нутқда феълнинг ҳосил бўлган нутқий маъносига асосланган ва шу нутқда намоён этилган валентликдир.

2. Феъл валентликларидан объект, мазмун, ўрин, қурол, восита валентликлари лексик-семантик ҳисобланади. Объект валентлиги агенс ҳаракати ёки ҳолати ўтган ёки натижасини билдирган сўзда намоён бўлиб, ‘нарса’ семасига кўра; мазмун валентлиги ҳаракат ёки ҳолат ҳақидаги мушоҳада ёки фикрлаш объекти юзасидан хабарни билдирган сўзда намоён бўлиб, ‘хабар’ семасига кўра; ўрин валентлиги ҳаракат ёки ҳолат ўрнини билдирган сўзда намоён бўлиб, ‘жой’ семасига кўра; қурол валентлиги юмуш жараёнида ёрдамчи воситани билдириб келган сўзда намоён бўлиб, ‘восита’ семасига кўра; восита валентлиги ҳаракат бажарилишидаги ораликни билдирган сўзда намоён бўлиб, ‘восита’ семасига кўра феъл билан бирикади, классемани таркиб топтиради.

3. Феъл валентликларидан асосан мақсад валентлиги воситали семантик валентлик ҳисобланади. Мақсад валентлиги ҳаракат ёки ҳолат нимага мўлжалланганлигини билдирган сўзда намоён бўлиб, у ўзини бошқарган феъл билан бевосита эмас, феълнинг ўрин валентлиги актанти орқали семантик алоқада бўлади, у ўрин валентлиги актанти билан, ўрин валентлиги актанти феъл билан классемани таркиб топтиради.

4. Феъл валентликларидан асосан пайт, контрагент, поциенс валентлиги шакл семантикаси валентлиги ҳисобланади. Пайт валентлиги актанти феъл

замони, контрагант валентлиги актанти биргалик нисбат, поциенс валентлиги актанти орттирма нисбат шакли семантикасига уйғунлашади.

5. Феъл валентликларидан агенс, адресат ва ҳолат валентликлари ҳам семантик, ҳам шакл семантикаси валентлиги кўринишида намоён бўлади. Агенс актанти семантик агентив феълларда феъл билан ‘шахс’ семасига кўра классемани таркиб топтириб, агентив феълларда шахс-сон шакли семантикаси билан уйғунлашади. Адресат валентлиги актанти феъл билан ‘шахс’ семасига кўра классемани таркиб топтириб, ўзлик нисбати феълларида нисбат шакли семантикаси билан сема мослигини юзага келтиради. Ҳолат валентлиги актанти феъл билан ‘ҳаракат’ семасига кўра классемани таркиб топтириб, феълнинг аналитик шакли семантикаси билан ҳам семантик мослашади.

6. Феъл валентликларидан сабаб валентлиги ҳам лексик-семантик валентлик, ҳам воситали семантик валентлик кўринишида намоён бўлади. Сабаб валентлиги актанти феъл билан сабабни кўрсатувчи бирор семаси асосида классемани таркиб топтиради. Феъл сабаб валентлигининг эгалик ва чиқиш келишигини ёки эгалик ва *сабаб, сабабли, туфайли, учун* кўмакчиларини олиб келган от, ўрин равиши ёки ҳаракат номи билан ифодаланган сабаб актантларини бевосита бошқариб келса ҳам, у билан семантик жиҳатдан ўрин актанти орқали боғланади.

7. Нутқий семантик валентлик феълнинг фақат нутқий маъносига таянади. Нутқий маъно эса феъл қўлланган нутқда, коммуникатив жараёнда ҳосил бўлади. Шунга қарамай, у лексик маъно каби тузилажак гап қолипни белгилайди. Бироқ нутқий маъно ҳосил бўлиши жараёни ўзини реаллаштирувчи валентликлари актантини ҳам намоён этади. У шу актантларсиз нутқда ҳаёт эмас. Бу актантлар нутқий маънода қўлланивчи феълнинг асосан агенс, абъект, поциенс ва кўпинча ҳолат валентлиги актантларидир. Унинг эмоционал валентлиги ҳам шу валентликлардан бирига мингашиб намоён бўлади. Нутқий маъно билан қўлланган феълнинг бошқа валентликлари ҳам бор. Улар ҳам намоён бўлади, бироқ нутқий маънони реаллаштира олмайди.

СИФАТНИНГ СЕМАНТИК ВАЛЕНТЛИКЛАРИ

1. Сифат валентлиги ҳақида

Немис тилшуноси Г.Хельбиг феъл ва от валентлигини қиёслаб чиққан ҳолда шундай хулосага келади: “...феъл гапнинг бош, структур бўлаги сифатида фаол валентликка эга, шунинг учун у фақат валентлик ташувчиси вазифасида қатнашади. От ва сифат эса ҳам фаол, ҳам нофаол валентликка эга, шунга кўра улар бир томондан валентлик ташувчиси, иккинчи томондан эшвалентлар вазифасида бўлиши мумкин”.¹ От, сифат, феъл валентликларини қиёслаш мантиқий-семантик валентликларда ўхшашлик, синтактик валентликларда эса фарқлилик мавжудлигини исботлади.² Шу тариқа Европа тилшунослигида феълдан бошқа сўз туркумлари валентлиги масаласига ҳам катта эътибор қаратила бошланди. Сифат валентлиги масаласи Европанинг айрим тилшунослари томонидан ўрганилган.³ Ушбу ишларда рус, француз тилларидаги сифат валентлигининг айрим жиҳатлари тадқиқ қилинган. Немис тилшунослигида сифат валентлиги ва дистрибуцияси луғатини ҳам нашр қилинган.⁴

Юқорида таъкидланганидек, ўзбек тилшунослигида феъл валентлиги кўплаб олимлар томонидан чуқур ўрганилган. Аммо сифат валентлиги махсус ўрганилмаган, сифат валентлигига оид биргина мақола эълон қилинган ва М.М.Миртожиевнинг “Ўзбек тили семасиологияси” монографиясида эса анча изчил фикрлар билдирилган.⁵

Валентлик фақат феъллар томонидан эмас, бошқа туркумлар томонидан ҳам ташилади. Буни, айниқса, сифатларда фаол кузатиш мумкин.⁶ Чунки сифатларнинг гап кесими вазифасида қўлланиши табиий ҳодисадир.

¹ Степанова М.Д., Хельбиг Г. Части речи и проблема валентности в современном немецком языке. -М.: Высшая школа, 1978, с. 170.

² Степанова М.Д., Хельбиг Г. Части речи и проблема валентности в современном немецком языке. -С. 209.

³ Воеводская О.М. Лексико-грамматическое поле в лексиконе языка (на материале поля *свет-тьма* в русском и английском языках): Автореф.дис...канд.филол.наук.-Воронеж, 1999, 23 с. Губенко Е.В. Лексико-семантические поля *цвета и света* в лирике Б.Л.Пастернака: Автореф.дис...канд.филол.наук.-М., 1999, 22 с. Гоголина Т.В. Функционально-семантическое поле сомнительности в современном русском языке: Автореф.дис...канд.филол.наук.-Екатеринбург, 2000, 19 с. Руденя Г.Л. Лексико-семантическое поле цветообозначений во французском языке (диахронический и когнитивный аспекты): Автореф. дис...канд.филол.наук. -Санкт-Петербург, 2001, 18 с. Кустова Г.И. Валентности и конструкции прилагательных // galina .mtu.net.ru. Пыриков А.В. Валентно-связанный характер определений в немецком языке // http:// valentnost. ru.

⁴ Sommerfeld K., Schreiber H. Wörterbuch zur Valenz und Distribution deutscher Adjektiven. VEB Bibliographisches institut. -Leipzig, 1975.

⁵ Муҳамедова С. Ўзбек тилида сифат валентлиги тушунчаси // Тилшуносликнинг долзарб масалалари. -Тошкент, ЎЗМУ, 2008. -Б.87-91. Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси (ОТМ филология факультетлари бакалаврлари учун дарслик) . -Тошкент: Мумтоз сўз, 2010.

⁶ Степанова М.Д. Хельбиг Г. Части речи и проблема валентности в современном немецком языке. -С.223-250. Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси (ОТМ филология факультетлари бакалаврлари учун дарслик) . -Тошкент: Мумтоз сўз, 2010.

Анъанавий тилшуносликда ҳаттоки кесим эганинг ҳаракати, ҳолати ва белгисини билдириб келади, деб кўрсатилади.¹ А.Ғуломов ҳам “Кесим эганинг белгисини билдирадиган бўлакдир”, -деган фикрни айтади.² Атоқли тилшунос бу ўринда “белги” тушунчаси билан ҳаракат ва ҳолатни қамраган, лекин белгини эътибордан четда қолдирган эмас. Маълумки, сифат туркумига оид сўзлар белги билдиради. Белги билдирувчи сифат предикатлик қилар, яъни гапда кесим вазифасини ўтар экан, у ҳам гап қолипни белгилаши диалектик қонуниятдир. Бу, албатта, унинг валентликлари миқдори билан боғлиқ ҳолатда кузатилади.

Сифатлар отлар билан икки кўринишда синтагматик муносабатга киришади: 1) сифатловчи вазифасида от билан атрибутив муносабатда бўлади; 2) предикат вазифасида бошқа сўзлар билан предикатив муносабатда бўлади.

Сифатлар сифатловчи вазифасида от билан атрибутив бирикмани таркиб топтирар экан, у бундай бирикмаларда тобе бўлак бўлиб, от ҳоким бўлак вазифасини ўтайди. Яъни отнинг нутқдаги талабига кўра унинг белгисини кўрсатувчи сифат танланади. От лексик маъносидаги белги билдирувчи семасига асосланган валентлигига мос семага эга лексик маъноли сифатни бирикув учун қабул қилади. Бу ўринда сифат ўша семасига асосланган валентлиги билан шундай белгили отни нутқда талаб қилган эмас. Балки у ўша зарурий белгини кўрсатувчи сифатни эшвалент сифатида танлаган ва бирикувга киришган бўлади. Масалан, *яшил япроқ* бирикмасига эътибор бериш мумкин. *Япроқ* оти лексик маъноси ‘ранг’ семасига асосланган валентлигига кўра уни воқелантирувчи сифатни талаб қилган. Шунга биноан *яшил* сўзи сайланган. Яъни *яшил* сўзи *япроқ* отининг валентлиги учун эшвалент вазифасида қатнашган. Яъни, сифатлар атрибутив бирикма таркибида отнинг белги валентига кўра эшвалент бўлиб, белги актанти сифатида воқеланади.³

Сифатлар предикат вазифасида бошқа сўзлар билан предикатив муносабатда бўлар экан, у бунда ҳоким бўлак бўлиб, ўзи боғланиб келган сўзларни бошқаради. Яъни у гап предикати вазифасида белги ифодалаб келиб, ўз лексик маъносидаги шу белги семаси билан мос семали лексик маънога эга сўзни коммуникатив жараёнда талаб қилади.⁴ У шу белги семасига асосланган валентлигига кўра эш сайлайди. Шу эш валентлигидаги сўз актанти сифатида воқеланади. Масалан, *Япроқ* - *яшил* предикатив бирикмасига эътибор берсак, бу гапда *япроқ* қандай белгига эга эканлиги аниқланмоқчи бўлмаган, балки *яшил* сифатида ифодаланган белги нимага хос эканлиги кўрсатилган. Яъни *яшил* сифати нутқ учун ўз лексик

¹ Қаранг.: Гвоздев А.Н. Современный русский литературный язык. Ч.2. Синтаксис. –М.: Просвещение, 1968.-С.68. ; Валгина Н.С. Синтаксис современного русского языка. –М.: Высшая школа, 1978. -С.87.

² Қаранг: Ғуломов А. Содда гап. –Тошкент:Фан,1954, 48-б.

³ Қаранг: Stepanova M. D., Helbig G. Wortarten und das Problem der Valenz in der deutschen Gegenwartssprache. – Leipzig:VEB BIL, 1978, S.229.

⁴ Қаранг: Stepanova M. D., Helbig G. Wortarten und das Problem der Valenz in der deutschen Gegenwartssprache. – S.207/

маъносининг ‘ранг’ семасига асосланган валентлиги билан танланган. У шу валентлигига кўра ‘ранг’ семали лексик маънога эга *япроқ* отини эшвалент сифатида сайлаган ва мана шу эш актант сифатида воқеланган. Яъни, сифат предикат, яъни кесим гапнинг марказий бўлаги бўлиб, унинг валентлиги асосида гап бўлаклари танланади ва у билан семантик мос бўлган бўлак унинг эши эканлиги ҳолда, актант сифатида воқеланганлиги кузатилади.¹

Сифат предикатлари худди феъл предикатларига ўхшаш ўз валентликларини воқелантирар экан, актантлари бир неча бўлиши ва улар турли грамматик шаклда кузатилиши мумкин.² Бунда валентлиги воқеланган бўлган сифат ўз актанти билан турли боғланишда қайд этилади. Бу боғланишлар лексик-семантик ёки шакл семантикаси бўлиши мумкин. Шунга кўра сифат валентлиги типлари 1) лексик-семантик валентлик; 2) шакл семантикаси валентлиги кўринишида кузатилади.

Сифат лексик-семантик валентлигини воқелантирганда, худди феъллардагига ўхшаш, лексик маъносининг муайян семаси валентлиги эшининг лексик маъноси семаси билан бир хил келади, классемани таркиб топтиради. Масалан: *Отлари – чопқир* (Ойбек) гапидаги сифат билан ифодаланган кесим ‘пойгага қўйиладиган’, ‘умуман тез югурадиган’ семаларига эга лексик маъноси билан воқеланган. Бу сифат валентлигининг эши эса от туркумига оид *отлари* сўзи бўлиб, у ‘пойгага қўйиладиган’ ёки ‘юк ташиладиган’ ‘улов’ семаларига эга лексик маъноси билан танлаб олинган. Бу ўринда сифат билан от лексик маъноларининг ‘пойгага қўйиладиган’ семалари умумий, ўзаро бир хил, яъни классемани таркиб топтирган. Шунга кўра айтиш мумкинки, сифат туркумига оид *чопқир* сўзи бу гапда лексик-семантик валентлиги билан воқеланган.

Сифатда ифодаланган кесимлар лексик-семантик валентлиги билан воқеланганда, у ўз актанти билан лексик маъноларининг муайян ядро семаси ўзаро бир хил келишига кўра, классемани таркиб топтиради. Айрим ҳолларда сифатлар лексик-семантик валентлигига кўра воқеланган бўлиши мумкин, аммо сифат ядро семаси билан воқелангани ҳолда, актантининг лексик маъноси ядро семаларидан бири у билан бир хил бўлмай қолади. Масалан: *Онабоши...хумкалла, калладор* (Ойбек) гапида сифат билан ифодаланган кесим *хумкалла, калладор* сўзлари бўлиб, улар ўзаро синонимдир. Уларнинг лексик маъноси ‘каллеси’ ‘меъеридан’ ‘катта’ ядро семасига эга. Бу сифат билан ифодаланган кесимлар агеини *онабоши* отида ифодаланганлиги ҳолда, унинг лексик маъносида мос ядро сема йўқ. Яъни унинг лексик маъноси ‘бахсли ўйинларга’ ‘бошчилик қилувчи’ ‘шахс’ ядро семаларига эга. Шунга қарамай, *онабоши* сўзида ‘шахс’ ифодаланади. Ҳар қандай шахс ўз шаклига кўра каллали бўлади. Уни бошқариб келган *хумкалла, калладор* сифатлари шакл белгисини билдиргани учун, *онабоши*

¹ Қаранг: **Stepanova M. D., Helbig G.** Кўрсатилган асар. Ўшу бет.

² Бу ҳақда қаранг: **Sommerfeldt H., Schreiber H.** Wörterbuch zur Valenz und Distribution deutschen Adjektive. –Leipzig, 1974.–S. 78. **Sommerfeldt H.** Zur Valenz der Adjektions // Deutsch als Fremdsprache (DaF). 1971, № 2. –S.33-42.

сўзида ифодаланган шахснинг ҳам шаклий белгисини коммуникацияда юзага чиқарган. Бу белги потенциал сема вазифасини ўтаган. Сифат лексик маъноси ‘калла’ ядро семаси *онабоши* оти лексик маъноси ‘калла’ потенциал семаси билан бир хил келиб, классемани таркиб топтирган. Шунга кўра айтиш мумкинки, бу ўринда ҳам сифатлар лексик-семантик валентлигига кўра воқеланган. Ўрни келганда шуни ҳам эшлашга тўғри келадики, назаримизда А.П.Ҳожиёв биз қўллаган “ядро сема” терминини тўғри тушунмаган. Унингча, биз “ядро сема” деб кўрсатган сўз семантикасининг қисми семема деб олинади. Воҳолангки, сўз шу грамматик бутунлигида бир семемага эга бўлиб, унинг ўзаги ҳисобланган қисми – мазмуни бир сема деб қаралади. У “ядро сема” деб аталади. Ядро сема дейилганда сўзнинг назарда тутилган ўзагидаги мазмун, яъни архисема, интеграл сема, дифференциал сема ва потенциал семалардан бири назарда тутилган бўлади.¹

Сифат шакл семантикаси валентлигини воқелантирганда ўзидаги шахс-сон ёки замон кўрсаткичи семантикасига кўра агенс ёки пайт актантини талаб қилади. Сифат кесим вазифасида келиб, ҳар уч шахсдан бирини ва уларнинг бирлик ёки кўплигини кўрсатиши мумкин. Уларда замон боғлама орқали ифода топади. Боғлама қайси замонни кўрсатса, шунга монанд ҳолда сифат пайт валентлигига эга бўлади. Масалан: *Ҳа, мен ҳам гўдакман* (А.Мухтор) гапида *гўдак* сифати кесим вазифасида келиб, I шахс бирлик билан тусланган. Шунга кўра агенс валентлигига эга. Унинг бу валентлиги *мен* кишилиқ олмошида воқеланган. Ваҳолангки, *гўдак* сифатининг ўзида мазкур агенс актантини талаб қилувчи валентлик йўқ эди. Шунга қарамай, шу сифат қандайдир агенсни талаб қиларди. Лекин у шахс-сон кўрсаткичи семантикасига кўра агенс валентлигига эга бўлиб, уни воқелантирган. Яна *Ўшанда биз ёш эдик* (А.Қаҳҳор) гапига эътибор бериш мумкин. Бунда кесим *ёш* сифатида ифодаланган бўлиб, у боғлама билан қўлланган. Боғлама *эди* тўлиқсиз феълида ифодаланган. У I шахс кўплик билан тусланган. Шунга кўра агенс валентлигига эга. Унинг валентлиги *биз* кишилиқ олмошида воқеланган. Ундан ташқари *эди* боғламаси ўтган замонни ҳам кўрсатади. Шунга кўра у пайт валентлигига эга. Бу валентлик гапда *ўшанда* сўзида воқеланган. Яъни сифат билан ифодаланган кесим гапда боғлама билан келиши ва боғлама сифатида агенс ҳам пайт шакл семантикаси валентлигини юзага келтириши мумкин.

Сифатлардаги лексик-семантик валентлик тилнинг коммуникатив мантиқига кўра ҳам фақат ўзбек тили эмас, Ҳинд-Европа тиллари оиласида, ҳамит-семит тиллари оиласида, манжур-тунгус тиллари оиласида ҳам кенг тарқалган. Туркий тилларнинг ҳаммасида ўз ўрнига эгалиги табиийдир. Сифатлардаги шакл семантикаси эса асосан туркий, айниқса,

¹ Бу ҳақда қаранг: **Greimas A.J.** *Semantique structurale*.-Paris, 1966.-P.53. **Pattier B.** *La definition semantique dans les sictionnaires*. **Гак В.Г.** К проблеме семантической синтагматике...-С.376. **Кисилева Л.Л.** Коммуникативные языковые функции и семантическое строение словесного значения // Проблемы семантики.-М.: Наука, 1974.-С.70.

Ўзбек тилида мавжудлиги шубҳасиз. У Ҳинд-Европа тиллари оиласига мансуб эмас. Қолган тиллар юзасидан эса бу ҳақда бирор фикр айтолмаймиз.

Демак, ўзбек тилида сифат валентликлари 1) лексик-семантик валентлик; 2) шакл семантикаси валентлиги каби типларга бўлинади. Лексик-семантик валентлик ҳоким ва тобе сўзларнинг лексик маъноларининг фақат ядро семалари бир хиллиги ҳам, ҳоким сўз лексик маъносининг ядро семаси тобе сўз лексик маъносининг потенциал семаси билан бир хиллигига ҳам асосланиши мумкин.

2. Сифатнинг лексик-семантик валентликлари

Сифатнинг лексик-семантик валентлиги ҳам унинг бевосита лексик маъноси, сифат лексеманинг семемасидан бошланади. Коммуникацияда сифатнинг муҳим томони лексик маъно ҳисобланиб, у шу лексик маънонинг ҳар бир узвига мутаносиб ҳолда лексик-семантик валентлигини юзага келтиради. Сифат кесим ана шу валентлигининг семантик моҳиятига қараб эшвалент танлайди ва шу эшвалентнинг қандай синтактик вазифада келишини белгилайди. Коммуникацияга киритилган сифат кесим вазафасини олар экан, у лексик маъносининг ядро семасига асосланган валентлиги билан қатнашиши шарт. Унинг эшваленти унга лексик маъносининг ядро семаси билан ҳам ёки лексик маъносининг потенциал семаси билан ҳам мос тушиши мумкин. Ҳар қандай ҳолда ҳам у билан классемани таркиб топтиради, эшвалент унинг актанти ҳолатида воқеланади. Яъни сифат мана шу эшвалент ҳисобига ўз валентлигини юзага чиқаради. Бу, албатта, унинг семантик валентликларидан бири ҳисобланади. Сифатнинг лексик-семантик валентликлари доирасига кировчи семантик валентликларига қуйида бирма-бир тўхтаб ўтамыз.

Агенс валентлиги

Агенс валентлиги асосан хусусият, ҳолат, кўриниш билдирувчи сифатларга хос. Булар ичида, айниқса, хусусият билдирувчи сифатларнинг агенс валентлиги воқеланиши анча фаолдир. Хусусият билдирувчи сифатлардан шундай бир гуруҳи борки, улар асосан ўтимсиз объектсиз феъллардан ясалган бўлади. Унинг кесимлигида агенс валенти гап эгасида воқелантирилади. Бу қатъий қонуниятдир. Чунки бу хусусият билдирувчи сифатлар кесим вазифасида қўлланиб, гап қолипни ҳамма вақт шундай тузадикки, бу шу сифат ясалган объектсиз феъл кесимлигидаги гап қолипига ўхшаш ҳолатда бўлади. Объектсиз феъллар сифатдош шакли билан кесим вазифасида қўлланар ва гап қолипни белгилар экан, унинг таркибида эга агенсни ифодалайди ва объект билдирувчи тўлдирувчиси бўлмайди. Лекин унинг таркибида аниқловчи, ҳол кабилар кузатилиши мумкин. Маълумки, бундай ўтимсиз феъллардан ясалган сифатлар кесимлигида тузилган гапларда сифатнинг агенс валентлиги ҳамма вақт эга вазифасида воқеланади. Масалан: *Отлари жуда ҳам чопқир* (Ойбек). Бу гапда *чопқир* сўзи хусусият

билдирувчи сифат бўлиб, *чопмоқ* объектсиз ўтимсиз феълдан ясалган. Унинг сифатдош шаклидаги *чопадиган* сўз шакли кесимлигида гап тузилса, агеңси эга вазифасида қўлланади. Шунга ўхшаш *чопқир* сифатининг агеңси ҳам келтирилган гапда эга вазифасида воқеланган. Эга от туркумига оид *отлари* сўзида ифодаланган. Худди шунга ўхшаш объектсиз туб феълдан ясалган *учқир, ўзгир, топқир, тиришқоқ, ёш, очик, суюқ, қуримсоқ, қизик, тийик, ориқ* сифатлари кесим вазифасида қўлланиши ва улар агеңси эга вазифасида воқеланиши бор ҳодиса. Бу сифатлар агеңс валенти актанти билан одатда ‘шахс’ семасига кўра классемани таркиб топтиради. Айрим вақтда ‘шахс’ семаси ўрнида ‘жонивор’ семаси ҳам аҳамият касб этиши мумкин. Юқорида берилган гап ва ундаги сифатнинг агеңс валенти воқеланиши бунга мисол бўла олади.

Хусусият билдирувчи сифатлар, гарчи объектсиз туб феъллардан ясалган бўлмаса ҳам, улар кесим вазифасида қўлланиши ва агеңс валенти эга вазифасида воқеланиши ҳам мумкин. Масалан: *Дўкондорлар ўтакетган хасис* (Ойбек). Бу гапда *хасис* сифати лексик маъносининг ‘хусусият’ семасига кўра юзага келган валентлиги бўйича *дўкондорлар* эшвалентини танлаган ва уни агеңс актанти сифатида воқелантирган. Бу агеңс валенти актанти гапда эга вазифасини ўтаган ва у шахсни билдиради. Худди шунга ўхшаш хусусият билдирувчи *хотам, танти, сахий, очкўз, мечкай, мард, дангаса, чаққон, уддабурро* каби сифатлар гапда кесим вазифасида келар экан, улар агеңс валентлигини эга вазифасида воқелантириши ва бу валентлик лексик-семантик бўлиши – табиий. Бунинг устига улар таркиб топтирган классема ‘шахс’ семасидан иборат бўлади. Айрим ҳолларда хусусият билдирувчи сифат кесим вазифасида қўлланиб, воқелантирган шахс актанти шахс билдирмаслиги ва классемаси ‘шахс’ кўрсатмаслиги мумкин. Бунда агеңс актантининг мажозийлаштирилганлиги, жонлантирилганлиги кузатилади. Масалан: *Бир дона гугурт жаҳонни куйдиришига қодир* (С.Аҳмад). Бу гап кесими вазифасида хусусият билдирувчи *қодир* сўзи қўлланган. У билдирган хусусият белгиси инсонга хосдир. Шунинг учун унинг агеңс валентлиги воқеланган *гугурт* сўзи ифодаси жонлантирилиб берилган. Аммо кесим вазифасидаги *қодир* сифати билан унинг агеңс актанти ўртасида классема ‘хусусият’ семасига таянган.

Ҳолат билдирувчи *тетик, тийрак, лапашанг, ландовур, бедор, асабий, хафа, безор, кекса, уйгоқ, бардам, тирик, хомуш, ориқ* каби сифатлар гапда кесим вазифасида қўллнар экан, улар ҳам агеңс валентлигини эга вазифасида воқелантириши ва бу валентлик лексик-семантик бўлиши ҳақида айтилган эди. Масалан: *Жума кечаси бу атрофда ёшу қари тун бўйи бедор* (А.Мухтор). Бу гап кесими вазифасида ҳолат билдирувчи *бедор* сифати қўлланган.

Унинг агеңс валенти эга вазифасидаги *ёшу қари* жуфт сўзида воқеланган. Ҳолат сифати билан унинг агеңс актанти ‘шахс’ семасига кўра классемани таркиб топтирган.

Кўриниш билдирувчи *гўзал, кўркам, чиройли, кўҳли, сулув, бадбашара, ориқ, савлатли* каби сифатлар гапда кесим вазифасида қўлланиб, улар ҳам

агенс валентлигини эга вазифасида воқелантириши ва бу валентлик лексик-семантик бўлиши айтилган эди. Масалан: *У... лекин чўндай ориқ* (Ойбек). Бу гапда *ориқ* сифати кесим вазифасида қўлланган. Унинг агенс валенти эга вазифасидаги *у* олмошида воқеланган. Сифат ўз валенти актанти билан ‘шахс’ семасига кўра классемани таркиб топтирган.

Айрим вазиятларда сифатнинг агенс валентлиги эши классемани таркиб топтиришда потенциал семаси билан қатнашган бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолда ҳам сифат лексик-семантик валентлиги билан қатнашган деб қаралади. Бу ҳақда юқорида *Онабоши... хумкалла, каллдор* гапини таҳлил этиш билан тушунтириш берилган эди.

Сўзловчи сифатдан англашилган ҳолат таъкиди ўринга мансуб эканлигини диққат марказига чиқаришини режалаштириши мумкин. Бунда *у* кесимнинг ўрин актантини эга вазифасида қайд этади. Унинг агенс актанти эса воситали тўлдирувчи вазифасида намоён бўлади. Масалан: *Хонақо халқ билан лиқ тўла* (Ойбек). Бу гапда *лиқ тўла* сифати кесим вазифасида қўлланган. Унинг ўрин валенти актанти эга вазифасини ўтаган. Натижада сифатнинг агенс актанти воситали тўлдирувчи вазифасида қайд этилган. Яъни сифатда ифодаланган от кесимларнинг агенс валентлиги эътиборнинг иккинчи даражасида воқеланса, гапда воситали тўлдирувчи вазифасини ўтайди.

Айрим ҳолларда сифатдан англашилган ҳолат таъкиди асосан унинг ўрин актантига қаратилиб, сифат шу ўрин актанти билан ёндош берилади ва агенс валенти воқелантирилмай, гапдан имплицит англашилади. Масалан: *Бизнинг Говкуш ҳам тўпалон, жанжал* (Ойбек). Бу гапдаги кесим *тўпалон, жанжал* маънодош сўзларида ифодаланиб, уларнинг ўрин валенти *Говкуш* сўзида воқеланган. *У* эга вазифасини ўтаган. Унинг актанти сифат билан ифодаланган кесимга ёндош берилган. Сифатларнинг агенс валенти актанти гапдан имплицит англашилган. Агар *у* эксплицит бериладиган бўлса, воситали тўлдирувчи вазифасидаги *одамлар билан* бўлаги бўлар эди. Одатда гап эгаси вазифасини агенс эмас, бошқа бирор семантик бириклик банд этса, агенс гапнинг воситали тўлдирувчиси вазифасида ифодаланади.

Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатдики, хусусият, ҳолат ва кўриниш ифода этувчи сифатлар гапда кесим вазифасида келса, унинг агенс валенти кўпроқ эга вазифасида ёки воситали тўлдирувчи вазифасида воқеланади. Жуда бўлмаганда, *у* воситали тўлдирувчи вазифасида имплицит англашилади. Фактлар фақат шуларни эмас, *у* қаратқичли бирикмаларнинг таркибида қаралмиш вазифасида келиб, ўз агенсини қаратқичда воқелантириши ҳам мумкинлигини ҳам кўрсатди.

Асосан хусусият билдирувчи сифатлар қаралмиш вазифасида келиб, ўз агенсини қаратқичда воқелантиради. Агенс ҳамма вақт шахс ёки жонивор билдирувчи сўз бўлади. Чунки *у* ҳаракатга мансуб хусусиятни бажарувчилик вазифасини ўтайди. Масалан: *чайқовчининг учари, чопарнинг чопқури, олимнинг топқури, пойгачининг ўзғури, боланинг тиришқоғи, одамнинг очиги, келиннинг чаққони, одамнинг ориғи* каби қаратқичли бирикмалар семантикасига эътибор бериш жоиз. Бу бирикмаларнинг ҳаммасидаги

қаралмишлар ҳаракат хусусиятини билдирувчи сифатлар бўлиб, улар бирикма учун окказионал субстантивацияга учратилган ҳолда танланган ва агенс валентликлари қаратқичли бирикмаларда воқеланган. Уларнинг ҳаммаси ҳам шахс бидирувчи отлардир. Шундан маълумки, қаралмиш вазифасидаги сифат билан унинг қаратқич вазифасидаги агенс актанти ўзаро 'шахс' семаси асосидаги классема воситасида семантик алоқададир. Яъни қаратқичли бирикмалар ҳаракат хусусиятининг агенс валентлиги воқеланиши билан таркиб топган бирикмалар бўлиб, лексик-семантик валентликка таянади. Уларни, қаратқичли бирикмаларда ифода топгани учун, шакл семантикаси валенти воқеланиши деб қарамаслик керак. Чунки уларни қаратқиччилик шаклидан холи қилиб, *чайқовчи – учар, чопар – чопқир, олим – топқир, пойгачи – ўзгир, бола – тиришқоқ, одам – очик, келин – чаққон, одам – ориқ* деб предикатив кўшилма ҳолида берилса ҳам, бирикув семантикасининг моҳияти йўқолмайди. Яъни бирикувдаги сўзларнинг семантик муносабатида қаратқиччилик шакли аҳамият касб этмайди. Ҳаракат хусусиятини билдирувчи сифатларнинг агенс валентлиги унинг қаралмишлиги ёки унинг кесимлиги ҳолатида ҳам ё эга, ё воситали тўлдирувчи, ё қаратқичли аниқловчи вазифасида беҳато воқеланиши шарт. Шунга кўра айтиш мумкинки, у облигатор валентликдир.

Кўрдикки, ҳаракат хусусиятини билдирувчи сифатлар гапда кесим, бирикмада аниқланмиш вазифасида келар экан, унинг, албатта, агенс валентлиги юзага чиқади. Агар у кесим вазифасида қўлланса, агенс валентлиги асосан гап эгаси, камдан-кам воситали тўлдирувчи вазифасида, қаралмиш вазифасида қўлланса, бирикманинг қаратқичли аниқловчиси вазифасида воқеланади. У ўз актанти билан шахс билдирувчи классемага эга бўлиб, лексик-семантик валентлик деб қаралади ва шубҳасиз облигатордир.

Объект валентлиги

Объект валентлиги сифатларнинг лексик-семантик валентликларидан биридир. Феълларнинг кесим вазифасини ўтаганда унинг объект валентлиги актанти, меъёрий ҳолатда воситасиз тўлдирувчи вазифасини ўтайди. Сифатлар, асосан ҳолат билдирувчи сифатлар, гап кесими вазифасини ўтаса, уларнинг объект валентлиги воситасиз тўлдирувчи вазифасида воқеланмайди. Чунки бунда у коммуникацияда гап қолипни феълларнинг сифатдош шакли билан кесим вазифасини ўтагандагига ўхшаш ҳолда белгилайди. Г. Хельбигнинг қайд этишича, сифатдошлар мажҳул нисбатдаги¹ феълдан ясалган ҳолда кесимлик вазифасини бажаради. Бунда унинг объект валенти актанти гап эгаси вазифасини ўтайди.² Масалан, *Девор тешилган* гапида *тешилган* сўзи мажҳул нисбатидаги сифатдош бўлиб, кесим вазифасида қўлланган. *Девор* оти сифатдошнинг объект актанти экани ҳолда кесим вазифасини ўтаган. Сифатдош мажҳул нисбатида бўлиб, кесим

¹ Немис тилшунослигида **мажҳул нисбат** термини ўрнида **пассив** термини қўлланади.

² Helbig G. Problem des Attributs in der deutsche Gegenwartssprache //Deutsch als Fremdsprache. – 1972, № 6, S.33.

вазифасида келса, унинг агенсини воқелантириш учун зарурият кузатилмайди, бироқ у имплицит англашилиб туради. Юқоридаги гапда ҳам ‘ким томонидандир’ деган воситали тўлдирувчи бўлак ўз ўрнига эгалиги ва у агенсини англантиши мантиқан маълум. Чунки бундай гап қолипи мажхул нисбатдаги феълларнинг ҳам, унинг сифатдош хосланган шаклининг ҳам кесимлигига мансубдир.

Гапнинг кесими вазифасидаги сифатдошни сифат билан алмаштирилса ҳам, гап қолипи ўзгармай қолаверади. Чунки сифатдош сифатлик хусусиятига эга феълдир.¹ У гапда кесим вазифасини ўтаганда гап қолипини худди сифатлар каби белгилаши табиий бўлади. Шунинг учун ҳам гап кесими вазифасидаги сифатдошни маънодоши сифат билан алмаштириш гап қолипида жиддий ўзгаришни юзага келтирмайди. Масалан, *Девор тешилган* гапи ўрнида *Девор теши.* гапини бериш гап қолипида жиддий ўзгаришни юзага кетирган эмас. Ҳар иккисида ҳам гап бўлаклари ‘тўсиқ’ семасига кўра ўзаро семантик алоқага эга, классемани таркиб топтирган. Кесимнинг объект валентлиги эгада воқеланган. Аммо улар семантикасида айрим тафовут бор. Бу тафовут сифат ва сифатдошдан англашилган ҳолатнинг акс этиши билан боғлиқ. Сифатдошда ундан англашилган ҳолатга кириш тасаввур қилинади. Сифатда эса тўғридан-тўғри ундан англашилган ҳолатнинг ўзи тушунилади. Лекин уларнинг ҳар иккисида ҳам объект валентлиги эга вазифасида, худди мажхул нисбатли феъл кесим вазифасида келгандагига ўхшаш воқеланаверади. Кесим вазифасидаги ҳолат билдирувчи сифатларнинг агенсини воқеланиши масаласида ҳам ўзига хос томони бор. Ҳолат билдирувчи сифатдош кесим вазифасида қўлланганда агенс, нутқ учун зарурият бўлмаганлиги туфайли, воқеланмайди. Кесим вазифасидаги ҳолат сифатининг агенс валентлиги умуман бўлмайди. Яна ҳам аниқроғи, бундай курилма учун ҳолат билдирувчи сифат семантикасига объект валенти билан агенс валенти биргаликда мантиқан сиғишмайди. Воқеланишлари учун гап қолипи ҳам торлик қилади.

Ҳолат сифатлари ўз объект валентлигини воқелантирар экан, у билан йўлдош ҳолда ўрин валентлигини ҳам воқелантиради. Ўрин валентлигининг актанти, табиий ҳолда, ўрин келишиги билан шаклланади ва синтактик жиҳатдан ўрин ҳоли вазифасини ўтайди. Бунда сифатнинг объект валентлиги актанти шахс ёки нарсани ифода этади. Масалан: *Рўза оқшомлари Шайхантовурда одам қалин* (Ойбек). Бу гапдаги *қалин* сифати кесим вазифасида қўлланган. Унинг объект актанти *одам* сўзи бўлиб, мантиқан кўп шахсни билдиради. Сифатнинг шу объект валенти билан йўлдош ҳолда воқеланган ўрин валенти актанти *Шайхантовур* отида ифодаланган.

¹ **Виноградов В. В.** Современный русский язык. Вып. 2. – М.: Учпедгиз, 1938, С. 24; **Асқарова М., Жуманиёзов Р.** Ўзбек тилида равишдош ва сифатдошлар. – Тошкент: Фан, 1253, 11-б.; **Голланов А. Н.** Морфология современного русского языка. Изд. 2ое. Испр. И доп. М.: ВШ., 1965, С. 212; **Гвоздев А. Н.** Современный русский литературный язык. Ч. 2ое, Синтаксис. – М.: Просвещение, 1968.- С. 367; **Иванов И. П., Бурлакова В. В., Почевцов Г. Г.** Теоретическая грамматика современного английского языка.- М.: ВШ., 1985, С. 82; **Jung W.** Grammatik der deutschen Sprache. – Leipzig, VBT. 1968.- S. 208; **Ҳожиев А. П.** Феъл // Ўзбек тили грамматикаси. I т. Мофология. – Тошкент: Фан, 1975, 310-б.; **Плотникова В. А.** Атрибутивные формы глагола // Русская грамматика. – М.: Наука, 1980. -С. 665.

У ўрин келишиги билан шаклланган. Одатда от кесимларга мантиқ урғуси тушган бўлади. Шунга кўра мазкур гапнинг от кесими ҳисобланган *қалин* сифатига мантиқ урғуси берилган. Мантиқ урғусини олган бўлак ҳамма вақт таъкидли талаффуз қилинади. Унинг таъкидли бўлиши ўзи билан ёндош қўлланган бўлакка қаратилади. Мазкур гапда сифатда ифодаланган кесим билан мантиқий кўпликни билдирувчи *одам* сўзи, яъни объект актанти қўлланган. Сифатдан англашилган ҳолатнинг таъкидланиши унга қаратилган. Яъни *қалин ҳолат* одамларга қаратилганлиги диққат марказига чиқарилган.

Ишнинг феъл қисмида феъл кесимлар объект валентлигини воқелантирар экан, унинг, албатта, агенс валентлиги ҳам воқеланади, дейилган эди. Ҳақиқатан ҳам улар доимо йўлдош ҳолда юради. Чунки асосан ҳаракат феълларига объект валентлиги хос эканлиги ҳолда, объектга ўтган ҳаракатнинг бажарувчиси бўлиши ҳам шарт. Ҳолат учун у унча хос эмас. Сифатларда ифодаланган ҳолат маълум объектда акс этади, аммо унинг бажарувчиси бўлиши мантиқан мумкин эмас.

Бунга яна *Кийимлар кир, Арава шалоқ. Савдо чаққон. Иссиқ баланд. Гилослар гўра. Довуччалар гуж-гуж. Бўйралар бурда-бурда* каби гапларни мисол қилиб келтириш мумкин. Уларнинг кесими ҳам ҳолат билдирувчи сифатларда ифодаланган ва эгаси вазифасидаги сўзлар объект ифодалаб келган. Бирорта сифат объект талаб қилувчи валентга эга эмас.

Кўриниш ифода этувчи сифатлар кесимлигидаги гап қолиплари ҳам мажхул нисбат сифатдошлари кесимлигидаги гап қолипида бўлади. Буларда ҳам сифатдан англашилган кўриниш ўтган объект гап эгаси вазифасида қайд этилади. Масалан: *Ўт-ўланлар кўм-кўк* (Ойбек). Бу гапда ранг билдирувчи *кўм-кўк* сифати кесим вазифасида қўлланган. У ифода этган ҳолат ўтган объект *ўт-ўланлар* сўзида берилган. Бу сўз гап эгаси вазифасида қўлланган. Худдди шунга ўхшаш *Осмон тиниқ. Қизгалдоқлар бахмал. Жиҳозлар кўркам. Сувлар зилол. Бола ориқ. Тоглар гўзал* гапларида ҳам кесим вазифасидаги сифатлар кўриниш ифодалаган. Уларнинг объект валентлиги актанти эга вазифасини ўтаган. Бу гаплар бўлаклари фақат синтактик жиҳатдан эмас, семантик жиҳатдан ҳам ўзаро алоқада. Юқоридаги гапларнинг кесими ўз объекти валентлиги актанти билан бир семага эгалиги асосида ўзаро боғлиқ. Яъни уларнинг 1-, 2-, 4-, 6-ларида ‘ранг’ классемаси; 3-, 5- ларида ‘кўрк’ классемаси асос бўлган. Уларнинг ҳаммасида ҳам объект актанти потенциал сема билан классемага ҳисса қўшган.

Объект валентлиги хусусият билдирувчи сифатларда ҳам кузатилади. Хусусият билдирувчи сифатлар кесим вазифасини ўтаганда, унинг объект валентлиги, меъёрий ҳолатда, воситасиз тўлдирувчи вазифасида воқеланади. Лекин у одатдагидек тушум келишиги билан эмас, жўналиш келишиги билан шаклланади. Бу ҳолат феъл кесимли гапларда ҳам кузатилади.¹ Хусусият билдирувчи сифатлар гап кесими вазифасини ўтаганда, унинг объект актанти жўналиш келишиги билан шаклланган воситасиз тўлдирувчи бўлиши

¹ Наримова Г. А. Ўзбек тилида феълларнинг объект аргументи. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2005, 15-б.

меъёрий ҳолатдир. Масалан: *Маҳкам билан Моҳир қуроққа уста* (Ойбек). Бу гапда гап кесими *уста* сифати бўлиб, шу сифатда ифодаланган хусусият объекти *қуроқ* отида ифода топган, яъни у воситасиз тўлдирувчи ҳисобланади. Бундай хусусият билдирувчи сифатлар ўз объектини воқелантириб келар экан, худди шу гап таркиби агенс валентлигини ҳам воқелантирган бўлади. Таҳлил этилган гапда агенс валентлиги воқеланган бўлиб, у *Моҳир* сўзида ифодаланган. Бунга яна *куйдиришига қодир, ишига моҳир, чўпчакка чечан* каби бирикувларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Унда *қодир, моҳир, чечан* хусусият билдирувчи сифатлар ўз объект актанти билан воқеланган. Объект билдирувчи сўзлар эса жўналиш келишиги билан шаклланган воситасиз тўлдирувчи бўлаклардир. Сифат бу ўринда ҳам ўз объекти билан ‘шахс’ семасига кўра классемани таркиб топтирган.

Хусусият билдирувчи сифатлар кесим вазифасида қўлланиб, объект валентлигини воситасиз тўлдирувчида воқелантирар экан, у ҳеч вақт тушум келишиги билан шаклланмайди. Масалан, қуйидаги гап таркибида келган воситасиз тўлдирувчини хусусият билдирувчи сифатнинг воқеланган объект актанти деб ўйламаслик керак: *...қиз болаларни ўқишига тортиш қийин* (Шухрат). Бу гапда хусусият билдирувчи сифатда ифодаланган кесим *қийин* сўзидир. Гап таркибидаги *болаларни* сўзи воситасиз тўлдирувчи вазифасини ўтаган. Аммо у *қийин* кесими билан ҳам семантик, ҳам синтактик алоқага эга эмас. У *тортиш* ҳаракат номи билан боғланиб, унинг объект валентлигини ўзида воқелантирган.

Хусусият ифода этувчи сифатлар кесим вазифасида келиб, объект валентлигини юзага чиқаради ва у ҳаракат номили қурилмада ҳам воқеланади. Маълумки, ҳаракат номи бошқарувида тузилган қурилма нарса эмас, балки кечимни билдиради.¹ Бу шахссиз феъл шакли ҳам феълнинг бошқариш, ўтимлилик, нисбат каби хусусиятларини сақлаган, ҳам отга хос турлиниш хусусиятини орттирган бўлади.² У феълнинг асосан *-и(ш)* аффикси билан ясалган шаклидир. Феъл бу шакли билан қурилмани юзага келтирар экан, у турланиш хусусиятини орттиргани учун, отларга жуда яқин туради. Ҳаракат номи ўз феъллигига хос ҳолатда қурилмани таркиб топтиргани билан, туслана олмаганлиги натижасида, у тўлиқ гап мақомига ҳам эга бўлмайди. Аммо иккиламчи предикация мақомида гапнинг бирор бўлаги вазифасида келиши мумкин. У номинатив хусусиятига³ кўра эга вазифасида сифат билан предикатив қўшилма ҳосил қила олади. Бошқача қилиб айтганда, хусусият билдирувчи сифат ўз объект валентининг номинатив хусусияти кучли бўлган ҳаракат номи билан шаклланган қурилмада воқеланади. Масалан: *Мушаррафнинг ёшини аниқлаш – қийин* (Шухрат). Бу

¹ Маҳмудов Н. М. Ўзбек тилидаги содда тапларда семантик-синтактик асимметрия. Тошкент: Ўқитувчи, 1984, 132-б.

² Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. 2-нашри. – Тошкент: Ўқитувчи, 1966, 143-б.; Мелиев К. Ҳозирги туркий тилларда ҳаракат номлари. – Тошкент: Фан, 1969, 8-б.; Ҳожиев А. П. Феъл. – Тошкент: Фан, 1973, 286-б.; Маҳмудов Н. М. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. – 133-б.

³ Ҳожиев А. П. Тўлиқсиз феъл. – Тошкент: Фан, 1970, 241-б.; Маҳмудов Н. М. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. – 133-б.

гапнинг кесими хусусият билдирувчи *қийин* сифати билан ифодаланган. Унинг объект валенти *Мушаррафнинг ёшини аниқлаш* ҳаракат номи билан шаклланган қурилмада қайд этилган. У отлашган номинатив характерли қурилма бўлганлиги учун, гап эгаси вазифасини эгаллаган. Бундай сифат билан ифодаланган от кесимли гапларда ҳам кесим билан унинг объект актанти ўртасида семантик боғлиқлик бўлади. Сифат билан қурилмани уюштирувчи ҳаракат номи бир хил сема – классемани ҳосил қилади. Яъни бу мисолдаги кесим вазифасини ўтаган *қийин* сифати билан *аниқлаш* ҳаракат номи ‘билув’ семасига кўра классемадир.

Хусусият билдирувчи сифат от кесим вазифасини ўтаб, унинг объект валенти ҳаракат номи билан шаклланган қурилмада воқеланар экан, шу ҳаракат номи турланиши ҳам мумкин. Бунда ҳам қурилма қиммати ўзгармайди. У ҳамма вақт кечим ифодасига эга бўлаверади. Масалан: *Ҳаммамизнинг бир жойда бўлишимиз – маъқул* (Шухрат). Бу гапда *маъқул* сифат кесим вазифасида қўлланган. Унинг объект валенти *ҳаммамизнинг бир жойда бўлишимиз* қурилмасида воқеланган. У иккиламчи предикация мақомида номинациялангани учун I шахс кўплик билан турланган. Лекин сифат билан ‘мақсад’ семасига кўра классемани таркиб топтирган.

Сифат билан ифодаланган кесимнинг объект валентини воқелантирган қурилма фақат ҳаракат номининг ўзидан иборат бўлиши ҳам мумкин. Чунончи феълнинг ўзи предикативлик қилиш имконига эга. Бундай ҳолда ҳам у номинацияланиб, эга вазифасида сифат билан предикатив кўшилмани таркиб топтираверади. Масалан: *Ўқини жуда оғир* (Ойбек). Бу гапда *оғир* сифати кесим вазифасида қўлланган. Унинг объект валенти *ўқини* ҳаракат номида воқеланган. Маълумки, ҳаракат номи номинатив характерли бўлади. Шунинг учун ҳам гап эгаси вазифасини бажарган. Улар ўзаро семантик алоқага ҳам эга. Сифат ва унинг объект актанти ‘ҳаракат’ семалари асосида классемани таркиб топтирган.

Сифатлар ўз объект валентини ҳаракат номи билан тузилган қурилмада воқелантирар экан, у билан ҳамма вақт классемага эга бўлади. Унинг объект актанти эга вазифасида бўлади.

Ҳолат билдирувчи сифатлар қаратқичли бирикмаларнинг қаралмиши вазифасида қўлланиб, ўз объект валентлигини қаратқич вазифасида воқелантириши ҳам кузатилади.

Масалан: *касалнинг оғири, дўконнинг очиги, дарахтнинг яланғочи, гапнинг рости, тилнинг бурроси, ишнинг хатоси* каби бирикувларга эътибор бериш мумкин. Бунда сифатда ифодаланган ҳолат мансуб бўлган объект қаратқичда акс эттирилган. Шунга кўра қаратқич ва қаралмиш ўзаро классемага эга бўлган. Юқоридаги қаратқичли бирикмаларнинг биринчиси ‘ҳолат’, иккинчиси ‘эшик,’ учинчиси ‘япроқ,’ тўртинчиси ‘хабар’, бешинчиси ‘гапириш’, олтинчиси ‘тўғрилиқ’ семалари бўйича классемани таркиб топтирган.

Кўриниш билдирувчи сифатлар ҳам қаратқичли бирикмаларнинг қаралмиши вазифасида қўлланиб, ўз объект валентлигини қаратқич вазифасида воқелантириши кузатилади. Масалан: *деворнинг оқи, қўйнинг ориғи, сувнинг тиниғи* бирикувларига эътиборни қаратишга тўғри келади. Бунда ҳам сифатда ифодаланган кўриниш мансуб бўлган объект қаратқичда акс эттирилган. Шунга кўра қаратқич ва қаралмиш ўзаро классемага эга бўлган. Юқоридаги қаратқичли бирикмаларнинг биринчиси ‘ранг’, иккинчиси ‘ҳолат’, учинчиси ‘кечим’ семалари бўйича классемаларни таркиб топтирган. Буларнинг ҳаммасида ҳам бир хил ядро сема эмас, баъзан потенциал сема ҳам классема учун асос ҳисобланади.

Сифатлар объект валентлигини воқелантирар экан, у шу объект валенти билан ҳамма вақт классема воситасида ўзаро боғланиши таҳлилларда кўзга ташланиб турди. Бу сифатларнинг объект валенти лексик-семантик эканлигини ва облигаторлигини кўрсатади.

Кўрдикки, ҳолат, хусусият, кўриниш билдирувчи сифатлар ўз объект валентлигига эга. Ҳолат ва кўриниш билдирувчи сифатларнинг объект валентлиги гап эгасида ва қаратқичли бирикманинг қаратқичли бўлагида; хусусият билдирувчи сифатларнинг объект валентлиги гапнинг жўналиш келишиги билан шаклланган воситасиз тўлдирувчисида ва ҳаракат номили қурилмада воқеланади. Унинг бу валентлиги лексик-семантик бўлиб, облигатордир.

Мазмун валентлиги

Мазмун валентлиги сифатнинг лексик-семантик валентликларидан бири бўлиб, феълларнинг мазмун валентлигига нисбатан ҳам муҳимроқ аҳамиятга эга, кенгроқ тарқалгандир. Бу валентлик И.Қ.Кўчқортоевнинг қайд этишича, тўлдирувчи ва кўчирма гап доирасида воқеланади, дейилган бўлса ҳам, у феълларнинг шу валентлиги қаратилган фикрдир. Сифатларнинг мазмун валентлиги бу доирада бўлмайди. Уларнинг мазмун валентлиги ажратилган гап ёки бўлак, уюшган бўлак, ўхшатиш қурилмаси, қиёслаш мазмунли бирикманинг тобе бўлаги кабиларда воқеланади. Бу ўринда сифат ўз мазмун актанти билан классема ҳосил қилади. Улар қуйида муфассал таҳлил этиб борилади.

1. Сифатнинг мазмун валенти гапнинг ажратилган бўлагида намоён бўлади. Бунда сифат кесим вазифасида келиб, гап охирида берилади ва ажратилган бўлак ундан кейин қайд этилиб, унинг маъносини аниқлаштиришга, шунга қўшимча маъно - изоҳ беришга, бирор характерли томонни кўрсатишга хизмат қилади.¹ Бундай бўлаklar кўпроқ грамматик жиҳатдан изоҳловчи аниқловчи деб қаралади. Бу изоҳловчи аниқловчилар изоҳланмиш, яъни сифат кесимнинг мазмунини ўзида ташийдир. Ахир мазмун валентлиги актанти семантикаси валентликни берувчи сўз лексик

¹ Қаранг: Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис. –Тошкент, 1961, 126-б. Болтабоева Х. Ўзбек тилида мураккаблашган содда гап. –Тошкент:Фан, 1969, 25-б.

маъносининг маълум семасига кўра тенг келади. Масалан: *Давра жуда зич: одам қалин* (Ойбек) гапига эътибор берайлик. Бу гапда *зич* сифати кесим вазифасида келган. Ундан кейин берилган *одам қалин* ажратилган изоҳловчиси *зич* сифати маъносига аниқлик киритган, маъносини кенгайтирган ҳолда ифодалаган. Бу гапдаги сифат билан ифодаланган ‘нималарнингдир кўп ва тифиз жойлашуви’ни билдирса, унинг мазмун актанти воқеланган ажратилган бўлакнинг етакчи узви бўлган *қалин* сифати ҳам ‘ниманингдир кўп ва тифиз жойлашуви’ ни ифодалайди. Яъни кесим вазифасидаги сифат билан унинг мазмун актантидаги етакчи узв семалари бир хил ифодага эга, тўлалиги билан классемадир. Шунинг учун ҳам, бу гапнинг кесими вазифасидаги сифатнинг ажратилган бўлакда воқеланган валентлиги мазмун валентлиги деб қаралади. Чунончи сифатлар мазмунини эшвалент ўзида тўла акс эттиради. Айрим ҳолатда бундай ажратилган изоҳловчилар сифат кесим вазифасидаги сўз лексик маъносини тасвирлаш усули билан кенг қилиб ифодалаши ҳам мумкин. Масалан: *Бунда бари гўзал: тим қора оқшом, Юлдузлар боқади тунд ва ёввойи* (А.Орипов). Бу гапдаги *гўзал* сифатида ифодаланган кесимнинг мазмун валентлиги актанти *тим қора оқшом, юлдузлар боқади тунд ва ёввойи* ажратилган бўлагида қайд этилган. Бунда ажратилган бўлак сифат - *гўзал* сўзи лексик маъносини тўғридан-тўғри изоҳлаган эмас, балки тасвир йўли билан ифодалаган. Яъни *гўзал* сўзи семемаси семалари унинг мазмун валенти воқеланган қурилма ёки гапдаги тасвир ифодасида чиққан мазмун семаларига тенг келади. Шу ҳисобида классемани таркиб топтиради.

2. Сифатнинг мазмун валентлиги гапнинг уюшган бўлагида намоён бўлади. Бунда сифат кесим вазифасида келиб, гап охирида берилади ва умумлаштирувчи семантикага эга бўлгани учун ҳолда кетидан қайд этилган уюшган бўлақлар ўша кенг тушунчанинг ичига кирадиган тушунчаларни ифодалайди.¹ Бу тушунчалар албатта белгини билдиради. Бунда кенг маънодаги белги ифодаси уюшган ҳолда берилади, яъни ифодаланган майда белгилар изоҳлайди, маъносини очади. Масалан: *Очилган гуллар алвон турли: пушти, қизил, зангори* (Ойбек). Бу гапдаги кесим вазифасида берилган *алвон турли* сифати белги билдириб, у кенг маънога эга, умумлаштирувчи бўлак ҳисобланади. Кетидан келтирилган *пушти, қизил, зангори* уюшган бўлақлари ўзида унинг мазмунини берувчи, очувчи белги билдирувчи сифатлардан иборат. Яъни кесим вазифасидаги *алвон турли* сифати ‘бир неча’ ‘хил’ ‘ранг’ семаларидан иборат семемага эга бўлса, уюшган сифатларнинг ҳар бири ‘ранг’ архисемаси ва тур кўрсатувчи семаларни беради. Натижада, кесим вазифасидаги уюшган бўлақлар семемасини уюштиради. Шу характерда классемани таркиб топтиради.

3. Сифатнинг мазмун валентлиги ўхшатиш қурилмасининг эталонида ҳам намоён бўлади. Бунда ўхшатиш асоси ҳисобланган сифат гапнинг кесими вазифасини ўтайди. Унинг олдида контакт қўлланган ўхшатиш эталони сифат ифода этган белги қандай эканлиги ҳақида аниқлик беради,

¹ Қаранг: Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги замон ўзбек тили. 120-б.

яъни у сифат мазмун валентлигининг актанти сифатида воқеланади. Масалан: *Орқадаги ер ҳам шудгордай қоп-қора* (А.Мухтор). Бу гапдаги *қоп-қора* сифати кесим вазифасини ўтаган. У ўхшатиш қурилмасининг асоси ҳам ҳисобланади. Сифат олдида контакт қўлланган *шудгордай* сўзи ўхшатиш эталони бўлиб, у сифатдан англашилган рангнинг қандай эканлик мазмунини берган, яъни сифатнинг мазмун валентлиги актанти сифатида воқеланганган. Яъни кесим вазифасидаги *қоп-қора* сифати ‘кўмир’ ‘кўринишли’ ‘ранг’ семаларидан иборат семемага эга бўлса, унинг мазмун валенти воқеланган *шудгордай* сўзи ‘шудгор’ ‘рангига’ ‘ўхшаш’ семаларидан иборат семемани беради. Бу семемалардаги семалар ўзаро қиёсланар экан, улар ифодаси моҳиятан бир хил. Мана шу семема семаларидаги бир хиллик ҳисобига кесим вазифасидаги сифат билан унинг мазмун валентлиги воқеланган сўз классемани таркиб топтирган. Мазмун валентлиги, бундай ҳолда, деярли ўхшатиш эталони ва ўхшатиш шаклидан иборатлиги ҳолда, кесим вазифасидаги сифат ўхшатиш асоси бўлади. Мазмун валентлиги актанти бундай ҳолатда деярли ўхшатиш шакли билан қўлланади.

4. Сифатнинг мазмун валентлиги қиёслаш мазмунли бирикманинг тобе бўлагида ҳам воқеланади. Бунда бирикма кесим бошқарувли бўлгани ҳолда, кесим сифат туркумига оид сўзда ифода топади. Тобе бўлак чиқиш келишикли отда берилади. У сифат кесимда ифодаланган белгининг мазмуни ва унинг даражасини кўрсатади. Масалан: *Юзи пахтадан ҳам оқ эди* (Ойбек) гапига эътибор бериш мумкин. Бу гапдаги кесим билдирувчи сўз *оқ* сўзидир. Унинг мазмун валенти воситали тўлдирувчи вазифасидаги *оқ* сифатининг мазмунини ифодалаш билан бирга даражасини ҳам кўрсатган. Яъни кесим вазифасидаги *оқ* сифати ранг ифодали семемага эга. Бу сифатнинг мазмун валентлиги воқелаган *пахтадан ҳам* сўзи сифат кўрсатган рангнинг ортиқ миқдорда эканлигини ифодаловчи семемани билдиради. Яъни *оқ* ва *пахтадан* сўзлари семемалари ифодаси моҳияти тенглигига кўра классемани таркиб топтирган. Сифатнинг мазмун валентлиги гарчи факультатив характерга эга бўлса ҳам, ниҳоятда фаолдир.

Кўрдикки, сифатлар гап кесими вазифасида қўлланиб, мазмун валентлигини юзага чиқаради. Унинг мазмун валентлиги ажратилган бўлакларда, уюшган бўлакларда, ўхшатиш эталонида ва қиёслаш мазмунли қурилманинг тобе бўлагида воқеланади. Сифат билан унинг мазмун актанти ўзаро классемага эгаллиги учун, бу валентлик лексик-семантик деб қаралади. У факультативдир.

Контрагент валентлиги

Сифатлар гапда кесим вазифасида қўлланиб, контрагент валентлигини ҳам юзага чиқаради ва воситали тўлдирувчи вазифасида воқеланади. У ҳамма вақт шахс билдирувчи отларда ифодаланади. Контрагент актанти ҳамма вақт билан кўмакчиси воситасида кесим томонидан бошқарилади ва у билан ‘шахс’ семаси асосида бир хил семага эга бўлади. Масалан: *Мен Турғун билан тенқурман* (Ойбек). Бу гапнинг кесими *тенқурман* сифатида ифодаланган

бўлиб, кесимнинг эгалик кўрсаткичи контрагент актантга алоқасиз, у фақат агенс актантини кесим билан грамматик боғлаш учун хизмат қилади. Контрагент валенти гапдаги воситали тўлдирувчи вазифасида келган *Турғун* сўзида воқеланган ва у шу актант билан ‘шахс’ семаси асосида бир хил семага эга. Кесим шу семаси асосида агенс валенти билан ҳам семантик алоқада. Одатда кесим ҳамма вақт фақат ‘шахс’ семасига кўра ҳам агенс, ҳам контрагент актантлари билан семантик алоқага киришади. Чунки, агенс актанти билан контрагент актанти деярли бир хил семантик гуруҳга оид сўзлар бўлади.

Баъзан контрагент актантини агенс актантидан олдинга чиқариб гап тузилган ҳолатларни кузатиш ҳам мумкин. Масалан: *Турғун билан мен тенгқурман*. Айрим адабиётларда бундай гаплардаги *билан* ёрдамчи сўзини боғловчи деб кўрсатилади.¹ Лекин асло бундай эмас. Бу ўринда фақат контрагент актантини биринчи режада кўрсатиш учун, гап олдига чиқарилган. Шунинг учун ҳам кесимнинг эгалик кўшимчаси фақат агенс актантга ишора берган. Кесимдаги бу ишорани грамматик жиҳатдан ҳар икки актантни ҳисобда тутиб бериш ҳам мумкин. Яъни: *Турғун билан мен тенгқурмиз*. Бу гап кесимидаги эгалик I шахс кўпликда бўлиб, грамматик жиҳатдан ҳам агенсни, ҳам контрагентни талаб қилади. Бу ҳолда *мен* ва *Турғун* сўзлари уюшган эга, яъни уюшган агенс деб қаралса, хато эмасга ўхшайди. Аслида бундай бўлолмайди. Бу тенгқурликни таъкидлаш мақсади билан қилинган. Агар бу ўринда контрагент агент сифатида қайта семантик бўлинган бўлса, улар уюшган эга деб тан олинса, гап таркибидаги *мен* агенс актантини тушириб, имплицит ифодалашга илож қолмасди. Чунки коммуникацияда фақат агенс актантигина эллипсисга учраши мумкин. Яъни: *Турғун билан тенгқурмиз*. Бу гапда контрагент актанти эксплицит ҳолда берилиб, агенс эллипсисга учраган. Агар *мен* сўзи ҳам, *Турғун* сўзи ҳам агенс бўлганда, яъни уюшган эгалар бўлганда эди, улар таркибидан *мен* сўзини эллипсисга учратиб бўлмасди. Гапдаги *билан* кўмакчиси ўрнига ва бириктирувчи боғловчисини алмаштириб кўрамыз. Бунда *мен* ва *Турғун* сўзлари уюшган агенс актантга айланади.

Эътибор қилинг: *Турғун ва мен тенгқурмиз*. Улар биргаликда гапда ифода топган. Бу гап таркибидан *мен* кишилиқ олмошини эллипсисга учратиш мумкин эмас. Яъни: *Турғун ва тенгқурмиз*. Гап мантиқий тўла чиқмаган. Аёнки, агенс актанти билан атоқли от ёндош келиб, *билан* кўмакчиси воситасида шаклланган бўлса, у шубҳасиз кўнтрагент актантидир.

Айрим ҳолларда сифатнинг контрагент валенти воқеланган сўз шахс ифодаламай, тушунча ифодалаганлиги ҳам кузатилади. Бунда сифатнинг агенс актанти ҳам шундай тушунча ифодалайди. Лекин уларни ёзувчи жонлантириб тасвирлаган бўлади. Шундай ҳолда сифат ва унинг контрагент актанти шартли равишда шахс классемасига эга, деб ҳисобланади. Масалан: *Бутун умри унинг...хотиралари билан банд* (А. Мухтор). Бу гапда *банд* сифатининг контрагент актанти *хотиралари* сўзида берилган. У *билан*

¹ Қаранг: Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. 2-нашри. –Б. 164.

кўмакчиси орқали шаклланган. Сифат ва унинг контрагент актанти шартли равишда ‘шахс’ классемаси билан ўзаро семантик боғлиқ. Гапнинг агенс актанти ҳам контрагент актантга ўхшаш *умр* сўзида ифодаланган мавҳум тушунчасида қайд этилган. Контрагент актанти гапда воситали тўлдирувчи вазифасини ўтаган.

Кўрдикки, сифат кесим вазифасида қўлланиб, контрагент валентини юзага чиқаради ва у воситали тўлдирувчида воқеланади. Унинг грамматик кўрсаткичи ҳамма вақт *билан* кўмакчиси бўлади. Бу валентлик лексик-семантик бўлиб, фақат факультативдир.

Ўрин валентлиги

Ўрин валентлиги сифатнинг лексик-семантик валентликларидан бири бўлиб, унинг кесимлигидаги гапларда деярли воқелантирилади. Албатта, ҳар қандай лексик маъноли сифатларга бу хос эмас. У асосан ҳолат билдирувчи сифатларда кузатилади. Чунки ҳолат билдирувчи сифатлар семемаси таркибида албатта ‘ўрин’ семаси бўлади. У шу семасига кўра мавжуд ўрин валентлиги билан ўрин билдирувчи отни актант сифатида қабул қилади. Бу актант деярли ҳолда ўрин келишиги билан шаклланади. Масалан: *Серфайз шийпонларда ёзиқ дастурхон* (Э.Воҳидов). Бу гап кесими вазифасида ҳолат билдирувчи *ёзиқ* сифати келган. У семемасидаги ‘ўрин’ семасига кўра ўрин валентлигига эга. Шу валентлиги асосида *шийпонларда* сўзини актант қилиб олган. *Ёзиқ* сифати ‘маълум ўрин’ ‘очиб’ ‘тўшалган’ семаларидан иборат семемага эга бўлиб, унда ‘ўрин’ семаси бор. Унинг ўрин билдирувчи валенти воқеланган актанти *шийпонларда* сўзи бўлиб, ўзи ўрин билдиради, яъни ядро семаси ўрин ифодасига эга. Сифат билан унинг ўрин актанти шу семасига кўра классемани таркиб топтирган. Ўрин актанти ўрин келишиги билан шаклланган.

Шуни ҳам айтиш керакки, сифатларнинг ўрин актанти аксарият турдош от бўлиб, ўрин келишиги билан шаклланади. Бунинг устига унинг семемасида ядро сема фақат ўрин ифодасига эга бўлади. Лекин айрим ҳолларда ҳолат билдирувчи сифатнинг ўрин актанти атоқли отлардан танланиши ҳам мумкин. Атоқли от жой номи эканлиги ҳолда, албатта, ўрин билдирувчи потенциал семага эгалик қилади. Одатда жой номлари, яъни микро- ва макротопонимлар ‘ўрин’ потенциал семасини ўзида сақлайди. Буни коммуникацияда юзага чиқаради. Масалан: *Рўза оқшомлари Шайхантовурда одам қалин* (Ойбек). Бу гапда *қалин* сифати кесим вазифасида қўлланган. У ҳолат билдирувчи сифат бўлганлиги учун ‘ўрин’ семасига эга. Унинг ўрин валенти *Шайхантовур* атоқли отида воқеланган. У жой номини билдиради. Жой номи бўлганлиги учун, ўрин билдирувчи потенциал семага эга. Ҳолат билдирувчи сифатнинг ‘ўрин’ семаси жой номидаги ўрин потенциал семаси билан классемани таркиб топтирган.

Ҳолат билдирувчи сифатларнинг ўрин валентлиги намоён этилган отлар семемасида ўрин билдирувчи ядро сема бўлмаслиги мумкин. Бунда унинг

актантини шакллантирган ўрин келишиги ўзи бириккан сўз семемасидаги потенциал семани юзага чиқарганлиги кузатилади.¹ Масалан: *Ўриқларда довуччалар гуж-гуж* (Ойбек). Бу гапдаги кесим вазифасида келган *гуж-гуж* сўзи жуфт сифатдир. У ҳолат билдирувчи сифат бўлгани учун унинг семемаси таркибида ўрин семаси бор. Бу сифатнинг ўрин валенти *ўриқларда* сўзида воқеланган. Ўриқ сўзининг ядро семалари ичида ўрин семаси йўқ. *Ўриқ* сўзи семемасида ўрин семаси фақат потенциал сема сифатида мавжуд. Чунончи ҳар қандай дарахт унинг тепасида бўлувчи учун ҳамма вақт ўрин бўла олади. Шунга кўра *гуж-гуж* сифати билан *ўриқ* оти классемани таркиб топтирган, деб ҳисобланса бўлади.

Ҳолат билдирувчи сифатларнинг ўрин актантини жўналиш келишиги ҳам шакллантириши мумкин. Масалан: *Тош тушган ерига оғир* (Шухрат). Бу гапда ҳолат билдирувчи *оғир* сифати кесим вазифасида қўлланган. У ҳолат сифати бўлганлиги учун ҳам ‘ўрин’ семасига эга. Бу сифатнинг ўрин валенти *ерига* сўзида воқеланган. Унинг ҳам семемаси таркибида ‘ўрин’ семаси бор. Бу сўзлар ўзаро ‘ўрин’ классемасини таркиб топтирган. Ўрин актанти *ерига* сўзи эса жўналиш келишиги билан шаклланган ўрин ҳолидир. Ҳолат билдирувчи сифатнинг ўрин актанти камдан-кам ҳолатда бундай жўналиш келишиги билан шаклланади.

Ҳолат билдирувчи сифатларнинг ўрин актантини жўналиш келишиги *-даги* аффикси ва ўрин билдирувчи кўмакчилар ҳам шакллантиради. Сифатнинг актантлари келишик ёки кўмакчи билан шаклланиб келар экан, синтактик жиҳатдан улар гапда ўрин ҳоли вазифасида келади.

Ҳолат билдирувчи сифатларнинг ўрин валенти ўрин билдирувчи равишларда ҳам воқеланади. Масалан: *Очил бува унинг олдида улкан эди* (А. Мухтор). Бу гапдаги ҳолат билдирувчи *улкан* сифати кесим вазифасида қўлланган. У ‘ўрин’ семасига эга. Унинг ўрин валенти *олдида* ўрин равишида воқеланган. У синтактик жиҳатдан ўрин ҳоли вазифасини ўтаган. Шундай бўлгач, у ‘ўрин’ семасига ҳам эга. *Улуг* сифати ва унинг ўрин актанти бўлган *олдида* ўрин равиши ўзаро семантик боғлиқ эканлиги ҳолда, мана шу ‘ўрин’ семалари билан классемани таркиб топтирган.

Ҳолат билдирувчи сифатларнинг ўрин валентлигини, юқоридаги таҳлилларга биноан, асосан ўрин ҳолида воқелантиради, дейиш мумкин. Лекин фақат шундай эмас. У кўп ҳолларда гапда эга вазифасида воқеланади. Бу кесим вазифасидаги ҳолат билдирувчи сифат мантиқ урғусини олиб, ўзида берилган таъкид контакт қўлланган ўрин ҳолига қаратилганлигини англатади. Масалан: *Кўчалар озода* (Х. Ғулом). Бу гапдаги ҳолат билдирувчи *озода* сифати кесим вазифасида қўлланган. Бу сифатнинг семемаси ‘ҳамма’ ‘ери’ ‘тозаланган’ семаларидан иборат. Яъни унинг иккинчи семаси ‘ери’ бўлиб, ўрин билдиради. Шунга кўра мавжуд ўрин валентлиги гап эгаси вазифасидаги *кўчалар* сўзида воқеланган. У от туркумига мансуб. *Кўчалар* оти семемаси ‘катнов учун’ ‘мўлжалланган’ ‘жой’ семаларидан иборат.

¹ Қаранг: Қурбонова Б. Қ. Локаллик ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2007, 12-б.

Ҳолат сифати бўлган *озода* сўзининг ҳам, унинг ўрин актанти бўлган *кўчалар* сўзининг ҳам семемасида ‘ўрин’ семаси мавжуд. Улар шу семалари асосида классемалидир. Бу гапда *озода* сўзи билан таъкидланган ҳолат *кўчалар* сўзида ифодаланган жойга қаратилган. Шунинг учун ҳам *кўчалар* отини *озода* сифати олдидан, унга контакт ҳолда қўлланган. *Кўчалар* сўзи актуал бўлакранишнинг маълум бўлаги сифатида эга вазифасида қайд этилган ва гап бошида келтирилган. Унинг кетидан ёнма-ён янгилик (рема) сифатида ҳолат билдирувчи *озода* сўзи келтирилган. Ҳолат билдирувчи сифат билан унинг ўрин актанти ўртасида гап бўлакларининг тақсимланиши шунга асослангандир. Бу ҳолат сифатининг ўрин валанти эга вазифасида воқеланиши учун асосий сабаб ҳисобланади.

Ҳолат билдирувчи сифатлар гап кесими вазифасида қўлланиб, унинг ўрин валанти эга вазифасида воқеланар экан, у ҳамма вақт от туркумига мансуб сўзда ифодаланмай, ўрин равишида ифодаланиши ҳам мумкин. Масалан: *Атроф гира-шира қоранги* (С.Аҳмад). Бу гапда сифат билан ифодаланган от кесим *қоранги* сўзидир. Унинг семемаси таркибида ‘ўрин’ семаси бор. Шу сўзнинг ўрин валанти гап эгаси вазифасида воқеланиб, ўрин равишида ифодаланган. Бу ўрин равишига мансуб *атроф* сўзидир. Шунга биноан *қоранги* сифати ўз ўрин актанти *атроф* сўзи билан классемани таркиб топтирган.

Кўрдикки, ҳолат билдирувчи сифатлар ўрин валентлигига эга бўлиб, у ўрин ҳоли вазифасида ва эга вазифасида воқеланади. Ўрин валентлиги воқеланган гап бўлаги ё от туркумига, ё ўрин равишига мансуб сўзда ифода топади. Ҳолат билдирувчи сифат ўз ўрин актанти билан ҳамма вақт ўрин классемаси воситасида семантик алоқада бўлади. Яъни сифатнинг ўрин валентлиги лексик-семантикдир. Бу валентлик факультатив характерга эга.

Адресат валентлиги

Адресат валентлиги сифатнинг лексик-семантик валентликларидан бири бўлиб, у ҳам феълнинг адресат валентлигига ўхшаб, ‘шахс’ семаси асосида юзага келади. Унинг актанти ҳам сифатдан англашилган ҳолат қаратилган шахс ёки шахсларни билдиради. Масалан: *Муҳаббатим чексиз барча эл учун* (Э.Воҳидов). Бу гапда *чексиз* сифати кесим вазифасида келган. Ундан англашилган ҳолат адресат актанти сифатида воқеланган *эл учун* сўзи ифодалаган шахсларга қаратилган. У *учун* кўмакчиси билан шаклланган. Адресат валентлиги актанти, феълнинг адресат валентлиги актантига ўхшаб, ё жўналиш келишиги, ё *учун* кўмакчиси воситасида шаклланган бўлади.

Адресат валентлиги актанти сифат кесимлигида ҳам, феъл кесимлигидагига ўхшаш, гапда ҳамма вақт воситали тўлдирувчи вазифасида келади ва шахс маъносида воқеланади. Масалан: *Баҳор шамоли бизларга ҳамқур* (Ойбек). Бу гапда *ҳамқур* сўзи кесим вазифасида қўлланган. Унинг адресат актанти воситали тўлдирувчи вазифасидаги *бизларга* сўзида воқеланган. Сифатдан англашилган ҳолат адресат актанти воқеланган

бизларга сўзига, яъни ундан англашилган шахсларга қаратилган. У жўналиш келишиги билан шаклланган. Ҳолат сифати ҳам, унинг адресат актанти *бизларга* кишилиқ олмоши ҳам шахс семасига эга ва шу асосда классемани таркиб топтирган, яъни ўзаро семантик алоқага киришган.

Сифатнинг адресат валентлиги актанти, феълнинг адресат валентлигига ўхшаб, ё жўналиш келишиги, ё *учун* кўмакчиси билан шаклланади.

Сифат қаратқичли бирикманинг қаралмиши сифатида келиб, шу бирикма таркибида гап кесими вазифасида қўлланиши ва адресат валенти ўз қаратқичида воқелантириши ҳам кузатилади. Масалан: *Қиз бола - бировнинг ҳасми* (Обек). Бу гапда *бировнинг ҳасми* қаратқичли бирикмаси кесим вазифасида қўлланган. Унинг таркибидаги қаралмиш *ҳасм* сифатида ифодаланган. У адресат валентини шу бирикмадаги қаратқич бўлакда воқелантирган. Чунки қаратқичли бирикманинг қаралмиши ҳамма вақт ҳоким бўлак бўлиб, қаратқич унинг бирор актанти ҳисобланади. Одатда сифатнинг ўзини гапнинг кесими вазифасида қўлланган деб кўрсатиб, қолган бўлақларни унинг актантларидан қайсисидир, деб келинар эди. Бу гапда кесим вазифасида қаратқичли бирикма қўлланди. Яъни уни синтактик нуқтаи назардан таҳлил қилиниб, бўлақларга ажратилди. Гапни валентлик нуқтаи назардан таҳлил этилиб, аввал ҳоким сўз ва кейин унинг актантлари ажратиладиган бўлса, биринчи навбатда қолган бўлақларнинг семантик моҳиятини ўз ҳажмига сиғдирадиган лексик бирлик белгилаб олинади ва кейин унинг валентликлари актантини билдирувчи бирлик ажратилади. Шу нуқтаи назардан ёндашиладиган бўлса, гап кесими бўлган қаратқичли бирикма икки лексик бирликдан иборат. Бирикманинг қаралмиши ҳоким бўлақдир. Яъни гапдаги қолган бўлақлар унинг актантлари ҳисобланади. Гапдаги *қиз бола* бирикмаси *ҳасм* сифатининг агенс актантидир. Энди гапда таҳлилга тортилмаган бир лексик бирлик *бировнинг* сўзи қолди. У кесим ифодаланган бирикмада тобе ҳисобланган қаратқич бўлақдир. Бу бўлак *ҳасм* сўзи ифодалаган тушунча қаратилган шахсни билдиради. Яъни у *ҳасм* сифатининг адресат валенти актантидир. Гарчи бу ўринда сифат ва унинг адресат актанти қаратқичли бирикмани таркиб топтирган бўлса ҳам, у мазмунан жўналиш келишикли сифат бошқарувига ўхшаш синтактик синоним ҳисобланади. Шу билан бирга сифат ва унинг адресат актанти ўзаро семантик алоқага – классемага эга.

Сифат ва унинг адресат актанти қаратқичли бирикмада ифода топиши кўпроқ ўзбек тилининг ўзига хос бўлиб, жуда кам қўлланади. Масалан: *беканинг чўриси, ўткинчининг кўз-қулоғи, чайқовчининг миջози* каби мисоллар ҳам худди шундай таҳлил этилиши керак. Улар *бекага чўри, ўткинчига кўз-қулоқ, чайқовчига миջоз* каби сифат бошқарувларининг синтактик синоними ҳисобланади. Бу эроний ва арабий изофаларда ҳам кузатилади, лекин кам. Аммо рус ва немис тилига ўхшаш Ҳинд-Европа тилларида бундай эмас. Уларда шу қаратқичли бирикмада берилган мазмунлар жўналиш келишиги (дательный ва *dativ* кабилар) билан шаклланган сифат бошқарувида берилаверади.

Сифат билан ифодаланган кесимларнинг адресат валентлиги бошқа валентликларга нисбатан коммуникацияда ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Бу ҳақда феъл кесимларнинг адресат валентлиги коммуникацияси ҳақида тўхтаганимизда ҳам айтган эдик. Феълларнинг адресат валенти воқеланар экан, у билан агенс ва объект валенти ҳам бирга воқеланади. Бу бор гап. Аммо сифат билан ифодаланган кесимларнинг адресат актанти воқеланар экан, жуда бу даражада бўлмайди. Унда агенс актанти ўз ўрнини топмайди. Чунки, юқорида таъкидланганидай, сифат билан ифодаланган кесимлигида тузилган гап қолипи мажхул нисбатли сифатларнинг кесимлигида тузилган гап қолипи ҳолатида бўлади. Бунда сифатнинг объект валенти гап эгасида воқеланиб, адресат валенти воситали тўлдирувчида воқеланади ва агенс актанти учун гап қолипида ўрин қолмайди. Масалан: *Хизматим сен учун холис*. Бу гапда *холис* сифати кесим вазифасида қўлланган. Унинг объект валенти эга вазифасидаги *хизматим* сўзида, адресат валенти воситали тўлдирувчи вазифасидаги *сен учун* сўзида воқеланган. Гапда сифатнинг агенс валенти воқеланиши учун имкон қолмаган. Мантиқан қараганда, уни иккинчи воситали тўлдирувчи вазифасида воқелантириб юбориш мумкин. Яъни: *Хизматим мендан сен учун холис*. Бу гапда *холис* сифатининг агенс валенти воситали тўлдирувчи вазифасидаги *мендан* сўзида воқеланган. Аммо жонли нутқ учун бундай гап тузилиши меъёрий бўлолмайди. Агенс валентини мавжуд гап қолипида бериш коммуникацияга сиғишмайди. Қаратқичли бирикмаларда эса қаралмишнинг фақат адресат валенти қаратқич бўлагиди воқеланиб, бошқа валентлари воқеланиши учун ўрин йўқ.

Адресат валентлиги актанти сифат кесимлигида ҳам, феъл кесимлигига ўхшаш, гапда деярли воситали тўлдирувчи вазифасида келади ва шахс маъносида воқеланади.

Кўрдикки, сифат кесим вазифасида келиб, унинг адресант валентлиги воситали тўлдирувчи вазифасида; агар у қаратқичли бирикма таркибида қаралмиш вазифасида қўлланса, унинг адресат валентлиги қаратқичли аниқловчи вазифасида воқеланади. Сифатнинг адресат валентлиги лексик-семантик бўлиб, факультативдир.

Сабаб валентлиги

Сабаб валентлиги сифатнинг лексик-семантик валентликларидан бири бўлиб, у ҳам феълнинг сабаб валентлигига ўхшаб, ‘ҳолат’ семаси асосида юзага келган бўлади. Унинг актанти ҳам сифатдан англашилган ҳолат, агенс ҳолати учун сабаб бўлган ҳолатни билдиради. Масалан: *Кўкнори газабдан бежо* (Ойбек). Бу гапнинг кесими *бежо* сифати билан ифодаланган. Ундан англашилган ҳолат, шахс ҳолати учун сабаб бўлган ҳолат *газаб* сўзида ифода топган. У чиқиш келишиги билан шаклланган. Бу ўринда сифат ҳам, унинг сабаб валентлиги актанти ҳам ҳолат семасига эга ва шунга кўра классемани таркиб топирган. Сифат кесимларнинг сабаб валентлиги актанти чиқиш ёки ўрин келишиги билан шаклланган бўлади. Масалан: *Ботаётган қуёш яллиғида тоғлар ниҳоят гўзал* (Ойбек). Бу гапдаги *гўзал* сифати кесим

вазифасида қўлланган. У ҳолат ифодасини беради. Унинг сабаб валенти сабаб ҳоли вазифасидаги *яллигида* сўзида воқеланган. У ҳам ҳолат ифода этади. Яъни сифат ва унинг сабаб актанти бир хил семага эга, классемани таркиб топтирган. Ҳолат сифатининг сабаб валенти актанти жўналиш келишигидаги олмош бўлиши баробарида гумон маъносини илова қилувчи *-дир* аффиксини орттириши ҳам мумкин. Масалан: *Кўнглим негадир хира* (Ойбек). Бу гапнинг кесими *хира* сифатида ифода топган. Унинг сабаб валенти гумон маъноли *негадир* олмошида воқеланган. Сифат ва унинг сабаб актанти семантикасида деярли фарқ сезилмайди, улар ҳолат семасига кўра классемани таркиб топтирган.

Сифатнинг сабаб валенти воқеланган сўз *учун* кўмакчиси билан ҳам шаклланиши мумкин. Бунда сабаб актанти ҳеч вақт аниқ маъноли от бўлмайди. У деярли ҳолда мавҳум отлардан танланади. Масалан: *Боққол кўрслиги учун совуқ* (Ойбек). Бу гапнинг кесими *совуқ* сифатида ифодаланган. У ҳолат билдиради. Унинг сабаб валентлиги *кўрслик* мавҳум отида воқеланган ва *учун* кўмакчиси билан шаклланган. Сифат ҳам, унинг сабаб актанти ҳам ҳолат ифодасига эга. Яъни улар семемаси бир хил 'ҳолат' семали бўлиб, классемани таркиб топтирган. Таҳлиллардан маълумки, сабаб актантилари ё ҳолат билдирувчи от, ё мавҳум от, ё ҳаракат номларида ифода топади.

Сифатнинг сабаб валенти баъзан гап эгасида ҳам воқеланади. Масалан: *Сабаби ўзимга ҳам номаълум* (С. Аҳмад). Бу гапнинг кесими *номаълум* сифатида ифодаланган. Унинг сабаб валенти гап эгаси бўлган *сабаб* сўзида воқеланган. Бу гапда ҳам кесим вазифасидаги *номаълум* сифати ва унинг сабаб актанти бўлган *сабаб* сўзи ҳам бир хил ҳолат семасига эга ва шу асосда классемани таркиб топтирган.

Сифат кесимлигидаги сабаб валентлиги актанти, худди феъл кесимлигидаги сабаб валентлиги актантига ўхшаб, гап таркибида деярли воситали тўлдирувчи вазифасида ва улардан фарқли ҳолда баъзан эга вазифасида ҳам келади.

Кўрдикки, сифат кесим вазифасида қўлланиб, сабаб валентлигини юзага чиқаради ва у асосан воситали тўлдирувчи, баъзан эга вазифасида воқеланади. У классемага асосланганлиги учун лексик-семантик ҳисобланади ва факультативдир.

Мақсад валентлиги

Кесим вазифасида қўлланган сифатларнинг лексик-семантик валентликларидан бири мақсад валентлигидир. Аёнки, сифатнинг бу валентлиги феълнинг мақсад валентлигига ўхшамайди. У воситали семантик валентлик эмас. Сифат бу валенти актанти билан тўғридан-тўғри семемаларининг маълум семаси бир хиллилигига кўра ўзаро боғланаверади. Сифат мақсад валенти актанти билан ўзаро семантик боғланиши учун орада бирор лексик бирлик семемасининг семаси восита бўлмайди. Бунинг устига ҳар қандай сифат ҳам мақсад валентлигига эга бўлавермайди. Барча

семантик майдонга мансуб феъл мақсад валентлигига эга бўлаверади, деб айтилган эди. Сифатларнинг эса кесим вазифасида ноль кўрсаткич билан ҳозирги-келаси замонни бера оладиган сифатларгина мақсад валентлигига эга бўла олади. Масалан: *Жонон васли деб шошқич* (Ҳ.Салоҳ). Бу гапда *шошқич* сифати кесим вазифасида келган ва ҳозирги келаси замонни кўрсатган. Унинг мақсад валенти мақсад ҳоли вазифасидаги *васл* сўзида воқеланган. *У деб* кўмакчи феъли билан шаклланган. Бу гаптаги *шошқич* сифати билан унинг мақсад актанти ўзаро семемаларининг ‘мўлжал’ семаси воситасида боғланган.

Сифат ўз мақсад валенти актанти билан *учун* кўмакчиси воситасида ўзаро семантик алоқада бўлиши ҳам мумкин. Масалан: *Мато кўйлак учун бичиқ эди* (Шухрат). Бу гаптаги кесим вазифасида *бичиқ* сифати қўлланган бўлиб, *у эди* тўлиқсиз феълени орттирган ва ўтган замонни кўрсатган. Унинг мақсад валенти *кўйлак* сўзида воқеланган. Мақсад валентига эга ҳар қандай сифат тўлиқсиз феълни орттириб, ўтган замонда қўлланавериши мумкин. Лекин мақсад валентига эга бўлган сифат ҳеч қандай ҳолатда ҳеч қанақасига келаси замонни кўрсатиши мумкин эмас. Бу сифат ҳам ўз мақсад актанти билан ‘бичим’ семасига кўра бир хил семага эга.

Кесим вазифасидаги сифатнинг мақсад актанти тушум келишигини орттириб, сифатдош шаклидаги ёрдамчи феъл билан келгани ҳолда шаклланиши ҳам мумкин. Масалан: *У ким ўзарни кўзлаган чопқир* (Уйғун). Бу гаптаги *чопқир* сифати кесим вазифасида қўлланган. Унинг мақсад валенти *ўзар* сифатдошида воқеланган бўлиб, сифатдош отлашган ҳолда тушум келишигини орттирган. *У* яна сифатдош шаклидаги *кўзлаган* ёрдамчи феъли билан шаклланган. Бу *чопқир* сифати ҳам ўз мақсад актанти *ўзар* сўзи билан семемаларининг ‘тез’ семасига кўра бир хил семага эга. Сифатдош шаклидаги *кўзлаган* ёрдамчи феъли ўрнида сифатдош шаклидаги *қараган, мўлжаллаган* ёрдамчи феълларини қўллаш ҳам мумкин. Уларнинг вазифалари ўртасида унчалик тафовут сезилмайди.

Сифатларнинг мақсад актантлари синтактик жиҳатдан гапда ҳамма вақт мақсад ҳоли вазифасини ўтайди.

Кўрдикки, кесим вазифасида қўлланган сифатлар гапда фақат мақсад ҳоли вазифасида воқеланади. Улар *учун* кўмакчиси ва *демоқ, кўрмоқ, қарамоқ, мўлжалламоқ* ёрдамчи феълларининг равишдош ёки сифатдош шакли билан шаклланиб келади. Бу валентлик лексик-семантик бўлиб, факультативдир.

Восита валенти

Восита валентлиги сифатнинг лексик-семантик валентликларидан бири бўлиб, *у* ҳам феълнинг восита валентлигига ўхшаб, ‘ҳолат’ семаси асосида юзага келган. Унинг бу валентлиги воситали тўлдирувчи вазифасидаги сўзларда воқеланади ва актантлари сифатдан англашилган ҳолатнинг юзага келиши учун восита бўлувчи характер ёки ҳодисани билдиради. Масалан: *Ҳар ким ўз бахти, ўз дарди билан банд* (Э.Воҳидов). Бу гапнинг

кесими *банд* сифати билан ифодаланган. Унинг семемасида ‘ҳолат’ семаси мавжуд. Шунга кўра унинг восита валенти юзага чиққан ва у *дард* ва *бахт* сўзларида воқеланган. Бу сўзлар ҳам ҳолат семасига эга. Шунга кўра сифат ва унинг восита валенти актанти ўртасида классема таркиб топган. Восита актантлари бўлган *дард* ва *бахт* сўзлари билан кўмакчиси воситасида шаклланган. У *банд* сифатида ифодаланган ҳолат амалга ошувида восита бўлган.

Сифат кесимлигидаги восита валентлиги актанти, худди феъл кесимлигидаги восита валентлиги актантга ўхшаб, гап таркибида ҳамма вақт воситали тўлдирувчи вазифасини ўтайди.

Кўрдикки, сифат кесим вазифасида келиб, восита валентлигини юзага чиқаради ва воситали тўлдирувчи вазифасида воқеланади. Сифат билан унинг восита актанти ‘ҳолат’ классемасига эга. Унинг валентлиги лексик-семантик бўлиб, факультативдир.

Ҳолат валентлиги

Ҳолат валентлиги сифатнинг лексик-семантик валентликларидан бири бўлиб, у ҳам, феълнинг ҳолат валентлигига ўхшаш, ‘ҳолат’ семаси асосида юзага келади. Унинг актанти ҳам сифатдан англашилган ҳолатнинг қай тарзда воқеланишини даражалаб ифода этади. Шунинг учун ҳам валентлик актанти тарз равишидан танланади. Тарз равиши шундай даражалаб ифодалаш хусусиятига эга. Масалан: *Адолат она сал хомуш* (Шухрат). Бу гапдаги кесим вазифасида келган сифат *хомуш* сўзидир. Унинг семемаси ҳолат ифода этади. Шу семемасининг ядро семаси асосида юзага келган ҳолат валенти *сал* тарз равишида воқеланган. У сифатда ифодаланган ҳолат тарзини камайтириб кўрсатади, яъни кам ҳолатда қилиб ифодалайди. Кейинги мисолга эътибор берайлик: *Дарахтлар бутунлай яланғоч* (Ойбек). Бу гапдаги кесим вазифасида келган *яланғоч* сифати ‘ҳолат’ семемасининг ядро семаси бўйича юзага чиққан валенти тарз равиши *бутунлай* сўзида воқеланган. Бу сифатдан англашилган ҳолат тарзи тўла эканлигини кўрсатади. Яна бир мисол: *Дўкандорлар ўтакетган хасис* (Ойбек). Бу гапдаги кесим вазифасида келган *хасис* сифати ҳолат семемасининг ядро семаси бўйича юзага чиққан валенти тарз равиши бўлган *ўтакетган* сўзида воқеланган. Бу сифатдан англашилган ҳолат тарзини меъеридан орттириб кўрсатади, яъни ортиқ ҳолатда қилиб ифодалайди.

Кесим вазифасида қўлланган сифатнинг ҳолат валентлиги юкламада воқеланиши ҳам кузатилади. У сифатдан англашилган ҳолатни ортиқ даражада қилиб кўрсатади. Масалан: *Ҳаммаси бир хил тим қора* (А.Мухтор). Бу гапдаги кесим вазифасида қўлланган ҳолат сифати ранг билдиради. Унинг ҳолат валенти *тим* юкламасида воқеланган. Бу актант сифатдан англашилган ҳолатни кучайтирган. Сифат ва унинг валенти актанти ‘ҳолат’ семасига кўра классемага эга.

Кесим вазифасида қўлланган сифатнинг ҳолат валентлиги гумон олмошида воқеланиши ҳам кузатилади. У сифатдан англашилган ҳолатни

мавхумлаштириб кўрсатади. Масалан: ... *аллақандай кўрқинчлироқ эди бугун* (А. Мухтор). Бу гапда кесим вазифасида ҳолат сифати бўлган *бугун* сўзи қўлланган. Унинг ҳолат валенти *аллақандай* гумон олмошида воқеланган. Бу актант сифатдан англашилган ҳолатни мавхумлаштириб ифодалаган. Мазкур ҳолат сифати ҳам ўзининг ҳолат актанти бўлган *аллақандай* олмоши билан 'ҳолат' семасига кўра классемага эга.

Сифат кесимлигидаги ҳолат валентлиги тарз равиши, юклама ва гумон олмоши кабиларда ҳамма вақт тарз ҳоли вазифасида воқеланади. Сифатлар ўз ҳолат актантлари билан 'ҳолат' семасига кўра классемага эга бўлади.

Кўрдикки, сифат кесим вазифасида қўлланиб, ҳолат валентлигини юзага чиқаради ва у тарз равиши, юклама ва гумон олмошида воқеланиб, синтактик жиҳатдан ҳамма вақт тарз ҳоли вазифасида келади. Унинг валентлиги лексик-семантик бўлиб, факультативдир.

Микдор валентлиги

Сифат кесим вазифасида қўлланиб, микдор валентлигини ҳам юзага чиқаради ва у тарз ҳоли вазифасида воқеланади. У синтактик вазифаси ва семантикаси жиҳатдан ҳам сифатнинг ҳолат валентлигига жуда яқин туради. Микдор валентлиги актанти худди ҳолат валентлигига ўхшаб сифатдан англашилган ҳолат тарзини даражалаб, аниқроғи микдоран даражалаб кўрсатиб беради. Масалан, *икки марта ортиқ* бирикувига эътибор бериш мумкин. Бунда *ортиқ* сўзи сифат туркумига мансублиги ҳолда, кесим вазифасида келган. Унда юзага келган микдор валенти *икки марта* сўзида ифодаланган тарз ҳолида воқеланган. Микдор валентининг актанти сифатдан англашилган ҳолатни даражалаб кўрсатган, яъни даража микдорини қайд этган.

Феълларнинг микдор валентлиги воситали семантик валентлигига мансуб, уларда феъл билан унинг микдор валенти актанти ўзаро семантик боғланиши учун оралик сўз зарур эди. Сифатлар ўз микдор валенти актанти билан семантик боғланиши учун бундай заруриятнинг кераги йўқ. Чунки сифатларнинг фақат ҳолат билдирувчилари микдор валентлигига эга бўлади. Сифатдаги ҳолат ифодаси билан микдор валентлигидаги даража меъёри ҳам ўхшаш семемага эга. Улар муштарак семага эга бўлиши табиий. Шунинг учун уларни лексик-семантик валентликлар қаторига киритаверса бўлади.

Сифатларнинг микдор валентлиги улардан англашилган ҳолатнинг икки хил микдорий даражасини кўрсатади: 1) микдорий даражасининг ҳиссага фарқланишини; 2) микдорий даражаланишнинг маълум бир улушга фарқланишини.

Сифатнинг микдор валентлиги актанти ундан англашилган микдорий даражанинг ҳиссага ортиқлигини кўрсатиши керак бўлса, у воқеланган сўз кетидан ҳамма вақт *март*, *карра*, *ҳисса* каби ёрдамчи сўзларни қўшиб, шакллантиришга тўғри келади. Масалан: *икки ҳисса баланд*. Бу бошқарувли бирикмада *баланд* сўзи кесим вазифасида қўлланган. Унинг микдор валенти тарз ҳоли вазифасидаги *икки* сўзида воқеланган. У *ҳисса* ёрдамчи сўзи билан

шаклланган. Шунинг учун *баланд* сифати билан бирикиб, ундан англашилган бўй узунлигининг яна ўшанча ҳисса ортиқлигини кўрсатган.

Сифатнинг миқдор валентлиги актанти ундан англашилган миқдорий даражанинг маълум бир улушига фарқланишини кўрсатиши керак бўлса, у воқеланган сўз кетидан албатта *грамм, литр, метр, таноп, гектар, тонна* ва ҳ. нумератив отлар келтирилади. Масалан: *уч метр узун*. Бу бошқарувли бирикмада *узун* сўзи кесим вазифасида қўлланган. Унинг миқдор валенти тарз ҳоли вазифасидаги *уч* сўзида воқеланган. *У метр* нумератив оти билан бирга қўлланган. Шунинг орқасида *узун* сифати билан бирикиб, ундан англашилган миқдорга яна қўшилганлигини билдириб келган.

Сифатларнинг миқдор валентлиги актанти коммуникацияда ҳамма вақт объект валентлиги актанти билан йўлдош қўлланади. Масалан: *Бўйи тўрт қарич қисқа*. Бу гапда *қисқа* сифати кесим вазифасида қўлланган. Унинг миқдор валенти шу гапда тарз ҳоли вазифасида қўлланган *тўрт қарич* бирикувида воқеланган. Шу гапда яна шу сифатнинг воқеланган объект валенти актанти *бўйи* сўзи ҳам бор. У эга вазифасида келган. Айтилганидай, гапнинг кесими сифат туркумига мансуб сўз бўлса, унинг объект валенти актанти фақат эга вазифасини ўтайди. Яъни шу гапнинг ўзида *қисқа* сифатининг ҳам объект, ҳам миқдор валенти актантлари йўлдош ҳолда берилган. Яна шуни ҳам айтиш керакки, гап таркибида сифатнинг объект валенти қайд этилмай қолиши ҳам кузатилади. Масалан: ... *тўрт қарич қисқа* каби. Бироқ бунда ҳам сифатнинг объект актанти ҳамма вақт имплицит англашилиб туради. Бу эса уларнинг ҳамма вақт йўлдош қўлланишини тасдиқлайди.

Кўрдикки, сифатлар кесим вазифасида қўлланиб, миқдор валентлигини юзага чиқаради ва у тарз ҳолида воқеланади. Миқдор валентлиги актанти миқдор даражасининг ҳисса фарқланишини ифодаласа, унга *марта, карра, ҳисса* ёрдамчи сўзлари; улушга фарқланишини ифодаласа, унга *грамм, кило, тонна, ботмон, литр, мисқол, метр, гектар* ва ҳ. нумератив сўзлар қўшилиб келади. Миқдор валентлиги лексик-семантик бўлиб, у факультативдир.

Демак, кесим ёки қаралмиш вазифасида қўлланган сифатларнинг лексик-семантик валентлиги *агенс, объект, мазмун, контрагент, адресат, ўрин, сабаб, мақсад, восита, ҳолат* ва миқдор валентликларидан иборатдир. Унинг агенс валентлиги эга, воситали тўлдирувчи ёки аниқловчили бирикманинг қаратқичи; объект валентлиги эга, воситасиз тўлдирувчи ёки аниқловчили бирикманинг қаратқичи; мазмун валентлиги ажратилган бўлак, уюшган бўлак, ўхшатиш эталони ёки қиёслаш мазмунли қурилманинг тобе бўлаги; контрагент валентлиги воситали тўлдирувчи; ўрин валентлиги эга ёки ўрин ҳоли; адресат валентлиги воситали тўлдирувчи; сабаб валентлиги сабаб ҳоли; мақсад валентлиги мақсад ҳоли; восита валентлиги воситали тўлдирувчи; ҳолат ва миқдор валентликлари тарз ҳоли вазифасида воқеланади. Шулардан агенс ва объект валентликлари облигатор бўлиб, қолган мазмун, адресат, ўрин, сабаб, мақсад, восита, ҳолат ва миқдор валентликлари факультативдир.

3. Сифатнинг шакл семантикаси валентликлари

Сифатнинг шакл семантикаси валентлиги бўлиб, бу ҳам феълнинг шакл семантикаси валентлигига ўхшаш, туркий тилларнинг, шу жумладан, ўзбек тилининг тил хусусиятига хос ҳолатда юзага келади. Бу ҳам сифат кесим вазифасида келганида кузатилади. Сифат кесимлар ҳам худди феълга ўхшаш шахс-сон билан тусланади. Бу сифатнинг агенс валентлиги шакл семантикаси валентлиги ҳолида воқеланишига сабаб бўлади. Сифат кесим боғлама билан келиб, замон билдириши ҳам мумкин. Бу унинг шакл семантикаси валентлиги асосида пайт валентлигига эга бўлишини таъминлайди. Шундан келиб чиқиладиган бўлса, сифат кесимнинг агенс ва пайт валентликлари унинг шакл семантикаси валентликларидир.

Агенс валентлиги

Сифатлар кесим вазифасида қўлланиб, шахс-сон қўшимчасини орттириши ва шу қўшимча семантикасига кўра агенс валентлигини ҳосил қилиши ҳам кузатилади. Сифатнинг шахс-сон қўшимчасини орттириши унинг кесим вазифасини ўтаб, тусланиши билан боғлиқдир. Аслида шахс-сон қўшимчаси от кесимли гапларда боғлама вазифасида қўлланади. Сифат ҳам кесим вазифасида от кесим ҳисобланади. Шахс-сон кўрсаткичи от кесимли гапларда эга ва кесимни боғлаш учун синтактик вазифа бажарар экан, эга ва кесимнинг семантик муносабатини таъминловчи умумий сема – классемани таркиб ҳам топтиради. Масалан: *Турғун икковимиз тенгдошимиз (Ойбек)*. Бу гапда кесим вазифасида қўлланган тенгдош сифатига шахс-сон кўрсаткичи *-миз* қўшилиб келган. У I шахс кўпликни билдирувчи семантикага эга, шунга биноан агенс валентлигини юзага келтирган. Агенс валентлиги гапда I шахс кўпликни билдирувчи *Турғун икковимиз* бирикувида воқеланган. Унинг шахсни билдирувчи валентлиги *биз* кишилиқ олмошида воқеланиши ҳам мумкин. Агар у ўзлик олмошида воқеланса, у, албатта, шахс-сон кўрсаткичли қўшимчани орттирган бўлади. Масалан: *...энди ўзим қарияман (А.Мухтор)*. Бу гапда *қарияман* сифат кесимининг агенс валентлиги *ўзим* ўзлик олмошида воқеланган. Мазкур гапда сифат кесим билан унинг агенс актанти воқеланган ўзлик олмоши бир хил I шахс бирликни билдирувчи шаклга эга. Уларнинг шакли бир хил, шакли семантикаси ҳам бир хил классемадан иборат.

Сифат кесим вазифасида шахс-сон шаклини орттириб, агенс валентлигини юзага келтирар экан, унинг нутқда воқеланиши ҳамма вақт ҳам шарт бўлавермайди, имплицит воқеланиши ва онгда яшаши бор ҳодиса. Бу сифат билан ифодаланган от кесимлигида кўп кузатилади. Сифатнинг агенс валентлиги II шахс бирлик ёки кўпликни сўраган бўлса, у деярли ҳолда имплицит ифода топади. Масалан: *Ҳали ёшсиз (Шуҳрат)*. Бу гапда *ёш* сифати кесим вазифасида қўлланган ва II шахс кўплик шаклини орттирган. Шунга кўра юзага келган агенс валенти актанти имплицит мвжуд.

Сифат билан ифодаланган кесим III шахс бирлик ёки кўпликда бўлганда ҳамма вақт кўрсаткичсиз келади, шаклланмайди. Уни ноль кўрсаткичли деб қаралади. Шунга қараб уни ноль кўрсаткичли шакл семантикасида деб, агенс валентлигининг III шахсга мансуб кишилиқ олмошида ифодаланган актанти воқеланаверади. Масалан: *Улар мол сотишига жуда уста* (Ойбек). Бу гапда *уста* сифати ноль кўрсаткич билан III шахсни билдирган. У шу семантикасига кўра агенс валентлигини воқелантирган. Агенс актанти *улар* кишилиқ олмошида ифодаланган.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, сифат билан ифодаланган от кесимлар ноль кўрсаткичи ҳолида кесим вазифасида қўлланса, унинг агенс валентлиги фақат эга вазифасида воқеланади. У шахс ифода этса ва III шахсга мансубликни кўрсатса, шакл семантикаси валентлигига оид деб қараш керак. Чунки сифат III шахсга мансуб ноль кўрсаткичига эга. Агар сифат билан ифодаланган кесим ноль кўрсаткичи билан ўзи семемасида шахс ёки бошқа ифодали семага эга бўлиб, шунга мутаносиб валентликни юзага чиқарса ва у эгада воқеланса, лексик-семантик валентлик деб қаралиши керак. Чунки бунда сифат билан ифодаланган кесим семемасининг ядро семаси унинг агенс валентлиги семемасининг ядро семаси билан мослашган бўлади. Уларнинг шахс ва сондаги мослашуви аҳамият касб этмайди. Шакл семантикаси валентлигида сифатда ифодаланган кесимнинг шахс-сон кўрсаткичи ўзгариши унинг агенси ўзгариши учун ҳам сабаб бўлади. Масалан, юқорида берилган мисолнинг кесими *қарияман* деб эмас, *қариясан* деб берилса, унинг агенс актанти *ўзим* ўзлик олмошида эмас, *ўзинг* ўзлик олмошида берилади. Яъни бу агенс валенти шакл семантикаси валентлигига мансуб. Агар мисол *От чопқир* деб олинганда эди, *чопқир* сифатини *чопқирман* ёки *чопқирсан* деб, шахс-сон жиҳатдан ўзгартириб бўлмасди. Ўзгартирилса, сифат семантикаси ҳам ўзгариб кетарди ёки сифат билан унинг агенс актанти деб ҳисобланган сўз семантикаси ўзаро мос бўлмай қоларди. Бу гап шунинг учун лексик-семантик валентликка мансуб, деб қаралади. Сифат билан унинг агенс актанти семемалари ‘жонивор’ семаси бўйича классемани таркиб топтирган.

Кўрдикки, сифатлар от кесим вазифасида қўлланиб, шахс-сон кўшимчасини орттирар экан, агенс валентлигини юзага чиқаради. Унинг агенс валентлиги гапда эга вазифасида воқеланади. У шакл семантикаси валентлигига мансуб бўлиб, облигатордир.

Пайт валентлиги

Сифатлар кесим вазифасида қўлланиб, пайт валентлигини юзага чиқариши ҳам кузатилади. У ҳамма вақт шакл семантикасига асосланади. Сифатлар ҳеч қандай аффикс орттирмагани ҳолда ҳам маълум замонни кўрсатади. Улар кесим вазифасида ноль кўрсаткич билан ҳамма вақт доимий, ҳозирги ёки ҳозирги-келаси замонни кўрсатиб келади.

Масалан: *Унинг юраги ҳамон гаш* (Шухрат). Бу гапдаги *гаш* сифати ноль аффикс билан доимий замонни кўрсатиб келган. Шунга кўра у доимий

замонни билдирувчи валентликни юзага келтирган ва у пайт ифодаловчи *ҳамон* равишида воқеланган. Яъни сифат шакл самантикаси валентлиги асосида актант орттирган. Унинг актанти пайт ҳоли вазифасини ўтаган. Сифатлар кесим вазифасида ноль кўрсаткич билан ҳозирги-келаси замонни ҳам ифодалайди. Масалан: *Мана буниси энди ... менга тегишли* (А. Мухтор). Бу гапдаги *тегишли* сифати ноль кўрсаткич билан ҳозирги-келаси замон семасига эга. Шунга кўра унинг пайт валенти пайт равиши *энди* сўзида воқеланган. Шу сифат пайт семантикаси билан актанти аро классемани таркиб топтирган. У ҳозирги замонни ҳам ифода этади. Шунга кўра валентликни ҳосил қилади ва уни воқелантиради. Масалан: *Боқишлари ҳозир ниҳоятда тетик* (Ойбек). Бу гапдаги *тетик* сифати кесим вазифасида келиб, ҳозирги замонни ифодалаган. Шунга биноан унинг пайт валенти пайт ҳолида воқеланган. У пайт равишида ифода топган. Сифат ноль кўрсаткичли семасига кўра пайт актанти билан бир хил семага эга.

Сифатлар гапдаги кесим вазифасида нутқ талабига кўра боғлама билан қўлланиши мумкин. Бу ҳолда боғлама замон кўрсаткичига эга бўлади. Шунга кўра унинг пайт валентлиги юзага келади ва у ўзига мос пайт актантини сайлайди. Масалан: *Ўшанда биз ёш эдик* (А.Мухтор). Бу гапдаги *ёш* сифати вазифасида келган ва *эдик* тўлиқсиз феълени боғлама сифатида орттирган. Шунга кўра сифат кесимнинг пайт валентлиги ўтган замонни билдирувчи *ўшанда* сўзида воқеланган. Сифат билан ифодаланган кесим боғлама воситасида келаси замонни ҳам кўрсатиши мумкин. Шунга кўра пайт валентлигини ҳосил қилади ва уни воқелантиради. Масалан: *Ҳар бир ёш эртага кекса бўлади* (мақол). Бу гапдаги *кекса* сифати кесим вазифасида келиб, *бўлади* боғламаси воситасида келаси замонни ифода этган. Шунга кўра юзага келтирган пайт валенти пайт ҳоли вазифасидаги *эртага* сўзида воқеланган. Сифат ва унинг пайт актанти ‘пайт’ семаси асосида классемага эга.

Айрим ҳолларда сифатнинг пайт валентлиги гап эгасида воқеланиши ҳам мумкин. Масалан: *Лаҳзалар – ўткинчи* (С. Аҳмад). Бу гапда *ўткинчи* сифати кесим вазифасида қўлланган. У доимий замонни ифодалаган, лекин ноль кўрсаткичига эга. Шунга кўра юзага келган пайт валенти эга вазифасидаги *лаҳзалар* сўзида воқеланган. Шунга ҳам айтиш керакки, пайт актантини кўрсатган бу сўз от туркумига мансуб бўлиб, эга вазифаси учун танланган.

Кўрдикки, сифатлар кесим вазифасида ҳам ноль кўрсаткичи билан, ҳам боғлама воситасида замон ифодасини бериши ва шунга кўра пайт валентини ҳосил қилиши кузатилади. Унинг валентлиги пайт ҳоли ва баъзан эга вазифасида воқеланади. Бу валентлик пайт семантикаси валентлигига мансуб бўлиб, факультативдир.

Демак, сифатнинг агенс ва пайт валентликлари унинг ноль кўрсаткичи ёки кесимлигидаги боғлама семантикаси ҳисобига ҳосил бўлади ва шакл семантикаси валентлиги деб қаралади. Сифатнинг агенс валентлиги эга; пайт валентлиги асосан пайт ҳоли ва баъзан эга вазифасида воқеланади. Улардан агенс валентлиги облигатор бўлиб, пайт валентлиги факультативдир.

Хуллас, сифат валентликларини таҳлил этиш қуйидаги натижаларни берди:

1. Сифат валентликлари, унинг қандай семантикадан келиб чиққанлигига қараб, икки кўринишда деб қаралади: 1) лексик-семантик валентлик; 2) шакл семантикаси валентлиги.

2. Лексик-семантик валентлик ўз ичига *агенс, объект, мазмун, контрагент, ўрин, адресат, сабаб, мақсад, восита, ҳолат ва миқдор* валентликларини олади. Шакл семантикаси валентлиги эса *агенс ва пайт* валентликларини қамрайди. Агенс валентлиги сифатнинг қандай семантикасига асосланганига нисбатан, ё лексик-семантик, ё шакл семантикаси валентлигига мансуб бўлади.

3. Агенс ва объект валентликлари гапда эга ва аниқловчили бирикманинг қаратқичи вазифасида воқеланишига кўра ўзаро ўхшаш, лекин агенс валенти воситали тўлдирувчи, объект валенти воситасиз тўлдирувчи вазифасида воқеланишига кўра тамоман фарқлидир. Ҳар икки валентлик ҳам лексик-семантикдир. Шакл семантикаси валентлигига оид агенс валентлиги эса фақат эга вазифасида воқеланади.

4. Мазмун валентлиги ўзига хос бўлиб, гапнинг ажратилган кесими, уюшган бўлаги, ўхшатиш эталони ва қиёсий мазмуний қурилманинг тобе бўлаги вазифасида воқеланади.

5. Контрагент, адресат ва восита валентликлари воситали тўлдирувчида воқеланишига кўра ўзаро ўхшаш бўлиб, бир-биридан қандай кўмакчи билан шаклланишига кўра фарқланади.

6. Сабаб, мақсад, ҳолат ва миқдор валентликларининг ҳаммаси гапнинг ҳол бўлагида воқеланишига кўра ўзаро ўхшаш, лекин сабаб валентлиги сабаб ҳоли, мақсад валентлиги мақсад ҳоли, ҳолат ва миқдор валентликлари тарз ҳолида воқеланишига кўра бир-биридан фарқ қилади.

7. Ўрин ва пайт валентликлари гапда эга вазифасида воқеланишига кўра ўзаро ўхшаш, лекин ўрин валентлиги ўрин ҳолида ҳам, пайт валентлиги пайт ҳолида ҳам воқеланишига кўра бир-биридан фарқланади.

ОТНИНГ СЕМАНТИК ВАЛЕНТЛИКЛАРИ

Дунё тилшунослигида от валентлиги нисбатан кам ўрганилган. Немис тилшунослигида от валентлиги масаласида М.Д.Степанова, Г.Хельбигларнинг кўрсатилган монографияларида айрим фикрлар билдирилган ва немис тилидаги отларнинг валентлиги ва дистрибуцияси луғати эълон қилинган.¹ Рус тилшунослигида ҳам от валентлиги тадқиқ қилинган бир нечта илмий ишлар юзага келган.² Шуниси диққатга сазоворки, муайян отларнинг муайян феъллар билан бирикиш имкониятига ўз вақтида И.В.Крушевский ҳам эътибор қаратган эди: "...шундай от ва феъллар борки, улар ҳар қандай вазиятда бирга келишади, доимий бирикувда бўлишади: *ит ва вовулламоқ, от ва кишнамоқ, қурбақа ва вақилламоқ* ва б.³ Ўзбек тилшунослигида от валентлиги махсус ўрганилмаган, фақат М.Миртожиёвнинг "Ўзбек тили семасиологияси" дарслигида унга доир айрим изчил фикрлар билдирилган.⁴

"От валентликларини характерлаб бериш анча қийин вазифадир", -деб таъкидлайди Г.Хельбиг.⁵ Чунки от валентликларининг актанти семантикаси ҳамма вақт ҳам синтактик вазифаси билан мос келавермайди. Бунинг устига, унинг айрим зарурий деб тан олинадиган семантик валентлиги нутқда намоён бўлмайди ёки отнинг ўзида бундай валентлик кузатилмайди. Яна шундай от валентликлари борки, улар семантикасига кўра ўзаро мутлақо алоқасиз бўлгани ҳолда айти бир морфологик кўрсаткич билан, айти бир синтактик мавқеда намоён этилади. Масалан: *уйнинг томи, дадамнинг пули* бирикмаларига эътибор бериш кифоя. Бу ўринда *уйнинг сўзи томи сўзининг, дадамнинг сўзи пули сўзининг* семантик валентлиги бўйича воқелантирилган актантидир. Уларнинг ҳар иккиси ҳам қаратқич келишиги билан турланган, яъни бир хил морфологик шаклга эга, синтактик жиҳатдан ҳам ҳар иккиси ўз ҳоким бўлагининг қаратқичли аниқловчисидир. Лекин бу актантилар бир хил семантикани ифода этмайди. *Том* оти валентлигининг актанти ўзи оид бўлган нарсани ўз ичига олган бутунни, *пул* оти валентлигининг актанти ўзи оид бўлган нарса тегишли шахсни билдиради. Шунга қараб уларнинг валентлиги белгиланади.

От валентлигининг яна бир эътиборли томони шундаки, - деб ёзади Г.Хельбиг, - отлар синтактик сатҳда, қонуниятга кўра, облигатор актантига

¹ Sommerfeld K., Schreiber H. Wörterbuch zur Valenz und Distribution deutschen Substantiven. VEB Bibliographisches institut. -Leipzig, 1977.

² Бу ҳақда қаранг: Арутюнова Н.Д. Несвободная сочетаемость имен, принадлежащих к эмоциональной сфере человека, на основе, различных образных представлений метафоры. -М., 1986; Дмитриева В.С. Лексико-семантическая сочетаемость имен, называющих атмосферные явления в русском языке. -Казань, 1985; Чуева Э.В. Лексико-семантическая сочетаемость имен, называющих стихийные природные явления. -Казань, 1997; Клепальченко И.А. Сопоставительный анализ лексико-семантической группы «лестницы» (элементы лестничных конструкций): Автореф.дис...канд.филол.наук.-М., 1999, 19 с.

³ Арутюнова Н.Д. Несвободная сочетаемость имен, принадлежащих к эмоциональной сфере человека, на основе, различных образных представлений метафоры.-М., 1986, с.26.

⁴ Миртожиёв М.М. Ўзбек тили семасиологияси.-Тошкент: Мумтоз сўз, 2010.

⁵ Stepanova M.D., Helbig G. Wortarten und das Problem der Valenz in der deutschen Gegenwartssprache. - S.206.

эга бўлмайти ва шунинг учун ҳам келиб чиқиши феъл ва сифат билан алоқадор актанти номинализация кечимида факультатив актантига айланади.¹ Ўзбек тили фактлари нуқтаи назаридан ёндашиладиган бўлса, умуман от валентликлари фақат факультативдир. Бу ҳақда ўрни билан яна тўхтаймиз.

Отлар предикат вазифасида ҳам, аниқланмиш вазифасида ҳам бошқа сўзлар билан муносабатда бўлади ва ҳоким бўлак вазифасини ўтайди. У ўз лексик маъносидаги ифодага мос лексик маънога эга сўзни коммуникатив жараёнда талаб қилади. У шу лексик маъносига асосланган валентлигига кўра эш сайлайди. Шу эшвалент бўлган сўз актанти сифатида намоён этилади. Бунда актантилари бир нечта бўлиши ва улар шу актантилари билан турли семантик боғланишда кузатилиши мумкин. Бу боғланишлар лексик-семантик, шакл семантикаси, мантикий-семантик ҳолатларида ҳам бўлади. Шунга кўра от валентликлари типлари: 1) лексик-семантик; 2) шакл семантикаси; 3) мантикий-семантик валентлик деб номланади.

1. Отнинг лексик-семантик валентлиги

От туркумига оид сўзларнинг лексик-семантик валентлиги асосан агенс, объект, мазмун, контрагент, адресат, сабаб ва ҳолат валентликларида ўз ифодасини топади. Гарчи улар факультатив бўлишига қарамай, от кесимли гапларда фаол кузатилади. Ҳатто битта от кесимли гапларда уларнинг учтаси: агенс, объект ва адресат валентлиги бир йўла намоён бўлиши ҳам мумкин,² дейилади. Масалан: *Китоб укам учун мен томонимдан совға*. Бу гапта от кесим *совға* сўзи бўлиб, *китоб* сўзи объект, *укам учун* сўзи адресатни ифода этади. *Мен томонимдан* сўзи эса агенс бўлиб келган. Маълум бўладики, объект эга, адресат воситали тўлдирувчи, агенс ҳам воситали тўлдирувчи вазифасини ўтаган. Чунончи от кесимли гаплар ҳам сифат кесимли гапларга ўхшаш кўпинча мажхул нисбатдаги феъл кесимли гаплар қолипида тузилади. Шунинг учун ҳам юқоридаги гап бўлакларида семантик-синтактик номутаносиблик юзага келган. Қуйидаги гап бўлакларини юқоридаги гап бўлакларига қиёсланг: *Китоб укам учун мен томонимдан совға қилинади*. Бу асосан фаолият билдирувчи отлар кесимига хосдир.

Агенс валентлиги

Агар кесим вазифасидаги от туркумига мансуб сўзлар шахс билдириб келса, улар агенси ҳамма вақт эга вазифасини ўтайди. Масалан: *Шу қизлардир оқ олтинлар хирмонида миллионер* (Ғ.Ғулом). Бу гапнинг от кесими вазифасини *қизлардир* оти ўтаган. У шахс билдирувчи сўздир. Унинг агенс валентлиги *миллионер* актантида воқеланган. Агенс актанти ҳам

¹ Stepanova M.D., Helbig G. Wortarten und das Problem der Valenz in der deutschen Gegenwartssprache. – S.209.

² Stepanova M.D., Helbig G. Ўша асар. – S.211.

шахс билдирувчи сўздир. Предикат билан унинг агенс актанти шу ‘шахс’ семаси асосида классемани таркиб топтирган. Кесим вазифасидаги сўзнинг агенс валентлиги актанти аниқ шахс билдирувчи отда ҳам кузатилади. Масалан: *Бобом мункиллаган қария одам* (Ойбек). Бу гапдаги кесим вазифасида от туркумига мансуб *одам* сўзи қўлланган. У шахс ифода этган. Унинг ‘шахс’ семасига кўра юзага чиққан валенти эга вазифасидаги *бобом* отида воқеланган. У ҳам шахс ифодасига эга аниқ отдир. Шу ‘шахс’ семасига кўра классема таркиб топган. Кесим вазифасидаги отнинг агенс валенти кишилиқ олмошида воқеланиши ҳам кузатилади. Масалан: *У ширин сўз хотин* (Ойбек). Бу гапдаги кесим вазифасида от туркумига мансуб *хотин* сўзи қўлланган. У шахс ифода этган. Унинг агенс актанти эга вазифасидаги кишилиқ олмошида воқеланган. Бу мисолдаги от кесим ҳам, агенс актанти ҳам шахс билдиради. Айрим ҳолатларда гапнинг от кесими ‘шахс’ ифода этгани билан агенс валентлиги актанти шахс билдирмаслиги мумкин, лекин бадий жонлантириш бўйича шахс маъносини бериб, образлантирилганлиги кузатилади. Бунда ҳам образли ‘шахс’ классемаси таркиб топган бўлади. Масалан: *...бу даҳшатли ўйлар бари сенинг душманинг* (А.Мухтор). Бу гапда *душманинг* от кесимининг агенс валентлиги актанти *ўйлар* сўзида воқеланган ва ‘шахс’ архисемасига эга.

Кесим вазифасидаги от касб ёки лавозим билдириши мумкин. Лекин унинг ҳам архисемаси шахс ифодали бўлади. Бунда ҳам унинг унинг агенс валенти шахс билдирувчи от ёки атоқли от бўлади. Масалан: *Бўта шу Зарқинилоқдаги колхознинг раиси* (С.Аҳмад). Бу гап кесими лавозим билдирувчи *раис* отида ифодаланган. Унинг агенс валенти *Бўта* атоқли отида воқеланган. Кесим вазифасидаги от ҳам, унинг агенс актанти ҳам шахс ядро семасига эга. Кесим вазифасидаги от жамоа тушунчасини бериши ҳам мумкин. Унинг архисемаси ‘шахс’ ифодасига эга бўлади. Бунинг ҳам архисемаси ‘шахс жамоаси’ ни билдирувчи отда воқеланади. Масалан: *Қозоқлар одамларга меҳрибон, яхшилик қиладиган халқ* (Ойбек). Бу гап кесими ‘жамоа’ архисемали отдир. Бу отнинг агенс валенти ҳам ‘миллий жамоа’ семемали *қозоқлар* отида воқеланган. Кесим вазифасидаги от туркумига мансуб *халқ* сўзи ҳам, унинг агенс актанти *қозоқ* сўзи ҳам ‘шахс’ семали семемага эга. Мазкур ҳар икки ҳолатда ҳам агенс актанти эга вазифасида келган. Яна шуни айтиш керакки, уларнинг воқеланиши доимо шартдир.

Хусусият билдирувчи отлар ҳам кесим вазифасида қўлланганда агенс валентлигига эга бўлади ва у эга вазифасидаги шахс билдирувчи отда воқеланади. Хусусият билдирувчи отлар семемаси таркибида ҳам, албатта, ‘шахс’ семаси бўлади. Шу асосда хусусият билдирувчи от билан унинг агенс актанти ўртасида бир хил семалиқ юзага келади. Масалан: *Ҳайринисо опоқ ойим кўксов* (Ойбек). Бу гапда хусусият билдирувчи *кўксов* оти кесим вазифасида қўлланган. *Кўксов* оти ифодалаган хусусият шахсга хос. Шу ‘шахс’ семаси асосида бу от агенс валентлигига эгадир. Бу валентлик *Ҳайринисо опоқ ойим* шахс билдирувчи атоқли отида воқеланган ва улар ўзаро ‘шахс’ классемасини таркиб топтирган.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, отлар кесим вазифасида қўлланар экан, улар маълум даражада хусусият билдиришга мойиллашади, яъни сифатлашади.¹ Юқоридаги от кесимларда шу кузатилган. От кесимлар ўз агенс актантининг маълум даражада хусусиятини билдириш вазифасини бажарган. Лекин ҳар қандай от кесим ҳам хусусият билдиравермайди. Айниқса, эгалик ёки келишик билан шаклланган от кесимлар бу характерга эга бўлмайди. Бироқ уларнинг агенс актанти ‘шахс’ семали семемага эга отлардан танланади.

Ҳолат билдирувчи от кесим вазифасини ўтаганда ҳам, унинг агенс валентлиги актанти эга билан мутаносиб бўлади. Лекин от кесим билан унинг агенс валенти актанти фақат ‘шахс’ семасига кўра классема таркиб топтириши шарт эмас. Масалан: *Мусибат тамгаси қалб устида доғ* (Ғ.Ғулом). Бу гапнинг кесими ҳолат билдирувчи *доғ* оти бўлиб, у ўзининг агенс валенти актанти *тамгаси* оти билан “белги” семаси асосида классемани таркиб топтирган.

Гап кесими ўрин ҳолига юкланганда, унинг агенс валенти шахс билдирувчи сўз, лекин кишилиқ олмошида воқеланиши ҳам мумкин. Масалан: *У бутун хаёли билан ўша боғда* (Шухрат). Бу гапнинг от кесими *боғда* сўзида ифодаланган. У асли ўрин ҳоли бўлиб, кесим вазифасини нутқ талабига кўра ўз устига олган. У кесим вазифасини меросга олар экан, унинг ‘шахс’ семасини имплицит ифодалайдиган бўлган. Шу семага кўра юзага келган агенс валенти эга вазифасидаги у кўрсатиш олмошида воқеланган. Натижада от кесим ва унинг агенс актанти ‘шахс’ классемасини таркиб топтирган.

Гап кесими ўрин ҳолига юкланганда ҳам унинг агенс валентлиги актанти эга билан мутаносиб бўлади. Кесим вазифасидаги ўрин келишликли от шу ўринни эгалловчи шахс ёки нарсани коммуникацияда талаб қилиши эга шунга мос отда ифода топади. Улар классемаси ҳам шу ифода билан воқеланади. Масалан: *Бугун Она биби шу ерда* (А.Мухтор). Бу гап кесими *шу ерда* сўзида ифодаланган. Унинг агенс валентлиги актанти эга вазифасидаги *Она биби* сўзида ифодаланган. Улар классемаси шахс билдиради.

Гап кесими фаолият билдирувчи отда ифодаланиб, унинг агенс валенти жўналиш келишликли от билан ифодаланган воситали тўлдирувчи воситасида воқеланиши мумкин. Масалан: *Эчкига жон қайғу, қассобга мой қайғу* (мақол). Бу гапдаги от кесим *қайғу* отида ифодаланган. Унинг агенс валенти жўналиш келишиги билан шаклланган *эчки* ва *қассоб* сўзларида воқеланган. Гап семантикасига кўра *қайғу* отида ифодаланган кечим *эчки* ва *қассоб* сўзларида ифодаланган жонивор ва шахсга жўнатилган эмас, уларга йўлланганлиги англашилмайди. Аксинча, *қайғу* отида ифодаланган кечимни кечувчи жонивор ва шахс номи сифатида *эчки* ва *қассоб* отлари қабул қилинган. Шу семантикага кўра айтиш мумкинки, гарчи жўналиш

¹ Ғуломов А. Ғ. Содда гап. – Тошкент: Фан, 1955, 50-б.

келишигида қўлланган бўлса ҳам, *эчки* ва *қассоб* отлари *қайғу* отининг агенс актантдир.

Фаолият билдирувчи отлар кесим вазифасида келганда, унинг агенс валентлиги актанти деярли қаратқичли аниқловчи вазифасида воқеланади. Ўзи эса қаралмиш сифатида шаклланган бўлади. Масалан: *Авалло мактаб масаласи бойларнинг ишидир* (Ойбек). Бу гапдаги кесим вазифасида фаолият билдирувчи *иши* оти келган. Унинг қаратқичли аниқловчиси *бойларнинг* отида агенс актанти сифатида воқеланган. Н.М.Маҳмудовнинг қайд қилишича, у (қаратқичли аниқловчи билан келган ҳаракат номили курилма) иккинчи даражали предикацияга айланади.¹ Фаолият билдирувчи отлар семантик жиҳатдан ҳаракат номига яқин туради. Шундай бўлгач, фаолият билдирувчи от ҳам ўз қаратқичли аниқловчиси билан предикатив алоқада деб, қаратқичли аниқловчини агенс деб айтиш мумкин. Мисоллар келтирамиз: *қизларнинг кулгиси, болаларнинг ўйини, шоирнинг ижоди, аёлнинг юмуши, раққосанинг рақси* каби қаратқичли бирикмаларнинг қаралмиши кечим ифода этган. Бундан айтиш мумкинки, қаралмишлар кечим ифода этувчи отлардир. Шу семантикасига кўра улар ўз агенсига эга. Улар шу агенс валентини ўз қаратқичида воқелантирган. Қаратқич ўз қаралмишида ифода топган кечим ҳаракатининг бажарувчисини билдирган шахсни ифода этади, яъни улар агенс актантларидир. Қаратқич ўз қаралмиши билан классемага эга. У шахс семасига асосланган. Аммо шуни айтиш керакки, қаралмишдаги шахс семаси потенциалдир. Қаралмиш шу потенциал семасига таяниб агенс валентини юзага келтирган эди, уни воқелантирди. Яна уни эга, тўлдирувчи, ўрин ҳоли кабилар бошқарувидаги қаратқичли бирикмаларга татбиқ этса ҳам бўлади. Бунда гап эгаси, тўлдирувчиси ёки ўрин ҳоли кабилар ўз қаратқичли бирикмасини қаралмиш сифатида тузган ва иккиламчи предикациянинг вазифасини ўтаган, яъни агенс валентини воқелантирган бўлади. Масалан: *Полвонларнинг курашига тасанно!* Бунда *тасанно* от кесим бўлиб, унинг адресат валенти актанти воситали тўлдирувчи вазифасидаги *кураш* отида воқеланган. У яна қаралмиш сифатида агенс валентини қаратқич вазифасидаги *полвонларнинг* сўзида воқелантирган. Улар ‘шахс’ семасига кўра классемани таркиб топтирган.

Кўрдикки, отлар кесим вазифасида ёки қаратқичнинг қаралмиши вазифасида қўлланиб, ‘шахс’ ёки потенциал ‘шахс’ семаси асосида агенс валентига эга бўлади. Унинг агенс валенти эга ёки воситали тўлдирувчи ё қаратқич вазифасида воқеланади. От кесим ёки қаралмиш вазифасида ўз агенс актанти билан доимо ‘шахс’ семасига асосланган классемага эга бўлади. У ҳамма вақт облигатордир.

¹ Маҳмудов Н. М. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. –Тошкент:Ўқитувчи, 1984, 133-б.

Объект валентлиги

Отлар кесим вазифасида қўлланганда объект валентига таяниб коммуникацияга киришади. Аввало у фаолият билдирувчи отларда кўзга ташланади. Фаолият билдирувчи отлар гапда кесим вазифасида қўлланар экан, гап қолипи худди ҳолат ва кўриниш ифода этувчи сифатлар кесимлигидаги гап қолипига ўхшаш бўлади. Унинг кесимлигидаги гап қолипи мажхул нисбатидаги сифатдош кесимлигидаги гап тузилиши билан бир хилдир. Унда объект актанти гап эгаси вазифасида берилиб, агенс актанти учун ўрин берилмайди. Фаолият билдирувчи отлар ҳам гап кесими вазифасида қўлланса, унинг объект валенти эга вазифасида воқеланади. Масалан: *Юз минг кўклам поёндоз арслон эрлар пойига* (Ғ.Ғулом). Бу гапда фаолият билдирувчи *поёндоз* оти кесим вазифасида келган. Унинг объект валенти актанти *кўклам* сўзи гапнинг эгаси вазифасида воқеланган. От кесим объект валенти билан ‘ўрин’ семаси асосида классемани таркиб топтирган. Фаолият билдирувчи отлар кесимлигида объект валентлигининг эга вазифасида воқеланиши ҳақиқатан ўзбек тилида фаол ҳодисадир. Бироқ бу ҳодиса бошқа семантикали отлар кесимлигида ҳам учрайди. Масалан: *Ҳақиқатан кўприк омонат* (Ойбек). Бу гап кесими *омонат* сўзи бўлиб, у хусусият билдирувчи отдир. Унинг объект валенти ҳам эга вазифасидаги *кўприк* сўзида воқеланган. От кесим ўз объект актанти билан ‘ўрнашув’ семаси асосида классемага эга.

Ўрин ҳоли кесим вазифасини олган гапларда ҳам унинг объект валенти эга вазифасида воқеланади. Бунда ўрин ҳоли феъл кесим вазифасини ва семантикасини меросга олиб, коммуникацияда уни имплицит ифодалаган бўлади. Шунга асосан объект валентига эгалик қилади. Масалан: *Кўркам лолалар ҳамма ёқда* (Ойбек). Бу гап кесими *ҳамма ёқда* ўрин равишидир. У ўрин ҳоли вазифасида келиши керак эди, бироқ эллипсисга учраган феъл кесимнинг вазифа ва семантикасини имплицит ифодалаш орқали унинг ўрнини олди, яъни кесим вазифасини эгаллади. Юзага келган объект валентини эгада воқелантирди. *Ҳамма ёқда* от кесими ўз объект актанти *лолалар* сўзи билан ‘ёйилув’ семаси асосида классемани таркиб топтирди.

Талаб ифодали отлар кесим вазифасида қўлланса, унинг объект валенти воситасиз тўлдирувчи вазифасида воқеланади, лекин у одатдагидай тушум келишигида эмас, жўналиш келишигида шаклланган бўлади. Масалан: *Деҳқонлар бўлса тоқатсизлик билан баҳорга интизор* (Ойбек). Бу гапдаги кесим *интизор* оти кесим вазифасида қўлланган. Унинг объект актанти воситасиз тўлдирувчи *баҳорга* отида воқеланган. У жўналиш келишиги билан шаклланган. Кесим вазифасидаги от ўз объект актанти билан бир хил ‘нодир’ семали семемага эга. Объект валенти воқеланган воситасиз тўлдирувчи чиқиш келишиги билан шаклланган бўлиши ҳам мумкин. Масалан: *Қизлар сочида толбаргакдан сочпопук* (С. Аҳмад). Бу гапдаги *сочпопук* оти кесим вазифасида қўлланган. Лекин бу от ‘талаб’ семантикасига эмас, ‘буюм’ семантикасига эга. Унинг объект валенти воситасиз тўлдирувчи вазифасидаги *толбаргакдан* сўзида воқеланган. У чиқиш келишиги билан

шаклланган. Кесим вазифасидаги от ва унинг объект актанти ўзаро ‘буюм’ семаси билан бир хил.

Баъзан хусусият билдирувчи отлар қаралмиш шаклида кесим вазифасида қўлланади. Бунда унинг объект валенти шу қаралмиш кесимнинг қаратқичи вазифасида воқеланади. Масалан: *Ғаффор ака жанжалнинг боши* (Ойбек). Бу гапнинг кесими қаратқичли бирикма *жанжалнинг боши* ҳисобланади. Аммо у қаратқичли бирикма эканлиги ҳолда, қаралмишнинг объект валенти воқеланиши ҳақида гап юритилмапти. Қаралмишда ифодаланган хусусият объекти *жанжалнинг* қаратқичида ифодаланган. Яъни отлар аниқловчили бирикмаларнинг қаралмиши вазифасида қўлланса, у ҳамма вақт ҳоким бўлак бўлиб, ўзида валентлик ташийди ва фақат бир валентли ҳолда учрайди.¹ Яна шунга ўхшаш *қўшиқнинг авжи, авжнинг чўққиси, гапнинг сираси, ҳаётнинг тарзи, сирнинг учи* каби қаратқичли бирикмалар таҳлили ҳам шундай бўлади. Уларнинг ҳар бирининг қаралмиши учун объект актанти қаратқич ҳисобланади. Бу қаралмиш ва унинг объекти семемалари ўзаро сема бир хиллилигига эга.

Кўрдикки, отлар кесим вазифасида объект валентига эга бўлиб, у асосан эга вазифасида воқеланади ва баъзан воситасиз тўлдирувчи вазифасида воқеланиб, у жўналиш ва чиқиш келишиги билан шаклланади. Қаратқичли бирикмаларнинг қаралмиши учун қаратқичи объект валенти бўлиши ҳам баъзан кузатилади. Отларнинг объект валенти ҳамма вақт лексик-семантик бўлиб, облигатордир.

Мазмун валентлиги

От туркумига мансуб сўз кесим ёки аниқланмиш вазифасида қўлланар экан, у мазмун валентлигига ҳам эга бўлади. Бу валентлик, бизга маълумки, от мазмунини мазмун актанти ўзида ифода этиши ва унга аниқлик бериши керак.² Шу эътиборда тутилса, кесим вазифасидаги отнинг агенс валентига мазмун валенти моҳиятан жуда яқин туради. Масалан: *Мункиллаган қария чол – бобом* (Ойбек). Бу гапда *бобом* оти кесим вазифасида қўлланган. Унинг агенс валенти *мункиллаган қария чол* бирикувида воқеланган. Бу *бобом* сўзида ифодаланган шахснинг мазмун моҳиятини ифода этган. Шунга кўра уни *бобом* отининг мазмун валенти актанти дейиш мумкин. Лекин иккинчи томондан қаралса, чолнинг мункиллаган қариялиги бобони юзага келтирган. Одатда сўздан англашилган ҳолатни шу сўзнинг агенс валенти актантидан англашилган шахс ёки жонивор юзага келтиради.³ Яъни келтирилган мисолда *бобом* сўзининг агенс актанти таҳлил этилди. Сўзнинг мазмун валенти актанти эса шу сўздан англашилган ҳолатнинг мазмун моҳиятини

¹ Stepanova M. D., Helbig G. Кўрсатилган асар. – S.207.

² Апресян Ю. Д. Лексическая семантика. – М.:Наука, 1976, С.127; Кучкартаев И. К. Валентный анализ глаголов речи в узбекском языке. – Тошкент:Ўқитувчи, 1977, С. 47.

³ Апресян Ю. Д. Лексическая семантика, - С.125; Кучкартаев И. К. Валентный анализ глаголов речи в узбекском языке. – С.22.

билдирувчи сўзда ифода топади.¹ Мазмун валенти, албатта, от туркумига оид сўзларда ҳам бор. У турли тил ҳодисалари билан боғлиқ ҳолда юзага чиқади. Улар қуйидагилардир.

1. От туркумига мансуб сўз гап кесими вазифасида қўлланар экан, шу кесимнинг ажратилган бўлаги отнинг мазмун валенти актанти сифатида бўлади. Масалан: *У ҳоким тўранинг тилмочи – оқсоқолнинг қизи* (С. Аҳмад). Бу гапдаги от туркумига оид *тилмоч* сўзи кесим вазифасида қўлланган. Унинг мазмун валенти *оқсоқолнинг қизи* бирикувида берилган ажратилган бўлакда воқеланган. Ажратилган бўлак эса гап кесимига мансубдир. Кесим вазифасидаги от семантикасини ажратилган бўлак семантикаси тўлдирган ва унга аниқлик берган.

2. От туркумига мансуб сўз гап таркибида кесим вазифасида қўлланиб, умумлаштирувчи бўлак вазифасида қўлланади ва унинг мазмун валенти уюшган бўлақларида воқеланади. Масалан: *Эндиги қуролимиз: ақл, идрок, виждон ва оташин тарғиботимиздир* (С.Аҳмад). Бу гапдаги *қуролимиз* сўзи гап кесими вазифасида қўлланган. Унинг уюшган кесимлари *ақл, идрок, виждон ва оташин тарғиботимиз* сўзлари бўлиб, улар *қуролимиз* отининг мазмун валенти актантлари ҳисобланади. Улар *қуролимиз* оти семантикасига аниқлик киритган, уни тўлдирган.

3. От туркумига мансуб сўз кесим вазифасида ўхшатиш қурилмасининг субъекти бўлиб, унинг мазмун валенти шу қурилманинг эталонида воқеланади. Ўхшатиш шакли ҳамма вақт эталонга қўшилган бўлади. Буни грамматик қонуният тақазо этади. Шу ўхшатиш шакли тақазоси билан ўхшатиш субъекти мазмуни эталон мазмунига қиёсланган ҳолда очилади ва уни тўлдиради. Масалан: *Айвон лабида момиқдай қор* (Ойбек). Бу гапдаги *қор* сўзи кесим вазифасида қўлланган ва ўхшатиш субъекти ҳам ҳисобланади. Шу сўзнинг мазмун валенти ўхшатиш эталони бўлган *момиқ* сўзида воқеланган. Ўхшатиш шакли –*дай* унга қўшилиб келган ва субъект билан эталон мазмуни моҳиятини ўзаро қиёслаган. Эталон мазмуни орқали субъект мазмуни очилган ва у тўлдирилган. Шунини ҳам айтиш керакки, ўзаро қиёсланган сўзлар ҳам морфологик, ҳам референт жиҳатдан тенг келиши шарт. Акс ҳолда улар қиёси нисбий бўлиб қолади. Юқоридаги мисолларда ўзаро қиёсланган *қор* ва *момиқ* сўзларининг ҳам ҳар иккиси от туркумига мансуб бўлиб, референтлари ҳам бир хил хусусиятли нарсалардир. Гарчи –*дай* аффикси *момиқ* сўзига қўшилиб келаётган бўлса ҳам, унинг семантикасига ўзгариш бермаган. У фақат *момиқ* ва *қор* сўзларининг референти қиёси ва семантик муносабати учун восита вазифасини ўтаган. Шунинг учун унинг ўрнида *каби* ёки *янглиз* кўмакчиларини қўллаш истисносиз мумкин. Айтиш мумкинки, у айрим адабиётларда айтилганидай, на сўз ясовчи, на луғавий шакл ясовчи бўла олади. Эҳтимол, аффиксал кўмакчидир.

¹ Апресян Ю. Д. Лексическая семантика. – С.127; Кучкартаев И. К. Валентный анализ глаголов речи в узбекском языке. – С.47.

Мазмун валенти ўзи оид бўлган сўз гапнинг қайси бўлаги вазифасини ўтаса, шу бўлакда воқеланади. Ажратилган бўлак ва уюшган бўлақларда қайд этилган мазмун актанти кесимда ифода топган. Чунки бу валентликлар оид бўлган сўз гапда кесим вазифасини ўтаган. Ўхшатиш эталонида воқеланган мазмун актанти гапнинг тарз ҳоли вазифасини ўтайди. Чунки кўмакчи воситасида кесимга тобеланган бўлак деярли тарз ҳоли вазифасида бўлади.

Кўрдикки, мазмун валенти отларнинг деярли кесим вазифасида қўлланганида учраб, улар ажратилган кесим, уюшган бўлак ва тарз ҳолларида воқеланади. Бу валентлик лексик-семантик бўлиб, фақат факультативдир.

Контрагент валентлиги

От туркумига мансуб сўзларнинг лексик-семантик валентликларидан бири контрагент валентлигидир. Отлар кесим вазифасида келиб, ўз агенси актанти семемаси билан қандай бир хил семага эга бўлса, контрагент валенти актанти семемаси билан шундай бир хил семага эга бўлиши табиий бир ҳолдир. Чунки ҳар қандай кесим вазифасида келган сўзнинг агенс валенти воқеланган сўз билан контрагент валенти воқеланган сўз семантик жиҳатдан бир хил бўлади. Агенс валенти актанти кўпинча шахс билдирганидай, контрагент валенти актанти ҳам шахс ифодалидир. Лекин улар синтактик вазифа жиҳатдан ўзаро фарқ қилади. Кесим вазифасидаги отнинг агенс актанти гап эгаси вазифасида, контрагент актанти эса воситали тўлдирувчи вазифасида воқеланади. Масалан: *Маҳкам Мўмин билан Аскияда чоракор деҳқон* (Ойбек). Бу гапдаги *деҳқон* сўзи гап кесими вазифасида қўлланган. Унинг агенс валенти эга вазифасидаги *Маҳкам*, контрагент валенти воситали тўлдирувчи вазифасидаги *Мўмин* сўзида воқеланган. *Маҳкам* сўзи ҳам, *Мўмин* сўзи ҳам атоқли от, ҳар иккиси ҳам шахс ифодалайди. Шу шахс ифодасига кўра улар кесим вазифасидаги *деҳқон* сўзи семемаси билан бир хил семага, яъни классемага эга. Маълумки, кесим вазифасидаги сўзнинг агенс актанти билан контрагент актанти гап таркибида деярли йўлдош ҳолда воқе бўлади. Бу деган сўз кесим вазифасидаги сўзнинг агенси воқеланган гапда, албатта, контрагенти ҳам воқеланади, дейилгани эмас, балки контрагент гапда агенс актантисиз мавжуд бўлмайди, дейилганидир.

Кесим вазифасидаги отнинг контрагент валенти гапнинг воситали тўлдирувчисида воқеланиб, унинг агенс валенти актанти нутқда кузатилмай қолиши ҳам мумкин. Лекин у имплицит ҳолда ифодаланиб туради. Айниқса, уни кесим кўрсаткичи – шахс-сон қўшимчаси аниқ ифода олади. Масалан: *Қадрдони билан бирга ёниб кетиш ниятида* (А.Мухтор). Бу гапдаги *ниятида* сўзи кесим вазифасида қўлланган. Унинг контрагент валенти воситали тўлдирувчи вазифасидаги *қадрдони* сўзида воқеланган. Унинг агенс валенти III шахс бирликни билдиргани ҳолда нутқда ўз ўрнини топган эмас. Бироқ у кесимдаги шахс-сон кўрсаткичи орқали англашилиб турибди. Шунга кўра ҳам контрагент актанти агенс актанти билан доимо йўлдош ҳолда мавжуд.

Нутқда агенс актантини кишилиқ олмоши билан ифодаланадиган бўлса, у кўпинча имплицит ифодаланади.

Кесим вазифасидаги отнинг контрагент валентини воқелантирган воситали тўлдирувчи ҳамма вақт *билан* кўмакчиси воситасида шаклланган бўлади ва 'шахс' семали семемага эга эканлиги ҳолда, кесим билан классемани таркиб топтиради.

Кўрдикки, от кесим вазифасида қўлланиб, контрагент валентини юзага чиқаради ва у воситали тўлдирувчи вазифасида воқеланади. Контрагент валенти ҳамма вақт агенс актанти билан йўлдош ҳолда гапда яшайди, *билан* кўмакчиси воситасида шаклланган бўлади. Бу валентлик лексик-семантик эканлиги ҳолда, факультативдир.

Адресат валентлиги

Фаолият билдирувчи от кесимлигидаги гапларда адресат валентлиги ҳам воқеланади. У деярли жўналиш келишиги ёки *учун* кўмакчиси билан шакланган воситали тўлдирувчи вазифасида берилади.¹ Бу умуман ҳар қандай сўзнинг адресат валентлиги актантига хос шаклдир. Масалан: *Айниқса, сизир бояқишга жабр* (Ойбек). Бу гапдаги фаолият билдирувчи *жабр* оти кесим вазифасида келиб, унинг адресат валентлиги актанти *сизир бояқишга* воситали тўлдирувчиси вазифасида воқеланган. У жўналиш келишида шаклланган. Адресат актанти объект актанти билан йўлдош ҳолатда воқеланиши мумкин. Масалан: *Болаларга белбоғ катта гап* (Ойбек). Бу гапдаги *гап* сўзи кесим вазифасида қўлланган. Унинг объекти *белбоғ* сўзида, адресат валенти *болаларга* сўзида воқеланган. Лекин бу ҳолатни доимий деб бўлмайди.

Адресат валенти кўпроқ шахс ёки жонивор билдирувчи сўзларда воқеланиб, жўналиш келишигида шаклланади ва синтактик жиҳатдан асосан воситали тўлдирувчи вазифасини ўтайди. Унинг шахс семасига эга бўлиши классема учун асосдир. Чунки от кесимда ҳам шахс семаси мавжуд. Юқоридаги мисолда *сизир* сўзи маъноси ҳам шахслаштирилган ифода билан берилган. Айрим ҳолларда от кесимнинг адресат валенти нарса билдирувчи сўзларда воқеланиши ҳам мумкин. Лекин шунда ҳам жонлантирилиб, шахслантирилиб тасвирланган бўлади. Масалан: *Қишда-ку қахратонга қалқон* (Шуҳрат). Бу гапдаги *қалқон* сўзи от кесим бўлиб, унинг адресат валенти *қахратонга* сўзида воқеланган. Бу сўз воситали тўлдирувчи вазифасини ўтаган. Умуман гап мазмунида жонлантириш бор.

Шу ўринда немис тилшунослигида от кесимнинг адресат валентлиги воқеланиши хусусияти юзасидан айтилган бир фикрга тўхташ лозим кўрилди. Ўша фикр бўйича, гапда от кесимнинг адресат валенти воқе бўлар экан, у билан йўлдош ҳолда унинг агенс ва объект валенти ҳам воқеланади.²

¹ **Расулов Р.** Лексико-семантические группы глаголов состояния и их валентность. -Ташкент: Фан, 1992.- С.201.

² **Stepanova M. D., Helbig G.** Wortarten und das problem der Valenz in der deutschen Gegenwartssprache. - S.211.

Немис тили меъёри бўйича бу фикр юзасидан ҳеч қандай мулоҳаза билдира олмаймиз. Ўзбек тилида ҳам феъл кесимларнинг адресат валентлиги воқеланишига уни бемалол татбиқ қилиш мумкин. Бу ҳақда ўз ўрнида тўхтаб ўтилган. Ахир агенс бирор объект юзасидан ҳаракат қилиб, уни адресатга йўналтиради. Бу мантиқий фикр. Лекин уни от кесимли гаплардаги адресат валентининг воқеланиш меъёрига татбиқ этиб бўлмайди. Масалан, бунинг учун *Болаларга белбоғ катта гап* гапини эслаб, таҳлил этиб кўришга тўғри келади. Бу гапдаги от билан ифодаланган *катта гап* кесимининг объект валенти *белбоғ* отида, адресат валенти *болаларга* отида воқеланган. Гап қолипи агенс учун жойни сиғдирмаган. Чунки от кесимли гаплар сифат билан ифодаланган кесимли гаплар қолипида бўлади. Отлар ҳам кесим вазифасида сифатлашган характерда коммуникацияга киришади. Улар воқеланганда агенс валентидан ҳамма вақт холидир. Айрим ҳолларда гап *Қишда-ку қаҳратонга қалқон* каби тузилиб, кесимнинг ўзи объект ифодалайди. Бундай от кесимларнинг фақат адресат валенти бўлиб, агенс қатори объект валенти ҳам бўлмайди. Аммо бу таҳлил доирасидаги фикрга фаолият билдирувчи отларда ифодаланган кесимли гапларни киритиш мумкин эмас. Бундай семантикали от кесимли гаплар қолипида отнинг агенс, объект ва адресат валентлари актантлари йўлдош ҳолда ҳам учрайди. Масалан: *Касб отадан ўғилга мерос* (Ойбек). Бу гапда *мерос* оти кесим вазифасида кўлланган. Унинг агенс валенти воситали тўлдирувчи вазифасидаги *отадан* сўзида, объект валенти эга вазифасидаги *касб* сўзида, адресат валенти ҳам воситали тўлдирувчи вазифасидаги *ўғилга* сўзида воқеланган. Уларнинг ҳаммаси от кесим билан шахс классемасига эга. Бу таҳлил немис тилшунослигидаги от кесим адресат валентлиги юзасидан берилган таҳлилий фикрга маълум даражада мос келади. Фақат унинг агенс валенти немис тилидагига ўхшаш эга вазифасида эмас, воситали тўлдирувчи вазифасида; объект валенти воситасиз тўлдирувчи вазифасида эмас, эга вазифасида воқеланган.

Айрим ҳолларда қаратқичли бирикмалар гап кесими бўлиб, унинг қаралмиши фаолият билдирувчи от эканлиги кузатилади. Бунда ҳам, қаратқичли бирикманинг қаралмиши фаолият билдирувчи сифат бўлганидай, у ҳоким сўз ҳолида ўз адресат валентини қаратқичда воқелантиради. Масалан: *Бировнинг боласини асраш – белидан куч-қуввати кетган одамнинг иши* (Шухрат). Бу гапнинг кесими *одамнинг иши* қаратқичли бирикмасидир. Унинг қаралмиши *иши* оти бўлиб, фаолият билдирувчи семантикага эга. Шу семантикага асосланган адресат валенти бирикманинг қаратқичида воқеланган. Бирикма семантикасида англашиларики, қаралмишда ифодаланган фаолият қаратқичда ифодаланган шахсга қаратилган, унга йўналтирилган. Бу бирикма бўлақларини ҳам уюштирувчи сема ‘шахс’ семаси ҳисобланади.

Кўрдикки, от туркумига мансуб сўзлар адресат валентига ҳам эга бўлиб, у воситали тўлдирувчида ва қаратқичли бирикмаларнинг қаратқичида воқеланади. Унда воситали тўлдирувчилар жўналиш келишиги, қаратқич

бўлагининг ўз аффикси билан шаклланади. Адресат валентлиги лексик-семантик бўлиб, факультативдир.

Сабаб валентлиги

Ҳолат билдирувчи отлар гап кесими вазифасида қўлланар экан, уларнинг сабаб валентлиги ҳам юзага чиқади ва воситали тўлдирувчи вазифасида воқеланади. Кесим вазифасидаги сўз сабаб актанти семемалари ўзаро бир хил сема – классемага эга бўлади. Масалан: *Баъзиларимиз йўқчиликдан ялангоёқ* (Ойбек). Бу гапдаги *ялангоёқ* сўзи кесим вазифасида қўлланган. Унинг сабаб валенти гапдаги *йўқчилик* оти бўлган сабаб ҳолида воқеланган. У чиқиш келишиги билан шаклланган. От ва унинг сабаб актанти семемалари ўзаро ‘етишмовчилик’ семаси бўйича классемага эга.

Ҳолат билдирувчи отларнинг сабаб валентлиги сабаб ҳолида воқеланар экан, у фақат чиқиш келишиги билан эмас, *учун* кўмакчиси билан ҳам шаклланган бўлиши мумкин. Масалан: *Биз ундан тантилиги учун мамнунмиз* (А. Мухтор). Бу гапдаги *мамнунмиз* сўзи кесим вазифасида қўлланган. Унинг сабаб валенти гапдаги от туркумига мансуб *тантилик* сўзида воқеланган. У сабаб ҳоли вазифасини ўтаган. Грамматик жиҳатдан эса *учун* кўмакчиси билан шаклланиб, кесим томонидан бошқарилган. *Мамнун* оти ва унинг сабаб валенти воқеланган *тантилик* отининг семантикаси ўзаро ‘қониқиш’ семаси асосида классемани таркиб топтирган.

Кўрдикки, ҳолат билдирувчи от кесим вазифасида келиб, сабаб валентини юзага чиқаради ва у сабаб ҳоли вазифасида воқеланади. Сабаб актанти ё чиқиш келишиги, ё *учун* кўмакчиси билан шаклланади. Бу валентлик лексик-семантик бўлиб, факультативдир.

Ҳолат валентлиги

От туркумига мансуб сўз кесим вазифасида қўлланар экан, унинг ҳолат валенти ҳам бўлиши ва коммуникацияда воқеланиши ҳам мумкин. Лекин у кесим вазифасида қўлланган ҳар қандай от туркумига мансуб сўзларда ҳам кузатилавермайди. Ҳолат валенти ҳол вазифасида қўлланиб, нутқ талабига кўра гап кесими вазифасини ҳам ўтаётган, уни имплицит ифода этаётган эмоционал ифодали отда воқеланади ва у ҳам тарз ҳоли вазифасини олган сўз бўлади. Кесим вазифасидаги от ҳолат актанти билан фақат ‘ҳолат’ семаси асосида семантик муносабатга киришади. Масалан: *Ҳар нарса баҳорнинг жўшқин завқида* (Ойбек). Бу гапдаги *завқида* сўзи кесим вазифасида қўлланган. Аслида гап кесими тахминан *яшамокда* феъли бўлиб, у нутқ талабига кўра эллипсисга учраб, ўз вазифа ва семантикасини ҳол вазифасидаги *завқида* сўзига қолдирган. *Жўшқин* сўзи тарз ҳоли вазифасида ҳолат валентини ўзида воқелантирган. У, феъл кесим эксплицит ифодаланса ҳам, шу вазифасида бўлар эди. *Завқида* от кесими билан унинг ҳолат валенти актанти бўлган *жўшқин* сўзи ўзаро ‘ҳолат’ семаси асосида классемага эга.

Кўрдикки, эмоционал ифодали от кесим вазифасида келиб, ҳолат валентини юзага чиқаради ва у тарз ҳоли вазифасида воқеланади. У лексик-семантик валентлик бўлиб, факультативдир.

Демак, от туркумига мансуб сўзлар кесим вазифасида келиб, лексик-семантик валентликларга эга бўлар экан, бу валентлик агенс, объект, мазмун, котрагент, адресат, сабаб ва ҳолат валентликлари доирасида кечади. Улардан агенс валентлиги гапнинг ё эгаси, ё воситали тўлдирувчиси, ё қаратқич вазифасида; объект валентлиги гапнинг эгаси ё воситасиз тўлдирувчиси ва баъзан бирикманинг қаратқич бўлаги вазифасида; мазмун валентлиги гапнинг ажратилган кесим, уюшган кесим, ўхшатиш эталони вазифасида; контрагент валентлиги гапнинг воситали тўлдирувчиси вазифасида; адресат валентлиги гапнинг воситали тўлдирувчиси ё аниқловчили курилманинг қаратқич бўлаги вазифасида; сабаб валентлиги гапнинг сабаб ҳоли вазифасида; ҳолат валентлиги гапнинг тарз ҳоли вазифасида воқеланади. Агенс ва объект валентликлари облигатор бўлгани ҳолда мазмун, контрагент, адресат, сабаб ва ҳолат валентликлари факультативдир.

2. Отнинг мантиқий-семантик валентлиги

От туркумига мансуб сўзлар гап кесими ёки аниқловчили бирикманинг аниқланмиши вазифасида келиб, мантиқий-семантик валентликларини коммуникацияга киритади. Унинг мантиқий-семантик валентликлари ўрин, восита, белги ва миқдор валентликлари билан юзага чиқади. Уларнинг ҳар бирига алоҳида тўхтаимиз.

Ўрин валентлиги

Отнинг ўрин валентлиги унинг мантиқий-семантик валентликларидан биридир. Бу валентлик актанти от кесим билан умумий классемага эга бўлмайди. У от кесим билан семантик мантиқига кўра алоқага киришади. Чунончи, фалсафий қонуниятга кўра ҳамма нарса ҳаракат ва ҳолат маълум макон ва замонда мавжуддир.¹ Маълум субъектнинг ҳаракат ва ҳолати маълум бир маконда содир бўлади. Унинг мавжудлиги ва ҳолати ҳам шу маконнинг ўзидагина ҳаётдир. Яъни макон субъектнинг ҳаракат ва ҳолатини ўзида акс эттиради.² Шу жиҳатдан субъект ва унинг ҳаракат ва ҳолати билан макони ўртасида диалектик боғлилик бор.³ Шунга кўра ҳар қандай семантикага эга от кесим вазифасида келиб, ўрин валентлигини воқелатириши мумкин. Воқеланган ўрин валентлиги актанти деярли ўрин келишиги билан шаклланганлиги кузатилади. Масалан: *Ёш-ялангнинг чеккасида бинафша (С. Аҳмад)*. Бу гапдаги *бинафша* оти кесим вазифасида

¹ Раҳимов И. Фалсафа.-Тошкент:Университет, 1998, 77-б.

² Р.Расулов худди шу фикрни ҳолат феъллари билан боғли ҳолда илгари сурган эди. Қаранг:

Расулов Р. Кўрсатилган монография. - 86-б.

³ Расулов Р. Кўрсатилган монография. 86-б.

қўлланиб, ўрин *чеккасида* отида воқеланган. У гапда ўрин ҳоли вазифасини ўтаган. От кесим билан ўрин актанти семемалари ўзаро умумий семага, яъни классемага эга эмас, лекин бинафша маълум бир жойдагина, ёш-ялангнинг чеккасида макон топган. Шу макон унинг ўрнидир. Бу ўрин гапдаги *чеккасида* отида ифодаланган. У ўрин келишиги билан шаклланган. *Бинафша* оти билан унинг ўрин валенти актанти ўртасида семантик алоқа фақат мантиқандир.

От кесим ўрин валентини маълум сўзда воқелантирар экан, бу сўз ҳамма вақт ҳам от туркумига мансуб бўлавермайди. У ўрин равиши бўлиши ҳам мумкин. Лекин у ҳам отлашган ҳолда ўрин келишиги билан шаклланганлиги кузатилади. Масалан: *Ҳамма ёқда гул, майса* (С. Аҳмад). Бу гапдаги *гул, майса* отлари кесим вазифасида қўлланган. Уларнинг ўрин валенти ўрин равишига мансуб *ҳамма ёқ* сўзида воқеланган. Бу ўрин равиши отлашган ҳолда ўрин келишиги билан шаклланган. У ўрин ҳоли вазифасини ўтаган. Бу гапда ҳам кесим билан ўрин ҳоли фақат синтактик боғли бўлиб, семемалари ўзаро умумий семага эга эмас, улар мантиқий боғланиб келган.

От кесим ўрин валентини маълум сўзда воқелантирар экан, бу сўз от туркумига мансуб бўлгани ҳолда, у ўрин келишиги билан эмас, кўмакчи вазифасидаги от билан шаклланганлиги кузатилади. Масалан: *Хона ичи қуюқ чанг* (Ойбек). Бу гапдаги *чанг* сўзи кесим вазифасида қўлланган. Унинг ўрин валенти ўрин билдирувчи от *хона* сўзида воқеланган. Бу от туркумига мансуб сўз ўрин келишиги билан эмас, кўмакчи вазифасидаги *ичи* оти билан шаклланган. Бу от шу шаклланган ҳолида ўрин ҳоли вазифасини ўтаган. Бу гапда ҳам кесим билан ўрин ҳоли вазифасидаги сўзлар семемалари умумий семаси билан эмас, мантиқига кўра ўзаро боғланган.

От кесимнинг ўрин валентлиги актанти гапда эга вазифасида воқеланиши ҳам мумкин. Бунда гап ўрин ҳақидаги янгиликни беришга қаратилган бўлади. Актуал бўлакланишга кўра тема ўрин актантида, рема кесимда қайд этилади. Масалан: *Мусофирхона бир зарурат кунидан тушиладиган жой* (Шухрат). Бу гапдаги от туркумига мансуб *жой* сўзи кесим вазифасида қўлланиб, унинг ўрин валенти *мусофирхона* отида воқеланган. У эга вазифасида келган. От кесим билан ўрин актанти семемалари ўзаро умумий семага, яъни классемага эга эмас. Лекин жой мавжуд бўлган макон мусофирхонадир. Гапдаги маълум *мусофирхона* ҳақидаги янгилик – рема *жой* кесимида қайд этилган.

От кесимнинг ўрин валентлиги гапда эга вазифасида воқеланар экан, у ўрин равишида ифодаланган бўлиши ҳам кузатилади. Шунда ҳам от кесимнинг ўрин актанти темадан иборатлиги ҳолда, унинг ўзи рема мавқеини олади. Масалан: *Ҳамма ёқ тош* (С. Аҳмад). Бу гапдаги от туркумига хос *тош* сўзи кесим вазифасида қўлланиб, унинг ўрин валенти *ҳамма ёқ* ўрин равишида воқеланган. Ўрин равиши гапда эга вазифасида келган. От кесим билан ўрин валенти актанти семемалари ўзаро умумий семага эга эмас, лекин бунда ҳам тош ҳамма ёқда мавжуд бўлиши мумкинлигига кўра ўзаро мантиқий алоқадордир. Гапдаги *ҳамма ёқда* сўзи маълум бўлиб, *тош* сўзи янгиликдир.

Агар кесим ўрин келишиги билан шаклланган ҳолат билдирувчи от бўлган ҳолда ҳам, ўрин валентлиги актанти эга вазифасидаги отда воқеланади. Масалан: *Юксак тоғлар туманда* (Ойбек). Бу гапнинг кесими ҳолат билдирувчи отда ифодаланган. У ўрин келишиги билан шаклланган. Унинг ўрин валентлиги актанти эга вазифасидаги *тоғлар* сўзида воқеланган. Бу гапда ҳам маълум тоғлар ҳақидаги янгилик туманда эканлиги қайд этилган. Шунга кўра эга вазифасидаги *тоғлар* сўзи кесим вазифасидаги *туманда* сўзи билан ўзаро мантиқан семантик алоқададир.

Кўрдикки, от туркумига мансуб сўзлар ўрин валентига эга бўлиб, у ўрин холи ва эга ваэифасида воқеланади. Унда ўрин холи ўрин келишиги ёки кўмакчи вазифасидаги от билан шаклланган бўлади. Ўрин валентлиги мантиқий-семантик бўлиб, факультативдир.

Восита валентлиги

От туркумига мансуб сўзларнинг восита валентлиги, феълларнинг восита валентлигига ўхшаб лексик-семантик эмас, балки мантиқий-семантикдир. Феъллар ўз восита валенти актанти билан умумий семага эга бўлган семемали эканлиги ҳолда, от туркумига мансуб сўзлар семемаси ўз восита валенти актанти семемаси билан умумий семага эга эмас. У, от ўз актанти агенси билан лексик-семантик боғлиқликка эга бўлар экан, булар орасида боғланиш воситаси сифатида хизмат қилади. Тўғрироғи, отнинг агенс актанти билан восита актанти семемалари умумий семага эга бўлиб, яъни семантик алоқада бўлгани ҳолда, от ўз агенс актанти билан семантик боғланишида орада туради. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, отнинг восита валенти воқеланган гапда, шубҳасиз, унинг агенс валенти ҳам воқеланган бўлади. Яъни отларнинг восита валенти актанти уларнинг агенс валенти актанти билан йўлдош ҳолатда эмас, балки унга йўлдош ҳолатда, гапда воситали тўлдирувчи вазифасида воқеланади. У ҳамма вақт *билан* кўмакчисини олиб шаклланади. Масалан: *Дехқонлар бўлса тоқатсизлик билан баҳорган интизор* (Ойбек). Бу гапдаги *интизор* оти кесим вазифасида қўлланган. Унинг восита валенти воситали тўлдирувчи вазифасидаги *тоқатсизлик* сўзида воқеланган. У *билан* кўмакчисини олиб шаклланган ва шу кўмакчи воситасида кесим билан грамматик боғланган. *Интизор* отининг агенс валенти эга вазифасидаги *деҳқонлар* сўзида воқеланган. Восита актанти агенс актанти билан семемаларининг ‘шахс’ семаси асосида классемага эга, яъни семантик боғланади. Гапдаги бўлақларнинг мазмунига кўра, эгадан англашилган шахслар восита актантидан англашилган ҳолат кесими билан кесимдан англашилган руҳий ҳолатда алоқададир. Воситали тўлдирувчи эга орқали кесимга семантик боғланган. Шу асосда восита актантини кесим билан мантиқий-семантик алоқада деб кўрсата олиш мумкин. Гап мазмунида яна бир кечим мавжуд. Шахслар ҳолат кечими билан руҳий ҳолатга кирар экан, у адресат актантида ифодаланган мавсумга қаратилган бўлади.

Кесим вазифасидаги отнинг агенс актанти ифодалаган шахс восита актантида ифодаланган ҳолат кечими адресатга қаратилмай, кесимдан англашилан ўринга йўналган бўлиши ҳам кузатилади. Бунда кесим вазифасидаги от кесимликни нутқ талабига кўра ўтаётган ўрин ҳоли бўлади. Масалан: *У бутун хаёли билан ўша боғда* (Шухрат). Бу гапдаги *боғда* сўзи кесим вазифасида қўлланган. Унинг восита валенти воситали тўлдирувчи вазифасидаги *хаёл* сўзида воқеланган. *У билан* кўмакчисини олиб шаклланган. Шу кўмакчи воситасида воситали тўлдирувчи кесим билан грамматик жиҳатдан боғланган, бироқ улар семантик алоқага эга эмас. Кесимнинг агенс валенти вазифасидаги кишилиқ олмошида воқеланган восита актанти шу эга вазифасидаги агенс актанти билан бир хил ‘шахс’ семали семемага эга. Гап мазмунига кўра, агенс актантида ифодаланган шахс восита актантида ифодаланган ҳолат кечимини кесимда ифодаланган жойга қаратган. Шунга кўра айтиш мумкинки, от кесим ўз воситали актанти билан мантиқан семантик боғлидир.

Отларнинг восита актанти ҳамма вақт *билан* кўмакчисини олиб, грамматик шаклланган бўлади. Улар, ҳеч вақт феълларнинг восита актантига ўхшаб, тушум ва ўрин келишиги билан шаклланмайди. Лекин баъзан восита актанти сифатида танланган арабча ўзлашган отлар ўрнида уларнинг равишдош шакллари берилиши мумкин. Масалан: *хаёлан, фикран, зикран* кабилар воситасида.

Кўрдикки, от туркумига мансуб сўзлар восита валентига эга бўлиб, у воситали тўлдирувчи вазифасида воқеланади. Бунда воситали тўлдирувчи *билан* кўмакчисини олиб, шаклланган бўлади. Восита валентлиги мантиқий-семантик бўлиб, факультативдир.

Белги валентлиги

От кесимларнинг белги валентлиги ҳам мантиқий-семантик валентлик ҳисобланади. Отлар белги валентлиги актанти билан умумлаштирувчи, яъни классемага эга бўлмайди. Аммо объектив борлиқнинг ҳаммаси ўз белгиларига эга бўлади ва белгилар объектив борлиқдаги нимагадир мансуб эканлиги ҳолда, ундан ташқарида ўзича ҳаёт эмас.¹ Белги сезги аъзолари билан ҳис қилинадиган нарса, яъни предмет, воқеа, ҳолат кабиларнинг хусусияти, мазаси, акустикаси иси, таъми ва ҳ.л.лари ҳақидаги ифодадир.² Бошқача қилиб айтганда, предмет, воқеа ва ҳолатлар от туркумига оид сўзда ифода топиб, у ҳақдаги аниқловчилик вазифасини белги актанти ўтайди.³ От гапда эга, тўлдирувчи, ҳол ва ҳатто кесим вазифасини ўтайди. Белги актанти уларнинг ҳар бирини ҳам аниқлаш хусусиятига эга. Шу мантиққа кўра от, гап таркибида қандай синтактик вазифа: эга, тўлдирувчи, ҳол, кесим вазифасини

¹ Виноградов Н.С., Кузьмин А.Ф. Логика. -Минск: Изд.БГУ, 1974, с.27.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I том. /З. М. Маъруфов таҳр. ост. – М.:Рус тили, 1981, 99-б.

³ Дмитриев Н. К. Грамматика башкирского языка. – М.-Л.:Наука, 1948, с.81; Маъруфов З. Сифат // Ҳозирги замон ўзбек тили /Ф. Камол таҳр. ост. – Тошкент: Фан,1957, 343-б.; Содикова М. Ҳозирги ўзбек тилида сифат. – Тошкент:Фан, 1974, 11-б.

бажаришидан катъий назар, белги валентлигига эга бўлиши ва уни воқелантириши ҳам мумкин. Отлар гапда кесим вазифасида қўлланар экан, унинг ҳам белги валентлиги мавжуд. От кесимларнинг бу валентлиги унинг аниқловчиси вазифасида воқеланади ва деярли улар олдида қўлланади. Масалан: *Отанинг билгани яхши дуодир* (Ғ.Ғулом). Бу гапдаги от кесим *дуо* сўзида ифодаланган бўлиб, унинг белги валентлиги актанти аниқловчи вазифасида воқеланган *яхши* сўзидир. Қуйидаги гапда ўрин холи вазифасидаги от белги валентлигини воқелантирган. У ўрин ҳолининг аниқловчиси вазифасидаги *каталак* сўзида ифодаланган: *Бизнинг Говкуш маҳалла каталак ҳовлилардан иборат* (Ойбек). Бу гапдаги *иборат* оти кесим вазифасида келиб, у ўрин холи вазифасидаги *ҳовлилардан* сўзини бошқариб келган. Унинг белги валенти шу сўздан олдин берилган аниқловчи ваифасидаги *каталак* сўзида воқеланган. От эга вазифасида ҳам қўлланиб, ўз белги валентини аниқловчи вазифасида ҳам воқелантириши кузатилади. Масалан: *Кўркам лолалар ҳамма ёқда* (Ойбек). Бу гапдаги *лола* сўзи гап эгаси вазифасида қўлланган. Унинг белги валенти ҳам шу эганинг аниқловчиси вазифасида воқеланган. У *кўркам* сўзида ифодаланган. Бу гапларнинг ҳаммасида ҳам от туркумида ифодаланган сўзлар ўз белги актантлари билан семантик мантиқ асосида алоқага эга.

От туркумига мансуб сўз кесим вазифасида қўлланганда, унинг белги валенти баъзан бирикмада ифодаланган аниқловчида воқеланиши ҳам мумкин. Масала: *Бостирмали кенг далонда оти чиқарилган извоиш* (С.Аҳмад). Бу гапдаги *извоиш* сўзи кесим вазифасида қўлланган. Унинг белги валенти бирикмада ифодаланган *оти чиқарилган* аниқловчисида воқеланган. Яна шу гапда ўрин холи вазифасидаги *далонда* оти ҳам бўлиб, унинг белги валенти *бостирмали кенг* аниқловчисида воқеланган. Улар бирикмадан иборат эмас, балки икки сўз, аммо мустақил аниқловчилардир, яъни уюшмаган аниқловчилардир. Бу ўринда ўрин холи вазифасидаги отнинг белги валенти уюшмаган аниқловчида воқеланди, деб қаралади. Мазкур отлар ҳам ўз белги актанти билан семантик мантикига кўра ўзаро алоқадордир.

От туркумига мансуб сўз кесим вазифасида қўлланар экан, унинг белги валенти баъзан уюшган аниқловчида воқеланиши ҳам мумкин. Масалан: *Булар аксарият камбағал, фақир қизлар* (Ойбек). Бу гапдаги *қизлар* сўзи кесим вазифасида қўлланган. Унинг белги валенти кесимнинг аниқловчиси вазифасидаги *камбағал, фақир* сўзларида воқеланган. Улар бир турда иккита бўлиб, кесимга тўғридан-тўғри боғланган бўлақлардир. Яъни от кесимнинг белги актанти уюшган аниқловчидан иборат. Ўзбек тилида отларнинг белги актанти ҳамма вақт ҳам ўзидан олдинги мавқеда жойлашади.

Отларнинг белги валенти маълум сўзда воқеланар экан, шу от ва белги актанти форсий изофада берилиши мумкин. Масалан: *Бу саодат боғида ҳоли паришонман десун* (Чустий). Бу гапдаги форсий изофа *ҳоли паришон* бирикуви бўлиб, ундаги *ҳол* отининг белги актанти *паришон* сўзида воқеланган. Бу сўз бирикманинг *ҳол* бўлаги учун аниқловчи ҳисобланади,

лекин форсий изофа қонуниятига кўра ундан кейин жойлашган. Шу бирикма бўлаклари ҳам семантика мантиқига кўра ўзаро алоқага эгаллиги маълум.

Кўрдикки, от туркумига мансуб сўзларда, гапнинг эга кесим, тўлдирувчи ёки ҳоли вазифасида бўлишидан қатъи назар, белги валенти мавжуд. У гапда шу бўлақлардан бирининг аниқловчиси вазифасида воқеланади. Белги валентлиги мантиқий-семантик бўлиб, факультативдир.

Миқдор валентлиги

От туркумига мансуб сўзлар, гапнинг қайси бўлагига тегишли бўлишидан қатъи назар, миқдор валентлигига эга. Отларнинг бу валентлиги шу жиҳати билан белги валентлигига жуда яқин туради. Ҳатто бу валентликнинг бирор гап бўлаги аниқловчиси вазифасида воқеланиши билан ҳам белги валентлигига ўхшайди. Масалан: *Иккита газниқоб қозиқда* (С. Аҳмад). Бу гапдаги *газниқоб* оти гап эгаси вазифасида қўлланган. Унинг миқдор валенти бўлган *иккита* сўзи аниқловчи вазифасида воқеланган. От гапнинг қандай бўлаги вазифасида қўлланса ҳам, унинг миқдор валенти, худди белги валентидагига ўхшаб, шу бўлақнинг аниқловчиси вазифасида воқеланаверар эди. Шунинг назарда тутиб, отларнинг миқдор валенти ҳақида ортиқча тўхтамаймиз.

Кўрдикки, отларнинг мантиқий-семантик валентлигига мансуб миқдор валентлиги шу отнинг аниқловчиси вазифасида воқеланади. У факультативдир.

Демак, от туркумига мансуб сўзлар мантиқий-семантик валентлик доирасида коммуникацияга киришиб, унга ўрин, восита, белги ва миқдор валентликлари хосдир. Улардан ўрин валентлиги ўрин ҳоли ва эга вазифасида, восита валентлиги воситали тўлдирувчи вазифасида, белги ва миқдор валентликлари аниқловчи вазифасида воқеланади. Бу валентликларнинг ҳаммаси ҳам факультативдир.

3. Отнинг шакл семантикаси валентлиги

Отлар шакл семантикаси валентлиги билан ҳам коммуникацияга киришар экан, унга оид пайт ва маълум даражада агенс валентликлари мавжуд.

Пайт валентлиги

От кесимларнинг пайт валентлиги шакл семантикаси валентлиги ҳисобланади. Чунки от кесим ноль аффикс билан доимий замонни кўрсатади. Бу доимий замон мазмунида биринчи ўринда асосан ҳозирги замон туради. Шунга кўра отнинг пайт валентлиги намоён бўлади. Масалан: *Бугун фарзандларга ота-онамиз* (Э.Воҳидов) гапидаги от кесим *ота-онамиз* сўзида ифодаланган. У доимий замонни кўрсатган. Шунга кўра

у пайт валентлигини *бугун* сўзида воқелантирган. Бу сўз ‘шу кунларда’ маъносини беради, яъни доимий замон ифодасига эга.

Қуйидаги мисолда бу яна ҳам англашиларлидир. Масалан: *Қир оёқларида қишин-ёзин бирдай каттакон сағри ковуш* (Ойбек). Бу гапдаги от туркумига мансуб *ковуш* сўзи кесим вазифасида қўлланган. Кесим вазифасидаги *ковуш* сўзи ноль кўрсаткичга эга бўлганлиги учун доимий замонни билдирган. Шунга кўра унинг пайт валенти воқеланган *қишин-ёзин* сўзи семантикасида ҳам доимий вақт ифода этилган. Бу ноль кўрсаткичли от кесим ҳозирги-келаси замон ифодасига эга бўлиши ҳам кузатилади. Бундай от кесимларнинг пайт валенти ҳам шундай семантикали пайт ҳолида воқеланади. Масалан: *Эндиги қуролимиз...оташин тарғиботдир* (С. Аҳмад). Бу гапдаги *тарғибот* оти ноль кўрсаткичли от кесимдир. У ҳозирги-келаси замонни билдирган. Шунга мувофиқ ҳолда пайт валенти пайт ҳоли вазифасидаги *эндиги* сўзида воқеланган. У ҳозирги-келаси вақтни кўрсатувчи семантикани беради. Яна шуни таъкидлашга тўғри келадикки, пайт валенти актанти ноль кўрсаткичли от кесим семантикаси билан бир хил семага эга семемали бўлиб, ҳамма вақт синтактик жиҳатдан пайт ҳоли вазифасини ўтайди.

От туркумига мансуб бўлган сўз кесим вазифасида қўлланар экан, у ўрин келишиги билан шаклланган бўлиши мумкин. Бунда у деярли ҳолда ҳозирги замонни кўрсатади. Унинг валенти гапда шу лаҳзани ифода этувчи пайт ҳолида воқеланади. Масалан: *Ҳозир бозор айни авжидида* (Ойбек). Бу гапдаги *авжидида* сўзи от туркумига мансуб бўлиб, кесим вазифасида қўлланган ва ўрин келишиги билан шаклланган. Кесим вазифасида қўлланган отлар ўрин келишиги билан шаклланган бўлса, деярли ҳозирги замонни ифода этади. Унинг пайт валентлиги нутқ ўтаётган лаҳзага оид вақтни билдирувчи пайт ҳоли вазифасидаги *ҳозир* равишида воқеланган. Яъни унинг замон кўрсаткичи семаси билан пайт валенти актанти семемасининг бир семаси умумийдир.

Кесим вазифасидаги отларнинг пайт валентлиги келаси ёки ўтган замонни кўрсатувчи актанти воқелантириши ҳам мумкин. Бунинг учун от кесим боғлама билан қўлланган бўлади. Боғлама отнинг пайт валентлиги актантининг қайси замонга мансуб бўлишини белгилайди. Масалан: *Эртага байрам бўлади*. Бу гапнинг от кесими *байрам* сўзида ифодаланган ва *бўлади* боғламасини орттирган. У келаси замонни кўрсатган. Шунга кўра от кесим келаси замонга мансуб валентлик актанти воқелантирган. Бу актанти *эртага* сўзида ифодаланган. От туркумига мансуб сўз кесим вазифасида қўлланар экан, у тўлиқсиз феъл билан шаклланиши ва ўтган замонни кўрсатиши ҳам мумкин. Бунда от кесимнинг пайт валенти нутқ лаҳзасидан олдин ўтган вақтни билдирувчи сўзда воқеланади. Масалан: *Кечаги кеч даҳшат эди* (Шухрат). Бу гапдаги *даҳшат* сўзи кесим вазифасида қўлланган. Шунингдек, у гап боғламаси вазифасидаги *эди* тўлиқсиз феъли билан шаклланган ва ўтган замонни кўрсатган. Шунга кўра от кесимда пайт валентлиги юзага келган ва у гапнинг эгаси вазифасидаги *кечаги кеч* бирикувида воқеланган. Бу атрибутив от бирикмадир. Айтиш мумкинки, от

кесимга мансуб пайт валенти актанти фақат пайт ҳоли эмас, эга вазифасида ёки бошқа бўлак вазифасида ҳам воқеланади. От кесимнинг шаклида ифода топган сема ҳамма вақт пайт актанти семемасининг маълум семаси билан бир хил – умумий бўлади.

Кўрдикки, от туркумига мансуб сўз кесим вазифасида қўлланиб, ё ноль кўрсаткич, ё ўрин келишиги, ё боғлама билан шаклланган ҳолда, пайт валентига эга бўлади. Унинг бу валенти асосан пайт ҳоли ва баъзан гапнинг бошқа бўлақларида ҳам воқеланади. Бу валентлик шакл семантикаси валентлиги бўлиб, факультативдир.

Агенс валентлиги

От кесим вазифасида келиб, боғлама сифатида эгалик қўшимчаси билан қўлланар экан, шакл семантикасига кўра агенс валентига эга бўлади. Бунда у агенс валентини эга вазифасидаги сўзда воқелантиради ва агенс актанти от кесим шакли семантикаси билан бир хил сема – умумий семани таркиб топтиради. Шунга кўра от туркумидаги сўзнинг агенс валентлигини шакл семантикаси валентликлари қаторида санаш жоиздир. Бироқ от бундай ҳолда ҳам ўз агенс актанти билан семемаларининг ядро семалари асосида бир хил семага эга бўлиши мумкин. Бунда агенс валенти лексик-семантик валентлик ҳисобланиши керак бўлиб қолади. Аммо бу ҳолат изчил кузатилмайди. От кесим билан унинг агенс актанти ўртасидаги боғланиш кесим семемасининг ядро семасига ҳам, шакл семасига ҳам таянган бўлиши мумкин. Шундай ҳолда ҳам агенс валентлигини шакл семантикаси валентлиги деб қараш тўғри ҳисобланади. Чунки от кесимдаги агенс валентини нутқда воқелантириш асосан шакл семантикаси коммуникацияси талаби билан юзага келган. Шунингдек, шакл семантикаси валентлиги нутқнинг айни лаҳзасидаги мажбурий имконияти ҳисобланади. Яна шакл семантикаси валенти лексик-семантик валентга нисбатан семантик майдони торроқ, ифодаси аниқроқ актанти эътиборда тутади. Масалан: *Мен онанг тенги хотинман* (С. Аҳмад). Бу гапдаги *хотинман* оти кесим вазифасида қўлланган. Унинг агенс валенти эга вазифасидаги *мен* кишилиқ олмошида воқеланган. *Хотинман* от кесими билан эга вазифасидаги *мен* кишилиқ олмоши 'шахс' семаси асосида классемани таркиб топтирган. Бунда от кесимнинг шакли семантикаси аҳамият касб этади. *Мен* кишилиқ олмоши эгалик кўрсаткичисиз келган от кесим вазифасидаги *хотин* сўзи билан ҳам ўзаро классемага эга. Чунки *хотин* сўзи семемаси таркибида 'шахс' семаси бор. Лекин *хотин* сўзи эгалик кўрсаткичисиз кесим вазифасида қўлланганда эди, унинг агенс валенти *мен* кишилиқ олмоши воқеланиши шарт бўлмай қолар эди. Унинг ўрнида II ёки III шахсни билдирувчи кишилиқ олмоши ҳам, атоқли от ёки шахс билдирувчи турдош от ҳам олинаверарди. Шуларни ҳисобга олиб, кесим вазифасидаги *хотин* отининг агенс валентини шакл семантикаси валенти деб ҳисоблаш тўғридир.

От кесим вазифасида қўлланиб, фақат эгалик кўрсаткичини орттирса, агенс валентига эга бўлиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Масалан: *Мен кечакундуз мия оғриқман* (Ойбек). Бу гапдаги *оғриқман* оти кесим вазифасида қўлланган. У эгалик қўшимчаси билан шаклланган. Шунга кўра ‘шахс’ семасига эга бўлиб, агенс валентини юзага келтирган. Бу валент гап эгаси бўлган *мен* кишилик олмошида воқеланган. Агар кесим вазифасидаги *оғриқман* оти эгалик билан шаклланмаганда эди, у эгалик вазифасидаги *мен* кишилик олмоши билан классемага эга бўлмасди. Чунки *оғриқ* оти семемасида ‘шахс’ семаси йўқ. Бу ҳам эгалик кўрсаткичи воситасида қўлланган от кесимлар агенс валентига эга бўлиши ва у шакл семантикаси валентлигига мансуб эканлигини кўрсатади.

Гап кесими вазифасида келган от ҳам қаралмиш, ҳам эгалик қўшимчаси билан қўлланган ҳолатларда ҳам бўлади. Бунда ҳам у агенс валенти билан коммуникацияга киришади. Унинг агенс валенти гапда қаратқичли кишилик олмошида воқеланади. Яъни унинг агенс актанти эга вазифасида эмас, кесимнинг қаратқичли аниқловчиси вазифасида келади. Масалан: *Бу бизнинг муқаддас бурчимиз* (Шухрат). Бу гапдаги *бурчимиз* оти кесим вазифасида қўлланган. У ҳам эгалик, ҳам қаралмиш билан шаклланган. Шунинг учун унинг агенс валенти шаклланган сўз қаратқич билан турланган шахс кўпликдаги бизнинг кишилик олмоши бўлган. *Бурчимиз* сўзининг эгалик ва қаралмиш қўшимчаси семантикаси агенс актанти семантикаси ‘шахс’ семалари асосида классемани таркиб топтирган.

Кўрдикки, от эгалик билан турланган ҳолда кесим вазифасида қўлланиб, агенс валентига эга бўлади ва унинг валенти эга вазифасида воқеланади. От қаралмиш билан турланган бўлса, агенс актанти қаратқичли аниқловчи вазифасида келади. Кесим шакли семантикасига асосланиб, агенс актанти билан семантик алоқада бўлиши улар валентлиги шакл семантикаси валентлиги эканлигини кўрсатади. У факультативдир. Демак, от туркумига мансуб сўзлар шакл семантикаси валентлиги доирасида пайт ва агенс валентликларига эга. Улардан пайт валентлиги асосан пайт ҳоли ва шунингдек эга ва бошқа гап бўлаклари вазифасида; агенс валентлиги гапда эга ва кесим аниқловчиси вазифасида воқеланади. Пайт валентлиги гап кесимининг замон кўрсаткичи, агенс валентлиги эса унинг эгалик кўрсаткичи семантикасига асосланади. Ҳар икки валентлик ҳам факультативдир.

Хуллас, от валентликлари: 1) лексик-семантик валентлик; 2) мантиқий-семантик валентлик; 3) шакл семантикаси валентлиги. Лексик-семантик валентлик ўз ичига агенс, объект, мазмун, контрагент, адресат, сабаб ва ҳолат валентликларини олади. Мантиқий-семантик валентлик ўрин, восита, белги ва миқдор валентликларини қамрайди. Шакл семантикаси валентлиги фақат пайт валентлигидан иборат. Агенс валентлиги отнинг эгалик аффикси семантикасига асосланганда, баъзан лексик-семантик валентлик кузатилса ҳам, у моҳиятан шакл семантикаси валентлигига мансубдир. От валентликлари асосан факультатив бўлади.

СОННИНГ СЕМАНТИК ВАЛЕНТЛИКЛАРИ

Сон туркумига мансуб сўзлар синтактик вазифаси жиҳатидан сифат туркумига мансуб сўзларга деярли ўхшайди. Уларнинг ҳар иккиси ҳам отларга боғланиб, улар белгисини кўрсатади. Сифатлар от туркумига мансуб сўзлар англатиб келган нарсанинг белги - хусусият белгисини билдирса, сонлар миқдор белгисини билдиради. Шунини ҳисобга олиб, улар валентлиги ҳам бир хил бўлади, деган хулосага бормаслик керак. Одатда сифатлар кесим вазифасида келиб, ўз валентлигини юзага чиқаради. Сифатнинг синтактик вазифаси аниқловчилик ва шу билан бирга кесимликдир. У кесим вазифасида фаол қўлланади. Кесим вазифаси биринчи навбатда феълларга юклангани ҳолда, ундан кейин бу вазифани сифатлар бажаради. Биламизки, кесимлар икки турга бўлиниб, уларни феъл кесим ва от кесим деб аталади. От кесимлар асосан сифатларда ифода топади. Отларда ифода топган от кесимлар ҳам белги билдиришга мойилроқ, сифатлашганроқ бўлади. Бу белги билдириш ҳам хусусият белгисини билдиришдан иборатдир. Бунинг устига сон туркумига мансуб сўзларнинг от кесим вазифасида келиши жуда чегараланган. Сонларнинг кесим вазифасини ўташдаги коммуникацияси ўта нофаолдир. Уларнинг айрим валентлиги ҳам шунга мутаносиб ҳолда юзага чиқади.

Сон туркумига мансуб сўзлар асосан ё миқдор билдирган ҳолда, ё тартиб билдирган ҳолда гапда кесим вазифасида қўлланади. Ҳар икки ҳолда ҳам у объект валентлигини юзага чиқаради ва деярли эга вазифасида воқелантиради. Масалан: *Сўраганинг қаро юзи - бир, бермаганинг қаро юзи - икки* (мақол). *Гап - бир, худо - бир* (мақол). *Ваъдабознинг ваъдаси - мингта* (мақол). Бу гапларда *бир, икки, мингта* сонлари миқдор билдирган ва кесим вазифасида келган. Уларнинг объект валентлиги *юзи, гап, худо, ваъдаси* сўзларидан бирида воқеланган. Сонларнинг ҳаммаси миқдор билдиради. Қуйидаги гапда эса сон тартиб сондир. Шунга қарамай, у ҳам объект валентлигини гап эгасида воқелантирган. Яъни гап эгаси кесим вазифасида ифодаланган тартибнинг объектини кўрсатган. Эътибор қилинг: *Унинг навбати - еттинчи*. Бу гап кесими тартиб сон билан ифодаланган ва объект валенти *навбат* сўзида ифодаланган эгада воқеланган. Яъни бу ҳам аввалги мисоллар қолипида тузилган.

Айрим ҳолларда сон туркумига мансуб сўз гап кесимида отлашган ҳолда берилиши ҳам мумкин. Бу ҳолда ҳам унинг объект валентлиги воқеланган бўлади. Масалан: *Сен учун бўлган фидо - мен биттаси* (Э. Воҳид). Бу гапнинг кесими отлашган санок сон *биттаси* сўзида ифодаланган ва унинг объект валентлиги кишилиқ олмошида воқеланган. Объект актанти гарчи шахс ифодалаган бўлса ҳам, кесим вазифасидаги санок сон мансуб ҳолдаги объектдир.

Сон туркумига мансуб сўз ҳосила маъносига кўра сифат туркумига ўтиб кесим вазифасида қўлланса ҳам, объект валенти гап эгаси вазифасида воқеланади. Масалан: *...бу бобда иккимиз маҳаллада биринчимиз* (Ойбек). *Дўстимнинг иши – беш* (С. Аҳмад). Бу гапларнинг биринчисида тартиб сон *биринчимиз* сўзи ‘илғор’ маъносида, иккинчисида миқдор сон *беш* сўзи ‘жуда яхши’ маъносида сифат туркумига ўтиб, кесим вазифасини ўтаган. Уларнинг объект валенти эга вазифасидаги *иккимиз* ва *иши* сўзларида воқеланган.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, синтактик жиҳатдан сифат ва сон бир хил хусусиятга эга бўлгач, соннинг ҳосила маъноси деярли сифат туркумига мансублиги билан характерланади. Шунинг учун улар ҳар қандай ҳолда ҳам кесимлик вазифасида бир хил объект валентлигини эга вазифасида воқелантиради.

Сон туркумига мансуб сўзлар гап кесими вазифасида қўлланиб, объект валентини воқелантирар экан, у ўз актанти билан классемани таркиб топтирмайди, фақат тартиб ва миқдор ҳамма вақт маълум объектга мансуб бўлишига кўра ўзаро семантик алоқададир. Яъни у мантиқий-семантик валентлик ҳисобланади. Шу билан у ҳамма вақт кесим вазифасида қўлланиб, объект валентини воқелантиради. Унинг бу валентлиги облигатордир.

Кўрдикки, сон туркумига мансуб сўзлар кесим вазифасида қўлланиб, асосан объект валентлигини юзага чиқаради ва у эга вазифасида воқеланади. У мантиқий-семантик валентлик бўлиб, ҳамма вақт облигатордир.

Сон туркумига мансуб сўзлар гап кесими вазифасида қўлланар экан, унинг яна, факультатив бўлса ҳам, ўрин ва пайт валентликлари ҳам бор. Масалан, юқорида келтирилган: *...бу бобда иккимиз маҳаллада биринчимиз* гапидаги *маҳаллада* сўзи кесим вазифасида келган *биринчимиз* тартиб сонининг ўрин актантидир. Бу гапга яна *ҳозир* ёки *ҳамма вақт* сўзларини ҳам киритиш ҳам мумкин. У соннинг пайт актанти сифатида воқеланган бўлар эди. Шунда ўрин актанти гапда ўрин ҳоли, пайт актанти пайт ҳоли вазифасини бажарган бўларди. Умуман, сонларнинг ўрин ва пайт валентликлари гапнинг қандай бўлагида воқеланиши мантиқий-семантиклиги, факультативлиги жиҳатидан сифатларнинг ўрин ва пайт валентликларида фарқ қилмайди. Шунинг учун у ҳақда ортиқ тўхтаб ўтириш лозим кўрилмади.

Кўрдикки, сон туркумига мансуб сўзлар кесим вазифасида қўлланиб келар экан, ўрин ва пайт валентликларини ҳам воқелантиради. Улар мантиқий-семантик экани ҳолда, факультативдир.

Хуллас, сон туркумига мансуб сўзлар кесим вазифасида қўлланар экан, унинг объект валентлиги эга вазифасида, ўрин валентлиги ўрин ҳоли вазифасида, пайт валентлиги пайт ҳоли вазифасида воқеланади. Унинг барча валентликлари мантиқий-семантик бўлиб, объект валентлиги облигатор, ўрин ва пайт валентликлари факультативдир.

ОЛМОШНИНГ СЕМАНТИК ВАЛЕНТЛИКЛАРИ

Олмош туркумига мансуб сўзлар автосемантик бўлади. Автосемантик сўзлар ҳамма вақт ўз муайян валентлигига эгадир.¹ Яъни олмош туркумига мансуб сўзлар ҳам ўз валентлигига эга сўзлар қаторида туради. Шунга қарамай, олмошлар валентлигига бағишланган бирор илмий иш бирор тил тилшунослигида кузатилмайди ва ҳатто уни йўл-йўлакай тилга ҳам олиб ўтилмаган. Аммо синтаксисга бағишланган ишларда унинг кесим вазифасида қўлланишидан тортиб, қандай маънода ифода этилишигача кўрсатилган. Рус тилшуноси А. Н. Гвоздев, олмошлар гапда кесим вазифасида қўлланиб, икки хил маъно беришини қайд этади: 1) мансублик, 2) хусусият маъноларини беради, дейди.² Унинг бошқа тилларда ҳам кесим вазифасида қўлланиши ва маъно ифода этиши ҳақида ҳам юқоридаги А. Н. Гвоздев айтган фикрни такрорлаш мумкин.

Олмош туркумига мансуб сўзлар кесим вазифасида қўлланиши ва унинг семантикаси билан боғлиқ ҳолда ўз валентликларини юзага чиқаради. Чунончи, кесим, айтилганидай, ўзича етарли фикр ифодалайди ва бутун бир гапни тузади.³ Гап кесим вазифасидаги сўзнинг семантик таркибига боғлиқ валентлиги воқеланишига тобе ҳолда таркиб топади. Олмош ҳам кесим вазифасида қўлланар экан, унинг семантикасига тобе ҳолдаги валентликлари воқеланиб, гапни шакллантиради. Олмош валентликлари семемасинининг қандай семасига асосланганлигига қараб уч кўринишда бўлади: 1) лексик-семантик валентлик; 2) мантиқий-семантик валентлик; 3) шакл семантикаси валентлиги.

1. Олмошнинг лексик-семантик валентликлари

Юқорида кесим вазифасидаги олмош икки маънога эканлиги айтилган эди. Улардан биринчиси мансублик маъноси бўлиб, унинг мансублиги нима эканлиги, яъни мазмуни сўралади. Шунга кўра олмош кесимнинг мазмун валентлиги юзага чиқади. Унинг иккинчиси хусусият маъноси бўлиб, актанти нима эканлиги сўралади. Шунга кўра олмошда ифодаланган кесимнинг мазмун ва объект валентлиги юзага чиқади.

¹ Bondzio W. Valenz, Bedeutung und Satzmodelle // Beiträge zur Valenztheorie / Hrsg. G. Helbig. – Halle(Saale), 1971, S.89 ff.

² Гвоздев А. Н. Современный русский литературный язык. Ч. I. Синтаксис. – М.: Просвещение, 1961, С. 69.

³ Арутюнова Н. Д. Отношение между членами ядерной структуры предложения // Общее языкознание. Внутренняя структура языка. – М.:Наука,1972. -С.329.

Мазмун валентлиги

Мазмун валентлиги кесим вазифасида келган олмошларнинг асосий ва кенг тарқалган валентлигидир. У кишилик, ўзлик, кўрсатиш, сўроқ ва белгилаш омошлари кесим вазифасида қўлланганда деярли юзага чиқади ва воқеланади. У шу валентлиги воқеланиб юзага келган актанти билан шахс семаси бўйича классемани таркиб топтиради. Бу валентлик лексик-семантик эканлиги ҳолда, облигатор бўлади. Унинг мазмун валентлиги актанти гап эгасида ифода топади. Олмошлар гапда от кесим вазифасида қўлланади. От кесимлар ўзича алоҳида келиб, феъл кесимларга ўхшаб, тугал ҳолатда гап тузолмайди. У, албатта, бирор валентлигини воқелантирган ҳолда, актанти блан бирга гапни таркиб топтиради. Бу воқеланувчи валентлик кўпроқ мазмун валентлиги бўлади. Шунинг учун ҳам у облигатор ҳисобланади. Масалан: *Пойтахтнинг дарвозабони – биз* (Ойбек). Бу гапнинг от кесими вазифасида *биз* кишилик олмоши қўлланган. Гап эгаси шаҳарнинг *давобони* қаратқичли бирикмасидир. У кесим вазифасидаги кишилик олмошининг мазмун актанти сифатида воқеланган. Унинг шу мазмун валенти воқелангани учун ҳам *биз* кишилик олмоши гапни таркиб топтирган. У I шахс кўпликдаги ҳозирги замонни билдирувчи кесим вазифасини ўтаган. Бирикманинг қаралмиши *дарвозабони* сўзи билан *биз* кишилик олмоши эга-кесим қўшилмасини таркиб топтириб, ‘шахс’ семасига кўра классема тузган.

Кишилик олмоши кесимлигида гап тузилар экан, кесим шахс-сон кўшимчаси билан тусланиши ҳам мумкин. Бу билан кесим томонидан тузиладиган гап қолипда ўзгариш юзага келмайди. Фақат кесимда эга ҳақида қилинадиган ҳукмнинг таъкиди кучайтирилади. Бунинг учун юқорида берилган гап кесимига I шахс кўплик –*миз* кўшимчасини кўшиб кўриш мумкин: *Шаҳарнинг дарвозабони бизмиз*. Бундай ҳолда гап қолипда ҳам, мазмунида ҳам ўзгариш кузатилмайди, фақат услубда таъкид кучайиши юзага келган.

Кўрсатиш олмоши ҳам гапда кесим вазифасида қўлланиб, мазмун валентини юзага чиқаради ва ё шахс билдирувчи, ё нарса билдирувчи, ё отлашган сўзларда воқеланади. Агар кўрсатиш олмоши шахс билдирса, яъни III шахс кишилик олмошини англатса, маълум валентлиги воқеланган сўз шахсни ёки жонлантирилган нарсани ифодалайди; жонсиз нарсага ишорани билдирса, мазмун валенти воқеланган сўз ҳам жонсиз нарсани ифодалайди. Кесим вазифасидаги кишилик олмоши III шахсни, унинг мазмун валентлиги актанти ҳам шахс ифодаловчи сўз бўлса, улар ўзаро ‘шахс’ семаси бўйича классемани таркиб топтиради. Масалан: *Ҳалол киши у* (С. Аҳмад). ... *ёққан ёлғиз чироғи шу, Онабиби* (А. Мухтор). Бу гаплардаги у ва *шу* кўрсатиш олмошлари III шахс кишилик олмоши бўлиб, кесим вазифасини ўтаган. Уларнинг аввалгиси мазмун валентини *киши* шахс отида, кейингиси жонлантирилган *чироғи* отида воқелантирган. У олмоши ҳам, *шу* олмоши ҳам ўз актанти билан ‘шахс’ семасига кўра классемани таркиб топтирган.

Кейинги мисолдаги *Онабиби* атоқли оти ажратилган кесим, яъни шу гапдаги иккинчи бир мазмун актанти ҳисобланади.

Олмош туркумига оид сўзлар кесим вазифасида келиб, мазмун валентлигини воқелантирар экан, унинг актанти ҳамма вақт эга ёки эга ўрамидан иборат бўлади. Бу фикр асосан кишилик олмоши, кўрсатиш олмоши ва белгилаш олмошларига хосдир. Масалан: *Келган ҳамма* гапида от кесим вазифасини *ҳамма* белгилаш олмоши ўтаган бўлиб, унинг мазмун валенти *келган* сўзида воқеланган. Бу сўз гап эгаси вазифасини бажарган. У *ҳамма* гап кесими билан ‘шахс’ семасига кўра классемани таркиб топтирган.

Яна шуни эслашга тўғри келадики, кўрсатиш олмоши шахсни эмас, жонсиз нарсага ишорани билдириши мумкин, деб ҳам айтилган эди. У ҳам мазмун валентлигига эга бўлиб, ўзи билан мазмундош жонсиз нарсани билдирувчи сўз ёки сўз бирикмасини актанти учун талаб қилади. Шу сўз ёки сўз бирикмаси ҳам гапда эга ёки эга ўрами вазифасини ўтаган бўлади. Аммо бу кўрсатиш олмоши ўз мазмун актанти ўртасида ‘шахс’ семаси билан эмас, ‘нарса’ семаси билан классемани таркиб топтиради. Бу кўрсатиш олмошининг мазмун актанти ҳам гапда эга вазифасини ўтаб келган бўлади. Масалан: *Бирор унсур ўйлаб чиқарган уйдурма бу* (С.Аҳмад). Бу гапнинг кесими вазифасида *бу* кўрсатиш олмоши келган. Унинг мазмун валентлиги актанти *бирор унсур ўйлаб чиқарган уйдурма* бирикувида воқеланган. У гапда эга ўрамини таркиб топтирган. Ундаги *уйдурма* сўзи *бу* кўрсатиш олмоши билан ‘нарса’ семасига кўра классемани уюштирган.

Ўзлик олмоши ҳам гап кесими вазифасида қўлланади ва унинг ҳам мазмун валентлиги юзага чиқади. Бироқ унинг мазмун валенти эга вазифасида эмас, балки кесим вазифасидаги ўзлик олмошининг қаратқичли аниқловчиси вазифасини бажаради. Масалан: *Ноз-неъматга тўла жаннатнинг ўзи* (С.Аҳмад). Бу гапдаги ўзлик олмоши кесим вазифасини ўтаган. Унинг мазмун валенти *жаннат* сўзида воқеланган, тўғрироғи, *ноз-неъматга тўла жаннат* мазмун актантидир. У кесим мазмунига аниқлик беради. Аниқлик қиёслаш орқали юзага чиққан. Бу ўринда ҳам ўзлик олмоши ўз мазмун актанти билан ‘нарса’ семасига кўра классемани таркиб топтирган. Айтилган таҳлилни гапга актуал бўлакраниш бўйича қараш ҳам тасдиқлайди. Гапнинг *ноз-неъматга тўла жаннат* қисми тема бўлиб, ўзи қисми рема, яъни янгиликдир. Одатда гап янгиликни бериш учун тузилади. Янгилик гапнинг маълуми, яъни темаси ҳақида бўлади. Меъёрий кўламда тузилган гапларда тема эгага, рема кесимга тенг келади. Шунинг учун қаратқичли бирикмаларни мазмуний синтаксисда предикатив қўшилма деб ҳам қаралади. Буни биз мазмун актантини қаратқичидан холи қилиб, гапни қайта тузсак, таҳлил моҳияти яна ҳам аниқ бўлиб қолади. Эътибор қилинг: *Ноз-неъматга тўла жаннат – ўзи*. Бу гапда илгаригига нисбатан мазмун ўзгариши бўлмаган, лекин ундаги мавжуд предикативлик яққол кўзга ташланган. Яъни қаралмишнинг мазмун валенти қаратқичли қурилмада воқеланган.

Олмош туркумига мансуб сўзлар кесим вазифасида қўлланиб, мазмун валентини воқелантирар экан, у ҳамма вақт ўз актанти билан классемага эга

бўлади. Бу олмошнинг мазмун валентлиги лексик-семантик эканлигини кўрсатади. Олмошнинг бу валентлиги гапда доимо воқеланиб боришидан унинг облигатор эканлиги маълум.

Кўрдикки, кишилик, ўзлик, кўрсатиш ва белгилаш олмошлари мазмун валентликка эга бўлиб, улардан кишилик, кўрсатиш ва белгилаш олмошларининг мазмун валентлиги гап эгасида; ўзлик олмоши мазмун валентлиги кесимнинг қаратқичли аниқловчисида воқеланади. Улар лексик-семантик бўлиб, облигатордир. Олмош туркумига мансуб сўзларнинг валентлиги ҳамма вақт кесим вазифасида қўлланганларида юзага чиқади.

Объект валентлиги

Олмош туркумига мансуб сўзларнинг яна бир лексик-семантик валентлиги объект валентлигидир. Бунда олмошлар ё белги билдирувчи мажозий ифодага, ё белги ўрнида келган ифодага эга бўлади. Бундай белги ифодаси бўлган олмошлар асосан гумон олмошлари бўлиб, улар нутқда ҳамма вақт шу белги мансуб объектни талаб қилади, яъни объект валентлиги юзага чиқади. Шу олмошнинг валентлиги ҳам гап эгасида воқеланади. Масалан: *Нигоҳи аллақандай* (С.Аҳмад). Бу гапдаги *аллақандай* гумон олмоши кесим вазифасини ўтаган ва 'чиройли' маъносини берган. Унинг нимага мансублигини аниқлаш зарурияти объект валентлигини юзага чиқарган ва шу валентлиги гапда эга вазифасини ўтаган *нигоҳ* сўзида воқеланган. Бу гумон олмоши объект актанти бўлган *нигоҳ* сўзи билан 'кўрк' семаси асосидаги классемага эга. Шундай валентлик белги ифодасини берувчи кўрсатиш олмошида ҳам кузатилади. Масалан: *Биттаси шунақа* (Шухрат). Бу гап кесими ҳам белгига ишора қилувчи *шунақа* кўрсатиш олмошидир. Унинг объект валенти кўчма маъноли *биттаси* сўзида воқеланган. У гап эгаси вазифасида қўлланган. Улар боғланиши ҳам 'кўриниш' классемасига асосланган.

Шахс ёки нарсани аниқлаш учун бериладиган сўроқ олмошлари гапда кесим вазифасида қўлланганда ҳам унинг объект валентлиги юзага чиқади ва у эга вазифасида воқеланади. Бу ўринда ҳам сўроқ олмоши билан объект актанти классемага эга бўлади. Масалан: ... *ўша қиз қани?* (С. Аҳмад.) Бу гапнинг сўроқ олмошида ифодаланган кесими *қани* сўзидир. Унинг объект валентлиги эга вазифасидаги *ўша қиз* бирикувида воқеланган. Олмош билан унинг объект актанти 'шахс' семасига кўра классемага эга.

Сўроқ олмошлари гап кесими вазифасида қўлланар экан, улар объект валентликлари актанти билан ҳамма вақт классемага эга бўлади. Шунга кўра айтиш мумкинки, уларнинг объект валентлиги лексик-семантикдир. Бу валентликнинг воқеланиши шарт. Чунки кесимдан берилган сўроққа аниқлик киритиш зарурияти бор. Бу эса уни фаоллаштиради.

Бироқ белги билдирувчи ва сўроқ олмошларининг гапда кесим вазифасини ўташи нутқда кам учраши кам кузатилиши учун сабаб ҳисобланади. Шунга қарамай, у облигатор валентликдир.

Кўрдикки, белги ифодаси бўлган ва объектга қараилган сўроқ олмошлари кесим вазифасида келиб, объект валентлигини юзага чиқаради ва у гап эгасида воқеланади. Бу валентлик лексик-семантик бўлиб, облигатордир.

Демак, кишилиқ, ўзлик, кўрсатиш ва белгилаш олмошлари кесим вазифасида келиб, мазмун валентини; сўроқ олмошлари кесим вазифасида келиб, объект валентини юзага чиқаради. Мазмун валенти ҳам, объект валенти ҳам деярли гап эгасида, фақат ўзлик олмошининг мазмун валенти кесимнинг қаратқичли аниқловчисида воқеланади. Улар лексик-семантик валентлик бўлиб, облигатордир.

2. Олмошларнинг мантиқий-семантик валентликлари

Ўзбек тилида олмошлар мантиқий-семантик валентликларга ҳам эга бўлиб, улар адресат ва ўрин валентликларидан иборат. Улар ҳақида алоҳидадан тўхтаб ўтамиз.

Адресат валентлиги

Адресат валентлиги кўпроқ сўроқ олмошлари кесим вазифасида қўлланганда кузатилади. Бунда сўроқ олмоши кесим вазифасида қўлланиб, адресат валентини юзага чиқаради ва у воситали тўлдирувчида воқеланади. Воситали тўлдирувчи ё жўналиш келишиги билан, ё *учун* кўмакчиси билан шаклланган бўлади. Масалан: *Болага меҳри қанақа?* (Шухрат). Бу гапда *қанақа* сўроқ олмоши кесим вазифасида қўлланган. Унинг адресат валентлиги жўналиш келишигидаги *болага* отида воқеланган. Бу от гапда воситали тўлдирувчи вазифасини ўтаган. Сўроқ олмоши билан унинг адресат валенти актанти ўртасида классема таркиб топган эмас. Уларнинг ўзаро боғланиши, шунда ҳам объект актанти воситасида мантиқий боғланиш бор. Шунинг учун ҳам адресат валентлигини мантиқий-семантик деб қаралади. У нутқий зарурият туғилгандагина воқеланади, яъни факультативдир.

Олмош кесимлигидаги гапларда адресат валенти актанти, феъл кесимлигида бўлган гапларга ўхшаб, доимо агенс ва объект актанти билан йўлдош бўлиши шарт эмас. Гапда у фақат якка ўзи қайд этилади. Бу гап кесими вазифасида келган сўроқ олмошининг семантикаси билан боғлиқ. Чунки гап кесими бўлган сўроқ қайси валентлик актантини талаб қилса, шугина гапда воқеланади. У кўпроқ адресат валенти актанти бўлади.

Кўрдикки, сўроқ олмоши кесим вазифасида қўлланар экан, унинг адресат валентлиги юзага чиқади ва у воситали тўлдирувчи вазифасида воқеланади. Бу валентлик мантиқий-семантик бўлиб, факультативдир.

Ўрин валентлиги

Олмошларнинг ўрин валентлиги асосан кўрсатиш ва сўроқ олмошлари гапда кесим вазифасида қўлланганда юзага чиқади. У кўпинча ўрин холи

вазифасида воқеланади ва унинг актанти ўрин келишикли отда ифода топади. Олмош ўрин актанти билан классема асосида эмас, балки ҳар бир нарса қандайдир маконда мавжуд деган фалсафий қонуниятга кўра ўзаро боғланади. Шунга кўра олмошнинг ўрин валентлигини мантиқий-семантик деб қаралади. Масалан: *Ориф аканинг хаёлида шу эди* (С.Аҳмад) гапига эътибор бериш мумкин. Бу гапда *шу* кўрсатиш олмоши кесим вазифасини ўтаган ва ўрин валентини ўрин ҳоли вазифасидаги *хаёлида* сўзида воқелантирган. *Шу* кўрсатиш олмоши билан *хаёлида* ўрин актанти классемага эга эмас, улар ўзаро мантиқий алоқага эга.

Сўроқ ёки кўрсатиш олмоши кесим вазифасида келиб, ўрин валентини коммуникацияга киритар экан, у эга вазифасида воқеланиши мумкин. Масалан: *Кенг далалар ана* (С.Аҳмад). Бу гапда кўрсатиш олмоши *ана* кесим вазифасида қўлланган. *Кенг далалар қани?* гапида эса сўроқ олмоши қани кесим вазифасида қўлланган. Аввалги гапнинг *ана* кўрсатиш олмошида ифодаланган кесимнинг ҳам, кейинги гапнинг *қани* сўроқ олмошида ифодаланган кесимнинг ҳам ўрин валенти эга вазифасидаги *далалар* сўзида воқеланган. Бу гапларда ҳам кўрсатиш *ана* ва сўроқ *қани* олмоши билан объект актанти бўлган *далалар* сўзи ўртасида мантиқ семантикасига кўра алоқа бор.

Кўрдикки, кўрсатиш ва сўроқ олмошлари кесим вазифасида қўлланар экан, унинг ўрин валентлиги юзага чиқади ва у ўрин ҳоли ёки эга вазифасида воқеланади. Бу валентлик мантиқий-семантик бўлиб, факультативдир.

Демак, олмошлар кесим вазифасида қўлланар экан, адресат ва ўрин валентликлари юзага чиқади. Унинг адресат валентлиги воситали тўлдирувчиларда, унинг ўрин валентлиги ўрин ҳоли ва эга вазифасида воқеланади. Улар мантиқий-семантик бўлиб, факультативдир.

3. Олмошларнинг шакл-семантикаси валентлиги

Ўзбек тилида олмошлар шакл семантикаси валентлигига ҳам эга бўлиб, у агенс ва пайт валентлигидан иборат.

Агенс валентлиги

Олмош кесим вазифасида қўлланиб, эгалик шаклини орттирар экан, агенс валентлигига эга бўлади. У ҳамма вақт гап эгасида воқеланади. Бунда ҳам кесим вазифасидаги от агенс валенти билан классемага эга бўлади. Унда кесим вазифасидаги отнинг семемасидаги эгалик шакли семаси агенс валенти актантининг ядро семаси билан бир хил бўлади.

Масалан: *Сиз бу ерда кимсиз?* (А. Мухтор.) Бу гапда *кимсиз* сўроқ олоши кесим вазифасида қўлланган. Унинг эгалик кўрсаткичи семаси асосида юзага келган агенс валенти актанти эга вазифасидаги *сиз* кишилик олмошида воқеланган. Олмошнинг –*сиз* эгалик кўрсаткичи семаси ‘шахс’ семасига эга. Шу сема асосида юзага келган агенс валенти эга вазифасидаги

сиз кишилик олмоши билан ‘шахс’ классемасини таркиб топтирган. Бундай эгалик кўрсаткичи асосида юзага келган агенс валентлиги ҳамма вақт кишилик олмошларидан бирида воқеланади. Шунинг учун ҳам бу валентлик шакл семантикаси валентлиги деб қаралади.

Кўрдикки, олмош от кесим вазифасида қўлланиб, эгалик кўрсаткичи ҳисобига агенс валентлигига эга бўлади ва у гап эгаси вазифасида воқеланади. Агенс валентлиги шакл семантикаси валентлиги бўлиб, факультативдир.

Пайт валентлиги

Олмошларнинг пайт валентлиги барча олмошлар гапда кесим вазифасида қўлланганда юзага чиқади. У асосан пайт ҳоли, баъзан эга вазифасида воқеланади ва олмош валентлиги актанти сифатида пайт равишлари ёки пайт отларида ифода топади. Олмош пайт актанти билан классемага эга бўлади, бироқ бу классема олмош ва унинг пайт актанти семемаларининг ядро семалари бир хиллиги асосида эмас, балки олмошнинг ноль кўрсаткичидаги шакл семаси ва пайт актанти семемасининг ядро семаси бир хиллиги асосида таркиб олади. Шунга кўра олмошнинг пайт валентлигини шакл семантикаси валентлиги деб қаралади. Масалан: *Ҳозир ўша қиз қани?* (С. Аҳмад) гапига эътибор бериш мумкин. Бу гапда *қани* сўроқ олмоши кесим вазифасини ўтаган ва пайт валентлигини пайт ҳоли вазифасидаги *ҳозир* сўзида воқелантирган. *Қани* сўроқ олмоши ноль кўрсаткичга эга бўлганлиги учун, ҳозирги замон ифодасини беради. Олмошнинг шу замонга асосланган семаси билан пайт актанти бўлган *ҳозир* сўзи семемасининг ядро семаси бир хил – классемадир.

Кесим вазифасида қўлланган олмошнинг пайт валентлиги у билан гапда бирга берилган боғлама ҳисобига ҳам бўлади. Масалан: *Ўтмишларим қайда эди?!* (Шухрат.) Бу гандаги *қайда* сўроқ олмоши кесим вазифасида қўлланган. Унинг боғламаси вазифасида *эди* тўлиқсиз феъли берилган. Шунга кўра *қайда* сўроқ олмоши келаси замонни ифода этган. Шу асосда у пайт валентига эга. Унинг пайт валенти эга вазифасидаги *ўтмишларим* сўзида воқеланган. Олмошда юзага келган шакл семаси пайт актанти семемасининг ядро семаси билан классемани таркиб топтирган, яъни у шакл семантикаси валентлигига тегишлидир.

Кўрдикки, олмош кесим вазифасида қўлланар экан, унинг пайт валентлиги юзага чиқади ва у пайт ҳоли, баъзан эга вазифасида воқеланади. Бу валентлик шакл семантикаси валентлиги бўлиб, факультативдир.

Хуллас, олмошлар гапда кесим вазифасида қўлланиб, турли валентликларини юзага чиқаради. Бу валентликлар уч кўринишда: 1) лексик-семантик валентлик; 2) мантиқий-семантик валентлик; 3) шакл семантикаси валентлиги. Лексик-семантик валентликлар облигатор бўлиб, унга мансуб мазмун ва объект валентликларининг ҳаммаси эга вазифасида, фақат ўзлик олмошининг мазмун валенти кесим аниқловчисида воқеланади. Мантиқий-семантик валентлик факультатив бўлиб, унга адресат ва ўрин

валентликлари мансубдир. Унга оид адресат валентлиги гапда воситали тўлдирувчи, ўрин валентлиги ўрин ҳоли ва эга вазифасини олади. Шакл семантикаси валентлиги ҳам факультатив бўлиб, у фақат пайт валенти сифатида юзага чиқади. Пайт валенти пайт ҳоли вазифасида воқеланади.

РАВИШНИНГ СЕМАНТИК ВАЛЕНТЛИКЛАРИ

Сифатларга ҳаммадан кўра равишлар яқин туради. Сифат нарса белгисини билдиргани ҳолда, равиш ҳаракат ёки ҳолат белгисини билдиради, яъни ҳар иккиси ҳам белги билдиришига кўра бир хил. Шунга кўра айтиш мумкинки, сифатлар ўз валентлигига эга бўлганидай, равишлар ҳам ўз валентликларини ташийдилар. Лекин сифатлар ўз валентликларини юзага чиқариши учун гапда кесим вазифасини ўташи эркин. Равишларнинг бундай синтактик вазифа бажариши анча бўғилган. Шунинг учун равиш валентлигининг воқеланишини тушунтириб бериш анча қийин.¹ Равиш валентлигининг муаммоли томонларидан бири уларнинг семантикаси билан боғлиқдир. У ниҳоятда маъно маънога эга.² Шундай бўлишига қарамай, валентлик барча мустақил маъноли сўзлар қатори равиш туркумидаги сўзларга ҳам шубҳасиз хосдир. Бунинг учун сўз мустақил сўзларга хос хусусиятли, денотатив ифодали, гап бўлаги вазифасини бажара оладиган бўлиши шарт.

Равишлар ҳам, айтилганидай, кесим вазифасини ўтаганда ўз валентлигини юзага чиқаради ва маълум сўзда воқеланади. Равиш икки ҳолатда кесим вазифасини ўтайди: 1) ҳаракат ёки ҳолатга нисбатан улар белгиси муҳим деб ҳисобланиб, рема сифатида олиниши эканлиги ҳолда; 2) равиш ҳаракат ёки ҳолатни ўзида имплицит ифодалагани билан бирга предикат бўлишидир. Биринчиси анча ғайри табиий хусусиятга эга. Шунга қарамай, у лексик-семантик валентлик доирасида тадқиқ этилади.

1. Равишнинг лексик-семантик валентликлари

Ҳаракат ва ҳолат валентлиги

Равиш туркумидаги сўзлар валентлигига хос ғайри табиий ҳолат шу кунгача бирор тил факти асосида очиб берилган эмас. Фақат немис тилшуноси В. Бондцио қуйидаги таҳлилни келтиради. Унинг кўрсатишича, *Er arbeitet fleißig| gern| dort* (У чаққон, унумли, у ерда ишлайди)³ гапида *arbeite* *t*(ишляпти) феъли валент ташувчи бўлиб, *fleißig* (чаққон), *gern* (унумли), *dort* (у ерда) равишлари эшвалентлардир.⁴ Агар бу гапдаги тарз ҳоли вазифасида қўлланган *fleißig /gern /dort* равишлари рема сифатида кесим вазифасига кўчирилса, яъни предикат вазифасига ўтган равишнинг валенти

¹ **Stepanova M.D., Helbig G.** Wortarten und das Problem der Valenz in der deutschen Gegenwartssprache. – Leipzig: VEB BI, 1978, S.219.

² **Bondzio W.** Valenz, Bedeutung und Satzmodelle // Beiträge zur Valenztheorie / Hrst.G.Helbig. – Halle(Saale) 1971, S. 89.

³ Немис тилидаги равишлар таржимасини ўзбек тилида адвербиализацияга учраган сифат билан беришга тўғри келди.

⁴ **Bondzio W.** Valenz, Bedeutung und Satzmodelle...- S.99.

иккиламчи предикат вазифасига кўчган *arbeiten* феълида воқеланган бўлади.¹ Яъни бу ерда *arbeiten* феъли *fleißig, gern, dort* равишлари актанти, яъни валентлик эшидир. Буни ўзбек тилида ҳам кузатиш мумкин. Масалан: *Унинг юришлари тез* гапига эътибор берса бўлади. Бу гапда *тез* равиши валентининг актанти *юришлари* ҳаракат номида ифода топган. Гапга мантик нуқтаи назардан ёндашиладиган бўлса, *унинг юришлари* қаратқичли бирикмаси иккиламчи предикация деб ҳисоблангани ҳолда,² ҳаракат номи предикатдир. Мана шу иккиламчи предикация предикати учун *тез* равиши асосий предикат бўлиб қолади. Шу жиҳатдан ҳам В. Бондцио ҳақ бўлиб, равиш билан ифодаланган предикатнинг валентлиги ҳаракат номида ифодаланган предикатда воқеланган, деб қарайди.

В.Бондционинг бу равиш туркумидаги сўзлар валентлигига бағишланган иши унинг синтактик валентлик доирасида қилган таҳлилларидир. Уларнинг семантик валентлигини таҳлил этиш ҳам шу атрофда бўлади. Чунки бу ўринда равиш туркумига мансуб сўзлар ҳамма вақт феълдан англашилган ҳаракат ва ҳолат белгисини билдириши назарда тутилади.

Равиш ҳақида гап борар экан, унинг морфологик жиҳатини эътиборда тутмасдан илож йўқ. Айтилганидай, равишлар феълдан англашилган ҳаракат ва ҳолат белгисини билдиради. Бу белги ҳаракат ва ҳолатнинг тарзи, ўрни, пайти, миқдори, сабаби ёки мақсади кабилардан иборат.³ Улар нутқда, меъёрий ҳолатга кўра, феъл олдидан келиб, унинг шу белгиларидан бирини кўрсатади. Лекин коммуникацияда шу тартиб доимо бир хил кузатилавермайди. Унда, нутқнинг актуал бўлакранишига кўра, ремада ҳаракат ёки ҳолат белгисини бериш зарурияти юзага келиб қолади ва от кесим вазифасини равиш эгаллайди. Белги ҳаракат ёки ҳолатнинг қайси бирига оидлигини кўрсатиш зарурияти иккиламчи предикат, яъни актанти воқелантирувчи валентликни юзага чиқаради. Бу равишнинг ҳаракат ёки ҳолат актантини талаб қилувчи валентлик бўлиб, лексик-семантик валентлик ҳисобланади. Масалан: *Кўкнорининг газабдан қараши бежо* (Ойбек). Бу гапдаги *бежо* сўзи равиш туркумига мансуб бўлиб, гапнинг актуал бўлинишига кўра рема, синтактик жиҳатдан кесим вазифасини ўтаган. У ифодалаган белги нимага оид эканлигини аниқлаш мажбурияти билан ҳолат

¹ **Bondzio W.** Die Valenz zweiter Stufe als Grundlage der Adverbialsyntax //Wissenschaftliche Zeitschrift der Humboldt – Universität zu Berlin. Gesellschafts – u. Sprachwiss. Reihe, 1974, № 3, S.245 ff. 247, 252 f. , 254 f.

² **Маҳмудов Н.** Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. – Тошкент:Ўқитувчи,1984, 133-б.

³ **Кононов А. Н.** Грамматика современного узбекского литературного языка. – М.:Изд.АН СССР, 1960, С.294; **Голланов И. Г.**Морфология современного русского языка. –М.:ВШ.,1965.-С.229; **Гвоздев А.Н.** Современный русский литературный язык Ч.1. –М.:Просвещение, 1968. –С.395,396; **Jung W.** Grammatik der deutschen Sprache. –Leipzig,VBT,1968. –S.315; **Современный татарский литературный язык.** Лексикология. Фонетика. Морфология. – М.:Наука, 1969. - С. 295- 296; **Һусейрзадэ М.** Мүасир азербайжан дили. – Бақы: Маариф,1973, с.258.; **Ўзбек тили грамматикаси.** I т. Морфология. (Мас.мух. Ғ.А.Абдурахмонов, Ш. Ш. Шоабдурахмонов, А. П. Ҳожиев). – Тошкент: Фан, 1975.-Б. 538- 539; **Русская грамматика.** Т.1, / Гл. Ред. И. Ю. Шведова. – М.:Наука, 1980.- С.704-705; **Хэзерге башкорт теле** / Яу. ред. З. Ғ. Ураксин, К.Ғ. Ишбаев. – Өфө:БКН, 1980, 240-б.

валентлиги юзага чиққан ва *қараши* ҳаракат номида ифода этилган актантда воқеланган. *Қараши* ҳаракат номи эса ҳолат билдиради. Равишлар ҳаракат валентлигини ҳаракат номида, иккиламчи предикат сифатида ҳам воқелантириши мумкин. Масалан: ... *тикилиши ҳам қўпол* (Ойбек). Бу гапдаги *қўпол* сўзи кесим вазифасида келиб, равиш туркумида ифодаланган. Унинг ҳаракат валентлиги *тикилиши* ҳаракат номида воқеланган.

Пайт, миқдор ва ўрин равишлари ҳам тарз равишлари каби гапда рема сифатида танланиб, кесим вазифасини ўташи ва ҳаракат ёки ҳолат валентлигини юзага келтириши, воқелантириши ҳам кузатилади. Масалан: *Тўй бўлиши яқин* (Ойбек). *Эзманинг гапириши кўп* (мақол). *Шарпа - узоқ, ҳаракатининг билиниши – яқин* (А. Мухтор). Бу гапларнинг биринчисида пайт равиши *яқин*, иккинчисида миқдор равиши *кўп*, учинчисида ўрин равиши *яқин* сўзлари рема сифатидаги кесим вазифасида танланган. Уларнинг биринчи ва иккинчисида ҳаракат ва учинчисида ҳолат валентлиги юзага чиқиб, ҳаракат номларида намоён бўлган. Шуни ҳам айтиш керакки, сабаб ва мақсад равишлари гап кесими вазифасида келиб, ҳаракат ёки ҳолат валентлигини воқелантиргани учун биз йиққан мисоллар ичида намуна учрамади. Шундан келиб чиқиб, улар кесим вазифасида келмайди ва ҳаракат ёки ҳолат валентига эга эмас, деб ҳам бўлмайди. Чунончи, *Қолиши жўрттага* ёки *Келиши ноилжликдан* деб гап тузиш мумкин. Уларнинг кесими биринчисида мақсад, иккинчисида сабаб ҳоли билан ифодаланган. Ҳар иккисининг ҳолат валентлиги *қолиши* ҳаракат номида ифодаланган. Лекин бу деярли учрамайдиган ҳодисадир.

Равишлар кесим вазифасида келиб, ҳаракат ёки ҳолат валентликларини ҳаракат номида воқелантирар экан, ўз актанти билан ҳамма вақт ‘ҳаракат’ ёки ‘ҳолат’ семаси асосида классемани таркиб топтиради. Шунга кўра ҳам равишларнинг шу валентликлари ҳаракат ёки ҳолат валентлиги деб қаралади. Равишларнинг бу валентлиги облигатор валентликдир.

Ўзбек тилида адвербиализацияга учраган сифатларнинг ҳам кесим вазифасида келиши ва валентлиги ҳаракат номида воқеланиши фаол ҳодисадир. Бу ҳам равишларнинг ҳаракат ёки ҳолат валентлиги ҳисобланади. Масалан: *Кулишлари чиройли. Қилиқлари ёқимли. Гапириши совуқ.* ва б. Буни тарз ҳоллари феълнинг белгисини кўрсатиб келиши ва унинг трансформацияси равиш предикатга кўчиб, феъл ҳаракат номи хосланган шаклида берилиши, деб изоҳлаш тўғри бўлади. Равишлар ва адвербиализацияга учраган сифатлар кесим вазифасида келиб, ҳаракат ёки ҳолат валентлиги ҳаракат номи хосланган шаклида воқеланиши лексик-семантик валентликка хосдир. Чунки равиш ёки адвербиализацияга учраган сифат ҳаракат номида воқеланган актанти билан ‘ҳаракат’ ёки ‘ҳолат’ классемасига эга бўлади.

Кўрдикки, равишлар ёки адвербиализацияга учраган сифатлар кесим вазифасида келиб, ҳаракат ёки ҳолат валентлигини юзага чиқаради ва у ҳаракат номи хосланган шаклида воқеланади. Уларнинг ҳаракат ва ҳолат валентлиги лексик-семантик бўлиб, облигатордир.

Мазмун валентлиги

Мазмун валентлиги равишнинг ҳам лексик-семантик валентликларидан бири бўлиб, ўзига хос фаолликка эга. Равишларнинг мазмун валентлиги феълларнинг мазмун валентлигига ўхшаш воситасиз тўлдирувчиларда воқеланмай, бошқа воситалар орқали намоён бўлади. Улар қуйидагилардир.

1. Равишларнинг мазмун валенти кўпроқ кесимнинг ажратилган бўлагида воқеланади. Бунда мазмун валенти актанти ўзи оид бўлган кесим мазмунини синоними орқали очади, унга аниқлик киритади. Масалан: *...йўлка бир текис, силлиқ* (Шухрат). Бу гапдаги *текис* сўзи адвербиаллашган сифат бўлиб, кесим вазифасида қўлланган. Унинг мазмун валенти актанти гапнинг, аниқроғи, гап кесимининг ажратилган бўлагида ифода топган. Бу бўлак *силлиқ* сўзида акс этган. Шуни ҳам айтиш керакки, кесим вазифасида равишнинг мазмун валенти ажратилган бўлакда воқеланар экан, у ўзи оид бўлган кесимдан кейин келиб, унинг маъносига аниқлик киритган.¹ Унда равиш билан мазмун валенти актанти ҳолат билдирувчи классемага эга.

2. Равиш туркумига оид сўзлар кесим вазифасида қўлланиб, бу ўринда ҳам мазмун валентини юзага чиқарар экан, албатта, ўхшатиш қурилмаси таркибида бўлади. Бунда ўхшатиш асоси равиш билан ифодаланиб, гапда кесим вазифасини эгаллайди. Ўхшатиш эталони ўхшатиш субъектига қиёслангани ҳолда, ўхшатиш асоси маъносига аниқлик беради. Шундай қилиб, равиш кесим вазифасидаги ўхшатиш асосининг мазмун валенти ўхшатиш эталони бўлади. Мисолга эътибор қилинг: *Ҳамиша оёқлар косовдай яланг* (Ойбек). Бу гапда *яланг* равиши кесим вазифасида қўлланган. Бу *оёқлар косовдай яланг* ўхшатиш қурилмасининг асоси ҳисобланади. Одатда ўхшатиш қурилмасида ўхшатиш субъекти ўхшатиш эталони билан қиёсланади. Бу қиёс учун ўхшатиш асоси маъносига таянилади. Ўхшатишдаги қиёс ўхшатиш асоси маъносига аниқлик киритади.² Яъни у ўхшатиш асоси бўлган кесим вазифасини ўтовчи *яланг* равишининг мазмун валентлиги актанти ўхшатиш эталонида ўз аксини топган. Бу мисолда *яланг* равиши мазмун валенти актанти билан 'ҳолат' семасига кўра классемани таркиб топтирган. Шунга кўра унинг валентлиги лексик-семантик деб қаралади ва у факультативдир.

3. Равиш туркумига оид сўзларнинг мазмун валентлиги қиёсий фарқлаш мазмунли қурилманинг тобе бўлагида воқеланади. Бунда қурилма кесим бошқарувли бўлгани ҳолда, кесим равиш туркумига оид сўзда ифода топади. Тобе бўлак чиқиш келишикли от ёки отлашган сўзда қайд этилади. У равиш кесимда ифодаланган белгининг мазмуни ва унинг даражасини кўрсатади. Масалан: *Ҳозир яхшидан ёмон кўп* (Шухрат) гапига эътибор бериш мумкин. Бу гапдаги кесим билдирувчи сўз *кўп* сўзидир. Унинг мазмун валенти воситали тўлдирувчи вазифасидаги отлашган *яхшидан* сифати *кўп* равиши мазмунини ифодалаш билан бирга даражасини ҳам кўрсатган.

¹ Болтабоева Х. Ўзбек тилида мураккаблашган содда гаплар. – Тошкент: Фан, 1969, 23-б.

² Махмудов Н. М. Семантико-синтаксическая асимметрия в простом предложении узбекского языка. Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Ташкент, 1984, с.33.

Рабиш туркумига оид *кўп* сўзи мазмун валенти актанти *яхши* сўзи билан белги семасига кўра классемани таркиб топтирди. У лексик-семантик валентликка хос бўлиб, факультативдир.

Кўрдикки, рабиш туркумига оид сўзларнинг мазмун валентлиги рабиш кесимнинг ажратилган бўлагида, ўхшатиш қурилмасининг эталонида, қиёсий фарқлаш мазмунли қурилманинг тобе бўлагида воқеланади. Бу валентлик лексик-семантик бўлиб, факультативдир.

Адресат валентлиги

Адресат валентлиги рабишнинг лексик-семантик валентликларидан бири бўлиб, у ҳам феълнинг адресат валентлигига ўхшаб, шахс семаси асосида юзага чиқади. Унинг актанти ҳам рабишдан англашилган ҳолат қаратилган шахс ёки шахсларни билдиради. Масалан: *Бутун кунга бир нон кифоя уларга* (Ойбек). Бу гапда *кифоя* рабиши кесим вазифасида қўлланган. Ундан англашилган ҳолат адресат валенти сифатида *уларга* сўзида ифода топган шахсларга қаратилган. У жўналиш келишигида шаклланган. Адресат валентлиги актанти, феълнинг адресат валентлигига ўхшаб, ё жўналиш келишиги, ё *учун* кўмакчиси билан шаклланган бўлади.

Кўрдикки, адресат валентлиги актанти рабиш кесимлигида ҳам, феъл кесимлигига ўхшаш, гапда ҳамма вақт воситали тўлдирувчи вазифасида келади ва шахс маъносида воқеланади. Бу валентлик лексик-семантик бўлиб, факультативдир.

Демак, рабиш туркумига оид сўзлар, гапда кесим вазифасида, актуал бўлакранишга кўра рема бўлиб келар экан, унинг ҳаракат ёки ҳолат, мазмун ва адресат валентликлари воқеланади. Улар лексик-семантик валентлик бўлиб, ҳаракат ва ҳолат валентлиги облигатор, қолган валентликлари факультативдир. Ҳаракат ёки ҳолат валентлиги иккиламчи предикат; мазмун валентлиги ажратилган кесим, ўхшатиш эталони ва воситали тўлдирувчи; адресат валентлиги воситали тўлдирувчи вазифасида намоён бўлади.

2. Рабишнинг мантиқий-семантик валентликлари

Агенс валентлиги

Рабиш туркумига оид сўзлар, айтилганидай, гап кесими вазифасида қўлланар экан, ҳамма вақт валент ташувчилик хусусиятига эга бўлади.¹ Бунда кесим вазифасидаги рабиш ўзи ифодалаган белги мансуб ҳаракат ёки ҳолатни ҳам билдиради. Яъни рабиш белги билдириши билан бирга шу белги мансуб ҳаракат ёки ҳолатни ҳам имплицит ифода этади. У гап қолипни тузар экан, худди ўзлик нисбатидаги сифатдошга ўхшайди. У тузган гап қолипидаги эга рабишдан англашилган белгили ҳаракат ёки ҳолатнинг бажарувчисини ҳам, объектини ҳам кўрсатади. Агар рабиш тарз маъносига эга бўлса, шу тарз

¹ Schmidt E. Logik der Syntax. – Berlin, 1967. - S.32 ff.

билан бирга ўша тарз мансуб ҳаракат ёки ҳолатни ҳам имплицит англатади. Унинг кесимлигида тузилган гапнинг эгаси ўша тарзли ҳаракат ёки ҳолатнинг бажарувчисини билдиради. Шу бажарувчи, яъни агенс ҳаракат ёки ҳолат объекти ҳам бўлади. Масалан: *Энди ҳамма жим* (С. Аҳмад). Бу гапда *жим* сўзи тарз равишидир. Шу равишда ифодаланган ҳолат тарзини билдирувчи гап эгаси вазифасидаги *ҳамма* олмошида ифодаланган бир неча шахс бўлиб, равишнинг агенси ҳисобланади. Шу олмошда яна равишнинг объект актанти ҳам акс этган. Яъни *жим* равишида ифода топган ҳаракат тарзи *ҳамма* сўзида ифодаланган бир неча шахсга хос, унда аксини топган. Агар гап кесими вазифасидаги равиш ўрнида ўзлик нисбатидаги сифатдошни берилса ҳам, гап қолипи ўзгармай қолади. Яъни: *Ҳамма қўзғалган*. Бу гапда *қўзғалган* сўзи ўзлик нисбатидаги сифатдош бўлиб, *ҳамма* олмоши унинг агенсини ҳам, объектини ҳам билдирган. Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, равиш кесим вазифасида келган гапнинг агенс ва объектини кўрсатиб келувчи эга деярли ҳолда шахс ёки жонли мавжудотни кўрсатиб келувчи от туркумидаги сўз бўлади. Мабодо у бошқа маъноли от бўлган тақдирда ҳам бадий жихатдан жонлантирилганлиги кузатилади. Масалан: *Ғоят тез асрим шиддати* (Э.Воҳидов). Бу гапнинг кесими *тез* равишида ифодаланган бўлиб, унинг агенс ва объект валентлиги *шиддат* отида воқеланган. Шу *шиддат* оти жонлантирилган ифодага эга. У эга вазифасини ўтаган.

Микдор равишлари ва ўрин равишлари ҳам гап кесими вазифасида келиб, уларнинг эгаси агенс ва объект сифатида воқеланган бўлади. Масалан: *Самоварда одам гуж-гуж* (Ойбек). Бу гапдаги *гуж-гуж* сўзи микдор равиши бўлиб, кесим вазифасини ўтаган. Унинг агенс ва объект валентлиги гап эгаси *одам* сўзида бир йўла воқеланган. Яъни гап эгаси бўлган *одам* сўзи микдор равиши бўлган *гуж-гуж* сўзининг ҳам агенс, ҳам объект актантидир. *Кўпчилик Сидиқжоннинг атрофида* (Шухрат) гапида *атрофида* сўзи ўрин равиши бўлиб, кесим вазифасини ўтаган. Унинг агенс ва объект валентлиги гапнинг эгаси вазифасидаги *кўпчилик* сўзида воқеланган. Ҳар икки гапда ҳам кесим вазифасидаги равишларнинг агенс валенти воқеланган эга шахс ифода этган отдир.

Кесим вазифасидаги равишлар билан улар валентлиги воқеланган актантиларини бириктирувчи бир хил сема, яъни классема бўлмайди. Балки равиш семантикаси билан унинг воқеланган актанти семантикаси ўртасида мантиқий боғлиқлик бўлади. Шу ўринда берилган мисолларга мурожаат этилса, *гуж-гуж* равишидан англашилган ҳолат тарзида ҳам, *атрофида* равишидан англашилган ҳолат ўрнида ҳам шахс ижрочи ва объект бўлиши табиийдир. Шунга кўра равишларнинг бу валентликлари мантиқий-семантик валентлик деб қаралади. Бу мантиқий-семантик валентликлар факультативдир. Улар равишларда бор эканлигига қарамай, ҳар қандай нутқда ҳам воқеланавермайди.

Пайт равиши гапда кесим вазифасида қўлланса ҳам, унинг агенс ва объект валентликлари бўлмайди. Чунки ифодаланган ҳолат пайтини юзага келтирувчи ва унинг объекти бўла олувчи тушунча йўқ ва унинг бўлиши мантиқан ҳам мумкин эмас. Шунингдек, сабаб ва мақсад равишларининг ҳам агенс ва объект валентликлари мавжуд эмас. Чунки улар гап кесими вазифасида қўллана олишига қарамай, ўзи ифодалаган сабаб ёки мақсад нисбатан коммуникацияда зарурий ўринга ўтган бўлади. Бу ўринда равиш сабаб ёки мақсадни ифодалаш билан бирга улар оид бўлган ҳаракат ёки ҳолатни акс эттирмайди. Шу уларда агенс ва объект валентлиги бўлиши учун имкон бермайди.

Кўрдикки, тарз, миқдор, ўрин равишлари гапда кесим вазифасида қўлланиб, ўз ифодасидан ташқари у оид бўлган ҳаракат ёки ҳолатни имплицит акс эттиради. Улар ўзлик нисбатидаги сифатдошларга ўхшаш гап қолипни таркиб топтириб, агенс ва объект валентлигини бир эганинг ўзида воқелантиради. Унинг бу валентликлари мантикий-семантик бўлиб, факультативдир.

Объект валентлиги

Равиш белги билдириши баробарида, юқорида айтилганидай, гапда кесим вазифасида келиб, ўша белги мансуб бўлган ҳаракат ёки ҳолатни ҳам имплицит ифодалайди. Бунда у мажхул нисбатидаги сифатдошга ўхшаш гап қолипни тузади. Тузилган гапларда эга объектни кўрсатади. Объект жонсиз нарсаларни билдиради. Равиш кесимлар воситасида гап тузилар экан, улар бир жиҳати билан мажхул нисбатидаги сифатдош кесимлигида тузилган гаплардан фарқ қилади. Уларда иккинчи даражали бўлак вазифасида келувчи агенс талаб қилинмайди. Бу ҳолатда фақат шахссиз, объект актантга эга бўлган кесимли гап тузилади. Мазкур қолипли гаплар тарз равиши кесим вазифасида келган гапларда кўплаб кузатилади. Масалан: *Ўрикда довуҷчалар гуж-гуж* (Ойбек). Бу гапда тарз равиши билан ифодаланган кесим *гуж-гуж* сўзидир. Унинг объект валентлиги *довуҷчалар* сўзида воқеланган. Бу гап мантиқида шахс, яъни агенс талаб қилинмайди. Объект актант бўлган *довуҷчалар* сўзи жонсиз нарсани ифода этган.

Равишларнинг объект валентлиги гапда эга вазифасида воқеланиши миқдор равиши, ўрин равиши, пайт равиши кесим вазифасида қўлланганда ҳам кузатилади. Бунга миқдор равиши гапда кесим вазифасида қўлланганига мисол келтириб, таҳлил этиб кўриш мумкин: *Иш кўп, кўмир оз* (матал). Бу боғловчисиз боғланган кўшма гапда *кўп* ва *оз* равишлари кесим вазифасида қўлланган. Уларнинг объект валентлари *иш* ва *кўмир* сўзларида воқеланган. Бу сўзлар эга вазифасидаги турдош отлар бўлиб, аниқ ифодага эга. Улардан *иш* оти ҳам аниқлаштирилган ифода беради. Бундай гап қолипи, айтилганидай, ўрин равиши кесим вазифасида қўлланган гапларда ҳам кузатилади. Масалан: *Хазина ҳам шу ерда* (А. Мухтор). Бу гап кесими *шу ерда* ўрин равишида ифодаланган. Унинг объект валентлиги гап эгаси

вазифасидаги *хазина* турдош отида воқеланган. Бу турдош от ҳам аниқ ифода беради. Пайт равиши гап кесими вазифасини ўтаса ҳам, гап қолипи юқоридагиларга ўхшаш бўлиши кузатилади. Масалан: ...*ҳавода аллақандай бир шовқин ҳамиша* (Ойбек). Бу гапнинг кесими вазифасида *ҳамиша* пайт равиши қўлланган. Унинг объект валенти гапда эга вазифасидаги *шовқин* турдош отида воқеланган. Бу от ҳам аниқ ифодага эга.

Тарз равиши кесим вазифасида қўлланар экан, унинг объект валентлиги гапда воситали тўлдирувчи вазифасида воқеланиши ҳам кузатилади.¹ *Богларда шикомлар узумга тўла* (Ойбек). Бу гапда *тўла* тарз равиши кесим вазифасида қўлланган бўлиб, унинг объект валентлиги гапда воситали тўлдирувчи *узумга сўзида* воқеланган. Чунки гапнинг эгаси вазифасида равишнинг ўрин валентлиги намоён бўлиб, унинг ўрни банд қилинган эди. Бу объект актанти ҳам аниқ ифода беради.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, кесим вазифасидаги равишларнинг объект валентлиги деярли эга ва баъзан тўлдирувчи вазифасида қўллангани ҳолда, у от ҳамма вақт ҳам аниқ ифода бериши шарт эмас, мавҳум ифода бериши ҳам мумкин.

Кесим вазифасидаги равишлар объект валентлиги воқеланган актанти билан умумий сема – классемага эга эмас. Улар белгиси маълум объектда бўлиш мантиқига кўра ўзаро коммуникацияга киришади. Шунга кўра равишларнинг валентлигини мантиқий-семантик валентлик деб қаралади. Бу мантиқий-семантик валентлик доирасида объект валенти воқеланган бўлиб, у факультативдир.

Сабаб ва мақсад равишлари кесим вазифасида қўлланмаганлиги учун ҳам, уларнинг объект валентлиги ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Кўрдикки, тарз, миқдор, ўрин ва пайт равишлари гапда кесим вазифасида қўлланиб, ўз ифодасидан ташқари у оид бўлган ҳаракат ёки ҳолатни имплицит акс эттиради. Улар мажҳул нисбатдаги сифатдошга ўхшаб гап қолипини таркиб топтириб, объект валентлигини эгада воқелантиради. Унинг бу валентлиги мантиқий-семантик бўлиб, факультативдир.

Ўрин валентлиги

Кесим вазифасида қўлланган равишлар ўрин валентлигига ҳам эга бўлади. Бу валентлик тарз равишида ҳам, миқдор равишида ҳам, пайт равишида ҳам кузатилади. Тарз равиши гапда кесим вазифасида қўлланар экан, агар унинг агенс ёки объект валентлиги эга вазифасида воқеланган бўлса, унинг ўрин валентлиги ўрин ҳоли вазифасида воқеланади. *Ўрикда довуҷчалар ҳуж-ғуж* (Ойбек). Бу гапда айтилганидай, *ғуж-ғуж* тарз равиши гап кесими вазифасида қўлланиб, унинг объект актанти эга вазифасида воқеланган. Шунинг учун унинг ўрин валенти, одатий ҳолга кўра, ўрин ҳоли вазифасидаги *ўрикда* сўзида намоён бўлган. Агар кесим вазифасидаги тарз

¹ Наримова Г. А. Ўзбек тилида феълларнинг объект аргументи. Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2005, 20-б.

ҳолининг объект валенти гапда воқеланмаган бўлса, ўрин валентлиги эга вазифасида воқеланади. Масалан: *Ҳовли жим-жит* (А. Қахҳор). Бу гап кесими *жим-жит* тарз равишида ифодаланган бўлиб, ўрин валенти акс этган ўрин актанти эга вазифасидаги *ҳовли* сўзидир.

Кесим вазифасида қўлланган миқдор равишининг ўрин валентлиги ўрни билан ўрин ҳоли вазифасида, ўрни билан эга вазифасида воқеланади. Масалан: *Қабулхонада одам кўп* (С. Аҳмад). *Гузарлар, чойхоналар ҳали гавжум* (А. Мухтор). Бу гапларнинг биринчисида *кўп*, иккинчисида *гавжум* сўзи кесим вазифасини ўтаган. Уларнинг ҳар иккиси ҳам миқдор равишида ифодаланган. Аввалгисининг ўрин валенти ўрин ҳоли вазифасида воқеланган. Бу гапдаги эга вазифасида равиш кесимнинг объект актанти акс этган. Кейингисининг ўрин валенти уюшган эгада воқеланган, яъни шу вазифани эгаллаган.

Кесим вазифасида қўлланган пайт равишининг ўрин валентлиги гапда фақат ўрин ҳоли вазифасида воқеланади. Масалан: *Кулиши ёдимда ҳануз* (Ойбек). Бу гапда *ҳануз* пайт равиши кесим вазифасида қўлланиб, унинг ўрин валентлиги ўрин ҳоли вазифасидаги *ёдимда* сўзида намоён бўлган. У мавҳум ифодали турдош отдир.

Ўрин равишлари ўрин валентлигига мантиқан эга бўлмайди. Сабаб ва мақсад равишлари умуман валентликка эга эмаслиги ҳақида эса юқорида айтиб ўтилган эди.

Равишлар кесим вазифасида қўлланиб, ўрин валентини воқелантирар экан, у ўз актанти билан бир хил ифодали сема – классемага эга бўлмайди. Уларнинг семантикаси ўз актанти семантикаси билан мантиқан алоқада эканлиги кузатилади, яъни улар валентлиги мантиқий-семантик бўлиб, факультативдир.

Кўрдикки, тарз, миқдор ва пайт равишлари гапда кесим вазифасида қўлланадиган экан, уларнинг ўрин валенти ҳамма вақт ўрин ҳоли вазифасида воқеланади. Тарз ва миқдор равишларининг ўрин валентлиги гап эгаси вазифасида ҳам воқеланиши мумкин. Улар валентлиги мантиқий-семантик бўлиб, факультативдир.

Пайт валентлиги

Кесим вазифасида қўлланган равишлар пайт валентлигига ҳам эга бўлади. Бу валентлик тарз равиши, ўрин равиши, миқдор равишида кузатилади. Улар доимо синтактик жиҳатдан пайт ҳолида воқеланади ва кўпинча равиш кесим билан ёндош қўлланади. Масалан: *Бозор бугун суст* (Ойбек). *Гузарлар, чойхоналар ҳали гавжум* (А. Мухтор). *Ўша қиз ҳозир шу ерда* (С. Аҳмад). Бу гапларнинг биринчисида *суст* тарз равиши, иккинчисида *гавжум* миқдор равиши, охиргисидида *шу ерда* ўрин равиши кесим вазифасида қўлланиб, уларнинг пайт валентлиги *бугун, ҳали, ҳозир* пайт равишларидан бирида воқеланган. Улар гапда пайт ҳоли вазифасида қўлланган ва равиш кесим билан ёндош келган. Равиш кесимларнинг пайт валентлиги актанти

гапда ҳамма вақт ҳам у билан ёндош қўлланавермайди, гап бошида ҳам берилиши мумкин. Масалан: *Энди ҳамма жим* (С. Аҳмад). *Ҳозир яхшидан ёмон кўп* (Шухрат). *Бугун Онабиби шу ерда* (А. Мухтор). Бу гапларнинг биринчисида *жим* тарз равиши, иккинчисида *кўп* миқдор равиши, охиргисида *шу ерда* ўрин равиши кесим вазифасида қўлланиб, уларнинг пайт валентлиги *энди*, *ҳозир*, *бугун* пайт равишларидан бирида воқеланган. Улар гапда пайт ҳоли вазифасини ўтаган ва гап бошида берилган.

Пайт равишлари пайт валентлигига мантқан ҳам эга бўлмайди. Чунки равишнинг ўзи пайт ифодалайди. Сабаб ва миқдор равишлари кесим вазифасида қўлланмаганлиги учун улар валентлиги табиатан ҳам йўқ.

Равишлар кесим вазифасида келиб, пайт валентлигини воқелантирар экан, ўз актанти билан бир хил семага – классемага эга бўлмайди. Улар ўз актанти билан семантикалари денотатининг мантиқий боғлиқлигига кўра алоқадордир. Шунга кўра улар валентлиги мантиқий-семантик валентлик деб қаралади. Шу билан бирга у факультативдир.

Кўрдикки, тарз, миқдор ва ўрин валентликлари гапда кесим вазифасида қўлланадир экан, уларнинг пайт валентлиги ҳамма вақт пайт ҳоли вазифасида воқеланади. Улар актанти кесим билан ёндош ёки гап бошида берилади. Пайт валентлиги мантиқий-семантик бўлиб, факультативдир.

Демак, равиш туркумига оид сўзлар кесим вазифасида келиб, ўзи ифодалаган белги оид ҳаракат ёки ҳолатни ҳам имплицит ифода этади ва турли валентликларини юзага чиқаради. Равишнинг барча маъно турларида агенс валенти гап эгасида, объект валентлиги ҳам гап эгасида; тарз, миқдор, пайт равишларининг ўрин валентлиги гап эгаси ва ўрин ҳоли вазифасида; тарз, миқдор, ўрин равишларининг пайт валентлиги пайт ҳоли вазифасида воқеланади. Улар мантиқий-семантик валентлик бўлиб, факультативдир.

Хуллас, равишлар икки ҳолатда гап кесими вазифасини ўтайди: 1) ҳаракат ёки ҳолат белгисини билдирувчи равиш гапда рема сифатида кесим вазифасига ўтиб, ҳаракат ёки ҳолат билдирувчи феъл иккиламчи предикат бўлади; 2) равиш кесим вазифасини олиб, ҳаракат ёки ҳолатни ҳам имплицит ифода этади. Рема сифатидаги равиш кесим ҳаракат ёки ҳолат валентлигини иккиламчи предикатда; мазмун валентлигини ажратилган кесим, ўхшатиш эталони, воситали тўлдирувчида; адресат валентлигини ҳам воситали тўлдирувчида ва ҳаракат ёки ҳолатни имплицит ифодаловчи равиш кесим агенс ҳам объект валентлигини гап эгасида, ўрин валентлигини ўрин ҳоли, пайт валентлигини пайт ҳоли вазифасида воқелантиради. Ҳаракат ва ҳолат, мазмун, адресат валентликлари лексик-семантик; агенс, объект, ўрин, пайт валентликлари мантиқий-семантикдир. Ҳаракат ва ҳолат валентлиги облигатор бўлиб, қолган валентликлар факультативдир.

ЁРДАМЧИ СЎЗЛАРНИНГ СЕМАНТИК ВАЛЕНТЛИГИ

Ёрдамчи сўзлар ҳақида сўз борар экан, уларнинг синсемантиклигини эслашга тўғри келади. ¹ Чунки синсемантик бўлган ёрдамчи сўзлар, юқорида қайд этилганидек, В.Бондционинг таъкидлашича, валентликдан холи бўлади.² Лекин бошқа тилшунослар ё валентликнинг кенг тушунилиши, ё ёрдамчи сўзларнинг айримларида қўшимча маъно (“сема” дейилмоқчи)нинг бўлиши натижасида улар ҳам валентликка эгадир, деб кўрсатадилар.³ Бу фикр (тўғрироғи, фараз)ларнинг ҳар иккисига ҳам қўшилиб бўлмайди. Чунончи, валентлик ҳақида кенг ёки тор тушунча деб айтишнинг ўзи мантикка мос эмас. У ҳақда фақат битта тушунча бор: “Валентлик семантикага асосланиб, бирор бир маъноли бирикма ҳам четда қолмай, гап бўлаклари доирасида кечувчи, моҳиятан семантик-синтактик ҳодисадир”.⁴ Яъни сўзлар бири иккинчиси билан бирикар экан, бирининг семантикасига асосланган валентлигига эшвалент танланиши билан кечади. Нутқнинг қаерида сўзнинг бирикуви ва шу бирикув учун асос бўлган семантика бор экан, у бирор сўзнинг валентлигига, ўша сўз семантикасига таянган валентликка асосланади. Валентлик сўзнинг лексик-семантикасига ҳам, шакл семантикасига ҳам асосланган бўлиши мумкин. Мустақил маъноли сўзлар бирикуви ҳоким сўзнинг лексик-семантик валентлигига асосланиб бирикмани таркиб топтиради. Ёрдамчи сўзлар эса бирор мустақил сўзнинг шакли сифатида коммуникацияга киришиб, ўз семантикасини ва валентлигини воқелантиради, бирикма тузилишига асос бўлади. Булар семантикаси ҳам шакл семантикасига ўхшаш валентликка эга бўлади, деган мантикни беради.

Ёрдамчи сўзлар кўмакчи феъллар, кўмакчилар, боғловчилар ва юкламалардан иборат.

Кўмакчи феъллар валентлиги

Кўмакчи феъл билан келган феъл кесимлар унинг семантикасига асосланиб, деярли ҳолда ҳолат валентлиги билан нутқда намоён бўлади. Муаллифларингиздан М. М. Миртожиев кўмакчили феъллар фақат ҳолат валентлигига эга бўлади, деб аввалги ишларидан бирида таъкидлаган эди.⁵ Кейинги атрофлама қилган тадқиқотлари шуни кўрсатдики, феъллар кўмакчи феъл семантикасига асосланиб, яна бир неча валентликларни воқелантиради. Бу қуйида иш давомида кўзга ташланади.

¹ Ахманова О. С. Словарь лингвистических терминов. – М.:СЭ, 1966.- С.408.

² Bondzio W.Valenz, Beduetung und Satzmodelle...-S.91.

³ Stepanova M.D. Die innere Valenz des Wortes und das Problem lingustischen Wahrscheinlichkeit // Beitrage zur Valenztheorie.-Halle,1971.-S.33.

⁴ Heidopf K.E., Flamig W. , Motsch W. Grundzige einer deutschen Grammatik.-Berlin, 1977. Г.Хельбиг ҳам худди шу фикрда. Қаранг: Stepanova M.D., Helbig G. Wortarten und das Problem der Valenz der in der deutschen Gegenwartsspache. –S.229.

⁵ Миртожиев М. М. Ўзбек тилидаги феъл валентликлари. – Тошкент:Университет, 2007, 51-б.

Ўзбек тилида, А.Ҳожиёвнинг қайд қилишича, 27 та кўмакчи феъл бор.¹ Уларнинг ҳар бири бирор феъл кесим билан қўлланиб, ўз семантикаси билан мутаносиб семантик валентликни намоён этиши мумкин. Яъни намоён бўлган ҳолат актанти семантикаси табиий ҳолда феъл кесим шакли вазифасидаги кўмакчи феъл семантикаси билан мос келади. Ўзбек тилидаги кўмакчи феъллар миқдорига яраша бир неча турга эга. Улар қуйида бирма-бир кўрилиб, валентликлари тадқиқ этиб ўтилади.

1. А.П.Ҳожиёвнинг кўрсатишича, бир гуруҳ кўмакчи феъллар етакчи феълдан англашилган ҳаракатнинг бажарилишдаги фазасини билдириб келади.² Булар ҳаракат бажарилиши фазасига киришув, бажарилиш фазасига яқинлашув, тўла бажарилиш фазаси, юқори фазасига кўтарилув, тўла фазасига етмаганлик каби семантикани кўрсатади. Яъни улар етакчи феъл семантикасига қайд этилгани каби семаларни илова қилади. Илова қилинган сема етакчи феъл таркибида валентлигини юзага келтиради. У танланган эшвалентда воқеланади. Масалан, *Энди гаплаша бошлади* гапига эътибор бериш мумкин. Бунда *бошла-* кўмакчи феъли *гаплаш-* кўмакчи феъл семантикасига ‘киришмоқ’ семасини илова қилди ва унда ҳаракатга киришувни ифодаловчи даража валентлиги юзага келди. Шунга биноан феъл даража валентлиги актантини қабул қилди. Етакчи феъл семантикаси англаган ‘ҳаракат фазасига киришув’ семасини яна *кел-*, *кет-* кўмакчи феъллари ҳам ифода этади. Улар валентлиги ҳам *энди* актантида воқеланиши мумкин ва у даража билдириб келади.

Қол-, *ёз-* кўмакчи феъллари етакчи феълдан англашилган ҳаракат бажарилишига яқинлашган фазани кўрсатиб келади³ ва у ҳам етакчи феъл семемасида даража валентлигини юзага келтирувчи сема бўлиб қолади. Масалан, *охиригача битиб қолди*, *охиригача бита ёзди* бирикувларига эътибор бериш мумкин. Бу бирикувларда *қол-*, *ёз-* кўмакчи феъллари *бит-* етакчи феъли билан қўлланиб, унинг ҳаракат билдирувчи семемасига бажарилишга яқин фазани билдирувчи семани илова қилди ва даража валентлигини юзага келтириш учун асос бўлди. Бу валентлик эса *охиригача* актантида воқеланди.

Яна бир гуруҳ кўмакчи феъллар борки, улар етакчи феъл билан қўлланиб, ҳаракатнинг тўла (тугал) бажарилиш фазасини кўрсатади. Улар *бўл-*, *бит-*, *битир-*, *чиқ-*, *ет-*, *ўт-*, *ол-*, *қўй-*, *кет-*, *юбор-*, *ташла-*, *сол-*, *туш-* кўмакчи феълларидан иборат.⁴ Улар ҳам етакчи феъл семемасига ‘ҳаракатнинг тугал бажарилганлик’ семасини илова қилар экан, даража билдирувчи валентлик юзага келиши учун асос бўлади ва у нутқда воқеланади. Масалан, *бутунлай ишлаб битирди* бирикувига эътибор бериш мумкин. Бунда *битир-* кўмакчи феъли *ишла-* етакчи феъли билан қўлланиб, ундан англашилган ҳаракат семемаси ‘тугал бажарилганлик фазаси’ни билдирувчи семаси билан тўлдирилган ва у даража валентлигини юзага

¹ Ҳожиёв А. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар. –Тошкент:Фан, 1966, 221-б.

² Ҳожиёв А. П. Феъл. – Тошкент:Фан, 1973, 51-б.

³ Ҳожиёв А. П. Феъл. – 51-б.

⁴ Ҳожиёв А. П. Ўша асар, - 52-б.

келтирган. *Ишлаб битирди* таркибли феъли шу даража валентлиги асосида бутунлай актанти билан бириккан. У яна шу валентлиги асосида *тўл, тугал, мутлақо, охиригача* сўзларини даража валенти актанти сифатида қабул қилиши мумкин эди.

Қолган тугаллик фазасини билдирувчи кўмакчи феъллар ҳам шу хусусиятга эга.

Бир неча кўмакчи феъллар ҳам борки, улар етакчи феъл билан қўлланиб, ҳаракатнинг юқори фазасига кўтарилувни кўрсатади. Улар *кет-, юбор-, ўл-* кўмакчи феълларидан иборат.¹ Улар ҳам етакчи феъл семемасига ундан англашилган ҳаракатнинг юқори даражага кўтарилганлик фазасини кўрсатувчи семани илова қилади, даража валентлиги учун асос бўлади ва у нутқда воқеланади. Масалан, *роса чарчаб кетди* бирикувига эътибор бериш мумкин. Бунда *кет-* кўмакчи феъли етакчи феъл билан қўлланиб, ундан англашилган ҳаракат семемасига юқори даража фазани билдирувчи семани илова қилган ва даража валентлигини юзага келтирган. Бу валентлик *роса* актантида воқеланган. Бу актант ўрнида *ўта, жуда, ниҳоятда* каби юкламаларни қўллаш мумкин.

Юбор-, ўл- кўмакчи феъллари ҳам *кет-* кўмакчи феъли хусусиятига эга.

Қол-, кет- кўмакчи феъллари яна равидош шаклидаги феъллар билан қўлланиб, улардан англашилган ҳаракатнинг тўла даражага етмаганлик фазасини билдиради,² яъни шундай ифодали семани унга илова қилади ва унда даража валентлигини юзага келтиради. У нутқда воқеланади. Масалан, *Сал семириб қолибди. Сал семириб кетибди.* Бу бирикувларда *қол-, кет-* кўмакчи феъллари *семир-* феъли билан қўлланиб, ундан англашилган ҳаракат меъёрига етмаганлик фазасини илова қилган ва даража валентлигини юзага келтирган. Валентлик нутқда *сал* сўзи билан воқеланган.

Ол-, қол-, қўй- кўмакчи феъллари яна *–(у)б* шаклли равишдошлар билан қўлланиб, улардан англашилган ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши фазасини билдиради,³ яъни шундай ифодали семани унга илова қилади ва унда даража валентлигини юзага келтиради. У нутқда воқеланади. Масалан, *ҳар ҳолда тугиб қолди* бирикувига эътибор бериш мумкин. Бу бирикувда *қол-* кўмакчи феъли *тут-* феъли билан қўлланиб, ундан англашилган ҳаракат бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши фазасини билдириб келган, даража валентини ҳосил қилган. Валентлик нутқда *ҳар ҳолда* сўзи билан воқеланган. Яна *ол-, қўй-* кўмакчи феъллари ҳам нутқда шундай намоён бўлади ва ўша актант воситаси қўлланиши табиийдир.

Даража валентлигини воқелантирувчи актантлар деярли равиш туркумига мансуб бўлиб, синтактик жиҳатдан тарз ҳоли вазифасини ўтайди.

¹ Ҳожиев А. П. Ўша асар. – 53-б.

² Ҳожиев А. П. Ўша асар. – 54-б.

³ Ҳожиев А. П. Ўша асар. Ўша бет.

Кўрдикки, етакчи феълдан англашилган ҳаракатнинг бажарилиш фазаларини билдирувчи кўмакчи феъллар уларда даража валентлигини юзага келтиради.

2. *Ол-* ва *қўй-* кўмакчи феъллари яна етакчи феълдан англашилган ҳаракатнинг бир марта бўлганлигини ифодалаб келади ва унда миқдор валентлигини юзага чиқаради. Бу валентлик ўз актантида воқеланар экан, албатта, миқдор билдиради. Лекин бу кўмакчи феъллар бирга қўлланган етакчи феъл семантикасининг ўзида ‘бир марта’ ифодасини берувчи сема бор. У юзага чиқарган валентлик воқеланар экан, яна у ‘бир марта’ семантикасини беради. Бу қайтариқ, яъни такрор ҳисобланмайди. У феълдаги миқдор ифодасини таъкидлашдир. Масалан, *Бир қараб қўйди. Бир силкитиб олди.* Бу бирикувлардаги *қўй-* кўмакчи феъли *қараб қўй-* ва *ол-* кўмакчи феъли *силкитиб ол-* таркибли феъллар семантикасида ‘бир марта’ семаси бор. У орқали юзага келган валентликни *бир* актанти шу миқдорни қайта кўрсатиб таъкидлаш вазифасини ўтаган.

Миқдор валентлигини воқелантирган актантилар деярли сон туркумига мансуб бўлиб, синтактик жиҳатдан тарз ҳоли вазифасини ўтайди.

Кўрдикки, етакчи феълдан англашилган ҳаракатга ‘бир марта’ семасини илова қилувчи кўмакчи феъллар миқдор валентлигини юзага келтиради.

3. *Кет-*, *туш-*, *юбор-* кўмакчи феъллари яна *-(и)б* шаклидаги равишдошларга кўшилиб, ундан англашилган лаҳзалик ҳаракатни таъкидлаш семасини илова қилади ва феълда тасодифийлик валентини юзага келтиради. У нутқда воқеланади. Бунда етакчи феълнинг ўзи лаҳзалик ҳаракатни билдирувчи семага эга бўлади. У билан бирга қўлланган кўмакчи феъл эса уни кучайтириб ифодалайди. Бундай лаҳзалик ҳаракат кутилмаганда ўтади. Мана шу кутилмаганлик семаси тасодифийлик валентини юзага чиқаради. Масалан, *бирдан чўчиб тушди* бирикувига эътибор бериш мумкин. *Чўчи-* етакчи феълнинг ўзи бир лаҳзалик ҳаракатни билдиради. Унга кўшилган *туш-* кўмакчи феъли бу лаҳзалик ҳаракатни кучайтириш вазифасини ўтаган. Ундан табиий равишда тасодифийлик валентлиги юзага чиққан ва *бирдан* сўзида воқеланган. *Бирдан* актанти ўрнида шу вазифа билан *тўсатдан*, *тасодифан*, *ногаҳон* каби сўзларни ҳам қўллаш мумкин. *Кет-* ва *юбор-* кўмакчи феъллари ҳам шу хусусият билан коммуникацияда бўлади.

Тасодифийлик валентлигини воқелантирган актантилар деярли равиш туркумига мансуб бўлиб, синтактик жиҳатдан тарз ҳоли вазифасини ўтайди.

Кўрдикки, етакчи феълдан англашилган лаҳзалик ҳаракатни таъкидлаб келиш семасини билдирувчи кўмакчи феъллар тасодифийлик валентлигини юзага келтиради.

4. Бир гуруҳ кўмакчи феъллар етакчи феъллар билан қўлланар экан, ундан англашилган ҳаракат ёки ҳолатнинг турлича вақт давом этишини билдиради. Бу кўмакчи феъллар *тур-*, *ўтир-*, *юр-*, *ёт-* кабилардан иборат. ¹

¹ Ҳожиев А. Феъл. –Тошкент:Фан, 1973, 19-22-б.

Етакчи феъл семантикасига кўмакчи феъл илова қилган даражасига тобе ҳолда пайт валентлиги юзага келади ва у нутқда воқеланади. Унинг, яъни валентликнинг воқеланган актанти ҳам пайт билдирувчи сўз бўлади. Масалан, *ҳозирча кутиб турибди* бирикувидаги *тур-* кўмакчи феъли *кут-* етакчи феъл семантикасига қисқа вақт давомийликни илова қилган ва шунга асосланган валентлик юзага келган. Бу валентлик *ҳозирча* актантида воқеланган. *Ҳозирча* актанти пайт билдиради. Яна *боядан бери кутиб ўтирибман* бирикувига эътибор бериш мумкин. Бу бирикувда *ўтир-* кўмакчи феъли *кут-* етакчи феъли семантикасига маълум вақт давомийликни илова қилган ва шунга асосланган валентлик юзага келган. Бу валентлик *боядан бери* актантида воқеланган. *Боядан бери* актанти пайт билдиради. Навбатда *эрталабдан бери кутиб юрибди* бирикувига эътиборни қаратайлик. Бу бирикувда *юр-* кўмакчи феъли *кут-* етакчи феъли семантикасига ‘анча чўзиқ давомийлик’ семасини илова қилган. У шунга асосланган валентликни юзага келтирган. Бу валентлик *эрталабдан бери* актантида воқеланган. *Эрталабдан бери* актанти пайт билдиради. Ниҳоят *доимо кутиб ётибди* бирикувига диққатни қаратишган тўғри келади. Бу бирикувда *ёт-* кўмакчи феъли *кут-* етакчи феъли семантикасига ‘чексиз давомийлик’ семасини илова қилган. У шунга асосланган валентликни юзага келтирган. Бу валентлик *доимо* актантида воқеланган. *Доимо* актанти пайт билдиради. Шунинг ҳам айтиш керакки, *тур-*, *ўтир-*, *юр-* ва *юр-* кўмакчи феъллари етакчи феъл билан қўлланиб, турлича давомийликни унинг семантикасига илова қилса ҳам, ҳамма вақт бир хил пайт валентлигини юзага келтиради.

Ўзбек тилида *кўр-*, *қара-*, *боқ-* кўмакчи феъллари ҳам бўлиб, улар бир маъноси бўйича етакчи феъл семантикасига ‘лаҳзалик давомийлик’ семасини илова қилади ва шу семага асосан пайт валентлигини юзага келтиради. Эътибор қилинг: *бирпас ишлаб кўрди / бирпас ишлаб қаради / бирпас ишлаб боқди*. Бу бирикувлардаги *кўр-*, *қара-*, *боқ-* кўмакчи феълларининг ҳар бири *ишла-* етакчи феъли билан қўлланиб, унинг семантикасига ‘лаҳзалик давомийлик’ семасини илова қилган ва пайт валентлигини юзага келтирган. У *бирпас* сўзида воқеланган.

Етакчи феълга кўмакчи феъл илова қилган семантика асосида юзага келган пайт валентлигини воқелантирувчи актонт асосан равиш, равишдош ва баъзан от билан ифодаланади. Уларнинг синтактик вазифаси ҳамма вақт пайт ҳоли бўлади.

Кўрдикки, етакчи феъл семантикасига ‘давомийлик’ семасини илова қилувчи кўмакчи феъллар унда пайт валентлигини юзага келтиради.

5. А.П.Ҳожиёвнинг қайд этишича, кўмакчи феълларнинг бир гуруҳи сўзловчининг ҳаракатга бўлган турли муносабатини ифодаловчи маъноларни – модал маъноларни билдиради.¹ Бу модал маънолар турлича бўлиб, етакчи феъл семантикасига бир сема сифатида илова қилинар экан, ўз семантикасига мутаносиб валентликни юзага келтиради. *Ол-* ва *бил-* кўмакчи феъллари ‘қодирлик’, *бўл-* кўмакчи феъли ‘имкониёт мавқеидаги’, *бер-* кўмакчи феъли

¹ Ҳожиёв А. П. Ўша асар. – 55-б.

‘тўсиқсизлик’, қўй- кўмакчи феъли ‘беихтиёр’ маъносини етакчи феълдан англашилган ҳаракат семантикасига илова қилади. ‘Қодирлик’, ‘имконият мавқеи’, ‘тўсиқсизлик’, ‘ғанимат’, ‘беихтиёр’ маънолари ўзича ҳолат ифода этади. Етакчи феъл семемасига илова қилинган кўмакчи феълнинг ҳолат ифодали семаси унда ҳолат валентлигини юзага келтиради. Бу валентлик ҳолат билдирувчи сўзда воқеланади. Мисолларга эътибор беринг: *Осонгина ёза олади. Осонгина бажара билади. Осонгина ўқиб бўлади. Осонгина чиқиб қолайлик. Осонгина бажараверди. Кутилмаганда азоблаб қўйди.* ва ҳ. бирикувларига эътибор бериш мумкин. Бу мисралардаги *ол-* ва *бил-* кўмакчи феъллари ‘қодирлик’ семасини, *бўл-* кўмакчи феъли ‘имконият мавқеидаги’, *қол-* кўмакчи феъли ‘ғанимат’, *бер-* кўмакчи феъли ‘тўсиқсизлик’, *қўй-* кўмакчи феъли ‘беихтиёр’ семасини етакчи феъл семемасига илова қилган ва шу етакчи феълда ҳолат валентлигини юзага келтирган. Улар валентлиги ҳолат билдирувчи ‘осонгина’ ва ‘беихтиёр’ сўзларида воқеланган.

Ҳолат валентлигини воқелантирган актантлар асосан равиш ёки равишдошлар бўлиб, синтактик жиҳатдан тарз ҳоли эканлиги кузатилади.

Ўзбек тилида яна *кўр-*, *қара-*, *боқ-* кўмакчи феъллари борки, улар етакчи феълдан англашилган ҳаракатга ‘лаҳза давомийлик’ илова қилишидан ташқари ‘синаш’, ‘билиш’ маъносини ҳам илова қилади.¹ Бунда етакчи феъл семантикаси кўмакчи феълнинг семантик иловаси асосида ҳолат валентлигини юзага келтиради. Масалан: *бир ишлаб кўрди / бир ишлаб қаради / бир ишлаб боқди.* Бу бирикувларда *кўр-*, *қара-*, *боқ-* кўмакчи феъллари *ишла-* етакчи феълдан англашилган ҳаракатга ‘синов’ модал маъносини илова қилди ва унда ҳолат валентлигини юзага келтирди. Шу валентлик бўйича улар *бир* актантини қабул қилди. *Бир* сўзи асосан микдор билдиради, лекин бу бирикувларда у ‘хафсала билан’ маъноси асосида воқеланган ва ҳолат актанти сифатида келган.

Кўр-, *қара-*, *боқ-* кўмакчи феъллари етакчи феълдан англашилган ҳаракатга ‘синов’ семасини илова қилиши натижасида унда юзага келган валентлиги маълум актантда воқеланар экан, у равиш, равишдош ёки от туркумига мансуб бўлиб, синтактик жиҳатдан ҳамма вақт тарз ҳоли вазифасини ўтайди.

Кўрдикки, модал маъносини билдирувчи кўмакчи феъллар етакчи феъллар билан қўлланар экан, ундан англашилган ҳаракат семантикасида ҳолат валентлигини юзага келтиради.

Демак, етакчи феъллар билан қўлланувчи кўмакчи феъллар ундан англашилган ҳаракатнинг бажарилиш фазасини билдирувчи семани илова қилса, даража валентлигини; ҳаракатга бир марталик семасини илова қилса, микдор валентлигини; ҳаракатни таъкидлаб келиш семасини илова қилса, тасодифийлик валентлигини; ҳаракатнинг давомийлиги семасини илова қилса, пайт валентлигини; ҳаракатга модаллик семасини илова қилса, ҳолат валентлигини юзага келтиради.

¹ Ҳожиёв А. П. Ўша асар. – 56-б.

Кўмакчилар валентлиги

Валентлик соф кўмакчилар семантикаси асосида ҳам юзага келади. Немис тилшунослигида олд кўмакчи (предлог) лар ҳақида фикр берилиб, у ҳақидаги қонуният бошқа томондан характерланган. Г.Хельбиг В.Флемингга ҳавола қилган ҳолда: "... валентлик ташувчи сўз предлогни бошқаради ва предлог ўз навбатида предлогли бирикмадаги от келишигини бошқаради" – дейди.¹ Биламизки, Ҳинд-Европа тилларидаги предлогларнинг грамматик вазифасини ўзбек тилида кўмакчилар ўтайди. Шунга кўра Г.Хельбиг предлогларга нисбатан айтган фикрини кўмакчиларга ҳам қўллаш мумкин. Масалан: *уйга қараб юрди* бирикувида *юр-* феъли *қараб* кўмакчисини бошқарган, яъни унинг валентлигида *қараб* кўмакчиси воқеланган. Ҳам феъл, ҳам кўмакчи бошқарувида *уй* оти жўналиш келишиги билан келган, яъни унинг валентлигида от жўналиш келишигида келган, яъни унинг валентлигида ўрин актанти сифатида намоён бўлган. Бу мисолнинг таҳлили Г.Хельбигнинг ҳам, В.Флемингнинг ҳам фикрини қувватлайди. Лекин бу синтактик валентлик нуқтаи назаридан қилинган таҳлилдир.

Кўмакчи лексик-семантик валентликка ҳам эга. Бунда у ўзини бошқарган сўзга семасини илова қилади ва унда ўз валентлигини юзага келтиради. Кўмакчи асосан феъл бошқарувида грамматик восита вазифасини ўтайди. Шунинг учун кўмакчи ўз семантикасини феъл семемасига бир сема сифатида илова қилади ва унга хос валентликни юзага келтиради. У нутқда воқеланади. Масалан, *уйга қараб юрди* бирикувида *қараб* кўмакчиси *юр-* феъли билан қўлланиб, унинг семемасига 'ўрин' семасини илова қилган ва унда ҳаракат қаратилган аниқ нуқтага ишора этувчи валентлик юзага келган. Шунга кўра у *уй* актантида воқеланган. Валентлик аниқ нуқтани талаб этгани учун, унинг воқелантирувчи актанти *тўпна-тўғри уйга* бўлиши ҳам мумкин. *Қараб* кўмакчисининг ўрнида *томон* кўмакчисини ҳам қўлласа бўлади. Шунда ҳам *томон* кўмакчиси йўналма ҳаракат феълининг семантикасида ўрин валентлигини юзага келтиради. Лекин унинг валентлиги талаб қилган ўрин аниқ бир нуқта бўлмай, мавҳумроқ ифодага эга. Шунинг учун унинг актанти *таҳминан уйга* деб олинади. Умуман, *қараб* ва *томон* кўмакчилари *юр-* феълига қўшилиб, ўрин валентлигини юзага келтиради. Шунга ўхшаш *ёқ*, *тараф* кўмакчилари ҳам *юр-*, *кет-*, *кел-*, *бор-*, *жўна-* каби йўналма ҳаракат феъллари билан қўлланса, унинг семантикасига 'ўрин' семасини илова қилади ва унинг валентлигини яратади.

Кўмакчи вазифасини ўтовчи ўрин билдирувчи отлар ҳам феъллар билан қўлланади ва улар олдидан берилади. Бунда улар феъл семемаси ўрин билдирувчи семасини алоқага чиқариб, ўрин валентлигини юзага келтиради.²

¹ Stepanova M. D., Helbig G. Wortarten und das Problem der Valenz in deutschen Gegenwartssprache. – S.225.

² Каримжонова В. А. Ўзбек тилида ўрин келишликли бирикмалар семантикаси. Филол. Фан номз. ...дисс. автореф. – Тошкент. 1994, 12-б.

Шу валентликка биноан феъл ўрин билдирувчи отни актант сифатида қабул қилади. Масалан: *...қўрғон беги...от устида чопарди* (А. Қодирӣ). Бу гапдаги *чоп-* феъли олдидан келган *устид* кўмакчи вазифасидаги от ўзидаги ‘ўрин’ семасини алоқа учун олиб чиқди ва ўрин валентлигини юзага келтирди. Ўрин актантлари от сўзида воқеланди. Кўмакчи вазифасида келувчи бошқа отлар ҳам кўмакчи вазифасидаги *устид* отининг хусусиятига эга. Улар ҳам феълларда ҳаракат ўрнини юзага чиқарувчи семани алоқага киритади.

Билан кўмакчиси ҳам феъл билан қўлланади ва унинг семантикасига ‘биргалик’ семасини илова қилади. Бу эса унда контрагент валентлиги юзага келиши учун сабаб бўлади. У шахс билдирувчи сўзда воқеланади. Масалан: *Бувим билан Санобар... қурт туттиди* (Қ. Ҳикмат). Бу гапда *тутти-* феъли билан кўмакчиси билан қўлланиб, ундаги биргалик нисбатига хос ‘биргалик’ семасини алоқага киритган ва унда контрагент валентлиги юзага чиққан. У шахс билдирувчи сўзда воқеланган. Шахс билдирувчи от *бувим* отидир. Айрим ҳолларда феъл биргалик нисбатида бўлмаслиги ҳам мумкин. Бунда унга ‘биргалик’ семасини *билан* кўмакчиси илова қилади. Масалан: *Сен билан бораман*. Бу гапда *бор-* феъли бош нисбатда қўлланган ва унга ‘биргалик’ семасини *билан* кўмакчиси берган, феъл контрагент валентлигини юзага келтирган. Контрагент валентлиги *сен* олмошида воқеланган. *Билан* кўмакчиси феъл семантикасига ‘восита’ семасини илова қилиши ҳам мумкин. Бунда феъл восита валентлигини юзага келтиради.¹ Шунга кўра у восита актантида воқеланади. Масалан: *Ойни этак билан ёпиб бўлмайди* (мақол). Бу гапдаги *ёп-* феъли билан кўмакчиси воситасида қўлланар экан, ўз семантикасида ‘восита’ семасини орттирди. Бу семани у *билан* кўмакчисидан олди. Шунга кўра восита валентлигини юзага чиқарди ва у *этак* сўзида воқеланди.

Учун кўмакчиси ҳам феъл билан қўлланиб, унинг семантикасига ‘аталганлик’ семасини илова қилади ва унда адресат валентлигини юзага келтиради. Масалан: *Хўжайиннинг қизи... учун тикади* (Ойбек). Бу гапда *учун* кўмакчиси *тик-* феъли билан қўлланиб, унинг семантикасига ‘аталганлик’ семасини илова қилди ва унда адресат валентлигини юзага келтирди. Валентлик шахс билдирувчи *қиз* отида воқеланди. *Учун* кўмакчиси яна феъл билан қўлланиб, унинг семантикасига сабаб семасини илова қилиши сабаб валентлигини юзага келтириши ҳам мумкин. У ҳодиса билдирувчи равишдошда воқеланади. Масалан: *у чарчагани учун ўтирди*. Бу гапдаги *учун* кўмакчиси *ўтир-* феъли билан қўлланиб, унинг семантикасига ‘сабаб’ семасини илова қилди ва сабаб валентлигини юзага келтирди. Унинг сабаб валентлиги *чарчагани* актантида воқеланди. Бу актант равишдошда ифодаланган.

¹ Мирзакаримова З. Д. Феъл бошқарувидаги билан кўмакчили бирикмалар семантикаси. Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2008, 10-б.

Демак, феъл билан қўлланган *томон, қараб, ёқ, тараф* ва кўмакчи вазифасидаги отлар унинг семантикасига ўрин; *билан* кўмакчиси контрагент, восита; *учун* кўмакчиси адресат, сабаб валентлигини ва ш. к ларни юклайди.

Кўмакчи вазифасини ўтовчи ўрин билдирувчи отлар ҳам феъллар билан қўлланади. Бунда у фаолият билдирувчи отлар билан бирикиб, ҳаракат тарзини билдирувчи сема орттиради ва шундай ифодали валентликни юзага келтиради. У шу валентлигига биноан актант қабул қилади. Масалан, *иш устида қатъий ўтирди*. Бу гапда *иш устида* сўзи билан *ўтир*- феъли бирикар экан, фаолият билдирган. Шу билан бирга у ҳаракат тарзини билдирувчи валентликни юзага келтирган. У шу валентлигига биноан *қатъий* сўзини актант сифатида қабул қилган. *Иш устида ўтирди* бирикуви маъносини *ишлаб ўтирди* бирикуви ҳам беради. Аммо унинг таркибида *қатъий* актанти учун ўрин бўлмайди. Чунки уни талаб этувчи валентликни *устид*а семантикаси юзага келтирган. *Иш устида қатъий ўтирди* бирикуви таркибидаги *қатъий* актанти тарз ҳоли вазифасини ўтаган.

Кўмакчи вазифасида келувчи бошқа отлар ҳам кўмакчи вазифасидаги *устид*а отининг хусусиятига эга. Улар ҳам феълларда ҳаракат тарзини берувчи семани юзага келтиради.

Демак, кўмакчилар феъл билан қўлланиб, уларда ҳолат валентлигини юзага келтиради.

Боғловчилар валентлиги

Боғловчилар ҳам ўзига хос валентликка эга. Бунда боғловчи ўзи қўшилган сўзга шундай валентлик илова қиладики, бунинг натижасида эшвалентнинг шакли белгиланади. Масалан: *уринди, лекин удаламади* бирикувига эътибор бериш мумкин. Бунда *уринди* феъли бўлишли шаклида бўлиб, инкор боғловчиси лекин сўзи билан қўлланган. Бу унинг семантикасига инкор семасини илова қилган ва натижада инкор ифодасини берувчи феълни талаб этадиган валентлик юзага келган. Валентлик бўлишсиз шаклидаги *уддаламади* феълида воқеланди.

Инкор боғловчиси ўз семаникаси билан гап кесимига сема илова қилади ва унда инкор ифодали валентлик юзага келади, у нутқда воқеланади. Масалан, *иложи бор, лекин хоҳиши йўқ*. Бу гапда тасдиқ маъноли гапнинг кесими вазифасидаги *бор* сўзида ифодаланган. Унинг семантикасига *лекин* боғловчиси инкор семасини илова қилиб, ҳолат валентлигини юзага келтирган. Бу валентлик *йўқ* актантида воқеланган. Яна бир мисол: *У келди, балки қолмас*, бу гапда ҳам *кел*- феъли кесими семантикасига *балки* боғловчиси инкор семасини илова қилиб, бўлишсизлик билдирувчи валентликни юзага келтирган ва у *қолмас* бўлишсизлик феълида намоён бўлган.

Немис тилшунослигида қайд этилишича, валентликни ҳамма боғловчиларда эмас, уларнинг айримларида, кўпроқ эргаштирувчи боғловчиларда кузатиш мумкин.¹ Масалан: *овқатни емадим, чунки ёқтирмадим* гапига эътибор бериш мумкин. Бу гапдаги *емадим* феълига *чунки* эргаштирувчи боғловчиси сабаб семасини илова қилган ва сабаб валентлиги юзага келган. Сабаб валентлиги эса *ёқтирмадим* феълида намоён бўлган. Яна *-ки* боғловчиси ҳам эргаштирувчи боғловчилардан биридир. У бирор шаклдаги феълга қўшилиб, ундан англашилган ҳаракатга ‘натижа’ семасини илова қилади ва шунга биноан унда натижа валентлиги юзага келади. Масалан, *гап таъсир қилдики, кўнди*. Бу гапдаги *таъсир қилди* феълига *-ки* боғловчиси қўшилиб, ундан англашилган ‘ҳолат’ семантикасига ‘оқибат’ семасини илова қилган ва унда оқибат валентлиги юзага келган. Шу валентлик *кўнди* феълида воқеланган.

Немис тилида боғловчиларнинг валентликка эга бўлиши чегараланган, дейилганига эътирозимиз йўқ. Бироқ ўзбек тилида ҳам шундай деб бўлмайди. Ўзбек тилидаги такрорлов ва бириктирув боғловчилари ҳам ўз валентликларига эга. Масалан, такрорлов боғловчиларига эътибор берайлик: *У гоҳ кулади, гоҳ йиғлайди* гапдаги *кулади* феъли *гоҳ* боғловчиси билан қўлланар экан, иккинчи бир ҳаракатни талаб қилувчи валентликни юзага келтирди. Шу валентлик талабига кўра *гоҳ йиғлайди* актанти воқеланган. Шунга ўхшаш яна *баъзан...баъзан, бир...бир, ҳам...ҳам* такрорланувчи боғловчилар ҳам бор. Улар ҳам *гоҳ...гоҳ* такрорланувчи боғловчи хусусиятига эга.

Бириктирув боғловчиси ўзи қўшилиб келган сўзга санаш оҳангида маъноси ўзига яқин сўз келишини талаб қилувчи семани илова қилади ва шунга асосланган валентлик юзага келади. Масалан, *у билан учрашди ва кўришди*. Бу гапдаги *учрашди* феъли ва бириктирув боғловчиси билан қўлланар экан, ундан англашилган семантика билан изма-из келувчи семантикани талаб этадиган семани унга илова қилган ва шу асосда валентлик юзага келган. Бу валентлик *кўришди* феълида воқеланган. Шуни ҳам айтиш керакки, *ва* боғловчиси билан валентликни юзага келтирувчи феъл ўз актантига ҳамма вақт замон ва шахс –сон жиҳатидан бир хил келади.

Демак, валентлик боғловчиларнинг ҳаммасига ҳам хос. Унинг қандай валентлик бўлиши боғловчи билан қўлланган сўз семантикасига боғлиқ.

Юкламалар валентлиги

Юкламаларда ҳам валентлик кузатилади. Лекин уни ҳамма юкламаларда ҳам бор деб бўлмайди. У айрим юкламаларгагина хос. Юклама валентликлари икки типда учрайди.

1. Таъкидловчи юкламалар таъкидлаш валентлигига эга бўлиб, унинг актанти таъкидланма сўзда воқеланади. Масалан: *Ҳақиқатан қора йиғит кечқурун ҳам келди* (Ў.Умарбеков). Бу гапда *ҳам* юкламасининг таъкид

¹ Heidopf K.E., Flamig W., Motsch W. Grundzüge einer deutschen Grammatik. -Berlin, 1977.

валенти актанти ҳақиқатан равишида ифода топган, воқеланган. Яъни у таъкид юкламасига эга бўлгани ҳолда, тарз холи вазифасини ўтаган.

2. Айирув юкламалари кучайтирув валентлигига эга бўлади. Шунга кўра у иккинчи бир айирув юкламасида воқеланади. Бунда валентлик ташувчи юклама аффиксал бўлиб, валентлиги воқеланган сўз юклама ҳолида олинади. Бу ўринда юклама такрор берилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам синонимик такрорланиш одатда маъно кучайтириш учун хизмат қилади.

Масалан: *Фақат сизгина келмадингиз* гапида *-гина* аффиксал юкламаси гарчи агенс вазифасидаги *сиз* олмошига қўшилиб келган бўлса ҳам, *кел-феъли* семантикасига айирув семасини илова қилган ва у шу феълда валентликни юзага келтирган. Валентлик *фақат* юкламасида воқеланар экан, айирув семантикасини такрорлагани сабабли уни кучайтириш вазифасини ўтаган, яъни кучайтирув валентлигининг актанти сифатида юзага чиққан. Юкламалардаги бундай валентлик бошқа юкламаларда ҳам кузатилиб, у факультативдир.

Демак, валентлик юкламаларнинг айримларига хос бўлиб, улар таъкидлов ва кучайтирув валентликларидир.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, фақат боғловчилар валентлиги облигатор бўлиб, қолган ёрдамчи сўзлардаги валентликлар деярли факультатив ҳолда кузатилади.

Хуллас, ёрдамчи сўзлар ҳам ўзида валентлик ташийди. Уларнинг ҳам айримлари полисемантик бўлиб, ҳар бир семаси бўйича алоҳида, лекин битта валентликка эга бўлади. Улар ҳамма вақт етакчи сўз билан қўлланиб, унинг семантикасига ўз семасини илова қилган ҳолда, валентлигини юзага чиқаради. Кўмакчи феъллар, кўмакчилар, боғловчиларнинг ҳаммасида ҳам ва юкламаларнинг айримларида валентлик бор. У кўмакчи феълларда даража, ҳолат ва пайт валентлиги сифатида воқеланади. Кўмакчиларнинг ҳаммасида валентлик бор. У ўрин, контрагент, восита, адресат, сабаб ва ҳ. валентлик сифатида намоён бўлади. Валентлик боғловчининг маъносига қараб маълум типларда бўлса, юкламаларда таъкидлаш ва кучайтириш валентлиги сифатида воқеланади. Улар фақат шакл семантикаси валентлиги бўлиб, боғловчиларда облигатор, бошқа ёрдамчи сўзларда деярли факультатив ҳолда кузатилади.

ХУЛОСА

Валентлик сўзнинг лексик маъносига таянган ҳолда мавжуддир. Аниқроғи, сўз лексик маъноси қандай ёки қанақа мантиқий семага эга бўлса, шу семасига мутаносиб ҳолда валентликка эга бўлади. Шу сўзнинг лексик маъносига таянган валентликлари қаторига шакли семантикасига таянган валентликлар ҳам киради. Валентлик автосемантик (муस्ताқил маъноли) ва ҳатто синсемантик (ёрдамчи маъноли) сўзларда ҳам кузатилади. Нутқий маъноли сўзлар ўз валентлиги билан ҳосил бўлади. У ўзи оид бўлган нутқда ҳосил қилиниб, шу нутқнинг ўзида валентликларини намоён этади. Улардан қайси бири мантиқий предикат ҳолатида гапда кесим вазифасини ўтаса, у гап қолипни белгилайди. Шуларни эътиборда тутиб, ҳар туркумдаги сўз валентлиги ўрганилади.

1. Сўз валентликлари намоён бўлган актанти билан қандай семантик алоқада эканлигига қараб тўрт кўринишга бўлинади: 1) лексик-семантик валентлик; 2) воситали семантик валентлик; 3) мантиқий-семантик валентлик; 4) шакл семантикаси валентлиги. Лексик-семантик валентлик сўзнинг маълум лексик маъноси узвиға кўра, воситали семантик валентлик ўзи бевосита бошқараётган сўз билан ўрин ёки объект валентлиги актанти орқали, мантиқий-семантик валентлик сўзнинг маълум лексик маъноси денотати мантиқига кўра, шакл семантикаси валентлиги сўзнинг бирор морфологик шакли семантикасига кўра намоён бўлган валентликлардир. Эмотив валентлик соф нутқий валентлик ҳисобланади.

2. Сўз валентликларидан феълнинг объект, мазмун, ўрин, қурол, восита валентликлари; сифатнинг агенс, объект, ўрин, адресат, сабаб, восита, ҳолат валентликлари; отнинг объект, адресат валентликлари; равишнинг ҳаракат номи, фаолият валентликлари лексик-семантик валентликлардир.

3. Сўз валентликларидан феълнинг мақсад, миқдор, қисман сабаб валентлиги воситали семантик валентлик ҳисобланади. Сўзнинг мақсад ва сабаб валентлиги актанти билан ўрин валентлиги актанти воситасида; миқдор валентлиги актанти билан объект валентлиги актанти воситасида семантик боғланади.

4. Сўз валентликларидан феълнинг пайт, контрагент, пациенс валентлиги; сифатнинг пайт валентлиги; отнинг пайт валентлиги шакл семантикаси валентлигидир. Феълнинг агенс, адресат, ҳолат валентликлари; сифатнинг агенс валентлиги; отнинг агенс валентлиги ўрини билан лексик-семантик валентлик, ўрни билан шакл семантикаси валентлиги ҳисобланади.

5. Сўз валентликларидан отнинг ўрин ва белги валентликлари мантиқий-семантик валентлик деб қаралади. Бунда ҳамма нарса маконда мавжудлик қонунияти ва нарса белгисиз бўлмаслик қонунияти аҳамият касб этади.

6. Ёрдамчи сўз валентликлари фақат сўз шакли семантикаси валентлиги мансубдир. Чунки ёрдамчи сўзлар коммуникацияда сўз шакли вазифасини ўтайди.

7. Феълларда асосан лексик-семантик валентликлар, сифатларда агенс, объект, ўрин валентликлари, равишларда лексик-семантик валентликлар облигатор бўлиб, қолган валентликлар факультативдир.

8. Ўзбек тилшунослиги олдидаги долзарб вазифа - от, сифат, равиш, сон каби сўз туркумлари семантик гуруҳларининг ҳар бирида турли валентликларни воқеланиш хусусиятларини ўрганишдир. Умид қиламизки, мазкур монография бу борадаги изланишлар учун муайян йўналиш, асос вазифасини ўтайди.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши.....	4
Кириш.....	5
Валентлик назариясининг ўрганилиши.....	5
Ўзбек тилида валентлик кўринишлари.....	26
Феълнинг семантик валентликлари.....	33
1. Феъл - валентликнинг энг фаол ташувчиси.....	33
2. Феълнинг лексик-семантик валентликлари.....	35
3. Феълнинг воситали семантик валентликлари.....	54
4. Феълнинг шакл семантикаси валентликлари.....	62
5. Феълнинг нутқий семантик валентлиги.....	69
Сифатнинг семантик валентликлари.....	78
1. Сифат валентлиги ҳақида.....	78
2. Сифатнинг лексик-семантик валентликлари.....	82
3. Сифатнинг шакл семантикаси валентликлари.....	104
Отнинг семантик валентликлари.....	108
1. Отнинг лексик-семантик валентлиги.....	109
2. Отнинг мантиқий-семантик валентлиги.....	120
3. Отнинг шакл семантикаси валентлиги.....	125
Соннинг семантик валентликлари	129
Олмошнинг семантик валентликлари.....	131
1. Олмошнинг лексик-семантик валентликлари.....	131
2. Олмошларнинг мантиқий-семантик валентликлари.....	135
3. Олмошларнинг шакл-семантикаси валентлиги.....	136
Равишнинг семантик валентликлари.....	139
1. Равишнинг лексик-семантик валентликлари.....	139
2. Равишнинг мантиқий-семантик валентликлари.....	143
Ёрдамчи сўзларнинг семантик валентлиги.....	149
Хулоса.....	160

Муаллифлар ҳақида маълумот

Миразиз Миртожиев – ЎзМУ фахрий профессори,
филология фанлари доктори, профессор

Саодат Муҳамедова – ТДПУ “Умумий тилшунослик”
кафедраси мудири, филология фанлари доктори